

М. ТОЖИЕВ  
И. НЕЬМАТОВ  
М. ИЛҲОМОВ

---

# ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВА ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА  
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**М. Тожиев, И. Нематов, М. Илҳомов**

**ФАВҚУЛОДДА  
ВАЗИЯТЛАР ВА ФУҚАРО  
МУҲОФАЗАСИ**

*Ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини  
қайта кўриб чиқиш ва янгиларини яратиш  
бўйича Республика мувофиқлаштириш  
комиссияси тавсия этган*

**Тошкент – 2002**

Ушбу құлланма олий ва ўрта-максус таълим мұассасаларыда «Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро мұхофазаси» номи билан ўқити-лаётган фан дастури асосида яратылған бўлиб, унда замонавий қирғин қуроллари, уларнинг заарали оқибатлари, фуқароларни ҳимоялаш воситалари ҳақидаги маълумотлардан ташқари, фавқу-лодда вазиятларда фуқароларни, ҳалқ хўжалик тармоқларини, моддий ресурсларни, атроф-муҳитни заарланишдан сақлаш, ши-кастланган ҳудудларда қутқариш ва тиклаш ишларини амалга ошириш масалалари мужассамланған.

Китоб олий ва ўрта максус таълим мұассасалари талабалари учун ўқув құлланма сифатида тавсия этилған. Құлланма айни вақтда кенг жамоатчилик учун ҳам фойдадан ҳоли бўлмай, аҳоли ва ҳудудларни турли фавқулодда вазиятлардан мұхофаза қилишдек ҳайрли ишда уларнинг ҳукуқий, сиёсий, экологик хавфсизлик маданияти юксак бўлишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

*Масъул мұхаррир: Т.Й. Тошхўжаев*

*Тақризчилар: А.Қ. Нурхўжаев — Ёзбекистон Республикаси фуқаро мұхофазаси институти бошлиғи мувовини, Х.Э. Гаю-пов — Тошкент давлат аграр университети «Меҳнат мұхофазаси» кафедраси мудири, доцент*

17/29 82 (30)

© М.Ч. «Таълим майдан» жамияті, 2002 й.

## КИРИШ

Инсоният XXI асрга қадам қўяр экан, ўтган давр мобайнидаги совуқ урушлар, тинчлик даврларида қўлланилган замонавий куроллар, турли кўринишдаги фалокатлар ва бошқа муаммоларни таҳлил қиласи ва янги аср бўсағасида бажариладиган тадбирларни ҳар томонлама асослаган ҳолда белгилаб олади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, XX аср поёнида хавфсиз ҳаётни таъминлаш масалалари энг долзарб муаммога айланиб қолди, чунки ишлаб чиқариш жараёнининг мисли кўрилмаган юксак тараққий этган технологиялар билан таъминланиши, табиий ривожланишдаги айрим нохуш вазиятларнинг мураккаблашуви аҳоли саломатлиги, атроф-муҳит тозалиги ва иқтисоднинг барқарор ривожланишига таҳдид солиб турибди. Щу сабабдан ҳам Ўзбекистонда ўз мустақиллигига эришган дастлабки йилларданоқ энг муҳим вазифалар қаторидан мамлакат аҳолиси ва худудини турли хил фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, экологик хавфсизликни таъминлаш масалалари ўрин олди. Республикализ Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида таъкидлаганидек: «Экологик хавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган». Ватанимизнинг яхлитлиги, аҳоли хавфсизлиги таҳдиди тўғрисида Президентимиз «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда» асарида ҳам батафсил тўхтаб ўтганлар.

Аввалги икки қарама-қарши сиёсий қарашларнинг бир-бира га фаол қаршилиги вақтларида бутун аҳоли қатлами фақат замонавий қирғин қуроллари ва ҳужумкор воситалардан ҳимояланиш руҳида тарбияланган бўлса, ҳозирги даврдаги фуқаролар муҳофазаси — янги ижтимоий, иқтисодий зарурат асосида ташкил топган. Яъни мустақил Ўзбекистонни ва фуқароларини турли кўринишдаги фалокатлардан ва ҳалокатлардан сақлаш руҳида тарбиялашга йўналтирилган.

Шу нуқтаи назардан халқимизни душман томонидан бўладиган ҳам ички, ҳам ташқи таъсиirlардан сақлаш, ҳозирги куннинг энг долзарб вазифларидан бири ҳисобланса, иккинчи томондан

бизнинг ўлкамиз табиий оғатлар (ер силкиниши, ер сурилиши, сел, сув тошқини, кучли шамол ва бошқалар), бўлишига мойил ўлка бўлганлигидан ҳамда техноген авариялар, катастрофалар ва экологик мувозанатнинг бузилиши натижасида унинг оқибатларидан фуқароларни, ҳалқ ҳўжалиги тармоқларини, моддий ресурсларни, техникаларни ва табиатни асраш, зарар кўрган ҳудудларда қутқариш ва кечикириб бўлмайдиган тиклаш ишларини олиб бориш ҳам жуда муҳим масалалардан ҳисобланади.

Албатта, юқоридаги муаммоларни ҳал қилишда Ўзбекистон минтақаси учун тавсифли бўлган табиий оғатларни, ишлаб чиқариш аварияларини ва юзага қеладиган экологик вазиятларни чуқур таҳлил қилиш натижасидагина (ҳар бир вазиятнинг келиб чиқиш сабабини, кучини, таъсир доирасини, одамларга, атроф-муҳитга кўрсатадиган оқибатларини ўрганиш) уларга қарши энг қулай чора-тадбирлар белгиланадики, натижада ҳар қандай фавқулодда вазиятлардаги ҳам моддий, ҳам маънавий йўқотишлар миқёсини шунчалик қисқартиришга эришиш мумкин.

Ушбу қўлланмада ҳар бир бобнинг мазмунини тўлиқ ёритишида ҳам назарий, ҳам амалий маълумотлар, мавзуларни мустаҳкамлаш учун таянч сўз ва иборалар ҳамда саволлар келтирилган. Материалларни кўргазмали воситалар ёрдамида баён қилиниши, ўқув қўлланманинг қизиқарли ва аҳамиятли бўлишидан ташқари, талабаларни мустақил таълим бўйича маълум вазифаларни бажаришига ҳам ёрдам беради.

Олий ўқув юртларида талабаларни фуқаролар муҳофазасига ўқитишдан асосий мақсад бўлажак мутахассисларни фавқулодда вазиятларда фуқаро муҳофазаси чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалда қўллашга ҳамда ҳарбийлашмаган тизим бошликлари лавозимида иш тутишга ўргатишдан иборат.

Мазкур ўқув қўлланма бу масалаларнинг ҳаммасига жавоб берадиган етарли маълумотлар келтирилган ҳолда ёзилган. Шу жиҳатдан у айни вақтда, аҳоли ва ҳудудларни турли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишдек ҳайрли ишда кенг жамоатчиликнинг ҳам «хуқуқий, сиёсий, экологик ҳавфсизлик маданияти» юксак бўлишига хизмат қиласи.

## I БОБ

# ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДА ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ

Фуқаро муҳофазаси ҳақида умумий тушунча ✓

Бизга маълумки, ҳар бир мустақил давлат ўзининг мудофаа қудратига эга. Мудофаа сиёсатини қай тарзда амалга ошириш имкониятлари ўша давлатнинг қудратини белгилайди. Чунки ҳар бир давлат моддий бойликларини, техникаларини, ҳарбий аҳамиятга молик бўлган иншоотларини, ҳалқини ҳимоя қилишда, сақлашда янги турдаги омилларни яратади ва ишлаб чиқади. Шу тариса давлатларда янги-янги қуроллар яратиладики, булар нафакат инсониятга, балки бутун жонли табиатга, атроф мұхитга жуда катта зиён етказади. 1990 йилгача биз дунёни икки тизимга (капиталистик ва социалистик) бўлиб келган эдик ва ҳар иккаласида ҳам умумий қирғин қуроллари яратилғанлигини яхши биламиз. Бундай қуролларни баъзи бирлари айрим давлатлар томонидан синаб кўрилди ҳам ва ҳозирги кунгача уларнинг асоратлари тўғрисида эшлишиб келяпмиз. Масалан, 1945 йилда Япониянинг Нагасаки ва Херосима шаҳарларига АҚШнинг ядро қуроли ташланди. Кейинчалик Кореяга, Ветнамга турли хилдаги напалмлар (дирилдоқ ҳолидаги ёндирувчи модда), осколкали (парчали), ёндирувчан бомбалар ташланди.

Юқоридаги қуроллар ер юзида мавжуд экан, албатта, ҳар бир давлат бундай қуроллардан сақланиш воситаларини излайди, омилларини ишлаб чиқади. Шунинг учун ҳар бир давлат мудофаа қудратининг асосини фуқаролар муҳофазаси ташкил этади.

Фуқаролар муҳофазаси — умумдавлат мудофаа сиёсатларидан бири бўлиб, у ҳар қандай фавқулодда ҳолатларда фуқароларни, ҳалқ хўжалиги тармоқларини муҳофаза қилишда, уларнинг муттасил ишлашини таъминлашда ҳамда қутқариш ва тиклаш ишларини бажаришда катта аҳамият касб этади. Албатта, фуқаролар мудофааси олдига қўйилган юқоридаги ишлар 1945 йилдан то

1990 йилларгача давом этиб келди, лекин шу даврғача юқоридағи ишларни бажариш учун әхтиёжлар бўлмади. Афсуски бу даврларда (тинчлик даврларида) табиий оғатлар, ишлаб чиқариш авариялари, турли хил ҳалокатлар юз бердикі, ҳалқимиз, ҳалқ хўжалигимиз бундан жиддий заарарланди. Бундай ҳолатларда биз бир-бirimizga ёрдам беришга тайёр эмас эдик. Мустақиллик давридагина фавқулодда ҳолатларда фуқаролар муҳофазаси томонидан етарли ижобий ишлар қилина бошланди.

Жумладан, мустақиллигимизнинг дастлабки даврларида фуқароларни ва ҳудудларни табиий оғатлардан, турли хилдаги авариялардан муҳофаза қилиш, фуқароларнинг мўътидил ҳаёт фаолиятини таъминлаш борасидаги вазифаларни ҳал этиш учун Ўзбекистон ҳукумати томонидан 1991 йилда фуқаро мудофааси тизими фуқаро муҳофазаси тизимига айлантирилди. Янгидан ташкил этилган ушбу тизим Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирлиги таркибига кирувчи фуқаро мудофааси ва фавқулодда вазиятлар бошқармаси сифатида тинчлик даврлардаги табиий оғатлар, ишлаб чиқариш фалокатлари ва ҳалокатларнинг олдини олиш ва уларнинг, оқибатларини тутатиш вазифаларини бажаради. Мамлакат фуқаролар муҳофазасини ривожлантиришнинг асосий концепцияси Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 1994 йил 9 апрелда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Республика Кенгашида сўзлаган нутқида баён этилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 4 мартағи фармонига биноан аҳолини ва ҳалқ хўжалиги иншоотларини табиий оғатлардан муҳофаза қилишининг самарали тизимини ташкил этиш, Республикада табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг фуқаро мудофааси ва фавқулодда вазиятлар бошқармаси негизида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги (ФВВ) ташкил қилинди.

ФВВнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналиши асосан: фавқулодда вазиятларни бартараф этиш, фуқаролар ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилиш, фавқулодда вазиятлар юз берганда уларнинг оқибатларини тутатиш ҳамда зарарини камайтириш соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай ҳоллардаги ҳаракатларни бошқаришнинг давлат тизими (ФВДТ)ни ташкил этиш ва унинг фаолиятини таъминлаш, фуқаро муҳофазасига раҳбарлик қилиш, вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат органлари

фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, мақсадли дастурларни ишлаб чиқиши ва ҳоказоларга қаратилган.

ФВВ нинг муваффақиятли иш олиб боришида мамлакатимизда яратилган кучли ҳуқуқий базанинг аҳамияти катта. Жумладан, фавқулодда вазиятлар масаласида Ўзбекистон Республикасининг «Аҳоли ва худудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида» (1999 й.), («Фуқаро муҳофазаси тўғрисида »ги (2000 й.) Қонунлар, Республика Президентининг иккита Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 30 дан ортиқ қарор ва фармойишларини айтиш мумкин. Қабул қилинган меъерий ҳужжатларда Россия, АҚШ, Германия, Франция, Украина ва бошқа етакчи давлатларнинг фуқаро муҳофазаси тизимини шакллантириш борасидаги тажрибалари инобатга олинган.

Ўзбекистон фуқароларини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза этишнинг қонун билан белгиланган асосий тамойиллари: инсонпарварлик, инсон ҳаёти ва соғлигининг устиворлиги, ахборотнинг ўз вақтида берилиши ва ишончлилиги, фавқулодда вазиятларда муҳофаза қилиш чораларининг кўрилишидир,

Республика ФВДТ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 11 декабрдаги фармонига асосан бош вазир томонидан бошқарилади. Ҳозирги кунда ФВДТнинг Республика, маҳаллий ва обьект босқичидан иборат 14 та худудий ва 40 дан ортиқ функционал куйи тизимдан иборат бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларда ҳаракат қилиш давлат тизими ўз фаолиятини кўрсатмоқда. Бу тизим ягона концепцияни белгилаш, башоратлаш, таҳлилий ишлар, турли дастурлар яратиш ва уларни амалга ошириш, фуқаро муҳофазаси куч ва воситаларининг доимий тайёргарлигини таъминлаш, фалокатлар, ҳалокатлар, табиий оғатларни бартараф қилиш ҳамда халқаро ҳамкорлик борасида олиб борилаётган ишлар ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Бу тизимни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашда ҳукуматимиз томонидан фуқароларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлашни ташкил этиш, ФВларни таснифлаш, авария-күтқарув тизимларини кенгайтириш, вазифаларини такомиллаштириш ва уларни замонавий жиҳозлар билан таъминлаш, сув ости хизматини яратиш каби тадбирлар борасида катта ёрдам кўрсатмоқда.

Ҳозирги кунга келиб ФВДТ таркибида «Нажоткор »Республика қидирув-күтқарув маркази, «Ҳалоскор» маҳсус ҳарбийлашти-

рилган қидируг-күтқарув қисми ; «Күтқарувчи», «Қамчиқ», «Олмазор» қисмлари ташкил этилиб, улар томонидан 8,5 минг маротаба турли фавқулодда вазиятларда ахолига ёрдам берилди. Жумладан, Тожикистон Республикаси Қайроқум бекатидаги темир йўл фалокати, Шоҳимардондаги 1998 йилда содир бўлган сел офати, 1999 йилда Туркияда бўлган Измир зилзиласи, 1999 йилда Қамчиқ довонидаги қор кўчиши, 2001 йилда юз берган Тошкент вилояти Қодиря бекатидаги темир йўл ҳалокати ва бошқаларни мисол тариқасида келтириш мумкин. Бу йўналишдаги ишлар савиясини янада ошириш мақсадида Республиkaning кўпгини шаҳарларида, жумладан: Тошкент, Самарқанд, Андижон, Жиззах, Чирчик, Ангрен ва бошқа жойларда маҳсус «Күтқарув хизмати» тизимлари тузилган ва уларнинг олдига ҳар қандай экстремал вазиятларда ахолининг ҳаётига, саломатлигига хавф соловчи ҳолатларда ёрдам бериш юклатилган. Күтқарув хизмати тизимларининг ўз телефон раҳамлари мавжуд (масалан, Тошкент шаҳрида 050; Самарқанд шаҳрида 911 ва ҳоказо), улар туну-кун ўз вазифаларини бажарадилар.

Шундай қилиб, фуқаролар муҳофазаси ҳар қандай фавқулодда вазиятларда фуқароларни, моддий ресурсларни муҳофаза қилиш, фуқароларни қандай хатти-ҳаракат этиши, уларга қандай чоратадбирлар билан ёрдам берилиши, шикастланган зоналарда күтқарув ва тиклов ишларини олиб бориш, ишлаб чиқариш тармоқларини муттасил ишлашини таъминлаш вазифаларини бажаради. Зеро, ер юзида умумий қирғин қуроллари, ҳужумкор қуролларнинг замонавий турлари мавжуд экан, шу билан бирга табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларни бўлишилиги муқаррар бўлганлигидан ҳар бир давлатда ва унинг барча ҳудудларида фуқаролар муҳофазаси давлат тизими ташкил этилади ва унинг вазифалари аниқ белгиланади.

### **Фавқулодда вазиятлар, унинг сабабчи омиллари ва хусусиятлари**

**Фавқулодда вазият (ФВ) —** маълум ҳудудда юз берган фалокат, ҳалокат ва бошқа турдаги офатлар натижасида кишиларнинг ўлимига, саломатлигига, теварак атрофдаги табиий муҳитга сезиларли моддий зарар етказувчи, одамларнинг турмуш шароитини бузилишига олиб келадиган ҳолатдир.

Фавқулодда вазиятлар хавфнинг тарқалиш тезлигига кўра, куйидаги гуруҳларга бўлинади:

а) тасодифий ФВ — ер силкиниши, портлаш, транспорт во-  
ситалардаги авариялар ва бошқалар;

б) шиддатли ФВ — ёнғинлар, заҳарли газлар отилиб чикувчи  
портлашлар ва бошқалар;

в) мўътадил (ўртача) ФВ — сув тошқинлари, вулқонларнинг  
отилиб чиқиши, радиоактив моддалар оқиб чикувчи авариялар  
ва бошқалар;

г) равон ФВ — секин-аста тарқалувчи хавфлар: куртоқчилик,  
эпидемияларнинг тарқалиши, тупроқнинг ифлосланиши, сувни  
кимёвий моддалар билан ифлосланиши ва бошқалар.

Фавқулодда вазиятлар яна тарқалиш миқёсига (шикастлан-  
ганлар сонига ҳамда моддий йўқотишлар миқдорига қараб) кўра  
4 гурухга бўлинади:

1 Локал (объект миқёсидаги) ФВ;

2 Маҳаллий ФВ;

3 Республика (миллий) ФВ;

4 Трансчегаравий (глобал).

**Локал фавқулодда вазият** — бирор объектга тааллуқли бўлиб,  
унинг миқёси ўша объект ҳудуди билан чегараланади. Бундай вазият  
натижасида 10 дан ортиқ бўлмаган одам жабрланган ёки 100  
дан ортиқ бўлмаган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузил-  
ган ёхуд моддий зарар фавқулодда вазият пайдо бўлган кунда энг  
кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 1 минг бараваридан ортиқ бўлма-  
ган миқдорни ташкил этган ҳисобланади. Бундай ФВ оқибатлари  
шу объект кучи ва ресурслари билан тугатилади.

**Маҳаллий тавсифдаги фавқулодда вазият** — аҳоли яшайдиган  
ҳудуд (аҳоли пункти, шаҳар, туман, вилоят) билан чегараланади.  
Бундай вазият натижасида 10 дан ортиқ, бироқ 500 дан кам бўлма-  
ган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бўзилган ёхуд моддий за-  
рар фавқулодда вазият пайдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи  
миқдорининг 1 минг бараваридан ортиқни, бироқ 0,5 миллион ба-  
раваридан кўп бўлмаган миқдорни ташкил этган ҳисобланади.

**Республика (миллий) тавсифдаги фавқулодда вазият** дейил-  
ганде — фавқулодда вазият натижасида 500 дан ортиқ одамнинг  
ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар ФВ пайдо  
бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 0,5 миллион  
бараваридан ортигини ташкил этадиган, ҳамда ФВ минтақаси вило-  
ят чегарасидан ташқарига чиқадиган, республика миқёсида тар-  
қалиши мумкин бўлган ФВ тушунилади.

**Трансчегаравий (глобал) тавсифдаги фавқулодда вазият** дей-  
илганде эса, оқибатлари мамлақат ташқарисига чиқадиган ёхул

**ФВ** чет элда юз берган ва Ўзбекистон ҳудудига даҳлдор ҳолат тушунилади.

Бундай фалоқат оқибатлари ҳар бир мамлакатнинг ички кучлари ва маблағи билан ҳамда ҳалқаро ҳамжамият ташкилотлари маблағлари ҳисобига тутатилади. Масалан, Орол муаммоси нафасат Ўзбекистон давлати учун, балки унга чегарадош бўлган Туркманистон, Қозогистон ва бошқа давлатлар учун ҳам фалокат келтирувчи вазиятдир. Шунинг учун охирги вақтда Орол муаммосини ҳал қилишга Ўзбекистон давлатиниг куч ва маблағидан ташқари бутун жаҳон ҳамжамияти ташкилотлари (Экосан, Юнеп ва бошқ.) маблағлари, кучларидан фойдаланилмоқда.

Фавқулодда вазиятлар тавсифига кўра (сабаби ва келиб чиқиш манбаига кўра):

- 1 Табиий тусдаги ФВ;
- 2 Техноген тусдаги ФВ;
- 3 Экологик тусдаги ФВларга бўлинади.

**Табиий тусдаги фавқулодда вазиятларга** 3 хил турдаги хавфли ҳодисалар киради:

**1) геологик хавфли ҳодисалар:** зилзилалар, ер кўчишлари, тоғ ўпирлишлари ва бошқа хавфли геологик ҳодисалар;

**2) гидрометеорологик хавфли ҳодисалар:** сув тошқинлари, селлар, қор кўчкилари, кучли шамоллар (довуллар), жала ва бошқа хавфли гидрометерологик ҳодисалар;

**3) Фавқулодда эпидемиологик, эпизоотик ва эпифитотик вазиятлар:** алоҳида хавфли инфекциялар (ўлат, вабо, сарғайма, иситма), юқумли касалликлар, риккетсиялар-эпидемик тошмали терлама, Брил касаллиги, зооноз инфекциялар — Сибир яраси, кутуриш, вирусли инфекциялар — СПИД;

Эпидемия — одамларнинг гуруҳ бўлиб юқумли касалланиши, уларнинг заҳарланиши (заҳарли модда билан ҳамда озиқ-овқатдан оммавий заҳарланиш); эпизоотия — ҳайвонларнинг оммавий касалланиши ёки нобуд бўлиши; Эпифитотия эса ўсимликларнинг оммавий нобуд бўлишидир.

**Техноген тусдаги фавқулодда вазиятларга** 7 хил турдаги вазиятлар киради:

**1) Транспортлардаги авариялар ва ҳалокатлар** — экипаж аъзолари ва йўловчиларнинг ўлимига, ҳаво кемаларининг тўлиқ парчаланишига ёки қаттиқ шикастланишига ҳамда қидирув ва авария-қилирув ишларини талаб қиласидиган авиа ҳалокатлар;

Ёнгинга, портлашга, ҳаракатланувчи таркибининг бузилишига сабаб бўлган ва темир йўл ҳодимларининг ҳалокат ҳудудидаги темир йўл платформаларида, вокзал биноларида ва шаҳар иморатларида бўлган одамлар ўлимига, шунингдек, ташилаётган кучли

таъсир кўрсатувчи заҳарли модда (КТЗМ)лар билан ҳалокат жойига туташ ҳудуднинг заҳарланишига олиб келган темир йўл транспортидаги ҳалокат ва фалокатлар;

Портлашларга, ёнгинларга, транспорт воситаларининг парчаланишига, ташилаётган КТЗМларнинг зарарли хоссалари намоён бўлишига ва одамлар ўлими (жароҳатланиши, заҳарланиши)га сабаб бўладиган автомобил транспортининг ҳалокати ва авариялари, шу жумладан, йўл-транспорт ҳодисалари;

Одамларнинг ўлимига, шикастланишига ва заҳарланишига, метрополитен поездлари парчаланишига олиб келадиган метрополитен бекатларидағи ва тунелларидағи ҳалокатлар, авариялар, ёнгинлар;

Газ, нефт маҳсулотларининг отилиб чиқишига, очиқ нефт ва газ фаввораларининг ёниб кетишига сабаб бўладиган магистрал кувурлардаги авариялар.

## *2) Кимёвий хавфли объектлардаги авариялар:*

Теварак-атроф табиий муҳитга таъсир қилувчи заҳарли моддаларнинг (авария ҳолатида) одамлар, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг кўплаб шикастланишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган тақдирда, йўл қўйиладиган чегаравий концентрациялардан анча ортиқ миқдорда санитария— ҳимоя ҳудудидан четга чиқишига сабаб бўладиган кимёвий хавфли объектлардаги авариялар, ёнгин ва портлашлар.

## *3) Ёнгин-портлаш хавфи мавжуд бўлган объектлардаги авариялар:*

Технологик жараёнда портгайдиган, осон ёниб кетадиган ҳамда бошка ёнгин учун хавфли моддалар ва материаллар ишлатиладиган ёки сақланадиган объектлардаги одамларнинг механик ва термик шикастланишларига, заҳарланишларига ва ўлимига, асосий ишлаб чиқариш захираларининг нобуд бўлишига, фавқулодда вазиятлар ҳудудларида ишлаб чиқариш маромининг ва одамлар ҳаёт-фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ёнгинлар ва портлашлар;

Одамларнинг шикастланишига, заҳарланишига ва ўлимига олиб келадиган ҳамда қидиув-күтқариш ишларини ўтқазишни, нафас олиш органларини муҳофаза қилишнинг маҳсус анжомларини ва воситаларини қўллашни талаб қилувчи кўмир шахтадидаги ҳамда кон-руда саноатидаги газ ва чанг портлаши билан боғлиқ авариялар, ёнгинлар ва жинсларнинг қўпорилиши.

## *4) Энергетика ва коммунал тизимлардаги авариялар:*

Саноат ва қишлоқ хўялиги маҳсулотлари истеъмолчиларининг авария туфайли энергия таъминотисиз қолишига ҳамда аҳоли

ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ГЭС, ГРЭС, ИЭС-лардаги, туман иссиқлик марказларидағи электр тармоқларидағи буф-қозон курилмаларидағи, копрессор, газ тақсимлаш шаҳобчаларидағи ва бошқа энергия таъминоти объектларидағи авариялар, ёнгинлар, ахоли ҳаёт-фаолиятининг бузилишига ва саломатлигига хавф туғилишига олиб келадиган газ қувурларидағи, сув чиқариш иншоотларидағи, сув қувурларидағи, канализация ва бошқа коммунал объектлардағи авариялар;

Атмосфера, тупроқ, ер ости ва ер усти сувларининг одамлар саломатлигига хавф туғдирувчи даражада концентрациядаги зарарлы моддалар билан ифлосланишига сабаб бўладиган газ тозалаш курилмаларидағи, биологик ва бошқа тозалаш иншоотларидаги авариялар.

**5) Бино ва иншоотларнинг бирдан қулаб тушиши билан боғлиқ авариялар:**

Одамлар ўлими билан боғлиқ бўлган ва зудлик билан авария-күтқарув ўтқазилишини ҳамда заарар кўрганларга шошилинч тиббий ёрдам кўрсатилишини талаб қиласидиган мактаблар, касалхоналар, кинотеатрлар ва бошқа ижтимоий йўналишдаги объектлар, шунингдек, уй-жой сектори бинолари конструкцияларининг тўсатдан бузилиши, ёнгинлар, газ портлаши ва бошқа ҳодисалар.

**6) Радиоактив ва бошқа хавфли ҳамда экологик жиҳатдан зарарли моддалардан фойдаланиш ёки уларни сақлаш билан боғлиқ авариялар:**

Санитария-химоя ҳудуди ташқарига чиқариб ташланиши натижасида пайдо бўладиган юқори даражадаги радиоактивлик одамларнинг йўл қўйиладиган қўп микдорда нурланишини келтириб чиқарадиган технологик жараёнда радиоактив моддалардан фойдаланадиган объектлардаги авариялар; радиоактив материалларни ташиб вақтидаги авариялар; радиоизотоп буюмларнинг йўқотилиши; биологик воситаларни ва улардан олинадиган препаратларни тайёрлаш, сақлаш ва ташишни амалга оширувчи илмий-тадқиқот ва бошқа муассасаларда биологик воситаларнинг атроф-мұхитта чиқиб кетиши ёки йўқотилиши билан боғлиқ вазиятлар.

**7) Гидротехник иншоотлардаги ҳалокатлар ва авариялар:**

Сув омборларида, дарё ва каналлардаги бузилишлар, баланд тоғлардаги йўллардан сув уриб кетиши натижасида вужудга келадиган ҳамда сув босган ҳудудларда одамлар ўлимiga, саноат ва қишлоқ хўжалиги объектлари ишининг, ахоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ва шошилинч кўчириш тадбирларини талаб қиласидиган ҳалокатли сув босишлари.

**Экологик тусдаги фавқулодда вазиятлар.** Экологик тусдаги ФВлар асосан 3 хил бўлади:

1. *Куруқлик (тупроқ, ер ости)нинг ҳолати ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар:* ҳалокатли кўчкilar — фойдали қазилмаларни қазиш чоғида ер остига ишлов берилиши ва инсоннинг бошқа фаолияти натижасида ер юзасининг ўтирилиши, силжиши;

Тупроқ ва ер саноати туфайли келиб чиқадиган токсикантлар билан ифлосланиши, оғир металлар, нефт маҳсулотлари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида одамларнинг соғлиғи учун хавф солувчи концентрацияларда қўлланиладиган пестицидлар ва бошқа заҳарли химикатлар мавжудлиги.

2. *Атмосфера (ҳаво муҳити) таркиби ва хоссалари ўзгариши билан боғлиқ бўлган вазиятлар:*

Ҳаво муҳитининг қуидаги ингридиентлар билан экстремал юқори ифлосланиши:

— олтингугуртли оксид, азотли оксид, углеродли оксид, диоксид, қурум, чанг ва одамлар соғлиғига хавф солувчи концентрацияларда антропоген тусдаги бошқа заарарли моддалар;

— кенг кўламда кислотали ҳудудлар ҳосил бўлиши ва қўп миқдорда кислота чиқиндилари ёғилиши;

— радиациянинг юқори даражаси.

3. *Гидросфера ҳолатининг ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар:*

Ер юзаси ва ер ости сувларининг саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши оқавалари;

Нефт маҳсулотлари, одамларнинг заҳарланишига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлган, таркибида оғир металлар, ҳар хил заҳарли химикатлар мавжуд чиқиндилар ва бошқа заарарли моддалар билан экстремал юқори даражада ифлосланиши;

Бинолар, муҳандислик коммуникациялари ва уй-жойларнинг емирилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган сизот сувлар миқдорининг ортиши;

Сув манбалари ва сув олиш жойларининг заарарли моддалар билан ифлосланиши оқибатида ичимлик сувининг кескин етишмаслиги.

Хозирги вақтда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти — БМТ бўйича фавқулодда вазиятларнинг тавсифига яна қўшимча қилиб:  
а) ижтимоий-сиёсий тавсифдаги ФВ; б) ҳарбий тавсифдаги ФВ ни киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра бизнинг минтақада 7 хил ФВ турлари тасдиқланган:

1. Зилзилалар, ер сурилиши;
2. Сел, сув тошқинлари ва бошқалар;
3. Кимёвий-хавфли объектларда авария ва фалокатлар (үткир заҳарли моддаларнинг ажралиб чиқиши);
4. Портлаш ва ёнгин хавфи мавжуд объектлардаги авария ва фалокатлар;
5. Темир йўл ва бошқа транспорт воситаларида ташиш пайтидаги авария ва фалокатлар;
6. Хавфли эпидемияларнинг тарқалиши;
7. Радиоактив манбалардаги авариялар.

## **Фавқулодда вазиятнинг тавсифи**

*Ҳар қандай фавқулодда вазиятлар 8 та кўрсаткич бўйича аниқланади:*

1. Фавқулодда вазиятнинг номланиши (ФВ нинг таърифи);
2. ФВнинг моҳияти (мазмуни);
3. ФВнинг сабаблари;
4. ФВнинг шикастловчи омиллари;
5. ФВда қалтисликни оширувчи омиллар;
6. ФВни олдиндан билиш мумкинлиги (мониторинг, башорат, огоҳлантириш, юмшатиш);
7. ФВни бартараф қилиш (фалокатдан қутқариш ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни бажариш);
8. Моддий зарарни аниқлаш (бевосита ва билвосита).

*Ҳар қандай турдаги хавф-хатарли ҳолатлар муайян шароитларда, муҳитда фавқулодда вазиятларга олиб келади.*

**Яъни:**  
**хавф-хатар (ФВ манбаи, хавфли табиат ҳодисаси, хавф бор объектлар, экологик вазият)** } **Маълум шароит ва муҳитда** → **ФВ**

ФВ оқибатлари турли-туман бўлади. Улар ФВ турига, тусига ва тарқалиш миқёси (масштаби)га боғлиқдир. ФВ оқибатининг асосий турлари: ўлим, одамларни касалланиши, иншоотларнинг бузилиши, радиоактив ифлосланишлар, кимёвий ва бактериал заҳарланишлар. Яна шуни алоҳида қайд қилиш керакки, ФВнинг кўпгина ҳолатларида бошқа зарарли омиллар билан бирга руҳий жароҳатловчи ҳолатлар ҳам мавжуд бўлади. Бу пайтда ўта кучли

тасодифий таъсиrlар одамнинг руҳий ҳолатини бузилишига олиб келади. Бу таъсиrlинг хавфли ери шундаки, бу руҳий ҳолат фақатгина шу таъсиr ҳудудидагина эмас, ундан чиққандан кейин ҳам давом этиши мумкин. ФВ хавфини олдиндан маълум аниқликда билиш мумкин бўлса-да, аммо, унинг руҳий таъсирини аниқ айтиш мушкул ҳисобланади.

ФВнинг заарали ва хавфли омиллари таъсири остида жойлашган аҳоли, ҳайвонлар, иншоотлар, моддий ресурсларнинг барчasi — «Шикастланиш ўчиғи» дейилади. Оддий (бир турли) шикастланиш ўчиғи деб, фақат бир шикастловчи омил таъсирида ҳосил бўладиган ўчоқ тушунилади. Масалан, портлаш, ёнгин натижасида бузилиш, кимёвий заҳарланиш кузатилади. Мураккаб (кўп турли) шикастланиш ўчиғи деганда бир неча шикастловчи омиллар таъсирида юзага келиши тушунилади. Масалан, кимё корхонасидаги портлаш, биноларнинг бузилишига, ёнгин, кимёвий заҳарланиш каби оқибатларга, ер силкиниши, кучли бўрон, иншоотларнинг бузилишидан ташқари, сув тошқини, ёнгинлар, электр тармоқларининг ишдан чиқиши, заҳарли газларнинг чиқиб кетиши натижасида заҳарланиш ва бошқа талофатларга олиб келиши мумкин.

Флардан ҳимояланишнинг асосий шарт-шароитни баҳолай олиш, келтириб чиқарган сабабини ва унинг механизмини билишdir. Жараённинг моҳиятини билиб, унинг оқибатини олдиндан айтиб бериш мумкин. Ўз вақтида ва аниқ олинган маълумот самарали ҳимоя учун ўта муҳимдир.

#### **Флар кўйидагилар натижасида пайдо бўлади:**

1. Оғирлик кучлари, ер айланиши ёки ҳароратлар фарқи таъсири остида пайдо бўладиган, тез кечадиган жараёнлар;
2. Конструкциялар ёки иншоотлар материалларини занглашига ёки чиришига, физик-механик кўрсаткичларнинг пасайишига олиб келадиган ташқи табиий омиллар таъсири;
3. Иншоотларнинг лойиха ишлаб чиқариш нуқсонлари (қидирув ва лойиха ишларидаги ҳатолар, қурилиш материаллари, конструкциялар сифатининг пастлиги, қурилиш ишларининг сифатсиз бажарилганлиги, қуриш ва созлаш ишларида техника хавфсизлигига риоя қилмаслик ва ҳоказо);
4. Ишлаб чиқариш технологик жараёнларнинг иншоот материалларига таъсири (меъёрдан ортиқ кучланишлар, юқори ҳаро-

рат, титрашлар, кислота ва ишқорлар таъсири, газ-буғ ва суюқ агрессив мұхитлар, минерал мойлар, эмulsиялар таъсири);

5. Саноат ишлаб чиқариш технологик жараёнларининг ва иншоотларни эксплуатация қилиш қойдаларининг бузилиши (буғ қозонларининг, кимёвий моддаларнинг, күмир конларида метан газининг портлаши ва ҳоказо);

6. Турли кўринишлардаги ҳарбий фаолиятлар.

Келиб чиқиши ва туридан қатыи назар ФВларнинг ривожида тўрт тавсифдаги фазаларни ажратиш мумкин:

- ◆ Уйғониш, пайдо бўлиш;
- ◆ Ривожланиш, авж олиш фазаси;
- ◆ Энг юқори даражаси, энг юксак даражадаги фазаси;
- ◆ Пасайиш, ўтиш фазаси (оқибатини тутатиш).

*Уйғониш фазасида* бўлғуси ФВнинг замини учун шароит яратилади: ноҳуш табиий жараёнлар фаоллашади, иншоотларнинг лойиҳа ишлаб чиқариш нуқсонлари йигила бошлайди ва кўплаб техник носозликлар юзага чиқади, ускуналар ишида, инженер технолог ходимлар ишида нуқсонлар пайдо бўлади.

Уйғониш фазаси давомийлигини аниқлаш учун, бу ҳам жуда катта тахмин билан сейсмик, метеорологик, селларга қарши ва бошқа станцияларнинг кузатувларини жуда синчиклаб ўрганиш ва мунтазам ёзиб бориш орқалигина бажарилади.

*Ривожланиш, авж олиш фазасида* инсон омили асосий ўринни эгаллайди. Статистик маълумотлар 60% дан ортиқ авариялар инсон хатоси туфайли рўй берганлигини кўрсатади.

*Энг юқори даражадаги фазада* эса одамлар ва атроф мұхитга хавф солиб турган модда ёки энергиянинг озод бўлиши, яъни ФВ кузатилади.

ФВнинг ўзига хослиги шундаки, у занжирсимон хусусиятга эга. Унда энергия тўла, заҳарли ва биологик компонентларнинг кўшилиб кетиши туфайли унинг ривожланиши кўп марталаб ортиб кетади.

*Пасайиш, ўтиш фазаси* вақт бўйича хавф манбасини жиловлаб олиш давридан бошлаб, то унинг оқибатини бевосита ва билвосита бартараф қилгунча кетган вақтдир. Бу фазанинг давомийлиги йиллар, гоҳида 10 йиллар давом этиши мумкин.

ФВларнинг шикастланиш сабаб-оқибат занжирини конкрет шароитда билиш, бундай вазиятнинг олдини олиш эҳтимолини оширади ва оқибатларини тезроқ тутатишга ёрдам беради.

## **Фуқаро муҳофазасининг вазифалари**

**Фуқаро муҳофазаси давлат тизимлари** — ҳарбий даврда ҳам, тинчлик даврида ҳам юзага келадиган хавфлардан аҳолини, худудларни, моддий бойликларни муҳофаза қилишда муҳим вазифаларни бажаради. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилган «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида» ги қонунида ўз аксини топган.

Ушбу қонун фуқаро муҳофазаси соҳасидаги асосий вазифаларни, уларни амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини, давлат органларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ваколатларини ҳамда фуқаро муҳофазаси кучлари ва воситаларини ҳам белгилаб берган.

**Фуқаро муҳофазасининг вазифалари қўйидагилардан иборат:**

1. Аҳоли ва обьектларни ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш пайтида ёки шу ҳаракатлар оқибатида юзага келадиган хавфлардан ҳимоялаш ҳаракатлари ва усуllibарига тайёрлаш.

2. Бошқарув, хабар бериш ва алоқа тизимларини ташкил қилиш, ривожлантириш ва доимий шай ҳолатда сақлаб туриш.

3. Халқ хўжалиги обьектларининг барқарор ишлашини тъминлаш юзасидан тадбирлар комплексини ўтказиш.

4. Аҳолини, моддий ва маданий бойликларини хавфсиз жойларга эвакуация қилиш.

5. Фуқаро муҳофазаси ҳарбий тизимлари шайлигини тъминлаш.

6. Аҳолини умумий ва шахсий сақловчи воситалари билан тъминлаш тадбирларини ўтказиш.

7. Аҳолининг ҳарбий даврдаги ҳаёт фаолиятини тъминлаш.

8. Радиациявий, кимёвий ва биологик вазият устидан кузатиш ва лаборатория назорати олиб бориш.

9. Кутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни ўтказиш.

10. Ҳарбий даврларда ҳам зарар кўрган худудларда жамоат тартибини йўлга қўйиш ва сақлаб туриш.

11. Аҳолини ва худудларни муҳофаза қилиш юзасидан бошқа тадбирларни амалга ошириш.

Мана шу вазифаларни муваффақиятли олиб бормай туриб, зарарланган худудларда, обьектларда мўттадил ҳаёт фаолиятини яратиб бўлмайди. Бу ишларни давлат органлари орқали, фуқаро муҳофазаси бошчилигига бутун халқ ёрдамида ўмалга оғзирилади.

## **Фуқароларнинг фуқаро муҳофазаси соҳасидаги хуқуқ ва мажбуриятлари**

Маълумки, фуқаро муҳофазаси умумхалқ мудофаа ишларидан бири ҳисобланади. Ҳамма фуқароларнинг фуқаро муҳофазаси масалаларини ҳал қилишда фаол иштирок этишлари тақозо этилди. Шунинг учун ҳам фуқароларнинг фуқаро муҳофазаси соҳасидаги хуқуқлари ва бурчлари Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»ги (2000 й.) қонунининг 13 ва 14-моддаларида аниқ кўрсатиб ўтилган.

### **Фуқароларнинг фуқаро муҳофазаси соҳасидаги хуқуқлари қўйи-дагилардан иборат:**

а) Ўз ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки ҳарбий ҳаракатлардан муҳофазаланиши;

б) Умумий ва якка муҳофазаланиш воситаларидан текин фойдаланиши;

в) Ҳарбий ҳаракатлар кечәётган жойларда ўзлари йўлиқишлиари мумкин бўлган хавф даражаси ва зарур хавфсизлик чоралири тўғрисида ахборот олиш;

г) Ҳарбий ҳаракатлардан жабрланганларга уларнинг ҳаёт-фолиятини таъминлаш учун шароитлар яратилади, тиббий, моддий-молиявий ва бошқа хил ёрдам кўрсатилади.

### **Фуқароларнинг фуқаро муҳофазаси соҳасидаги мажбуриятлари қўйи-дагилардан иборат:**

а) Фуқаро муҳофазаси соҳасидаги барча қонун ҳужжатларига риоя қилишлари;

б) Фуқаро муҳофазаси тадбирларини бажаришда иштирок этишлари ва тегишли тайёргарликдан ўтишлари;

в) Фуқаро муҳофазаси сигналларини, умумий ва якка муҳофазаланиш воситаларидан фойдаланиш қоидаларини билишлари;

г) Жабрланганларга дастлабки тиббий ва бошқа хил ёрдам кўрсатишни билишлари;

д) Давлат органларига, шунингдек, ташкилотларга фуқаро муҳофазаси соҳасидаги вазифаларни ҳал этишда кўмаклашишлари;

с) Фуқаро муҳофазаси обьектлари ва мол-мулкини асрай билишлари шарт.

Юқоридаги мажбуриятларни тўлиқ бажарилиши, фуқаролар муҳофазаси тизимининг мустаҳкамланишини, жумладан, давлатнинг мудофаа қудратини оширишни таъминлайди.

## **Фуқаро муҳофазасининг ҳалқ ҳўжалиги тармоқларида ташкил этилиши**

Фуқаро муҳофазаси маҳсус тадбирларининг бажарилишини таъминлаш ҳамда ушбу мақсадларда куч ва воситаларни тайёрлаш учун республика, вилоят, туман, шаҳар, шунингдек, обьект миқёсидаги фуқаро муҳофазаси хизматлари ташкил этилади. Фуқаро муҳофазаси хизматларининг турлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Фуқаро муҳофазаси кучлари фуқаро муҳофазаси қўшинлари, тизимларидан таркиб топади. Фуқаро муҳофазаси кучлари ва воситаларининг таркиби, уларнинг таркибий тузилиши, шунингдек, муҳофаза турлари фаолиятининг бошқа жиҳатлари Ўзбекистон Республикаси фуқаро муҳофазаси бошлиғи томонидан белгилаб қўйилади.

Фуқаро муҳофазаси вазифаларини ҳал этишда ФВВ кучларидан ташқари Ўзбекистон Республикаси қуролли кучларининг кутқарув тизимлари, қисмлари ҳам жалб этилиши мумкин. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фуқаро муҳофазасининг қўшинлари Ўзбекистон Республикаси фуқаро муҳофазаси кучларининг асосини ташкил этади.

**Фуқаро муҳофазаси қўшинларининг ҳарбий даврдаги асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:**

а) заарланиш ўчоқларида ва заҳарланиш ҳудудларида муҳандислик, радиациявий, кимёвий ва бошқа қидирув турларини олиб бориш;

б) кутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни амалга ошириш;

в) аҳолини ва ҳалқ ҳўжалиги обьектларини эвакуация қилишда иштирок этиш;

г) аҳоли ҳаёт фаолиятини таъминлаш, обьектларни тиклаш ишларини амалга оширишда иштирок этиш ҳамда фуқаро муҳофазасининг бошқа вазифаларини бажаришдан иборат.

Фуқаролар муҳофазаси тизимлари кутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган тиклов ишларини (ҚБТИ) амалга ошириш учун худудий-ишлаб чиқариш тамойилларига кўра ташкил этилади.

Фуқаро муҳофазаси тизимлари бўйсунишига кўра — худудий (вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар миқёсида) ҳамда обьект (ҳалқ ҳўжалиги обьектларидаги) тизимларига бўлинади.

Объект фуқаро муҳофазасининг бошлиғи этиб ўша корхонанинг ёки ташкилотнинг бошлиғи тайинланади.

Фуқаро муҳофазаси яна белгиланган вазифасига кўра — умуммақсадли ҳамда хизматли тизимларга бўлинади. Умуммақсадли тизимлар заараланган ўчоқларда кутқарув ишларини олиб борадилар. Хизматли тизимлар эса маҳсус тадбирларни бажарувчи хизматлар — қидирув ишларини олиб бориш, тиббий ёрдам кўрсатиш, ёнгинларнинг тарқалишига йўл қўймаслик ва уларни ўчириш, жамоат тартибини сақлаш, инсонлар саломатлигини тиклаш, разведка ўтказиш, авария ва техникаларни тиклаш, ҳимоя иншоотларида хизмат кўрсатиш ва бошқа маҳсус вазифаларни бажарувчи тизимларга бўлинади (1, 2-чизмалар).

Фуқаро муҳофазаси тизимларига Ўзбекистон Республикаси фуқаролари: 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркаклар, 18 ёшдан 55 ёшгача бўлган аёллар қабул қилинади, сафарбарлик кўрсатмасига эга бўлган ҳарбий хизматга мансублар, 1,2,3-гуруҳ ногиронлари, ҳомиладор аёллар, 8 ёшга тўлмаган болалари бор аёллар, айни пайтда 3 ёшга тўлмаган болалари бор ўрта ёки олий тиббий маълумотли аёллар бундан мустасно.

Юқорида таъкидлаб ўтилган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай ҳолларда ҳаракатларни бошқаришнинг давлат тизимини ташкил этиш ва унинг фаолиятини таъминлаш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятларда уларни олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 558-сонли (1998 й.) қарори қабул қилинди (иловага қаранг).

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими (ФВДТ)нинг асосий вазифаларини, унинг ташкил этилишини, таркибини ва фаолият кўрсатиш тартибини белгилаб беради.

ФВДТнинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

— Тинчлик ва ҳарбий даврда аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида ҳуқуқий ва иқтисодий-меъёрий ҳужжатларнинг ягона конценциясини белгилаш, ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш;

— Республика ҳудудидаги мумкин бўлган техноген ва табиий фавқулодда вазиятларни ифодалаш, башоратлаш уларнинг оқибатларини баҳолаш;

— Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, одамлар хавфсизлигини таъминлашга, хавфли технологиялар ва бошқа ишлаб

чиқаришларнинг барқарорлигини таъминлашга қаратилган илмий-техник дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

— Бошқарув органлари ва тизимларининг фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш учун мўлжаллаган куч ва воситаларининг доимий тайёрлигини таъминлаш;

— Аҳолини, бошқарув органлари бошлиқларини. ФВДТ куч ва воситаларини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш;

— Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун молиявий ва моддий ресурслар захираларини яратиш;

— Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш;

— Фавқулодда вазиятлардан зарар кўрган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга оид тадбирларни амалга ошириш;

— Фавқулодда вазиятларда аҳолини муҳофаза қилиш соҳасида, шу жумладан, уларни тугатишида бевосита қатнашган шахсларнинг хуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш;

— Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида ҳалқаро ҳамкорлик қилиш.

ФВДТ ҳудудий ва функционал қўйи тизимлардан иборат бўлиб, у республика, маҳаллий ва обьектлар миқёси даражасида бўлади.

ФВДТнинг ҳудудий қўйи тизимлари ўз маъмурий ҳудудлари доирасида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида тузилади ҳамда тегишли равишда туманлар, шаҳарлар, қишлоқлар ва овуллар миқёсида ташкил топади.

ФВДТ ҳудудий қўйи тизимларининг вазифалари, уларни ташкил этиш, куч ва воситалари таркиби, фаолият кўрсатиш тартиби маҳаллий геофизик ва табиий, иқлим шароитларини, кучли хавфли обьектларнинг мавжудлигини ҳисобга олиб белгиланади ҳамда ФВВ билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан тасдиқланади.

ФВДТнинг функционал қўйи тизимлари вазирликлар, давлат қўмиталари, корпорациялар, концернлар, уюшмалар ва компанияларда атроф муҳитни, кучли хавфли обьектлар ҳолатини кузатиш ва назорат қилишни амалга ошириш, шунингдек, уларга қарашли обьектларда ўзларининг ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда бартараф этиш учун ташкил этилади.

ФВДТ раҳбар органларига аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этиш ваколати-

га давлат бошқаруви, маҳаллий ҳокимият органлари ва обьектлар масъулдир, жумладан, республика даражасида Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирлиги, хавфли обьектлар ҳолатини кузатишни назорат қилиш учун вазирликлар, идоралар, маҳаллий миқёсда ҳудудий ҳокимликлар, обьектлар миқёсида корхоналарнинг маъмурияти мутасадди ҳисобланади.

### **Республика даражасидаги ФВДТ бошқарув органларининг асосий вазифаси қўйидагилардан иборат:**

Табиий фавқулодда вазиятлар оқибатларини имкони бори-ча пасайтирувчи чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга раҳбарлик қилиш, ФВ шароитида халқ хўжалик тармоқларининг барқарор фаолият кўрсатишларини таъминлаш;

- Аҳоли ва ҳудудларни ФВлардан муҳофаза қилиш соҳасида Республика мақсадли ва илмий-техник дастурларни ишлаб чиқища қатнашиш;
- Республика марказлаштирилган хабар бериш тизимини яратиш ва уни доимий тайёр ҳолда сақлаш;
- Атроф-муҳит ҳамда кучли хавфли обьектларнинг ҳолатини кузатиш ва назорат қилиш тизимини ташкил этиш, ФВларни башоратлаш;
- Бошқарув органлари, ФВДТ кучлари ва воситаларининг ФВларда ҳаракат қилишга тайёргарлигини таъминлаш;
- Авария-кутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни, шу жумладан, эвакуация ишларини ўтказишга оид тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш, зарап кўрган аҳоли учун ҳаёт шароитини яратиш;
- Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун Республика молиявий ва моддий ресурслар захирасини яратиш;
- ФВлардан зарап кўрган аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга оид тадбирларни амалга оширишда қатнашиш;
- Фавқулодда вазиятларда идорага қарашли обьектларнинг раҳбарлари таркиби, куч ва воситаларини, шунингдек, ходимларини тайёрлашни мувофиқлаштириш ва бошқа омилларни бажариш.

### **ФВДТ бошқарув органларининг обьектлар даражасидаги вазифалари қўйидагилардан иборат:**


- Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш, обьектлар ишининг ФВ чоғида ишончлилиги ва барқарорлигини оширишга доир тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга раҳбарлик қилиш;

- Бошқарув органларининг, объектлар куч ва воситаларининг ФВ чоғидаги ҳаракатларга тайёрлигини таъминлаш;
- Авария-күтқарув ҳамда бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларга шу жумладан, объектлар ходимларини эвакуация қилишга раҳбарлик қилиш;
- Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун молиявий ва моддий ресурслар захираларини яратиш;
- Объектларнинг раҳбарлар таркиби, куч ва воситалари, шунингдек, ходимларини ФВлардаги ҳаракатларга тайёрлашни ташкил этиш.

Ҳар бир корхонанинг ФМ бошлиғи ФМни ташкил этилишини, унинг ҳолатини, кучларини, техникасини доимий тайёр ҳолатда бўлишилигини назорат этади, ҳамда күтқарув ва қайта тиклаш ишларига бошчилик қиласди. Корхона ФМнинг бошлиғи шу корхона жойлашган район ФМга ва шу корхонанинг юқори ташкилоти ФМсига бўйсунади.

#### 1-чизма

#### **Күтқарув отрядларининг ташкилий тузилиши куйидагича бўлиши мумкин:**



Ҳар бир корхонанинг ФМ бошлиғига ўринбосар тайинланади (2-чиизма). Катта корхоналарда бир неча ўринбосарлар тайинланади, жумладан:

- а) Ишчи-хизматчиларни жойлаштириш (ёки эвакуация бўйича);
- б) Муҳандис-техник ишлари бўйича;
- в) Моддий-техника таъминоти бўйича.

ФМнинг ишчи-хизматчиларни жойлаштириш бўйича ўринбосари жойлаштириш режаларини ташкил этади, уларнинг оиласарини эвакуация этиш, жамоат тартибини сақлаш ишларига бошчиллик қилиш ҳамда ишчи хизматчиларни бир жойдан иккинчи жойга ташиш ишларини ташкиллаштириш вазифаларини бажаради.

ФМнинг муҳандис-техник бўлими ўринбосари корхонанинг бош муҳандиси ҳисобланади. Бунинг вазифаси ишлаб чиқаришни алоҳида режим асосида ишлаш режасини тузиш, тинчлик даврида ишлаб чиқаришни муттасил ишлашини таъминлаш, экстремал ҳолатларда авария-техника ва ёнғинга қарши хизматларни, қутқариш ишларини олиб боради.

Бундан ташқари, табиий оғатлар, авария, ҳалокат бўлганда қутқариш ва аварияни тўсиш ҳамда қайта тиклаш ишларига бошчилик қилади.

ФМнинг моддий-техника таъминоти бўйича ўринбосари қилиб корхонанинг таъминот бўйича бошлиқ ўринбосари тайинланади. Бу мансабдор шахс маҳсус жиҳозларни, техника, транспорт ва муҳофазага таалтуқли жиҳозлар билан таъминлайди ва сақлайди. Яна у бошпаналарни куриш ва ўз қўл остидаги ишчи-хизматчиларни эвакуация қилишни таъминлайди ҳамда иншоотларни таъмирлаш ишларини бажаради.

Корхонада ФМнинг штаби тузилади. Бу штабда ҳар хил буйруқлар, бажариладиган чора-тадбирлар ва ФМнинг юқори ташкилот талабномалари, иш режалари ишлаб чиқилади, унинг бажарилыш ҳисботлари тузилади. Корхона штаб бошлиғи этиб, шу корхонанинг ФМ бошлиғининг биринчи ўринбосари тайинланади. ФМнинг штаби зиммасида ишчи-хизматчиларни ва корхона ходимлари оиласарини қирғин қуроллар таъсиридан, душманнинг бевақт ҳужумидан ўз вақтида огоҳ қилиш вазифаси туради.

**ФМ штаби асосида қўйидаги хизматли тизимлар ташкил этилади:**

- Алоқа ва ташвиқот;
- Медицина;

- Радиация ва кимёвий қуроллар таъсирига қарши;
- Жамоат тартибини сақлаш;
- Электр таъминоти;
- Авария-техникани таъмирлаш;
- Панада ва қочоқлар масканида хизмат кўрсатиш;
- Транспортда хизмат кўрсатиш;
- Моддий таъминот ва бошқа вазифалар.

Буларга маҳсус топшириқларни бажариш вазифалари топширилади. Юқоридаги ҳар бир хизматга ФМ бошлиғи томонидан раҳбар этиб, бўлим, цех, смена бошлиқлари тайинланади.


Юқорида таъкидланган фуқаролар муҳофазасининг хизматли тизимларидан ташқари техника ва транспорт воситаларига маҳсус қайта ишлов беришда ФМнинг бир қатор хизматли қисмлари кенг ишларни ташкил этади. Жумладан, ФМ лабораториялари радиоактив ва заҳарли моддаларни аниқлаш учун радиометрик ва кимёвий таҳлил ишларини олиб боради. Улар асосан корхона ёки ташкилотларнинг лабораториялари таркибида ташкил этилиб, унга мутахассислар жалб қилинади ва керакли асбоб-ускуналар билан жиҳозланади.

Радиоактив моддалар ва биологик воситалар билан заҳарланган одамларни тўлиқ санитар-қайта ишловдан ўтказиш учун ювиниш масканлари ташкил этилади. Бу масканлар асосан ҳаммом ва душхоналар асосида ташкил этилиб, улар олдиндан тайёрлаб қўйилади. Бу масканларда кийим-кечаклар, пойафзал ва шахсий сақловчи воситаларни дезактивация қилувчи майдончалар тайёрланниб жиҳозланади. Бир ювиниш маскани бир соатда 80 одамни санитар-қайта ишловдан ўтказади.

Кийим-кечак, пойафзал шахсий сақловчи воситаларни дегазация, дезактивация ва дезинфекция қилиш учун кийим-кечакларни зарарсизлантирувчи масканлар ташкил этилади. Булар асосан ҳаммом ва кийим-кечакларни юувучи масканлар таркибида ташкил этилади. Бундай масканлар 1 соат ичидаги 50-100 кг кийим-кечакларни қайта ишлаш қувватига эга.

Транспорт воситаларни дегазация, дезинфекция ва дезактивация қилиш учун эса зарарсизлантириш шаҳобчалари ташкил этилади. Бу зарарсизлантириш шаҳобчалари асосан транспортларни юувучи қисмлари таркибида ташкил этилиб, улар 1 соат мобайнида 4-5 та юк автомашиналарини зарарсизлантириш имкониятига эга.

## Халқ хўжалиги тармоқларида фуқаролар муҳофазасининг ташкилий тузилиши



Демак, фавқулодда вазиятларни бартараф этишда асосий ролни фавқулодда вазиятлар давлат тизими (ФВДТ) куч ва воситалари ўйнайди.

### **ФВДТ кучларига қўйидагилар киради:**

1. Фуқаролар муҳофазаси қўшинлари;
2. Ҳудудий ва объектларнинг ҳарбийлашмаган умумий-маҳсус мақсадли тизимлари;
3. Маҳаллий ҳокимият органларининг (вилоят, шаҳар ва туманлар) ФВВ кутқарувчи командаларининг тизимлари;
4. ФВВга тўғридан-тўғри ҳамда тезкор бўйсунувчи Республика ихтисослаштирилган тизимлари;
5. Вазирликлар ва идораларнинг ҳарбийлаштирилган ҳамда профессионал-ихтисослаштирилган авария-кутқарув ва авария-тиклаш бўлинмалари;

6. Объектларнинг ихтисослаштирилган тизимлари;
7. «Қизил ярим ой» ҳамда «Қизил ҳож» жамияти кўнгилли отрядлари;

8. «Ватанпарвар» мудофаага кўмаклашувчи ташкилоти.

Буларнинг таркибида Республикаиз бўйича «Нажодкор», (РКЖМ) – Республика қидирув-кутқарув маркази ҳамда (СКХТ) – Сувдан кутқариш хизмати тизимлари тузилган бўлиб, Республикаиз миқёсида бўладиган ҳар қандай ФВда фуқароларни кутқариш вазифаларини бажарадилар.

**ФВДТнинг маблағи қўйдагилардан таркиб топган:**

- Давлат бюджетлари ҳисобидан.
- Маҳаллий бюджет ҳисобидан.
- Вазирлик ва унинг бўғинлари ҳисобидан.
- Муассаса ва ташкилотларнинг шахсий маблағлари ҳисобидан.
- «Қизил ҳож» ва «Қизил ярим ой» жамиятининг бирламчи захиралари ҳисобидан ва бошқалардан.

**Мавзуни ўзлаштириш учун зарур бўлган таянч сўз ва иборалар:**

1. Умуммақсадли тизимлар.
2. Хизматли тизимлар.
3. Фавқулодда вазиятлар.
4. Ҳарбийлашган ва ҳарбийлашмаган тизимлар.
5. Жойлаштириш бўйича бошлиқ ўринбосари, вазифалари.
6. Фуқаролар муҳофазаси штаби.
7. Объектли тизимлар.
8. Ҳудудий тизимлар.
9. Фуқаролар муҳофазасининг вазифалари.
10. ФМда фуқароларнинг бурчлари.
11. Фуқаролар муҳофазасининг қуч ва қудрати.

**Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:**

- Фуқаролар муҳофазаси фанининг ўқитилишидан мақсад нима?
- Фавқулодда вазиятлар, уларнинг турлари ва ҳусусиятлари қандай?
  - Фуқаролар муҳофазасининг асосий вазифалари нималардан иборат?
  - Фуқаролар муҳофазаси органларининг ташкилий тузилиши қандай?

## II БОБ

# ЗАМОНАВИЙ ҚИРГИН ҚУРОЛЛАРИ, УЛАРНИНГ ТАЪСИР ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ТАЛАФОТЛАРИ

### Қиргин қуроллари ҳақида тушунча

**Қиргин қуроллар** деганда жуда катта миқёсда вайронагарчилик ва йўқ қилиш учун мўлжалланган қуроллар тушунилади. Бундай қуроллар қаторига ядрорий, кимёвий, биологик, нурли ва бошқа қуроллар киради.

Қиргин қуроллар нафақат инсониятни, балки атроф-муҳитни, иншоотларни, кийим-кечакларни, моддий бойликларни шикастлантиради. Бунда албатта, заарланиш даражаси, қиргин қуролларининг турига, хусусиятларига боғлиқ. Жумладан, ядрорий қуроллар тирик мавжудотларни ҳам, жамики иншоотлар, техникаларни қаттиқ шикастлантиради.


**Кимёвий қуроллар** таъсир этган жамики мавжудотлар, нарсалар заҳарланиб, олдинги ҳолатига қайтариб бўлмайдиган даражага тушиб қолади, яъни заҳарланади.

**Биологик қуроллар** орқали асосан тирик мавжудотларда кучли касаллик тарқатиш туфайли қўйилган мақсадга эришилади.

Кейинги пайтда НАТО армиясида, Россия қуролли кучлари таркибида нурли қуроллар яратилдики, булар ҳам қўлланилганда инсониятга, атроф-муҳитга, иншоотларга, ҳарбий техникаларга катта зарар етказилади. Нурли қуролларнинг таъсир этиш хусусияти теромеханик таъсирга асосланган, яъни нурлар дастаси нишонга урилганда, у суюлади ёки парланади (бунда нишоннинг суюлиш ҳароратига қараб ўзгаради).

Нурли қуролнинг шундай хусусиятидан фойдаланиб, душманнинг ҳарбий техникалари, қуроллари яроқсиз ҳолатга келтирилади.

**Нурли куролларнинг термомеханик таъсир хусусиятини  
куйидагича тасвиirlаш мумкин:**



Куролни одамларга, атроф-муҳитга таъсири ҳам термомеханик тарзда таъсири этади. Бундай қуроллар айрим давлатларда сираб кўрилган. Жумладан, Хитой-собиқ СССР чегараси Ҳасан кўли можарасида бундай қуролдан фойдаланганилиги маълум. Нурли қуролларнинг типик вакили бу юқори частотали оқ нурлар дастаси — лазер нури ҳисобланади.

### **Ядровий қуроллар ва уларнинг хусусиятлари**

Ядровий аслаҳалар кенг миқёсда одамларни, саноат ва тураржой марказларини йўқ қилиш, иншоотларни, техникаларни ишдан чиқариш учун мўлжалланган.

❖ **Ядровий қуроллар:** ядро зарядидан, қуролни нишонга йўналтирувчи қисмдан ва қуролни бошқарадиган қисмидан ташкил топган. Ядровий аслаҳалар турли хил кўринишларда: бомба, мина, снаряд, ракета ва торпедаларнинг жанговар қисми ва бошқа кўришиштарда тайёрланади.

Ядровий қуролларнинг ишлаши занжирли реакция натижасида (термоядро реакцияси асосида парчаланадиган оғир ядролар ва енгил ядролар, водород ва бошқа элемент изотопларининг ҳосил бўлиши) ҳосил бўладиган ўички ядровий энергияларнинг ҳисобига амалга ошади. Ядровий қуролларнинг кучи тротил эквиваленти билан ўлчанади. Бу деган сўз оддий портловчи модда тротил (тринитротолуол) портлаганда ажralадиган энергия миқдори ўша портловчи модданинг портлаш кучига эквивалентdir. Тротил эквиваленти тонна (т), килотонна (кт) ва мега тонна (мт) билан ўлчанади.

Ядро қуролидаги портловчи модданинг қувватига қараб жуда кичик (куввати 1 кт.гача), кичик (1-10 кт); ўртача (10-100 кт) катта (100 кт-1 мт) ва жуда катта (1 Мт. дан юқори) турларига бўлинади.

Ядровий қуролларнинг вайронагарчиллик даражаси қуролнинг турига, қувватига, жойлашган ўрнига, портлаш шароитига иншоотларнинг ҳимояланиш даражасига қараб ва бошқа сабаблар билан аниқланади.

## ✓ Ядро портлатишнинг турлари

Кўйилган мақсадга кўра, ядро портлатиш ер юзида, ер остида, сув остида ва ҳар хил баландликдаги атмосферада амалга оширилади.

Ер устида портлатилганда қуролнинг ярқираш зонаси ярим ой шаклида ер устида кўринади. Бундай ҳолатда портлаш баландлиги (ердан баландлиги) қуидаги формула билан ифодаланади.

$$H \leq 3,5^3\sqrt[3]{q},$$

q-қурол қуввати

Ядро қуроли ер остида портлатилганда портлаш баландлиги ( $H < 0,5 \cdot 3\sqrt[3]{q}$ ) бўлса, у ҳолда ерда воронка ҳосил бўлади, унинг диаметри ва чуқурлиги портлатиш қувватига тупроқ тузилмасига боғлиқ. Ер устида портлатиш, асосан жуда мустаҳкам иншоотларни бузиш ҳамда атроф-муҳитни, жуда катта миқёсда радиоактив зарарлаш мақсадида амалга оширилади. Сув тагида портлатиш билан жуда мустаҳкам ер остидаги нишонларни, гидротехник ва порт иншоотларни бузиш учун қўллаш мумкин. Бу хилдаги портлатишнинг ўзига хос ҳусусиятларидан бири шуки, бунда гравитация тўлқини ҳосил бўлиб, у ҳар қандай нишонга катта зарба беради ҳамда зарар етказади.

**Ҳавода портлатиш иккى хил шароитда амалга оширилади:**

- Ердан кичик баландликда, яъни ердан 10 км.гача бўлган ҳавода портлатиш бўлиб, у қуидаги формула билан аниқланади:

$$H > 3,5^3\sqrt[3]{q}$$

Бунда, қуролнинг ярқираш зонаси ерга тегмаган ҳолда думалоқ кўринишда бўлади.

- Ердан катта баландликда (юқори) портлатиш қуидаги формула билан аниқланади:

$$H > 10 \cdot 3\sqrt[3]{q}$$

Ҳавода портлатиш уңча мустаҳкам бўлмаган иншоотларни бузиш, одамларга, техникаларга кенг миқёсда шикаст етказиш мақсадида қўлланилади. Масалан, 1958 йилда АҚШда ўтказилган синовнинг кўрсатишича, 1 Мт ядро қуроли ҳавода портлатилганда, ердан 77 км. гача баландликдаги қисқа тўлқинли радио боғланышлари, 800-1000 км узунлиқдаги ҳар қандай тўлқинлар умуман бузилган.

✓ Ядро қуролининг ҳамма турдаги портлатишларида қўйидаги таъсир этадиган факторлар ҳосил бўлади. Булар тўлқин зарбаси, ёруғлик нурланиш, радиация тўлқини, радиоактив заррачалар ва электромагнит импулслар ҳисобланади. Бу факторлар портлаш энергиясининг 50 фоизи тўлқин зарбасига, 30-40 фоизи ёруғлик нурланишга, 5 фоизи радиация нурларига ва 15 фоизи радиоактив чангларни ҳосил бўлишига сарфланади.

✓ Нейтронли бомба портлаганда эса ажраладиган энергиянинг 8-10 фоизи тўлқин зарбасига, 5-8 фоизи ёруғлик нурланишга, 85 фоизи эса радиация нурига ва нейтронлар оқимига сарфланади.

Ядро зарядларини нишонга элтувчи мосламаларига ҳавода, сув тагида ва сув устида ҳаракатланувчан ракеталар, махсус мосламали самолётлар, артиллерия ва бошқалар киради. Масалан, АҚШнинг қуролли кучлари таркибидаги континентлараро баллестик ракеталар: «Титан», «Минетмен-3», «Минетмен-2», «Першинг-2» ва бошқаларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Хозирги даврда Пентагонда янги турдаги, ядро зарядига эга бўлган ракеталарни бунёд этиш, нишонга адашмай урадиган турларини яратиш ишлари кенг миқёсда олиб борилмоқда.

Ядро зарядига эга бўлган сув тагида ҳаракатланувчан ракеталарга «Поларис-А-3», «Посейдон-С-3», «Трайдент-1» киради. Шулардан «Поларис-А-3» ракетаси оғирлиги 8250 тонна, узунлиги 129,5 м. бўлиб, унга 16 та портловчи мослама жойлаштирилган.

3 «Трайдент»нинг оғирлиги эса 18700 т, узунлиги 170,7 м бўлиб, унда 24 та портловчи ракета мосламаси бор. Кейинги пайтда АҚШ армиясида яна ҳам қувватли нишонга уруш аниқлиги юқори бўлган сув усти корабллари яратилдики, улар қанотли ракеталар «Томохок» билан қуроллантирилди. Бу типдаги ракеталарнинг нишонга уриш масофаси 600 км бўлиб, келажакда бу кўрсаткичини 3700 км. га етказиш режалаштирилган.

Қуролни нишонга элтувчи воситалардан яна бири стратегик авиациядир. Улар оғир ва ўртача оғирликдаги портловчи ракеталар билан қуроллантирилган. Бу турдаги самолётларга: «Страто-

фортрес В-52», «В-1», «FB-Ш», «Вулкан-В2», «Мираж IV» киради. Ушбу портлатувчан самолётлар ёрдамида нишонни авиация бомбаси, ракета снарядлари ва ядро заряди, кимёвий ва биологик куроллар билан куролланган ракеталар орқали йўқ қилиш мумкин. Масалан, «Хаунд-ДОГ» снаряди билан 1100 км.гача, «СРЭМ» ва «БЛЮ-Стил» билан 320 км, қанотли ракета «АЛСМ-В» орқали эса 2600 км. даги нишонга зарар етказиш ва жароҳатлаш мумкин.

Душман томонидан кўлланилган қирғин курол оқибатларини (халққа атроф-муҳитга, иншоотга) туттишиш ва унга қарши олиб бориладиган чора-тадбирлар, ўша куролнинг таъсир этиш факторларини ўрганишдан бошланади.

Юқорида айтилганидек, ядро аслаҳаси портлатилганда ҳосил бўладиган ички энергия қўйидаги таъсир факторларига сарфланиди: жумладан, тўлқин зарбаси, ёруғлик нурланиш, радиация нури, радиоактив заррачалар ва электромагнит импулс ҳамда зарарлаш зоналари ҳосил бўлишига олиб келади.

**Тўлқин зарбаси.** Ядро аслаҳасининг асосий шикастлантирувчи факторлардан бири ҳисобланади. Тўлқин зарбаси деганда юқори ҳароратли, товуш тезлигидан юқори тезликка эга бўлиб, сиқилган муҳит тушунилади. Куролни портлатилган муҳитга қараб, у ҳаводаги, сувдаги ва ердаги тўлқин зарбаларига бўлинади.

**Ҳаводаги тўлқин зарбасининг** кучи портлатиш ўчоғидан узоқлашиши билан кучсизланиб боради. Масалан, 1000 м.га 1,4 сонияда, 2000. м га 4 сонияда, 3000 м.га 7 сонияда, 5000 м.га 12 сонияда етиб келади. Демак, булардан кўринадики, ядро куроли портлаш белгисини кўрган ҳар бир фуқаро тўлқин зарбаси фактори келгунча бекинувчи иншоотларга етиб бориб, сақланишлари мумкин. Тўлқин зарбасининг шикастлантирувчи таъсирининг асосий кўрсаткичи унинг таъсир йўлида ортиқча босимни ҳосил бўлишидир. Ортиқча босим  $\Delta P$ —тўлқин зарбасининг таъсир этиш йўлидаги максимал босими билан меъёрий атмосфера босими айримасига тенг бўлган кўрсаткичи бўлиб, у Паскал (Па)да ўлчанди.  $100 \text{ Па} = 1 \text{ кгс}/\text{см}^2$  ( $1 \text{ см юзага } 1 \text{ кг}$  куч билан таъсир тушунилади). Юқори босим ва катта энергияга эга бўлган тўлқин зарбаси одамга урилганда, унинг босими кескин ортиб кетиб сиқади ва тасодифан берилган кучни эслатади. Яъни бамайлихотир турган одамга жуда қисқа вақт мобайнида 100 кг.ли болға билан тўсатдан ургандаги ҳолатга ўхшатиш мумкин. Мана шундай таъсир этишидан тўлқин зарбаси одамларни, иншоотларни, ҳарбий техникаларни ва обьектларни шикастлантиради. Тўлқин зарбаси фак-

торида одамлар бевосита шу факторнинг таъсиридан ҳамда билвосита таъсиirlардан жароҳат оладилар. Билвосита таъсиirlар натижасида иншоотларнинг бузилган қисмлари, тошлар, синган ойналар, дараҳтлар ва бошқа материалларнинг одамлар устига келиб тушишидан заарланадилар. Ўлқин зарбасининг бевосита таъсиридан одамлар турли даражадаги жароҳатлар, контузияланиш ва ўлим билан тугайдиган жароҳат олишлари мумкин. Шунинг учун тўлқин зарбаси таъсиридан енгил, ўртача, оғир ва жуда оғир жароҳат хиллари кузатилади.

Енгил жароҳат  $\Delta P_t = 20-40$  КПА ( $0,2-0,4$  кг.с\см<sup>2</sup>) босимда кузатилиб, бунда одам енгил контузияга учрайди, вақтинча гапира олмаслик, эт узилиш аломатлари кузатилади.

Ўртача жароҳат  $\Delta P_t = 40-60$  КПА ( $0,4-0,6$  кг.с\см<sup>2</sup>) ортиқча босимда кузатилиб, бунда оғиз-бурундан қон кетиши, юқори мия контузияси, гапира олмаслик ва суюкларнинг бир-биридан чиқиши кузатилади.

Оғир жароҳат  $\Delta P_t = 60-100$  КПА ( $0,6-1,0$  кг.с\см<sup>2</sup>) босимда бўлиб, оғиз-бурундан қон кетиши, одам узоқ вақт бехуш ётиши, суюкларнинг бир-биридан чиқиши ва ички органларга қон кетиши кузатилади.

Жуда оғир жароҳат ортиқча босим  $\Delta P_t \geq 100$  КПА ( $>1,0$  кг.с\см<sup>2</sup>) да кузатилиб, бунда ички органларнинг узилиши, ички органларга қон қуилиши, суюкларнинг бир-биридан чиқиб кетиши ва бошқа дардлар кузатилади.

Агар тўлқин зарбасида  $\Delta P_t < 10$  КПА бўлса, у хавфсиз ҳисобланаб, одам меъёрий фаолият кўрсатиш имкониятларига эга ҳисобланади.

Худди шуларга ўхшаб тўлқин зарабаси таъсиридан, иншоотлар ҳам ҳар хил даражада шикастланиши мумкин. Албатта, бунда ер устига қурилган иншоотлар ер тагига қараганда кўпроқ шикастланади. Бунда агар  $\Delta P_t > 40-60$  КПА да бўлса тўлиқ,  $\Delta P_t > 20-40$  КПА кучли,  $\Delta P_t \geq 10-20$  КПА ўртача ва  $\Delta P_t > 8-10$  КПА да кучсиз жароҳатланиши рўй беради.

Ҳаводаги тўлқин зарбаси фактори таъсирида ўрмон массивлари ҳам шикастланади. Агар ортиқча босим 50 КПАдан ортиқ бўлса, ўрмондаги битта ҳам дараҳт қолмай ағанайди, яъни батамом вайрон бўлади, агар 30-50 КПА бўлса дараҳтнинг 60 фоизи шикастланади.  $\Delta P_t > 30-10$  КПА бўлган ҳолда эса зонада 30 фоиз дараҳтлар йўқ бўлиб кетади.

Шунинг учун тўлқин зарбаси факторидан сақланишининг ишончли омили ҳимоя иншооти (бошпана) ҳисобланади. Мабодо бундай

иншоотлар бўлмаса, у ҳолда радиациядан сақловчи бошпаналардан ва табиий чуқурликлардан фойдаланиш мумкин.

Ёруғлик нурланиш деганда электромагнит нурлар тушунилиб, унга ултрафиолет, инфрақизил ва кўринадиган нурлар киради. Бунда нурланишнинг манбаи ядро портлагандан ҳосил бўладиган ярқирашдан, яъни юқори ҳароратли ядро заряди, ҳаво, тупроқ ва тошдан иборат. Ёруғлик нурланишнинг таъсири этиш вақти, ядро қуролининг қувватига боғлиқ. Қувват ошган сари бу факторнинг таъсири ҳам ортиб боради. Ярқираш вақтининг ядро портлатиш қувватига боғлиқлиги куйидаги формула билан ифодаланади:

$$t = \sqrt[3]{q},$$

бунда,  $t$  — ярқираш вақти;  
 $q$ -аслаҳа қуввати.

*Масалан:* 1 Кт аслаҳа портлагандан ярқираш — 1 с., 10 Кт — 2,2 с, 100 Кт-4,6 с ва 1 Мт — 10 с давом этади.

Ёруғлик нурланиш фактори таъсирида одамларнинг очиқ қолган жойлари куяди, кўзи ҳиралашади, ҳайвонларнинг юнглари куяди ва енгил ёнувчан материаллар ёниб кетади.

Ёруғлик нурланишнинг таъсири кўрсаткичи, бу нурли импулс ҳисобланади. ( $V$  нур) джоулда ўлчанади. Яъни СИ тизими бўйича  $1 \text{ кал}/\text{см}^2 = 4,2 \cdot 10^4 \text{ дж}/\text{м}^2$

Ёруғлик импулс портлаш турига ва атмосфера шароитига боғлиқ.

Ёруғлик импулс таъсирида куйишнинг турли даражалари 1-жадвалда кўрсатилган.

### 1-жадвал

#### Турли даражадаги тери куйишига ёруғлиқ импулси катталигининг таъсири кал/см

Куйиш даражаси	Аслаҳанинг қуввати (минг тонна ҳисобида)				Кийим остидаги терига таъсири	
	1	10	100	1000	ёзги	қишки
Биринчи	2,4	3,2	4	4,8	6	35
Иккинчи	4	6	7	9	10	40
Учинчи	6	9	11	12	15	50
Тўртнчи	>8	>9	>1	>2	>15	>50

**Күйиш даражасига қараб турли тан жароқатлари кузатилади.**

**I даражали күйищда терининг усти қизарыб жароқатлангани кузатилади;**

**II даражали күйищда эса терини устида сувга тўлган пуффакчалар пайдо бўлади;**

**III даражали күйищда терининг чукур қисмларида күйиш рўй беради;**

**IV даражали күйищда тери қорайиб кетиб, тери ости тўқималар жуда қаттиқ жароқатланади. Одамлар II ва III даражали күйганида ишга яроқсиз ҳисобланадилар.**

**Ёруғлик нурланиш, тўлқин зарбаси факторлари билан биргаликда таъсир этганда ёнгин, портлаш, яшаш жойлардаги коммуникацияларни издан чиқаради.**

**Ёруғлик нурланиш факторларидан сақланиш учун: ўз вақтида огоҳлантириш, ҳимоя иншоотларида, табиий чукурликларда сақланиш, шахсий ҳимоя воситаларидан ва ёнгинга қарши омиллардан фойдаланиш даркор.**

**Ўтувчи радиация.** Ўтувчи радиация — гамма нурлар ва нейтронлар оқимидан ташкил топган. Радиация нурини манбаи ядро аслачаси портлаганда кетадиган ядрорий реакция ҳамда ядроларни радиоактив парчаланишидан ҳосил бўлади. Радиация факторининг таъсир вақти 15-25 с. ни ташкил этади. Бу факторни асосий шикастлантирувчи таъсири — нурлантириш дозаси ( $D$ ) ҳисобланади.

**Нурланиш дозаси** бир бирлик нурланётган муҳитни ютган . Ионлантирувчи нурлар энергияси миқдорига тенг ва  $\text{кДж}/\text{кг}$ , рентген ва грейларда ўлчанади.

Радиация факторининг таъсири ионлантириш хусусиятига эга бўлганилигидан нурланиш касаллигини келтириб чиқаради.

**I даражали нурланиш касаллиги** 100-200 рад нур олганда кузатилиб, бунда ҳолсизланиш, оғир бўлиб кетиш, бош айланиш, ҳарорат кўтарилиш аломатлари кузатилади.

**II даражали нурланиш касаллиги** 200-400 рад нур олганда пайдо бўлиб, бунда бош оғриб, айланади, асаб тизимлари бузилиди, тез-тез қусиш, ич кетиш кузатилади ва қондаги лейкоцитлар миқдори 2 марта камайиб кетади.

**III даражали нурланиш касали** 400-600 рад нур олганда кузатилиб, бунда қучли бош оғриғи, қусиш, хушидан кетиш, қонсийиш, терилар қизарыб, қондаги лейкоцит, эритроцитлар миқдори камайиши кузатилади. Бу ҳолда ўз вақтида тузатиш омиллари бажарилганда инсон 3-6 ойдан кейингина тузалиши мумкин.

IV даражали нурланиш  $> 600$  рад. олганда кузатилиб, бунда касаллик жуда оғир кечиб, ўлим билан якунланади.


Нурланиш касаллигига учраган одамларда инфекцияга қаршилик күрсатиш (иммунитет) кескин камайиб, тўқималарни кислородга тўйинмаганлиги ҳамда қонни ивимаслик хусусиятлари пайдо бўлади.

Радиация нурларидан ишончли сақлайдиган восита — бу ҳимоя иншоотлари ҳисобланади. Ҳимоя иншоотлари гамма нурларини турли даражада сусайтиради, чунки улар турли хил материаллардан қурилган бўлади. Энг ишончли ҳимоя иншооти — бу қўрғошиндан, темирдан, темир-бетондан ва ҳоказо материаллардан қурилган бошпанадир.

**Радиоактив ифлосланиш.** Ядро аслаҳанинг бу таъсир фактори бошқа шикастловчи факторлар ичida алоҳида ўрин тутиб, унинг таъсир доираси нафақат аслаҳа портлатилган район, балки ўнлаб, юзлаб узоқликдаги жойларни ўз ичига олади. Бу фактор узоқ вақт давомида катта ҳудудни заарлаб, инсонларга, ҳайвонот дунёсига қаттиқ шикаст етказади. Радиоактив заарланишнинг манбаи ядроий портловчи модданинг парчаланган қисмлари, парчаланмаган яровий зарядлар, активланган тош, тупроқлардан ташкил топган булут ҳисобланади. Буларнинг ҳаммаси атмосферага кўтарилиб энг юқори баландликка етгандан кейин турғуналашади ва метеорологик шароитларга қараб, ҳар хил узоқликка тарқалиб, ерга тушади ва ўша ердаги жамики нарсаларни заарлайди.

1-расм.

### Ядроий портлашда радиоактив шикастланиш ҳудудларининг ҳосил бўлиши



Портлаш булугида 35 та кимёвий элементнинг 80 га яқин изотопи ҳосил бўлиб, ерга тушади ва улар ҳам ўз навбатида парчаланиб боради. Радиоактив булут шамол тезлиги ва йўналишига қараб эллесп кўринишида тарқалиб ерга тушади. Радиоактив заррачаларни ерга тушган миқдорига қараб нисбий 4 та зааралланган зонага ажратиш мумкин: кучсиз (А ҳудуд), кучли (Б ҳудуд), хавфли (В ҳудуд) ва жуда хавфли (Г ҳудуд). Радиоактив шикастланган ҳудудлар бир-биридан нурланиш дозалари қиймати билан фарқланади (1-расм). Ядро зарядининг тўлиқ парчаланган вақтдаги нурланиш дозаси билан зааралланган вақтдаги радиация даражаси ( $Pt_{зар}$ ) ўртасидаги боғлиқлик куйидагича ифодаланади:

$$Д\infty = 5 \cdot Pt_{зар} \cdot t_{зар}$$

бунда,  $Д\infty$  — ядро зарядининг тўлиқ парчалангандаги нур дозаси;

$t_{зар}$  — заарланиш вақти;

$Pt_{зар}$  — зааралланган вақтдаги радиация даражаси.

А ҳудудининг ташқарисида  $Д\infty=40$  рад,  $P_1=8$  рад соат бўлиб, зона ичида радиоактив моддалар миқдори 60 фойизни ташкил этади. Бундай ҳолатда А ҳудуд ичида жойлашган тармоқлар маълум вақт оралиқларида ишлаш имкониятларига эга.

Б ҳудуд ташқарисида эса  $Д\infty=400$  рад, ва  $P_1=80$  рад соат бўлиб, ҳудуд ичида бўлган одамлар 1 сутка давомида ҳимоя иншоотларида сақланишлари ҳамда иш фаолиятларини тўхтатишлири керак бўлади.

В ҳудуд ташқарисида  $Д\infty=1200$  рад. ва  $P_1=240$  рад. соат ташкил этиб, зона ичида бўлган одамлар ишларини 1-4 суткагача тўхтатиб, фуқаролар ҳимоя иншоотларида сақланишлари керак бўлади.

Г ҳудуд ташқарисида эса  $Д\infty=4000$  рад, ва  $P_1=800$  рад. соат ичида эса 10000 рад бўлиб бунда фуқаролар 4 суткагача ишни батамом тўхтатиб, ўзлари ҳимоя иншоотларида сақланишлари керак.

Вақт ўтиши билан радиоактив моддалар табиий парчаланиши оқибатида шикастланган зоналарда радиация даражаси камайиб боради.

Радиация даражасининг камайиши куйидаги боғланишга бўйсунади:

$$P_t = P_1 \cdot t^{-1.2}$$

бунда, Р<sub>1</sub> — портлатилгандан кейинги вақтдаги радиация даражаси рад/соат;

Р<sub>1</sub> — портлагандан кейинги бир соат ичидаги радиация даражаси, рад/соат;

т — портлатилгандан кейинги ўтган вақт, соат.

Радиация даражаси аслаҳанинг портлатиш турига, қувватига, жой релефига, метеорологик ва геологик шароитларга боғлиқ. Агар радиация даражаси ердан 0,7-1 метр баландликда ўлчанганды 0,5 рад/соат бўлса, ўша жой заарланган ҳудуд дейилади. У ерда ҳимоя воситаларидан фойдаланилади.

Ядрорий портлашда нафакат жойлар, балки унинг ҳудудида бўлган жамики ускуналар, кийим-кечаклар, сув, ҳаво, озиқ-овқат маҳсулотлари ва ернинг маълум қалинликдаги қатлами ҳам заарланади.

Иншоотларни, атроф-муҳитни, моддий ресурсларни қандай даражада заарланиши у ергаги радиоактив моддаларнинг миқдори билан ёки заарланиш зичлиги билан аниқланади ва кюри/см билан ўлчанади.

Кюри деганда 1 сонияда 37 млд. атом парчаланганды ҳосил бўладиган радиоактив модда миқдори тушунилади, яъни  $1\text{ кюри} = 3,7 \cdot 10^{10} \text{ парч/с} = 3,7 \cdot 10^{10} \cdot 60 = 2,2 \cdot 10^{12} \text{ парч/дақиқа}$ . Радиоактив изотопнинг масса миқдори ҳамда ярим емирилиш даври қанчалик катта бўлса, радиоактив моддасининг оғирлик миқдори шунча катта бўлади. Масалан: 1 кюри радий 226 ни ярим емирилиши даври  $T=90$  йил бўлиб, у 1 г.ни ташкил этади, ёки 1 кюри кобалт-60 ни ярим емирилиш даври  $T=5$  йил бўлса, унинг оғирлиги 1 мг ёки  $10^{-3}$  га teng бўлади.

1 кюрининг активлиги 570 кг уран — 235 га, ярим емирилиш даври  $T=880$  млн. йилга teng ва 16 г плутоний — 239 га, ярим емирилиш даври  $T=24 \cdot 10^3$  йилга teng бўлади.

Одатда радиоактивликни милли кюри  $10^{-3}$  кюри ва микрокюри (мк кюри)  $-10^{-6}$  кюри, СИ тизимида эса беккерел билан ўлчаниб, унинг бирлиги қилиб радиоактив моддаларни 1 сонияда 1 та парчаланиши (1 парч/с) қабул қилинган.

Демак, 1 кюри =  $3,7 \cdot 10^{10}$  БКга teng.

Заарланган участкаларнинг турли хил обьектлардаги радиоактив моддалари миқдори дозиметрик асбоблар билан аниқланади. Радиоактив заарланиш бирламчи ва иккиласмачи таъсирлардан бўлиши мумкин: яъни радиоактив булуздаги радиоактив заррачаларнинг тушиши оқибатида ҳамда заарланган участкаларда техникаларни чангитиб ёриши натижасида кузатилади.

Инсон организмига ҳам радиоактив заррачалар 2 хил йўналиш бўйича: биринчиси заррачаларни нафас йўли орқали ва иккинчиси радиоактив заараланган озиқ-овқат маҳсулотлари орқали кириб зааралайди. Бунинг оқибатида радиоактив моддаларнинг миқдорига қараб: енгил, ўртача оғир ва жуда оғир даражадаги шикастланиш юз беради. Радиоактив заараланишдан сақлашишнинг ишончли услуби — ҳимоя иншоотларида (бошпаналарда РСБ, усти ёпиқ ертўлаларда, ишлаб чиқариш ва турар-жой иншоотларининг ертўлаларида) ва шахсий ҳимоя воситалари (газниқоби, респератор, чангдан сақловчи маска, пахта докали таққич ва бошқалар) ёрдамида сақланишдир.

**Электромагнит импульс.** Ядровий портлаща атмосферада жуда катта электромагнит майдони вужудга келиб, бунда тўлқин узунлиги 1 дан 1000 м ва ундан ҳам узун бўлади. Мана шу пайдо бўлган электромагнит майдоннинг кучи **электромагнит импульси** дейилади.

Электромагнит импульсининг таъсир этувчи кучи — ҳаводаги ва ер ости кабелларидаги электр токининг қаршилигини, сигнализация, электр ўтказувчи ва радио узаткич антенналарининг қаршилигини кескин ошириб юбориб, турли даражадаги фалокатларга олиб келади. Электромагнит импульсининг таъсир дараҷаси, аслача қувватига ва портлаш баландлигига, портлаш марказидан узоқлиги ҳамда атроф-мухит хусусиятларига боғлик.

## Ядровий портлашнинг иккиласи таъсир факторлари

Ядровий аслаҳалар шаҳарларда ёки ҳалқ хўжалиги тармоқлари жойлашган ерларга яқин жойларда портлатилганда иккиласи таъсир факторлари ҳосил бўладики, бунда портлаш (модда сақланадиган идишларнинг табиий газ коммуникацияси ва жиҳозларнинг бузилиши), ёнғин (иситиш асбоблари, енгил ёнувчан суюқликлар сақланадиган жиҳоз ҳамда трубаларнинг бузилиши), жойларни сув босиши (гидроэлектростанция платиналарининг бузилиши, яшаш жойларидаги сув сақлагичларнинг заарланиши, заҳарланиш (АЭС, КТЗМ-кучли тасир этувчи заҳарли моддалар сақланадиган жиҳозларни ҳамда технологик жараёнларнинг бузилиши), иншоот конструкцияларини тўлқин зарбаси ёки ердаги сейсмопортлаш тўлқинларининг таъсирида издан чиқиши ва ҳоказолар кузатилиши мумкин.

Иккиламчи таъсир факторларининг энг хавфли манбаси катта ёнгин ва юқори портловчи моддалар кўлланиладиган корхоналар ҳисобланади. Масалан: газ ва нефтни қайта ишлайдиган тармоқлар. Бу тармоқларда технологик жиҳозлар, идишлар, трубалар, уларга молик иншоотлар бузилса, газ ҳолдаги ёки сиқилган углеводородлар чиқиб, ҳавода портлаб ёниши мумкин.

Иккиламчи факторлардан ёнгин — кимё, нефтни қайта ишловчи саноатларда ўзига хос равишда кечади. Шунинг учун бундай тармоқларда ёнгин оқибатини камайтириш учун, ёқилғи сақловчи идиш атрофини 0,7-0,8 м баландликда тупроқ билан ўралади.

Гидротехник иншоотларнинг бузилиши оқибатида катта ҳудудни сув босиши мумкин. Натижада нафақат одамлар, балки қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари, ўсимликлар ҳам шикастланади.

КТЗМ билан ишлайдиган ёки уни ўзини оладиган кимё саноати тармоқларда идишларни ёки жиҳозларнинг бузилиши оқибатида нафақат одамлар, балки атроф-муҳитдаги деярли барча нарсалар заҳарланади. Шунинг учун КТЗМ кўлланиладиган тармоқларда улар герметик пўлат идишларда юқори босимда (6-12 атм.) сақланади ҳамда ёпиқ технологик жиҳозларга берк узатгичлар орқали узатилади. Агар бундай тармоқларда авария содир этилгудек бўлса, албатта, изолирловчи (ҳимоялаш) противогазлардан (газларга қарши ниқоблардан) фойдаланилади, сабаби ҳавода юқори концентрацияли заҳарли модда ҳосил бўлишидир. Демак, ядервий талофот ўчоғи бир томондан бузувчи ва шикастловчи манба сифатида, иккинчи томондан иккиламчи таъсир ўчини ҳосил қилувчи манба сифатида иштирок этади.

## **Кимёвий қуролларнинг турлари ва хусусиятлари**

Кимёвий қуроллар — заҳарли кимёвий бирикмалар бўлиб, улар асосан заҳарли моддалар ҳисобланади. Кимёвий қуролларнинг кучи уларнинг заҳарли хусусиятига қараб белгиланади. Кимёвий қуроллар ҳимояланмаган одамларни, ҳайвонларни, ўсимлик, ер, сув, ҳаво, иншоот, техника ва жамики кўринадиган нарсаларни заҳарлайди. Бундай қуроллар асосан нафас йўли, тери, ошқозон-ичак ва яралангандай жойларда қон йўли билан таъсир қилиши мумкин. Заҳарловчи моддаларнинг кучи унинг заҳарлилиги, тез таъсир этувчанлиги ва чиламлилиги билан ўлчанади. Булардан ташқари, бундай қуролларнинг таъсир этиш диапазони (кўлами) жуда катта ҳисобланади.

**Кимёвий қуроллар** — нишонга тез ва ўйланган мақсадга тўла эришиш даражаси бўйича таъсир этишига қараб энг хавфли ва қудратли қирғин қурол ҳисобланади. Чунки унинг жуда кичик дозаси ҳам жуда қисқа вақтда таъсир этиб ҳамма нарсани заҳарлайди. Яна унинг заҳарлилик кучи маълум вақт мобайнида ҳавода, сувда, ерда ҳамда ўсимлик дунёсида сақланиб туради.

Дастлаб қимёвий қуроллар унитар тарзда ишлатилган, яъни битта заҳарли модда кимёвий қурол сифатида кўлланилган. Кейинчалик бинар — кимёвий қурол яратилдики, бунинг олдини олиш ва қурол асоратидан қутилиш жуда ҳам муаммо ҳисобланади. Бинар — икки ва ундан ортиқ заҳарли моддаси бўлган қурол демакдир. Кимёвий қуролларни таъсир даражасини ошириш учун улар ишлатилганда пар, аэрозол ёки томчи ҳолатига ўтказилади.

Кимёвий қуроллар шикастлаш хусусиятига кўра: **асабни паллажловчи**, (зоман, зарин, Ви-икс), **терини заҳарловчи** (иприт, азотли иприт), **умумий заҳарловчи** (синил кислотаси, хлорциан) **бўгувчи** (фозген, дифозген), қалтиратувчи (хлорацетофонон, адамсит), **руҳиятга таъсир этувчи** (ЛСД-дизтиламидлизирик кислотаси ва Би-зет).

Заҳарловчи моддалар заҳарлаш хусусиятига ҳамда тактик кўлланишига кўра қўйидаги гуруҳларга бўлинади:

- ♦ **Ўлдирувчи** — Ви-икс, зарин, зоман, иприт, азотли иприт, синил кислотаси, хлорциан, фозген;

- ♦ **Вақтингчалик фаолиятни йўқотувчи** — Би-зет;

- ♦ **Қалтиратувчи** — Хлорацетофонон, адамсит, Си-эс, Си-эр.

Ўлдирувчи заҳарли моддалар таъсир доирасининг узунлигига қараб турғун ва нотурғун хилларга бўлинади. Баъзи турғун заҳарли моддаларнинг таъсир вақти бир неча кундан, ҳафталаргача чўзилиши мумкин. Мана шундайлар қаторига Ви-икс, зоман, иприт киради.

Турғун бўлмаган заҳарли моддалар тезда парчаланиб кетади ва уларнинг таъсир этиш вақти ҳам қисқа бўлади. Масалан, синил кислотаси, хлорциан, фозген.

Яна химиявий қуроллар организмга таъсир этиш вақтига қараб тез ҳамда суст таъсир этувчи хилларига бўлинади. Тез таъсир этувчи заҳарли моддаларга — зарин, зоман, синил кислотаси, хлорциан Си-эр кириб, уларнинг таъсири бир неча дақиқада кузатилади. Секин таъсир этувчи заҳарли моддаларга Ви-икс, иприт, фозген, Би-зет кириб, уларнинг таъсири бир неча вақтдан кейин кузатилади.

**Асабни паллажловчи заҳарли моддалар.** Бу гуруҳга фосфор-органик заҳарли моддалар киради: зарин, зоман, Ви-икс. Уларнинг ҳаммаси рангсиз, ҳидсиз суюқликлар бўлиб, бир-биридан учувчанлиги, турғунлиги ва заҳарлилиги билан фарқланади. Бу хусусиятлар уларнинг тузилиши ва физик-кимёвий хоссалари турлича бўлишлигидадир. Лекин бу гуруҳга кирувчи қуролларнинг ҳаммаси бир умумий таъсир хусусиятига эга. Яъни улар организмга кирганда ферментларни ўлдириб, ҳамма асаб импулсларини ингибиrlайди, яъни секинлатиб-тўхтатилади ва натижада заҳарла-ниш юз береб, организм паллажланади.

Зарин — учувчан, заҳарли модда ҳисобланиб, зичлиги 1.1, қайнаш ҳарорати  $158^{\circ}\text{C}$ , музлаш ҳарорати эса  $-56^{\circ}\text{C}$ . У сувда ва органик эритувчиларда яхши эрийди. Зарин қучли заҳарловчи модда бўлиб, унинг ўртача ўлдириш дозаси 0.10 мг/л (1 дақиқа ичидаги). Унинг пар ҳолдагиси кучли таъсир этади, айниқса, кўз қорачи-тини тез кичрайтириб юборади.

Зариндан заҳарланишнинг белгилари: миоз, нафас олишнинг оғирлашуви, кўкрак қафасининг оғриши.

Ви-икс — ёмон учувчан, сувда ёмон, аммо органик эритувчиларда яхши эрийдиган, заҳарли модда ҳисобланади. Унинг зичлиги 1.1, қайнаш ҳарорати эса  $300^{\circ}\text{C}$ , музлаш ҳарорати  $50^{\circ}\text{C}$ . Ви-икс тарқалган жойларда турғунлиги: ёзда — бир ҳафтагача, қишида эса бир ой ва ундан кўп. Унинг кучли таъсири аэрозол ҳолда кузатилади.

Ви-икс нафас йўллари, тери, кийим-кечаклар орқали ҳам таъсир этиб, одамларни кучли заҳарлайди. Ви-икснинг ўлдириш дозаси 1 дақиқада 0,01 мг/л, тери орқали таъсир этганда 7 мг/л. ни ташкил этади.

Зоман — хоссалари жиҳатидан зарин билан Ви-иксни оралиғидаги ўринни эгаллаб, сувда ёмон эрийдиган заҳарли модда. Заҳарлилиги зариндан 5 марта қучли, лекин Ви-иксдан кучсиз ҳисобланади.

**Терини заҳарловчи** хусусиятли қуроллар гуруҳига кирувчи моддалар пар ва аэрозол ҳолда ишлатилиб, улар асосан тери ва нафас йўллари орқали таъсир этади. Бу гуруҳнинг типик вакили иприт-рангсиз, мойсимон суюқлик бўлиб, органик эритувчиларда яхши, аммо сувда ёмон эрийди. Иприт ҳар хил ғовак материалларга, лак, мой қопламаларига, резина маҳсулотларига яхши ютилиб, улардан чиқиб кетиши жуда қийин. Ипритнинг зичлиги 1.3, қайнаш ҳарорати  $217^{\circ}\text{C}$  га teng. Иприт билан заҳарланган участкалар-

дан унинг учеб кетиши секинлик билан боради. Шу сабабдан у турғун заҳарли модда ҳисобланади: яъни ёзда 7-14 кунгача, қишида бир ой ва ундан юқори муддатларда сақланиб туради. Унинг кучли таъсири томчи ҳолда кузатилади. Иприт — тери, кўз, нафас органлари ҳамда ошқозон-ичак йўлларини заҳарлайди. Унинг ўртача ўлдириш дозаси нафас йўли орқали таъсир этганда 1,3 мг/л тери орқали таъсир этганда 5 мг/л. га тенг. Иприт таъсирининг белгилари: икки-олти соат ичидаги терилар қизаради, 24 соатдан кейин пуффакчалар ҳосил бўлади, 2-3 суткадан кейин эса улар ёрилади. Ипритнинг антидоти йўқ.

**Умумий заҳарловчи моддалар.** Бу гуруҳ моддалари нафас органларини ишдан чиқаради. Одам организмидаги тўқималарни оксидланиш жараёнларини тўхтатиб қўяди. Бу гуруҳнинг типик вакили — синил кислотаси—рангсиз суюқлик бўлиб, аччиқ бодом ҳидга эга. Унинг зичлиги 0,7, қайнаш ҳарорати 26°C, музлаш ҳарорати эса —14°C. Синил кислотасининг заҳарли даражаси асабни паллажловчи моддалардан кучсиз ҳисобланади. Унинг ўртача ўлдириш дозаси 1 дақиқада 2 мг/л. Заҳарлаш белгилари: оғизда металл мазасининг ҳосил бўлиши, тинка қуриши, бош оғрифи, организм аъзолари ҳаракатининг йўқолиши. Синил кислотасини антидоти амилнитрит ва пропил нитрит ҳисобланади.

Хлорциан — ўзига хос ҳидли, рангсиз суюқлик бўлиб, қайнаш ҳарорати 12,6°C. музлаш ҳарорати -6,5°C, зичлиги 1.22. Унинг кучли таъсири пар ҳолда рўй беради.

**Бўгувчи заҳарли моддалар.** Бу бирикмалар нафас органларини ишдан чиқариб, ўпкани заарлайди.

Фозген — ҳаводан 3,5 марта оғир бўлган газсимон модда. У асосан ўпка тўқималарини ишдан чиқаради. Унинг ўртача ўлдириш дозаси 1 дақиқада 3,2 мг/л. Заҳарлаш белгилари: кўздан ёш оқизади, бош айланади, ҳолсизланиш кузатилади. Фозгеннинг антидоти йўқ.

**Руҳиятга таъсир этувчи заҳарли моддалар.** Бу гуруҳ моддалари асаб тизимиға муайян таъсир этиб, инсон фаолиятини вақтинчалик издан чиқаради.

Би-зет — оқ кристал қуқун бўлиб, унинг зичлиги 1.8, қайнаш ҳарорати 412°C. суюлиш ҳарорати 190°C. Унинг кучли таъсири аэрозол кўринишидаги бўлиб, нафас йўллари ва ошқозон-ичак орқали таъсир этади. Заҳарлаш белгилари: қусиш, гапира олмаслик, сўнгра галлюцинация ва ҳаяжонланиш.

**Қалтиратуви заҳарли моддалар.** Бундай хусусиятли моддалар кўзнинг ҳаракатчан қисмини ҳамда нафас йўлларининг юқори қисмини ишдан чиқаради. Бу гурухга кирувчи моддалардан Си-эс ва Си-эр муҳим аҳамиятга эга.

Си-эс — оқ кристалл кукун бўлиб, сувда ёмон, ацетон, бензолларда яхши эрийди. Унинг қайнаш ҳарорати  $315^{\circ}\text{C}$ , суюлиш ҳарорати  $95^{\circ}\text{C}$ , солиширма оғирлиги 1.0 га teng. Унинг кучли таъсири аэрозол кўринишида. Си-эснинг ҳавода аэрозол кўринишидаги миқдори  $5 \cdot 10^{-3}$  мг/л. да ҳамма одамларни бирдан ишдан чиқаради, юқори концентрацияда эса терининг очиқ жойларида куйиш содир бўлиб, нафас органлари паллажланади. Заарланиш белгилари: кўзнинг ва кўкрак қафасининг қизиши, оғриши, кўздан ёш оқиши, йўтал ва бошқалар.

Си-эр — қаттиқ кристалл модда бўлиб, заҳарлилиги Би-зетдан юқори. Си-эр ҳам инсон терисини қаттиқ шикастлантиради. Бунинг ҳам кучли таъсири аэрозол кўринишида бўлади.

**Токсинлар.** Бактериал токсинлар, ҳозирги даврда юқори заҳарли моддалар ҳисобланади. Бундай моддаларга ботунил токсини ва стаффилоккок энтеротоксин киради.

Ботунил токсини — ўлдирувчи заҳарли моддалар ичидаги заҳарлиси ҳисобланади. Тоза ботунил токсини кристалл модда кўринишида бўлади. Заарланиш белгилари: бош оғриғи, ҳолсизланиш, кўз хиралashiши, кусиш, паллажланиш. Юқори мия паллажланаб, натижада одам улади.

## Биологик қуроллар ва уларнинг хусусиятлари

Биологик қуроллар асосан кенг миқёсда одамларни, қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини, экинларни, ўсимликлар ва баъзи бир ҳарбий материалларни зарарлаш учун мўлжалланган. Биологик қуроллар асосини биологик воситалар ташкил этиб, унга касаллик тарқатувчи вируслар, бактериялар, замбуруғлар ва риккетсинлар киради. Биологик аслаҳаларга авиация бомбаси, кассеталар, контейнерлар, чанглантирувчи жиҳозлар, ракеталарнинг жанговор қисми, чайқатувчи жиҳозлар ва бошқалар киради. Биологик воситалар қўлланиши оқибатида фавқулодда эпидемиологик, эпизоотик ва эпифитотик вазиятлар юзага келади. Булар қўйида-ги кўринишларда кузатилади:

- ◆ Алоҳида хавфли юқумли касалликлар тарқалганда;
- ◆ Эпидемия;
- ◆ Гуруҳ касалланиши оқибатида;

- ◆ Касалланишнинг ва ўлимнинг ўсиши натижасида;
- ◆ Одамларнинг заҳарланишида;
- ◆ Эпизоотик вазият, яъни ҳайвонот дунёсида ўткир касалликларнинг тарқалиши;
- ◆ Эпифитотик вазият, яъни ўсимликларнинг касалланиши.

Биологик (бактериологик) қуролларни, одамларга ва ҳайвонларга таъсири ўзига хос хусусиятларга эга. Яъни улар тирик организмга жуда кичик дозада тушса ҳам юқумли касалликлар эпидемиясини бошлайди. Уларнинг тарқалиш тезлиги жуда юқори, таъсир вақти ҳам узоқ, улар герметик бўлмаган сақлагичларга осон киради, уларнинг микробини, токсинини аниқлаш жуда қийин.

**2-жадвал**

### **Юқумли касалликларнинг асосий таснифлари**

Касаллик тури	Касалликнинг тарқалиши	Яширин касаллик вақти, кун	Иш фаолиятини йўқотиш муддати, кун
Ўлат	Касалланган беморлардан ҳаво орқали, курт-кумурсқалардан юқиши орқали	3	7-14
Сибир яраси	Касалланган ҳайвон юнги, териси ушланганда, зарарланган гўштдан	2-3	7-14
Сапа	Юқоридағига ўхшаш	3	20-30
Туляремия	Зарарланган сувдан фойдаланганда, касалланган кемириувчилар билан муносабатдан	3-6	40-60
Вабо	Зарарланган сув, овқатдан	3	5-30
Сарик безгаги	Чивин чаққанда, касалланган одам, ҳайвондан	4-6	10-14
Сурчечак	Зарарланган нарса-буомдан, касалланган одам билан мулоқатда	12	12-24
Ботулизм	Заҳарланган озиқ-онқатларни истеъмол қилинганда	0,5-1,5	40-60

### **Биологик қуроллар қўйидаги турларга бўлинади:**

а) Бактериялар асосида тарқаладиган касалликларга: ўлат, сибир яраси (куйдирги), вабо, туляремия, сапа ва бошқалар.

б) Вируслар орқали касаллик тарқалиши: сувчечак, энцифалиттинг турли кўринишлари ва бошқалар.

в) Риккетсијлар орқали касаллик тарқалиши: чўчқа тифи.

г) Замбуруглар орқали касаллик тарқалиши: бластомикоза, кокцидиондомикоза, гистоплазмоза ва бошқалар.

Юқумли касалликларнинг асосий тавсифлари 2-жадвалда келтирилган.

Шулардан энг хавфлиси ва бизнинг ўлкамизда кўпроқ тарқалиши мумкин бўлган касалликлардан ўлат — одам ва қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг энг хавфли юқумли касаллиги ҳисобланниб, унинг тарқатувчиси одам организмидан ташқарида яшаш даври қисқа ҳисобланади. Лекин одам сўлаги билан чиқсан микроб 10 кунгача яшashi мумкин.

Ўлат билан касалланган беморнинг қуввати кетиб, боши оғрийди, ҳарорати кўтарилади ва ҳўл йўталиш пайдо бўлади.

**Вабо** — бу жам жуда хавфли касаллик ҳисобланниб, унинг тарқатувчиси вабо виброни микробидир. Вабо билан касалланган беморнинг ичи кетиб, қусади, қалтирайди ва жуда озиб-тўзиб кетади. Агар касал даволанмаса тезда ўлади.

**Сибир яраси** — бунинг тарқатувчиси Сибир яраси микроби ҳисобланади. У тери, нафас йўли, ошқозон-ичак йўли билан кириб, ўзининг таъсирини кўрсатади. Агар у терига тушса аввал доғ ҳосил бўлади, сўнгра у шишиб ичига қон тўлади ва ёрилиб яра ҳосил қиласади. Сибир яраси бўлган тананинг сезувчанлиги анча пасайиб кетади.

**Ботулизм** — бу касалликни ботулизм токсини тарқатади. Бу токсин жуда заҳарли ҳисобланади. Масалан, унинг 0,00000012 гр кристалл ҳолдаги токсини одамни заҳарлаши мумкин. Ботулизм касаллиги ошқозон-ичак йўли билан тарқатилиб, асосан марказий асаб тизимининг, юрак асабларини издан чиқаради. Ботулизм билан касалланган бемор ҳолсизланади, боши оғриб, кўриш қобилияти пасаяди. Тил мускуллари паллажланади. Касалнинг ҳарорати соғлом одам ҳароратидан анча паст бўлади ва бу бемор ўз вақтида даволанмаса ўлим билан тутайди.

Республикамизнинг кўпгина ҳудудларида баъзи бир касалликларни тарқалиш эҳтимоллиги юқоридир (3-жадвал).

Бактериологик қуроллар ишлатилганда суюқ ёки куқун ҳолда ерга, ўсимликларга ва сувга тарқатилади. Уларни эса қурт-қумурскалар тезлиқда атрофга тарқатиб, биологик қуролнинг зарарлаш миқёси кенгайишига сабаб бўлади. Биологик қуроллардан сақланиш ва уни тарқатмаслик чораларидан бири — бу зарарланган

минтақаны карантин ёки обсервация қилиш ҳисобланади. Карантин деганда эпидемияга қарши режимли чора-тадбирларни ўтказиш (яни, юкумли касаллукларни тарқатмаслик) тушунилади. Карантинда одамлар, ҳайвонлар ва юклар заараланган минтақадан четга чиқарылмайди, токи касаллик шикастланган ҳудуддан ташқарига юқмайдиган ҳолатта келгунча.

### З-жадвал

#### Эпидемия жиҳатидан нокулай вилоятлар

Вилоятлар	Заарланиш турлари
Бухоро	Қрим геморагик безгаги
Қашқадарё	Куйдирги қрим геморагик безгаги
Андижон	Куйдирги
Наманган	Куйдирги
Сирдарё	Куйдирги
Сурхондарё	Куйдирги
Тошкент	Куйдирги
Фарғона	Куйдирги
Хоразм	Куйдирги
Қорақалпоғистон Республикаси	Куйдирги, кана энцефалити

Агар касаллик тарқатувчи хавфли бўлмаса, заараланган ҳудуд миёси кичик бўлса, обсервация омили қўлланилади. Обсервация омилида ҳам изоляция ҳамда профилактик-тузатиш ишлари олиб борилиб, бунда эпидемиолог врачнинг рухсати билан ҳудуддан одамларни чиқиши ва у ердан мол-мulkни чиқариш амалга оширилади. Карантинда ҳам обсервацияда ҳам дезинфекция ва дезинсекция омиллари бажарилади. Қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини заарлаш учун йирик шоҳли ҳайвонлар ўлати — сибир яраси (куйдиргиси), сала, оқсил ва бошқа касаллукларни тарқатувчилар қўлланилиб, нафақат ҳайвонот дунёсига балки инсоният ҳаётига ҳам катта хавф солади. Масалан: 2001 йилнинг дастлабки ойларида Буюк Британияда қорамолларнинг оқсил касаллиги билан касалланиши кенг миқиёсда тарқалиб, бу хавф бошқа Европа давлатларида (Бельгия, Франция, Германия, Голландия, Россия ва бошқа давлатларга), ҳатто Марказий Осиё давлатларида (Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон Туркменистон, Хитой, Қурия давлатларида) ва Австралия қитъасигача тарқалганилиги маълум

бўлди. Бу касалликни тарқатувчиси филтрланувчи вирус ҳисобланади ва улар касалланган моллар сўлаги, пешоби, ахлати билан ташқи муҳитга чиқариб, атрофдаги барча нарсаларни: ҳайвонларни, буюмларни, жойларни, фуқароларни ва уларнинг кийим-кечакларини бу касаллик вируслари билан заарлайди. Ташқарига чиқарилган вируслар дарҳол нобуд бўлмай, балки узоқ вақт тирик қолади, узоқ масофаларга тарқалади ва ўша ерлардаги ҳайвонларнинг касалланишига олиб келади.

Касаллик тарқалишининг асосий манбаи: оқсил билан касалланган ҳайвонлар ҳамда заарланган жойлардан ўтган ҳайвонлар ва транспорт воситалари ҳисобланади.

Оқсил касаллигининг бошланиш даврида ҳайвонларнинг иштаҳаси йўқола бошлайди, уларнинг ҳарорати кўтарилиб – 40-42°C даражагача чиқиб кетади, сигирлар берадиган сутини кескин камайтиради, молларнинг оғзидан ипсимон сўлак оқади, сўнгра уларнинг оғзида, тилида ва лабларида шишлар (афталар) пайдо бўллади, улар бир-икки кундан кейин ёрила бошлайди ва ярачаларга айланади. Шу вақтда ҳайвонлардан жуда кўп кўпиксимон сўлак оқа бошлайди. Оқсил касаллигига қарши муваффақиятли курашиш учун бу касаллик бўйича карантинга риоя қилиш ҳамда касалликка қарши курашиш бўйича ветеренария-санитария қоидаларини бажариш керак. Касалланган молларнинг гўшти, сути, териси, юнгини ва бошқа хом ашёларидан фойдаланиш ман этилади. Шунинг учун ҳам оқсил билан касалланган моллар, ёқиш ёки кўмиш орқали йўқ қилиб юборилади. Заарланган ем-ҳашаклар, атроф-муҳит ва жойларни дезинфекциялаш орқали эпизоотик вазиятни тутатиш имконияти яратилади.

Қишлоқ хўжалиги ўсимликларини заарлашда эса картошка чириши, замбуруғли касаллик тарқатувчилари ҳамда курт-қумирсқалар (Колларадо қўнғизи, чигиртка ва бошқалар) ва бошқа воситалар орқали амалга оширилиб, эпифитотик вазият вужудга келади. Агар бу вазият тезда тутатилмаса, катта иқтисодий муаммоларни юзага келтириши мумкин.

Демак, юқорида айтилганлардан хулоса қиладиган бўлсак, қирғин қуролларининг ҳамма турлари нафақат тирик мавжудотларни жиддий шикаслантиради, балки табиат, ўсимлик дунёси, жамийки моддий ресурсларни заарлайди. Шунинг учун биз доимо ундай қуролларни ишлатишдан огоҳ бўлиб, унинг таъсирларига қарши барча чора-тадбирларни кўриб қўйган бўлишимиз керак.

## **Оддий ҳужум воситалари**

«Оддий ҳужум қилиш воситалари» термини, юқори жанговор хоссаларга эга бўлган ядроий қуроллар ишлаб чиқарилгандан кейин пайдо бўлди. Ҳозирги кунга келиб оддий қуролларнинг баъзи намуналари ўзининг самарадорлиги бўйича оммавий қирғин қуролларидан қолишмайди.

Оддий ҳужум қуроллари алоҳида ёки оммавий қирғин қуроллари билан биргаликда душманнинг аҳолисини, техникасини шикастлаш учун ҳамда обьектларни бузиш ва йўқ қилиб юбориш мақсадида ишлатилиши мумкин.

Оддий ҳужум воситаларига парчаланувчи, фугас, кумулятив, бетон бузувчи, ёндирувчи аслаҳалар, ҳажмий портлаш аслаҳалари ва юқори аниқликдаги қуроллар киради.

Парчаланувчи аслаҳалар асосан одамларга талофат етказиш учун мўлжалланган. Парчаланувчи аслаҳаларнинг ичидаги энг самаралиси шарикли бомбалар ҳисобланади. Шарикли бомбалар самолётлардан кассеталарда ташланади. Ҳар бир кассетада 96 тадан 640 гача бомба бўлади. Бундай кассета ер устида очилиб, бомбалар ҳар тарафга отилиб чиқиб  $250 \text{ минг } \text{m}^2$  майдонда портлайди. Ҳар бир бомбанинг парчаларини ўлдириш кучи 15 метр радиусда сақланади. Кассетали аслаҳалар бошқача кўринишдаги бомбалар билан тўлдирилиши мумкин.

Фугас аслаҳалар асосан саноат, туарар-жой ва маъмурий биноларни, темир йўлларни, автомобил йўлларини бузиш, техника ва одамларга талафат етказиш учун мўлжалланган. Фугас аслаҳаларнинг асосий талафот омили зарб тўлқини бўлиб, унинг кучи аслаҳадаги портловчи модданинг миқдорига боғлиқ бўлади.

Парчаланувчи ва фугас аслаҳаларининг талофат факторларидан сақланиш жойлари турли хил чукурликлар ҳисобланади.

Кумулятив аслаҳалар ҳимояланган нишонларни йўқотиш учун мўлжалланган. Бундай аслаҳалар қалинлиги бир неча сантиметрли ҳимоя қатламини тешиб, ёнғинларни пайдо қилиши мумкин. Чунки бундай аслаҳалар ишлатилганда 6-7 минг даражада ҳарорат ва жуда катта босим пайдо бўлади. Кумулятив аслаҳадан ҳимоялананиш учун ҳимоя қатламининг олди қисмига 15-20 сантиметр узоқликда турли хил материаллардан экран ўрнатилади. Унда аслаҳанинг кучи экранга сарф бўлиб, ҳимоя қатлами шикастланмайди.

Бетон бузувчи аслаҳалар юқори мустаҳкамликка эга бўлган темирли, бетонли иншоотларни ҳамда аэродромларни, учиш-

кўниш йўлларини бузиш учун мўлжалланган. Бундай аслаҳанинг асосига иккита кумулятив ва фугас заряд ҳамда иккита детонатор жойлаштирилган бўлади. Бетон бузувчи аслаҳа тўсиқقا дуч келганда биринчи детонатор кумулятив зарядни портлатади. Бир неча дақиқадан кейин иккинчи детонатор фугас зарядни портлатади ва обьектни тўлиқ бузилишига олиб келади.

Ёндирувчи аслаҳалар одамларни шикастлаш учун, биноларни ва ишлаб чиқариш обьектларини, аҳоли яшайдиган масканларни, омборларни, транспорт воситаларни ёндириш, йўқ қилиш учун мўлжалланган.

Ёндирувчи аслаҳалар тўрт хил бўлади:

1. Таркибида нефт маҳсулотлари, полистирол ҳамда нафтен ва палмитин кислоталарининг тузлари бўлган ёндирувчи аслаҳалар напалм деб аталиб, улар гелсимон кўринищда бўлади ва ҳўлланган сиртларга ёпишиб қолади. Напалм бўлаклари 5-10 дақиқада ёниб, ҳароарати  $1200^{\circ}\text{C}$  гача кўтарилади ва заҳарли газ ажралиб чиқади. Ёнаётган напалм беркиниш жойларининг тешикларидан кириб, одамларни ва техникаларни шикастлаши мумкин.

2. Таркибида нефт маҳсулотлари ва магний ёки алюминий кукуни бўлган ёндирувчи аslaҳаларни пирогел дейилади. Булар ёнганда  $1600^{\circ}\text{C}$  дан ортиқ иссиқлик ажралиб чиқиб, одамларга ва техникаларга катта зиён етказади.

3. Металларнинг кукуни (масалан, алюминий) ва оксидлари (масалан, темир (11) оксиди) аралашмасидан ташкил топган ёндирувчи қуролларни термит дейилади. Улар ёнганда  $3000^{\circ}\text{C}$  иссиқлик ажралиб чиқиб, одамларни ва техникани шикастлайди.

4. Оқ фосфор ҳавода ўз-ўзидан ёниб кетиб,  $900^{\circ}\text{C}$  атрофида иссиқлик ажралиб чиқади. Бунда ҳосил бўлган фосфор оксиди одамларни жуда оғир жароҳатлайди.

Ёндирувчи қуроллардан сақланишнинг ишончли омили — бу бошпаналар ҳисобланади.

Ҳажмий портлаш аслаҳаси (ХПА) этилен оксид, диборан, сирка кислота пероксида, пропил нитрат аралашмасидан иборат. У ишлатилганда, ҳавода аралашманинг 15 метр радиусда ва 2-3 метр қалинликдаги ёқилғи ҳаво аралашмасининг сферик булути ҳосил бўлади. Бу булат детонатор ёрдамида портлатилади. Бунда бир неча ўн микросония вақт мобайнида  $2500-3000^{\circ}\text{C}$  иссиқлик ажралиб чиқади. ХПАни асосий талофат омили зарб тўлқини ҳисобланади. Унинг портлаш жойидан 100 метр узоқликда ортиқча босими 100 КПАга этиши мумкин. Қуввати жиҳатидан ядеровий қуролга яқинлашиб қолади.

Юқори аниқликдаги қуроллар асосан яхши ҳимоя қилинган объектларни йўқ қилишга мұлжалланган. Идора қилинадиган авиация бомбалари шу мақсадларда құлланилиши мүмкін. Бундай бомбалар самолётдан ташланиб, радио ва телевидение тизимлари орқали нишонга етказилади.

### **Мавзуни ўзлаштириш учун зарур бўлган таянч сўз ва иборалар:**

- |                                 |                                  |
|---------------------------------|----------------------------------|
| 1. Қирғин қуроллар;             | 17. Синил кислотаси;             |
| 2. Оддий хужумкор қуроллар;     | 18. Адамсит, Би-зет;             |
| 3. Ядровий аслақалар;           | 19. Иприт;                       |
| 4. Бирламчи таъсир факторлари;  | 20. Фозген;                      |
| 5. Иккиламчи таъсир факторлари; | 21. Кимёвий ҳолатни баҳолаш;     |
| 6. Тўлқин зарбаси;              | 22. Радиациявий ҳолатни баҳолаш; |
| 7. Ёруғлик нурланиш;            | 23. Биологик қуроллар;           |
| 8. Радиация тўлқини;            | 24. Дезинфекция;                 |
| 9. Радиоактив чанг;             | 25. Дегазация;                   |
| 10. Электромагнит импулс;       | 26. Дезактивация;                |
| 11. Нурланиш касаллиги;         | 27. Дезинсекция;                 |
| 12. DPx да жароҳатланиш;        | 28. Обсервация;                  |
| 13. Гравитация тўлқини;         | 29. Парчаланувчи қуроллар;       |
| 14. Портглатиш турлари;         | 30. Кумулятив қуроллар;          |
| 15. Кимёвий қуроллар;           | 31. Ёндирувчан қуроллар.         |
| 16. Ви-икс, зоман, зарин;       |                                  |

### **Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Замонавий қирғин қуролларининг турлари ва таъсир хусусиятлари қандай?
2. Ядровий аслақаларнинг бирламчи ва иккиламчи таъсир хусусиятларини айтинг?
3. Кимёвий қуролларнинг таъсир хусусиятлари қандай?
4. Биологик шикастланиш ўчоғида олиб бориладиган чоратадбирлар нималардан иборат?
5. Ядровий ҳамда химиявий шикастланиш ўчоқлари қандай аниқланади ва баҳоланади?

### III БОБ

## ЎЗБЕКИСТОНДА КУЗАТИЛАДИГАН ТАБИЙ ОФАТЛАР ВА УЛАРНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

### Табиий офатлар ҳақида маълумот

Дунёда шу даврга қадар табиий офатлар доимий равишда бўлиб келди ва бундан кейин ҳам юз бериши эҳтимоллари кўп.

**Табиий офат** — бу табиатда юз берадиган фавқулоддаги ўзгариш бўлиб, у бирдан, тезлиқда инсонларнинг мўътадил яшаш, ишлаш шароитларининг бузилиши, одамларнинг ўлими ҳамда қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг, моддий бойликларнинг йўқ бўлиб кетиши билан тутайдиган ҳодисалардир.

Табиий офатларнинг турлари хилма-хил: ер силкиниши, сув тошқини, кучли шамол, ёнгин, қурғоқчилик, ер сурилиши ва бошқалар. Бу хилдаги табиий офатлар бир-бирига боғлиқ ҳамда боғлиқ бўлмаган ҳолда, алоҳидә юзага келиши мумкин. Яъни бир табиий офатнинг бошқа офат оқибатида юзага келишидир. Масалан, ўрмонда ёнгинларнинг келиб чиқиши, тоғли жойлардаги ишлаб чиқариш портлашлари, карерларни ишга солишида платиналар қуришда ернинг сурилишига, қорларнинг кўчиши ва бошқа офатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Ҳеч нарсага боғлиқ бўлмаган табиий офатлар жуда катта миқёсда ва турли вақтларгача бир неча сония дақиқадан (ер сурилиши, ер силкиниши, қор кўчиши) бир неча соатларгача (кучли қор ва ёмғир ёфиши), ҳатто кун ва ойгача (сув тошқини ва ёнгин бўлиши) чўзилиши мумкин.

Лекин бу хилдаги табиий офатлар ҳамма жойларда ҳам юзага келавермайди. Жумладан, ер силкиниши, ер сурилиши офатлари кўпроқ тоғли ҳудудларда кузатиладики, бунинг оқибатида нафакат инсонлар, балки ҳалқ хўжалиги тармоқлари, ҳатто атроф-муҳит қаттиқ шикастланади.

Яна кучли ёғингарчиллик, қор ёфиши натижасида сув тошқини кузатиладики, оқибатда, фуқароларнинг яшаш жойлари, са-

ноат корхоналари, темир ва магистрал йўллар, гидротехник иншоотлар издан чиқади.

Худди шунга ўхшаш таъсирлар ер суримиши, қор кўчиши, қурғоқчилик, кучли шамоллар таъсирида ҳам кузатилиб, охир оқибатда инсонлар катта, ҳам маънавий, ҳам моддий зарар кўрадилар.

Аммо, барча табиий офатнинг турлари ҳам ҳамма жойда кузатилавермайди. Табиий офатнинг ҳар қайси шакллари ўзларининг физик маъносига, келиб чиқиш сабабларига, ўзларининг тавсифига, кучига ва ташқи атрофга таъсир кўрсатиш хусусиятларига эга. Бу табиий офатлар бир-биридан фарқ қилишидан қатъи назар, улар бир умумий хусусиятга эга. Яъни уларнинг таъсири жуда кенг миқёсда бўлиб, ўзини ўраб турган атроф-муҳитга жуда катта таъсир кучини кўрсатади ҳамда инсонлар руҳиятига жiddий зарба беради. Шунинг учун бу табиий офатларнинг ўз вақтида билиб, унинг тавсифлари ва сабаблари аниқ ўрганилса, бу офатларнинг олдини олиш ёки уларнинг зарар келтириш хусусиятлари бирмунча камайтирилган бўлади. Шу тариқа табиий офатлардан кейинги қилинадиган хатти-ҳаракатларни ва офат оқибатларини тезроқ ҳал этиш имкониятларига эга бўлинади. Табиий офатларга қарши қураш чораларидан бири бу халқни ўз вақтида воқиф этиш ҳисобланади. Бу эса табиий офатдан келадиган зарарларни бирмунча камайтириш имкониятини вужудга келтиради. Яна табиий офатлар юз берганда халққа маънавий ёрдам бериш чора-тадбирлари ва қилинадиган бирламчи ишларни тўғри ташкил этиш шакллари энг асосий вазифалардан ҳисобланади. Бу ишларнинг бош-қошида фуқаролар муҳофазаси органлари туриб, улар офат юз берган жойда (уруш даврими, тинчлик даврими барибир) халқни бу офатлардан муҳофаза этиш ва фалокат юз берган жойдан ҳаммани беҳатар жойга кўчириш омилларини амалга оширади. Қайси ерда юқори интизом, аниқ белгиланган чора-тадбирлар бўлса, ўша ерда ҳар қандай экстремал шароитларда ҳаракат қилиш ишлари ва уларнинг натижалари юқори бўлади (маънавий талофат ва моддий йўқотиш).

Юқорида айтилган фикрлар табиий офатлар юз берган жойларда ўз натижасини берган. Масалан: Ашхабад, Тошкент, Газли, Арманистон ва бошқа давлатлардаги ер силкинишлари, Жигаристон (Ўзбекистон), Шарорадаги (Тоҷикистон) ер суримиши; Қорақалпогистондаги, Пискентдаги ҳамда Бўстонлиқ туманларидағи сув тошқинлари ва бошқалар.

## **Ер силкиниши ва унинг оқибатлари**

Табиий оғатлар ичида энг хавфлиси ва даҳшатлиси бу – ер силкинишидир. Ер силкиниши – ер ости зарбаси ва ерғустки қатламининг тебраниши бўлиб, табиий оғатлар, технологик жарайёнлар туфайли юзага келади. Ер ости зарбасининг пайдо бўлиш ўчоғи, ернинг ости қатламидаги узоқ вақт йигилиб қолган энергиянинг юзага отилиб чиқиши жараёни туфайли юзага келади. Ўчоқнинг ички қисми маркази гипоцентр дейилади, ернинг устки қисмидаги маркази эпицентр дейилади.

Ер силкиниши юзага келиш сабабларига кўра қуйидаги гурӯҳларга бўлинади:

- ◆ Тектоник зилзилалар;
- ◆ Вулқон зилзилалари;
- ◆ Ағдарилиш, ўтирилиш зилзилалари;
- ◆ Техноген (инсоннинг муҳандислик фаолияти билан боғлиқ) зилзилалар.

Юқорида қайд этилган ер силкиниши турлари ичида катта майдонга тарқаладигани ва энг кўп талофат келтирадигани тектоник ер силкинишидир. Бундай ер силкинишлар ҳақида гап кетганда литосфера ўрамларида бўладиган ҳаракат (тектоник кучлар) тушунилади.

Қия сатҳларида тоғ жинсларининг катта бўлакларини ағдарилиши, ёки тоғларнинг ўтирилиши натижасида юзага келувчи ер силкинишлар ағдарилиш зилзилалари дейилади. Бу ер силкинишнинг тарқалиш майдони кичик, кўп ҳолларда талофотсиз бўлади.

Вулқон жараёни, яъни ер остидаги магмани вулқон канали орқали ер юзасига чиқиши билан боғлиқ бўлган ер силкинишига вулқонли ер силкиниши дейилади. Бундай ер силкиниши вулқоннинг фаоллашиши билан боғлиқ бўлганлиги сабабли ақсариёт кўп ҳолларда улар аниқ башорат қилинади. Шунинг учун унинг келтирадиган талофоти деярли кучли бўлмайди.

Инсоннинг муҳандислик фаолияти билан боғлиқ бўлган ер силкинишлар асосан охирги йилларда ҳисобга олинмоқда. Бундай ер силкиниш йирик сув омборлари вужудга келган ҳудудларда, газ, нефт маҳсулотларининг ер остидан сўриб олиниши жараёни амалга оширилган майдонларда юз бермоқда. Инсон ўзининг муҳандислик фаолияти билан ер ости компонентларига муайян таъсир этиши, у ёки бу даражада ўзгартириши ер силкинишининг вужудга келишига сабаб бўлмоқда. Дарё водийларига тўғонлар


нинг қурилиши натижасида майдони бир неча минг км<sup>2</sup>, ҳажми бир неча юз км<sup>3</sup> дан катта бўлган (масалан, Чорвоқ сув омборининг умумий ҳажми 2,1 млд. м<sup>3</sup>, сув сатҳи майдони 3640 га тенг) сув омборлари вужудга келмоқда. Ер қаърида 4000-5000 м чукурликда ётган газ, нефт ер сатҳига сўриб чиқарилмоқда, ер остида узоқ геологик даврлар мобайнида ётган кўмир ана шу ер қаърида ёндирилиб газга айлантириб олинмоқда. Вақтинча сақлаш мақсадида баъзан ер ости горларига, ҳандакларига ва тоғ жинслари ғовакларига газ, нефт маҳсулотлари юқори босим остида киритилмоқда, жуда катта миқдордаги минерал сувлар ер остидан чиқариб олинмоқда. Ер қаърининг одамлар таъсири этиш жойларида йиғилаётган энергия миқдорининг у ёки бу даражада ошиши ёки камайиши оқибатида содир бўлган ер силкинишлари Ҳиндистон, АҚШ, Ўзбекистонда кузатилганлиги фандан маълум. Жумладан, Чорвоқ сув омбори қурилиб бўлингандан кейин бу ҳудудда бир неча марта ер силкинишлар бўлиб ўтган. Текширишларнинг кўрсатишича, бу ер силкинишлар ўзларининг тайёрланиш, содир бўлиш механизмлари билан Чорвоқ сув омборига йиғилган сувнинг миқдори ва йиғилган сувни сув омборидан чиқарилиш тезлиги билан боғлиқ ҳолда юз бериши кузатилган. Бунга биринчидан, сув омборининг 2,1 млд. м<sup>3</sup>. дан ортиқ сув билан тўлатилиши жараёнида, омбор тубида ётувчи тоғ жинсларининг сиқилиши ва таранглассиши оқибатида юз берадиган микросиниқлар, дарз кетишлар ва уларнинг нисбий ҳаракати сабаб бўлса, иккинчидан, сувни сув омборидан бир меъерида чиқарилмаслиги ва тоғ жинсларига таъсири қилувчи кучларнинг номутаносиб ҳолатда бўшатилиши, ўзгариши сабаб бўлган.

Республикамизнинг фарбий ҳудудида 1976, 1984 йилларда юз берган 8-10 балли Газлидаги ер силкинишларини баъзи олимлар ана шу ҳудуддаги мавжуд газ конлари ва улардан газни сўриб олиш жараёни билан боғлашади. 1976 йилдаги Газли ер силкинишнинг гипоцентри (зилзила ўчори, литосферанинг маълум чукурликдаги тоғ жинслари қатламларининг узилиши, сурилиш жойи) ер қобигининг 5-25 км чукур оралиғида, 1984 йилги ер силкинишида эса 50-200 км оралиғида жойлашган. Ер силкиниш ҳодисасини вужудга келтирувчи энергиянинг йиғилиши, сарфланиш даражаси силкиниш ҳудудларидан сўриб олинган газнинг миқдори, ер қаъри тоғ жинси қатламларига тушаётган табиий босимнинг мутаносиблигини маълум даражада бузилганлиги оқибати зилзиланинг содир бўлиш вақтини тезлаштиради.

Зилзила турларидан энг хавфлиси (талафотлиси) тектоник зилзила ҳисобланади. Маълумки, ҳар йили планетамизда 100000 дан ортиқ ер силкинишларини сейсмик асбоблар (сейсмографлар) қайд этади. Булардан 100 таси вайрон қылувчи фожия бўлиб, иморат ва иншоотларнинг бузилишига, ер юзасида ёриқларнинг пайдо бўлишига, минг-минглаб инсонлар ёстигининг қуришига олиб келади.

Ер силкиниш ўчоги гипоцентрнинг жойлашган чуқурлиги бўйича: юза — 70 км.гача, ўрта — 70-300 км. ва чуқур — 300 км.дан пастда «мантия» қатламида вужудга келадиган хилларини ажратиш мумкин. Республикаизда кузатиладиган зилзилаларнинг ўчоги асосан 70 км.гача чуқурликларда жойлашганлиги қайд этилган.

Мантиядаги катта босим ёки портлашлар туфайли зилзила ўчоги вужудга келади, натижада катта кучланишлар пайдо бўлади, булар ўз навбатида ернинг устки қатламини тебранишига олиб келади. Гипоцентрдан ҳамма тарафга, қайтар сейсмик тўлқинлар тарқалади, улар асосан узунасига ва кўндаланг турларига бўлинади. Ер остидан узунасига тарқалаётган (вертикал тарзда) тўлқинлар ўз йўналиши бўйича навбатма-навбат ер пўстлоғини сиқиб, ер юзасига чиққанда товуш чиқаради. Бу эса ер силкиниши олдидан чиқадиган товушнинг ўзгинасиdir. Кўндаланг тўлқинлар (горизонтал) ер юзасига чиқиб, зилзила тўлқинларини вужудга келтиради ва эпицентрдан барча тарафларга тарқалади.



Кучли ер силкиниши оқибатида ернинг яхлитлиги, бутунлиги ўзгаради, иншоотлар, жиҳозлар бузилади, коммунал-энергетик қисмлар ишдан чиқиши, инсонлар ўлимни юз беради. Ер силкиниши қўпчилик ҳолларда маълум интенсивликда чиқадиган товуш билан юз беради ва унинг паст-баландлиги ер қимирлашнинг кучига боғлиқ. Ер қимирлашнинг асосий кўрсаткичлари куйининг

дагилардан иборат: ер силкиниш ўчогининг чукурлиги, силкиниш амплитудаси ва ер силкинишининг интенсив энергияси.

**Зилзиланинг кучини баҳолаш. Инсоният ўзининг бутун тарихий тараққиёти мобайинида кўп ер силкинишларни бошидан кечирган, унинг аянчли оқибатларининг гувоҳи бўлган. Ўтган XX асрда энг кучли ер силкинишлар қўйидаги жойларда кузатилган:**

1920 йилда Хитойда — 180 минг,

1923 йилда Японияда — 100 минг,

1948 йилда Ашхабадда — 110 минг,

1960 йилда Мароккода — 12 минг,

1968 йилда Эронда — 12 минг,

1970 йилда Перуда — 66 минг,

1988 йилда Арманистонда — 25 минг,

1990 йилда Тайванда (ўлганлар сони аниқ эмас) ва

1999 йилда Туркияда — 18 минг одам ўлган.

Бизнинг асримизда эса 2001 йилда Ҳиндистонда 7,9 балл куч билан ер силкиниб, унда 30 мингдан ортиқ одам нобуд бўлган ва юз мингдан ортиқ инсонлар, бошпанасиз қолганлар.

Узоқ тарихий сабоқ, яъни ер силкиниши кишиларни руҳий ҳолатига бўлган таъсири, иморат ва иншоотларнинг бузилиши, вайрон қилиниши, ер юзасида вужудга келган ўзгаришлар (ер сатҳида ёриқлар ва булоқларнинг пайдо бўлиши) юз берган ҳодисаларнинг кучини баҳолашга ўргатган. Натижада нисбий баҳолаш шкаласи пайдо бўлган.

**Зилзила кучи икки хил ўлчов бирлигига ўлчанади. 1. Балларда; 2. Магнитудада.**

Дунёning жуда кўп давлатларида ер силкиниш кучи 12 балли ҳалқаро ўлчов бирлигига ўлчанади.

Балл — ер юзасининг тебранма ҳаракат даражасини кўрсатади. Силкиниш кучини балларда ўтчаща «сейсмограф»лардан фойдаланиб, тоф жинси заррачаларининг тебранма ҳаракат тезлиги топилади. Яъни ёзиб олинган «сейсмограммалар» орқали заррачаларнинг тебраниш амплитудаси аниқланади ва шу асосида сейсмик тўлқин тезланишини қўйидаги формула орқали ҳисоблаб чиқариш мумкин.

$$\alpha = A \frac{4\pi^2}{T^2};$$

бунда,  $\alpha$  — сейсмик тўлқин тезланиши, м/с<sup>2</sup>;

А — төг жинси заррачаси тезланиш амплитудаси, мм;  
 Т — сейсмик тебраниш даври, с;  
 $\pi = 3,14$ .

Эпицентрда төг жинси заррачаларининг сейсмик тезланишини, у ерда содир бўлган ўзгаришларга (бузилиш, ёрилиш, вайрон бўлиш ва ҳ.к.) тақдосланган ҳолда Россия Фанлар Академияси олимлари томонидан ер силкинишининг кучини «балларда» баҳолаш шкаласи ишлаб чиқилиб, ҳозирда бу услугуб ҳамма МДҲга кирувчи давлатларда, жумладан, Ўзбекистонда MSK (Медведев, Шпонхоер ва Карник) номи билан қўлланилади. Тупроқ заррачининг тебранма ҳаракат интенсивлиги силкиниш ўчиги чукурлигига, магнитудага, эпицентрдан узоқ-яқинлигига, тупроқнинг геологик тузилишига ва бошқа факторларга боғлиқ.

Иккинчи ўтчов бирлиги бу Рихтер шкаласи бўйича Магнитуда (M) ҳисобланади. Магнитуда шкаласи 1935 йилда Америка сейсмологи Ч.Рихтер томонидан таклиф қилинган. Магнитуда ер силкинишининг умумий энергиясини кўрсатиб, у ернинг максимал сурилиш амплитудаси логарифмини белгилайди ва микронларда аниқланади. Магнитуда гипоцентрдан ажralиб чиқсан энергияга пропорционал қатталик ҳисобланиб, унинг максимал қиймати 9 M. гача бўлади.

Ер силкинишининг умумий энергия миқдори қуйидаги формула билан топилади:

$$E = \pi^2 \cdot \zeta \cdot V \cdot \left( \frac{A}{T} \right)^2$$

Бу ерда,  $\zeta$  — ер силкиниш гипоцентридаги мавжуд төг жинсларининг зичлиги,  $\text{г}/\text{см}^2$ ;  
 $V$  — төг жинсларида сейсмик тўлқинларининг тарқалиш тезлиги,  $\text{м}/\text{сония}$ ;  
 $A$  — төг жинси заррачаси тезланиш амплитудаси, мм;  
 $T$  — сейсмик тебраниш даври, сония;  
 $\pi = 3,14$ .

Бу энергиянинг (E) миқдори баъзан шунчалик катта бўладики, ҳатто, юз мингта водород бомбасини портлатиш оқибатида ажralадиган энергия қувватига teng келиши мумкин. Ер силкинишида магнитуданинг ҳар бирликка ортиши, 10 баробар ер теб-

раниш амплитудасининг ортишига (тупроқнинг сурилиши) ҳамда 30 баробар ер силкиниш энергиясининг ортишига олиб келади.

Масалан,  $M=5$  дан  $M=7$  га ўзгарганда, тупроқнинг сурилиши 100 баробарга, ер силкиниш энергияси эса 900 баробарга ортади (4-жадвал).

MSK — 64 (балл) ва Рихтер (M) шкалалари орасидаги фарқ тахминан 2,5 ни ташкил этади.

## 6

### Ер силкиниш кучининг хусусиятлари

Ер силкиниш кучига қараб қуйидаги ҳолатлар кузатилади:

1 балл — сезиларсиз, фақатгина сейсмик асбоблар қайд қилали;

2 балл — жуда кучсиз, уй ичидаги ўтирган баъзи одамлар сезиши мумкин (дераза ойналари титрайди);

3 балл — кучсиз, кўпчилик одамлар сезмайди, очиқ жойда тинч ўтирган одам сезиши мумкин. Осилган жисмлар аста-секин тебранади;

4 балл — ўртача сезиларли. Очиқ жойда, бино ичидаги турган одамлар сезади. Уй деворлари қирсиллади. Рўзгор анжомлари титрайди, осилган жисмлар тебранади;

5 балл — анча кучли. Ҳамма сезади, уйқудаги одам уйғонади, баъзи одамлар ҳовлига югуриб чиқади. Идишлардаги суюқлик чайкалиб тўклилади, осилган уй жиҳозлари қаттиқ тебранади;

6 балл — кучли. Ҳамма сезади, уйқудаги одам уйғонади, кўпчилик одамлар ҳовлига югуриб чиқади. Уй ҳайвонлари бетоқат бўлади. Баъзи ҳолларда китоб жавонидаги китоблар, рўзгор буюмлари жавонларидағи идишлар ағдарилиб тушади;

7 балл — жуда кучли. Қўпчилик одамларни қўркув босади, кўчага югуриб чиқади, автомобил ҳайдовчилари ҳаракат вақтида ҳам сезади, уй деворларида катта-катта ёриқлар пайдо бўлади, ҳовузлардаги сув чайқалади ва лойқаланади.

8 балл — емирувчи. Ҳом фиштдан қурилган иморатлар бутунлай вайронага айланади, анча пишиқ қилиб қурилган иморатларда ҳам ёриқлар пайдо бўлади, уй тепасидаги мўрилар йиқилади, баъзи дараҳтлар бутун танаси билан йиқилади, синади, тоғлиқ жойларда қулаш, сурилиш ҳодисалари юз беради.

9 балл — вайрон қилувчи. Ер қимирлашига бардош берадиган қилиб қурилган иморат ва иншоотлар ҳам қаттиқ шикастланади. Оддий иморатлар бутунлай вайрон бўлади, ер юзасида ёриқлар пайдо бўлади, ер ости сувлари сизиб чиқиши мумкин.

10 балл — яксон қилувчи. Ҳамма иморатлар яксон бўлади. Темир йўл излари тўлқинсимон шаклга келиб бир томонга қараб эгилиб қолади, ер ости коммунал қувурлари узилиб кетади, чўкиш ҳодисалари юз беради. Сув ҳавзалари тўлқинланиб қирғоққа урилади, қояли ён бағрларда катта-катта сурилиш ҳодисалари содир бўлади.

11 балл — фожиали. Ҳамма иморатлар деярлик вайрон бўлади, тўғонлар ёрилиб кетади, темир йўллар бутунлай ишдан чиқади, ернинг устки қисмида катта-катта ёриқлар пайдо бўлади, ер остидан балчиқлар кўтарилиб чиқади, сурилиш, қулаш ҳодисалари ниҳоясига етади.

12 балл — кучли фожиали. Ернинг устки қисмида катта ўзгаришлар юз беради. Ҳамма иморатлар бутунлай вайрон бўлади, дарёларнинг ўзани ўзгариб шаршаралар пайдо бўлади, табиий тўғонлар вужудга келади.

МДҲ ҳудудининг 20 фоизга яқин ери сейсмоактив миңтаقا ҳисобланиб, бундай ҳудудларга асосан тоғли ўлкалар, Кавказ орти, Шимолий Кавказ, Карпат бўйи, Жанубий Крим, Молдавия, Приморье, Сахалин, Камчатка, Курил ороллари, Туркманистон ва Ўрта Осиёning тоғли ўлкалари киради.

#### 4-жадвал

**Ер силкинишининг баъзи кўрсаткичлари қуйидаги жадвалда кўрсатилган:**

Рихтер бўйича, (магнитуда)	Дунё бўйича 1 йилда ер силкинишининг ўртacha сони	Ернинг силкиниш муддати, сония	Кучли ер силкинишининг таъсир этган радиуси, км
8,0-8,9	1	30-90	80-160
7,0-7,9	15	20-50	50-120
6,0-6,9	140	10-30	20-80
5,0-5,9	900	2-15	5-30
4,0-4,9	8000	0-5	0-15

Юқорида айтилганидек, ер силкинишида катта моддий йўқотиш ҳамда минглаб одамлар ўлими юз беради. Масалан, 1990 йилда Эрондаги 8 балли ер қимираши оқибатида 50 минг одам ўлиб, 1 млн. га яқин одамлар эса, қон йўқотиб, жароҳат олганлар. Худди шундай ҳолат 1988 йил 7 декабрда Арманистондаги ер қимирашида ҳам кузатилди. У ерда жуда катта куч билан (10,5 балл) ер

силкингандын да оқибатда 25 минг одам ўлган. Бунда 8 млн. кв.м уй жой йүк бўлиб кетган, 514 минг киши бошпанасиз қолган. Ер остида қолганлардан 15250 киши кутқарилган. Ер силкиниш 4 та катта шаҳарларни Ленинакан, Кировокан, Спитак ва Степанаван ҳамда 58 та яшаш пунктларини ўз ичига олган. Шулардан 1500 та қишлоқ вайрон бўлган, 12 та шаҳар шикастланган, улардан 3 таси батамом йўқ бўлиб кетган. Булардан ташқари, саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналари деярли издан чиққан, автомобил ва темир йўлларнинг кўп қисми, алоқа, кўприклар яроқсиз ҳолга келган.

Бу табиий оғат муносабати билан дунёning турли бурчакларидан, жумладан, Ўзбекистондан ҳам ёрдам кучлари келиб, у ердаги жабрланган халқа моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилган. Шунингдек, фуқаролар мудофааси органлари (собиқ иттифоқ мудофааа вазирлигига қарашли) томонидан 23000 дан кўп кишилар сафарбар этилиб, улар хизматида 3000 дан ортиқ турли хилдаги техникалар иштирок этган. Жуда катта миқёсдаги табобат хизмати армияси ҳам ёрдам кўрсатди. Хаттоки ер остида, иншоотлар тагида қолган одамларни кутқариш учун чет эллар — Англия, Франция, Швейцария ва бошқа давлатлардан мутахассислар келиб ёрдам берганлар.

Худди шунга ўхшаш ҳолат 1966 йилдаги Тошкент зилзиласида ҳам кузатилган. Унда 8 балли силкиниш содир бўлиб, иморатларга, катта қурилишларга зиён етган. Силкинишлар бир неча кунгача вақти-вақти билан такрорланиб турган. Бунинг оқибатида 78 минг оила бошпанасиз қолган, 2 млн. квадрат метр ердаги туар жойлар 7600 ўринли мактаблар, 2400 ўринли мактабгача тарбия муассасалари ишдан чиққан, 690 савдо ва 84 турли корхона идоралари зиён кўрган. Ўша вақтда моддий зарар миқдори ҳеч қаерда ёзилмаган эди.

Фуқаро мудофаалари ва хорижий ташкилотларнинг кўрилган зарарни бартараф этиш борасида кўрсатган саъй-ҳаракатларини халқимиз ҳеч қачон унутмайди.

## **Иморатларга, иншоотларга ер силкинишининг таъсири ва хусусиятлари**

Юқорида айтиб ўтилганидек, зилзила таъсирида иморатлар ва иншоотлар талафот кўради. Кўрилган талафот даражаси иншоот лойиҳасига, ишлатилган қурилиш материалларига боғлиқ. Шу-

нинг учун ҳамма иншоотлар ва уларнинг кўрадиган талофотлари давлат стандарти билан тартибга солинади.

**Иншоотлар кўрадиган талафотлар қуидагича таснифланади:**

1-даражали талафот. Бунда енгил шикастланиш юз беради.

2-даражали талафот. Оғир бўлмаган шикастланиш содир этилади, деворларда катта бўлмаган ёриқлар пайдо бўлади.

3-даражали талафот. Иншоотларнинг оғир шикастланиши юз беради, деворларда катта ва чуқур ёриқлар пайдо бўлади.

4-даражали талафот. Иморат ва иншоотлар ички деворларининг тўлиқ бузилиши юз беради.

5-даражали талафот. Иморат ва иншоотлар тўлиқ бузилиши содир бўлади.

Иморат ва иншоотларнинг конструкцияси ва қурилиш материаларига қараб таснифланиши:

А гуруҳ — хом фишт, пахса деворли иморатлар;

Б гуруҳ — пишиқ фиштдан қурилган иншоотлар;

В гуруҳ — темир-бетон, синчли ва ёғочдан қурилган иншоотлар.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда давлат стандарти (ГОСТ) томонидан иморатлар гуруҳининг ҳар бир балда кўрадиган талафот даражалари қонунлаштириб қўйилган. Жумладан:

6 балл — ер силкиниш жараёнида А гуруҳга мансуб иншоотлар 2-даражали талафот, Б гуруҳи иншоотлари 1-даражали талафот кўради.

7 балл — А гуруҳидаги иншоотлар 3-даражали талафот кўради.

8 балл — А гуруҳидаги иншоотлар 5-даражали, Б гуруҳидаги иншоотлар ҳам 3,4-даражали, В гуруҳидаги иншоотлар 2-даражали талафот кўради.

9 балл — Б гуруҳидаги иншоотлар 4-даражали, шунингдек, В гуруҳидаги иншоотлар ҳам 4-даражали талафот кўради.

10 балл — Б гуруҳидаги иншоотлар 5-даражали, В гуруҳидаги иншоотлар 4-даражали талафот кўради.

11 балл — Б гуруҳидаги иншоотлар тўлиқ қулайди. Тоғ жинсларининг тик ва горизонтал йўналишдаги ҳаракати қузатилади.

12 балл — амалда ер юзасида тик иншоот қолмайди.

Бу фикрлар у ёки бу балларда ер силкиниши содир бўладиган ҳудудларда кўриладиган талофот даражаси ҳисобга олинган ҳолда, фақат маълум гуруҳдаги иншоот ва иморатлар қурилиши лозим, деган сўздир.

Ер силкиниши келтирадиган талофот иншоотнинг турига, конструкциясига боғлиқ бўлиши билан бир қаторда, қурилиш

майдонларининг муҳандис-геологик шароитига, яъни тоб жинслари турларининг мустаҳкамлик даражасига, хосса ва хусусиятларига боғлиқ. Масалан, 1966 йили Тошкент шаҳрида бўлган силкиниш натижасида шаҳарнинг ер ости сувлари сатҳи ер юзасига яқин бўлган пастқам жойларга жойлашган иморатлар кучли талафот кўрди. Шундан кейин 1966 йили шаҳар ҳудудида қайта муҳандис-геологик хариталаш ишлари ўтказилиб, шаҳар маркази тупроқ шароити нуқтаи назаридан 9 баллик минтақага ўтказилди. Бу деган сўз, 9 баллик минтақада қуриладиган иншоотлар конструкциясига ва усулига маълум талаблар қўйиш ва уларни бажариши талаб қиласди.

Сейсмоактив ҳудудларда қурилиш ишларини олиб боришда давлат томонидан тасдиқланган қонун-қоидаларга, талабларга риоя қилинмоғи зарур. Яъни шаҳар қурилишида иморатларнинг баландлигига ва шаклига катта талаблар қўйилади, улар қуйидагилардан иборат:

- ◆ шаҳар ҳудудида катта-катта очиқ майдонларнинг бўлиши, яъни силкиниш содир бўлган тақдирда ва ундан кейин одамларнинг яшashi учун енгил қурилмалар қуриш учун ҳавфсиз жой зарур;
- ◆ сув ҳавзаларининг бўлиши, яъни зилзила вақтида чиқиши мумкин бўлган ёнгинларни учириси мақсадида фойдаланиш учун сув захирасига эга бўлиш;
- ◆ Иншоотлар орасидаги масофа, иншоот баландлигидан 1,5 марта узоқ бўлиши, чунки иморат талофот кўрганда бир-бирига таъсир қилмаслиги керак.

**Иншоотлар ер силкинишига бардош бериш хусусиятига кўра 3 туругча бўлинади:**

- А — 7 баллгача чидайдиган кучсиз сейсмочидамли уйлар. Бунга тупроқдан, гиштдан қурилган уйлар киради.
- Б — 8 баллгача чидайдиган уйлар. Бу хилдаги уйлар ҳар хил ёғоч каркаслардан тайёрланади (синчли уйлар).
- В — 9 баллгача чидайдиган сейсмочидамли уйлар. Бу хилдаги уйларга катта металл каркаслардан тайёрланадиган, темир-бетон конструкциялардан қурилган иншоотлар киради.

## **Ер силкиниш оқибатларини тутатиш чора-тадбирлари**

Ер силкинишининг оқибатларини тутатишда ишга яроқли ҳар бир киши иштирок этиши зарур ва қуйидаги ишлар бирламчи ҳисобланади:

- ♦ Ер тагида, бузилган ва ёнаётган уйда қолган одамларни күтқариш;
- ♦ Ишлаб чиқариш, коммунал-энергетик тизимларда содир бўладиган аварияларнинг олдини олиш ва тўғрилаш (чунки булар инсон ҳаётига хавф солади);
- ♦ Бузилган уйларни, иншоотларни тиклаш;
- ♦ Талафот кўрганларга тиббий ёрдам кўрсатиш шаҳобчаларини тайёрлаш;
- ♦ Ер силкиниш ўчоғида сув таъминотини тиклаш.

Албатта, мана шу ишларни бажаришда иштирок этаётган ҳар бир одам эҳтиёт чораларини кўрган ҳолда, керакли жойларда шахсий ҳимоя воситалардан фойдаланишлари зарур. Ҳеч қандай ўзбошимчалик, белгиланмаган чора-тадбирлар ва хатти-ҳаракатларни амалга ошириш ман этилади.

Ер силкиниши бошқа турдаги табиий офатларни, фалокатларни: масалан, ер сурилиши, сув тошқини, қор кўчкиси, ёнғин чиқиши ҳамда аварияларни: коммунал-энергетик тизимларининг издан чиқиши, кимё саноати корхоналарида авария натижасида КТЗМларнинг ташқарига тўқилиши, АЭСларда радиоактив моддаларни атмосферага чиқиши ва бошқа хавфли офатларнинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

Аммо, ҳозиргача ер силкинишининг аниқ вақтини ва жойини айта оладиган услуб йўқ. Лекин ернинг тавсифли хусусиятлари, тирик мавжудодларнинг хатти-ҳаракатлари ўзгаришига қараб олимлар ер силкиниши ҳақида муайян маълумотларни берадилар.

Ер силкинишини белгилайдиган айрим кўрсаткичлар қўйида-гилардан иборат: кучсиз тебраниш частотасининг кескин ўсиши, ерни деформацияланиши, тоғ жинсларининг электр қаршилиги ўзгариши, ер ости сувлари сатҳининг кўтарилиши, ер ости сувларида радон миқдорининг ортиши ва бошқа ўзгаришлар.

Булардан ташқари, ер силкиниши олдидан уй ҳайвонларининг хатти-ҳаракатлари ҳам ўзгаради. Масалан, мушуклар ташқарига чиқиб кетадилар, қушлар ўз уяларидан учиб чиқадилар, чорва моллари жуда безовта бўлиб қоладилар ва бошқалар.

Фан ва техниканинг ривожланиши сўзсиз ер силкинишини олдиндан башорат қилиш имкониятини беради. Жумладан, юқорида таъкидланганидек ер ости сувларида ер силкинишидан олдин радон гази миқдорини ошиш қонунини биринчи бўлиб ўзбек олими F.Мавлонов томонидан аниқланган ва бу қонуният Тошкент зилзиласи оқибатларини ўрганишда ўз тасдифини топди. Ҳозирги

кунда бу усул билан Республикаミзда ва Марказий Осиё давлатларида рўй берган бир неча зилзилалар башорат қилинди ва улар тасдиқланди.

Ўзбекистон олимларининг бундай кашфиёти билан қизиқкан Америка олими О.Жемс шундай деган эди: «Яқин кунларда ўзбек мутахассислари зилзила ҳақидаги башоратни худди иқлим шаротини башорат қилгандек радио орқали эълон қилиш даражасига етиб борадилар». Лекин бу ерда шуни айтиб ўтиш қеракки, ер силкинишнинг олдиндан башорат қилиш муаммоси ҳали бутунлай ҳал этилмаган. Бунга бирдан-бир сабаб бу масаланинг мураккаблиги, яъни заминда ер силкиниш жараёнини вужудга келтирадиган гипоцентр-ўчоқнинг ниҳоятда яширинлиги ҳамда шу «ўчоқда» йифилган ва ер силкинишига олиб келадиган энергиянинг ҳамда унинг содир бўлиш қонуниятларини ҳали етарлича билмаслигимиздадир.

Ер силкиниш оғатидан муҳофаза қилишнинг бир усули бу олдиндан сейсмоактив миңтақаларни белгилаш ҳисобланади. Бунда инсонлар учун, ҳалқ ҳўжалиги тармоқлари учун хавфли бўлган 7-8 балли юқори ер силкиниши мумкин бўлган жойларни белгилаб ҳарита тузилади. Мана шундай сейсмоактив миңтақаларда олдиндан тури мухофаза омиллари кўрилиб, иншоотларни куриш, таъминлаш ва баъзи хавфли ишлаб чиқариш тармоқларини (кимё заводлари, АЭСлар ва шунга ўхшаш корхоналарни) ҳатто тўхтатиши ишлари амалга оширилади.

Шундай ишлар, яъни Ўзбекистоннинг сейсмоактив ҳудудлари ҳаритаси 1977 йилгача амал қилиб келди ва ҳозирги кунда Ўзбекистон Фанлар Академиясининг сейсмология институти томонидан 1997 йилда Ўзбекистоннинг янги сейсмоактив ҳаритаси тузилиб, бунда ҳар бир ҳудуднинг сейсмологик ҳусусиятлари ҳисобга олинган. Янги ҳаритада кўрсатилишича Ўзбекистоннинг миңтақаларида бўлиши мумкин бўлган ер силкинишлари белгиланган. Жумладан, Қорақалпогистон Республикасида — 6 баллгача; Ҳоразм ва Самарқанд вилоятларида — 7 баллгача; Тошкент, Карши, Бухоро, Терmez, Наманганд, Фарғона шаҳарларида — 8 баллгача; Андижон вилоятида — 9 баллгача белгиланган.

Шунингдек, сейсмоактив ҳаритада Тошкент шаҳри учун ҳам 6-9 баллгача бўладиган микросейсмоактив ҳудудлар ҳам белгилаб қўйилганки, ҳозирги кунда мана шу маълумотлар асосида Тошкент шаҳрида мақсадли қурилишлар амалга оширилмоқда.

Шу ерда таъкидлаб ўтиш қеракки, республикамизда 136 та шаҳар мавжуд бўлиб, улардан 13 таси йирик шаҳарлар ҳисобланади. Шаҳарларда қурилишлар 5 та тоифа бўйича амалга оширилиб, улар катта-кичиклигидан қатъи назар ҳалқа йўли билан белгиланиши зарур. Чунки ФВ да фуқароларни фақат транзит йўллари орқали (жумладан, ҳалқа йўллари орқали) ҳаракат қилишга йўналтирилиши лозим.

Шунинг учун ҳар бир корхона раҳбари ер силкиниши оқибатларини камайтиришнинг асосий тадбирларини билиши зарур. Булар қуйидагилардан иборат:

- Ҳудуднинг сейсмик харитаси, унда зилзила бўлиш эҳтимоли бор жойлар ва унинг кучи кўрсатилади;
- Зилзилага бардош берадиган уйлар ва саноат иншоотларини куриш;
- Зилзила содир бўлиб қолган ҳолда аҳоли ўзини қандай тутиши ва хатти-ҳаракатлари ҳақида тушунтириш;
- Сейсмик станцияларда узлуксиз навбатчиликни ташкил қилиш ва олиб бориш;
- Зилзилалар ҳақида аниқ хабар ва алоқа тизимини ташкил қилиш;
- Кутқарув, куч ва воситаларни тайёр ҳолга келтириб кўйиш;
- Аҳолини хавфсиз, ўз вақтида эвакуация қилиш тадбирларини ишлаб чиқиш;
- Моддий-техник таъминоти (плакатлар, озиқ-овқат, доридармон) захираларини ташкил қилиш;
- Зилзила ҳақида хабар берувчи белгиларни аҳолига тушунтириш ва ўз вақтида кўллаш.

**Ер силкинишини тавсифлайдиган белгилар қуйидагилардан иборат:**

- ◆ ер остики сувларининг физик-кимиёвий таркибининг ўзгариши (лабораторияда аниқланади);
- ◆ қушлар ва уй ҳайвонларининг безовталаниши, газ ҳидининг келиши, ҳавода чақмоқ чақиши ва ёруғлик пайдо бўлиши;
- ◆ бир-бирига яқин, лекин тегмаётган электр симларидан учкун чиқиши, уйларнинг ички деворларида зангори шуълалар пайдо бўлиши ва люминицент лампаларининг ўз-ўзидан ёниши.

Мана шу белгиларни билган ҳар бир фуқаро ёки зилзила ҳақида хабар эшитганда, саросимасиз ва ишончли ҳаракат қилиши керак. Зилзила ҳақида олдиндан хабар берилса, уйни ташлаб чиқишдан аввал, газ ва бошқа иситгич асбобларини ўчириш, болалар ва

қарияларга ёрдам бериш, зарур буюмларни, озиқ-овқат, доридармонарни ва ҳужжатларни олиб, кўчага чиқишилари керак. Агар зилзила кутилмаганда бошланиб қолса, у ҳолда дераза ва эшик оралиқларига ёки кўтарувчи устунлар тагига туриб олиш зарур. Дастребаки силкиниш зарбаси тиниши билан зудлик билан ташқарига чиқиш керак. Шуни эсдан чиқармаслик керакки, кўп қаватли биноларнинг энг нозик, ишончсиз жойлари зинапоя ва лифт шахтадаридир. Шунинг учун зилзила бошланган пайтда зинапоялардан югуриш тавсия этилмайди ва лифтлардан фойдаланиш тақиқланади.

Корхона ва муассасаларда зилзила пайтида иш тўхтатилиди. Электр токи сув, газ ва буғлар тўхтатилиб, фуқаролар муҳофазаси қисмларидаги ишчи ва хизматчилар олдиндан белгилаб кўйилган жойга тўпланадилар, бошқалар эса хавфсиз жойларда бўладилар.

Зилзила вақтида уйда бўлмаган фуқаролар уйга шошмаслиги, балки ўша жой раҳбарларининг кўрсатмаларини диққат билан кутиб, унга риоя этган ҳолда ҳаракат қилишилари керак. Зилзила вақтида жамоат транспортининг тўла тўхтатилишини кутиб, олдин болаларни, ногирон ва қарияларни тушириш керак. Юриб кетаётганда сакраб тушиб қолиш ярамайди, зилзила вақтида жабрланганларга асосан ёрдамни фуқаролар муҳофазаси қисмлари беради, лекин зарур бўлган ҳолларда аҳолининг ҳам ёрдам бериши мақсадга мувофиқдир.

## Сув тошқини ва унинг талафотлари

Сув тошқини ҳам табиий оғатлар ичидаги энг хавфлиси ҳисобланади. Сув тошқини деб дарё, кўл, ҳовузлардаги сув сатҳининг кескин кўтарилиши натижасида маълум майдонлардаги ерларни сув тагида қолишига айтилади.

Сув тошқинига турли омиллар сабабчи бўлади:

- ◆ Кучли ёмғир ёғиши оқибатида (жала, сел қувиши);
- ◆ Қорларнинг сурункали эриши натижасида;
- ◆ Кучли шамол эсиши натижасида;
- ◆ Оқар дарёлардаги музликларни йиғилиб, сунъий тўғон ҳосил қилиши;
- ◆ Тоғ жинсларининг нураши, сурилиши ёки бошқа сабаблар билан сув сақлаш омборларининг бузилиши оқибатида.

Кучли ёмғир ёғиши натижасида сувларнинг сатҳи кескин кўтарилиб, дарё, кўлларга сиғмайди ва натижада экин майдонлари-

ни, турар-жой массивларини, йўлларни сув босади ва уларни издан чиқаради. Булардан ташқари, электр энергия, алоқа узатгичлар, меллиоратив тизимлар ишдан чиқади, чорва моллари, қишлоқ хўжалиги экинлари йўқ бўлиб кетади, хом ашёлар, ёқилғи, озиқ-овқатлар, минерал ўғитлар ва бошқалар яроқсиз ҳолга келади, ёки йўқ бўлиб кетади. Шулар натижасида жуда катта моддий зарар кўрилиб, инсонлар ўлими содир бўлиши мумкин.

Сув тошқини офати турли жойларда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам тез-тез бўлиб туради. Масалан, 1992-95 йилларда кўпгина вилоятларда— Хоразм, Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё, Жиззах, Сирдарё ва бошқа жойларда жуда катта экин майдонлари сув остида қолиб, оқибатда катта миқдорда моддий зарар кўрилди.

Кучли ёмғир ёғиши оқибатида сув тошқини 1993, 1994, 1995, 2000, 2001 йилларда Европа давлатларида ҳам кузатилиб, бунда нафақат моддий зарар, балки ҳисоблаб бўлмайдиган маънавий зарар — инсонлар ўлими юз берди.

Масалан, 1987 йилда Грузияда 31 декабрдан 1 январга ўтар кечаси узоқ вақт ёқкан ёмғир ва қор натижасида (қор қалинлиги 4-5 м.ни ташкил этган) сув тошқини бўлиб, бунда кўп одамлар ҳалок бўлдилар ва турли даражада жароҳат олдилар. Сув тошқини оқибатида 200 кв км майдон сув остида қолди: шулардан 4400 турар жойлар, 16 км темир йўл, 1800 км автомобил йўли, 200 км электр тармоқлари тамоман издан чиқди. Фалокатдан қўрилган моддий зарар ўша даврда 300 млн. рублни ташкил этган.

Шунга ўхшаш нохушликлар кейинги йилларда ҳам дунёнинг турли бурчакларида содир бўлмоқда. Дарёлардаги сувнинг оқимиға тескари йўналишда эсадиган кучли шамол ҳам уни сатҳини кўтариб юборади ва натижада сув тошқини юз беради. Бу хилдаги тошқин Ленинградда Нева дарёсида кузатилган. 1997 йил ноябрда Ветнамда ҳам жуда кучли шамол оқибатида сув тошқини бўлиб, катта миқёсдаги уй-жойлар, моддий ресурслар сув тагида қолиб, кўпдан-кўп одамлар ҳалок бўлишган.

Оқар дарёларда сувларнинг сатҳида музликлар ҳосил бўлиши ва бу музликлар йиғилиб сувнинг оқимиға қарши тўсиқлар (тўғон) ҳосил қилиши натижасида ҳам сув тошқини рўй беради. Бу ҳилдаги тошқин 1992 йилда Қорақалпоғистон Республикасида Амударё оқиб ўтадиган учта районда кузатилди. Бу оғатнинг олдини олиш учун ҳамма омиллар бажарила борди ва охир-оқибатда ҳарбий самолётлар ёрдамида тўсиқ бўлиб турган муз тўғонлари порглатиш йўли билан йўқ қилинди. Бундай ҳолатлардаги сув тошқинлари дунё миқёсида жуда тез-тез бўлиб туради.

Сув тошқини каналлар ва сув сақлайдиган омборларнинг турили сабабларга кўра ишдан чиқиши оқибатида ҳам кузатилиши мумкин. Умуман каналлар, сув омборлари — сув энергияси, сув йўллари ҳамда сувнинг ўзидан фойдаланиш мақсадида қурилади. Ҳозирги кунда МДҲ давлатларида сув сифими 1 млн м<sup>3</sup>. дан ортиқ бўлган сув омборлари 1 мингта яқин бўлиб, уларнинг сув сатҳи 116000 км<sup>2</sup>. га тенг. Худди шунга ўхшаш Ўзбекистонда ҳам 53 та сув сақлайдиган омборлар қурилган, улардан 10 таси қўшни республикалар чегарасида жойлашган. Жумладан Қайроқум, Роғун, (Тоҷикистон), Туя-Мўйин (Туркманистон), Тўхтагул (Қирғизистон), Чордарё (Қозогистон) ва бошқаларни мисол қўлиб келтириш мумкин.

Республикаизга тегишли бўлган сув омборларида 55,5 млд м<sup>3</sup>.дан ортиқ сув сақланиб, улар орқали асосан қишлоқ хўжалигини сув билан таъминлаб, катта иқтисодий самара олинади. Лекин шу билан бирга бундай гидротехник иншоотлар бирор сабабларга кўра бузилса, сақланётган сувнинг таъсири инсонларга, уй ҳайвонларига, атроф-муҳитга жуда катта жиддий зарар келтиради. Жумладан, Чорвоқ сув омборида 2,1 км<sup>3</sup> сув сақланиб, агар у бузилгудай бўлса, ундаги сув 8 м қалинликда 46 км/соат тезлик билан ҳаракатланиб, Тошкент шаҳрининг 3 та: Бектемир, Ҳамза, Сергели туманлари батамом, бошқа 3 та — Миробод, Мирзо Улуфбек ва Яккасарой туманлари эса қисман сув остида қолиб, у ерларда яшаётган фуқаролар ҳаёти учун хавф туғилади.

Шунга ўхшаш катта ҳажмдаги сув Туя-Мўйин сув омборида 5 км<sup>3</sup>.дан ортиқ, Қайроқум сув омборида эса 4 км<sup>3</sup>.дан ортиқ сув сақланиб, мабодо бирор сабабга кўра омбор қисмлари талофот кўрса, Жizzах, Сирдарё, Самарқанд, Бухоро вилоятларини сув босади. Агар Тўхтагул сув омбори талофот кўрса (унда 19 км<sup>3</sup> сув сақланади) бутун Фарғона водийси вилоятларини сув босиши эҳтимоли бор. Бошқа сув сақлаш омборлари учун ҳам шунга ўхшаш фикрларни айтиш мумкин. Шунинг учун сув сақлайдиган омборларни ҳар хил фалокатлардан асраш учун ҳамма турдаги омиллар, эҳтиёт чоралари кўриб қўйилгân бўлиши зарур. Жумладан, бирламчи ва иккиламчи сақловчи платина қуриш, ҳар бир платиналар темир бетонли қоришималардан тайёрланиши ва бошқа сақловчи омиллар белгиланиши зарур. Гидротехник иншоотлар қуидаги сабабларга кўра бузилиши мумкин:

♦ Кучли табиий ҳодисалар оқибатида: а) ер силкиниши; б) ер сурилиши; в) кучли сел келиши, г) кучли ёмғир сувида ювилаб кетиши;

- ◆ Гидротехник иншоот жиҳозларининг эскириши ва табиий парчаланиш оқибатида;
- ◆ Гидротехник иншоотларни лойиҳалашда ва қуришда йўл кўйиладиган хатоликлар оқибатида;
- ◆ Гидротехник иншоотлардан нотўғри фойдаланиш ва қоидаларининг бузилиши оқибатида.

Умуман сув тошқинига қарши қўлланиладиган омиллар кўйидагилардан иборат: дарёлардаги сувнинг сарфланиш даражасини ошириш, яъни уни тақсимлаш (дарахтзорларга қўйиб юбориш, сув оқимига қарши ерларни кўндаланг қилиб чуқур ҳайдаш ва бошқалар) ҳамда дарё қирғоқларини кўтариш ҳисобланади. Сув тошқини оғатидан ҳалқни ўз вақтида огоҳ этиш, фуқароларни, моддий ресурсларни ва қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини хавфсиз жойга эвакуация қилиш ҳам энг муҳим ишлардан ҳисобланади. Эвакуациядан олдин ҳар бир фуқаро ўзи яшаётган уйларни хавфсиз ҳолатда қолдириши (газ, сув, электр тармоқларини ўчириш, керакли иш қуролларини уйларнинг юқори қаватларига қўйишлари, дераза ва эшикларни маҳкамлаб беркитишлари зарур) ва ўзи билан керакли ҳужжатларни, пулларни, ҳамда егулик озиқовқат ва ичадиган сувларни олишлари зарур.

Сув тошқинида қолган одамлар турли хавфсирашларга берилмасликлари ва сув оқими бўйича паст сатҳли қирғоқ томон сузишлари керак. Сув тошқини пайтида маълум қисм одамлар (кўтқарувчилар) шу фалокат ҳудудида қолиб, имкони борича қилинадиган ишларни бажаришлари зарур. Аммо улар сув остида қолган овқатларни емасликлари, сув ичмасликлари керак. Яшаш жойларида электр жиҳозлардан фойдаланмасликлари лозим, чунки электр таъминот симлари қўлланганда кичик қаршилик бўлиши натижасида ёнғинлар чиқишига олиб келади. Сув тошқини ўтиб бўлгандан кейин фуқаролар ўзларининг доимий яшаш жойларига қайтиб келиб, тошқин оқибатларини бартараф этиш чора-тадбирларини бошлаб юборадилар. Улар қўйидагилардан иборат:

- Сув босган жойлардаги сувни чиқариб ташлаш ва қуритиш;
- Уйларнинг ертўлаларидағи сувларни чиқариб ташлаш;
- Тошқин натижасида бузилган жойларни: майший-энергетик тармоқларни, йўлларни, кўприкларни ва бошқаларни қайта тиклаш;
- Қайта тиклаб бўлмайдиган иншоотларни, уйларни йиқитиш ва уларни тозалаш;
- Экинзорларни сувдан тозалаш.

Юқоридаги тадбирлар фуқаролар муҳофазаси штаби ва унингтизимлари бошчилигига ҳалқ оммаси иштирокида амалга оширилади.

## **Ер сурилиши, унинг сабаблари ва талафотлари**

Тоғ жинслари қатламларини қия сатҳ бўйлаб ўз оғирлиги, гидродинамик, гидростатик, сейсмик кучлар таъсирида сурилишига ер сурилиши дейилади. Ер сурилишининг вужудга келиш қонуниятларини, уларнинг динамикасини ўрганиш катта аҳамиятга эга. Бу — қурилиш ишларини олиб бориш шароитини аниқлашда, халқ хўжалиги иншоотларини ва инсон ҳаётини сақлашда муҳим омил ҳисобланади. Ер сурилиши оқибатида халқ хўжалиги катта зарар кўради, баъзи йирик иншоотлар, йўллар бир неча юз метрга суриб ташланади, катта-катта экин майдонлари фойдаланишга бутунлай яроқсиз бўлиб қолади, бутун-бутун қишлоқлар, шаҳарлар вайрон бўлади, минглаб кишилар бошпанасиз қолади, ҳалокатта учрайди.

Ер сурилиши — тоғ жинсининг сурилиш тезлиги ҳамда сурилувчи тоғ жинсини миқёс даражасига кўра турли хилда бўлиши мумкин. Жумладан, тоғ жинслари сурилиш тезлигининг секин, ўртacha ва кучли хиллари бўлиб, биринчисида сурилиш бир неча сантиметрга, ўртacha сурилишда бир неча метрга, кучли бўлганда эса тоғ жинслари соатига бир неча километрга сурилади. Айни кучли ер сурилиши ҳалокатли бўлиб, кўплаб одамларнинг ўлими кузатилади. Ер сурилишида сурилувчи тоғ жинсининг массаси бир неча миллион, баъзан миллиард куб метрга етади.

Америка мутахассиси Ф.Женснинг маълумотига кўра, АҚШ да тоғ жинслари сурилишлари ва чўкиш ҳодисаси натижасида 1925-1971 йиллар мобайинида 75 млд.доллар зарар кўрилган, бу эса йилига 1,63 млд.доллар маблагни йўқотиш демакдир.

Марказий Осиё Республикалари ҳудудларида ҳам ҳозирги кунгача кўпдан-кўп ер сурилишлари кузатилган. Жумладан, 1911 йил 18 феврал куни Помирнинг Музкўл тоғ тизмасида 9 баллик ер силкиниши натижасида Усой ер сурилиши содир бўлган. Бу ер силкиниши таъсирида  $2,5 \text{ km}^3$  ғовак тоғ жинси Мурғоб дарёсига сурилиб тушган. Бунда сурилиш  $2,5 \text{ km}$  масофани босиб ўтиб дарё ўзанини тўсиб кўйган. Ер сурилиши бўлган жойга қалинлиги 450-500 м, узунлиги 2 км, кенглиги 1 км қўмтош, оҳактош, гипс ва бошқа тоғ жинсларидан иборат масса сурилган. Талафот натижасида Усой қишлоғи ер сурилмаси остида қолиб, 54 киши нобуд бўлган. Ер сурилиши натижасида дарё ўзани тўсилиб, баландлиги 703-788 м, эни 4,3-5,3 км бўлган табиий тўғон вужудга келган. Ҳозирги пайитда бу ерда дунёга машҳур Сорез кўли мавжуд ва

йигилган сув микдори тахминан Норак сув омбори суви ҳажмига тўғри келади.

1973 йили Республикаизнинг, Оҳангарон водийсида кузатилган тоф жинсларининг сурилиши XX асрнинг энг кучли ер сурилиши ҳисобланиб, у адабиётларда «АТЧИ» сурилиши деб номланади. Бу сурилишда тупроқнинг ҳажми 700 млн. м<sup>3</sup>.ни ташкил этган. Бу фожианинг рўй беришига асосий сабаб, Оҳангарон дарёсининг чап қирғоғидаги 100-130 м чуқурликдаги кўмир қатламларининг ер қаърида ёндирилишидир. Ёндирилган кўмир қатламларининг қалинлиги 5-15 метр бўлиб, умумий ҳажми 3.700000 м<sup>3</sup>.ни ташкил этган.

1987 йил 7 декабрда Тожикистоннинг Шарора қишлоғида рўй берган ер сурилиши натижасида, тахминан кенглиги 900 м, қалинлиги 70 м.га яқин бўлган тоф жинси ҳаракатга келиб, 540 дан ортиқ инсоннинг ёстигини қуритган. Бу сурилишнинг юзага келишига асосий сабаб, ер қаърида тарқалган ғовак тоф жинсларининг сув билан тўйиниши, ер сатҳи сувларининг кўтарилиши, ҳамда 7 баллик ер силкинишидир.

1991 йил Оҳангарон водийсида яна бир кучли «Жигаристон» ер сурилиши рўй берди. Маълумотларга қараганда, бу ер сурилишида ҳажми 30 млн. м<sup>3</sup>, ғовак тупроқ 7 сония давомида сурилиб, 50 дан ортиқ инсон ҳаётини олиб кетди. Бу ер сурилишининг асосий сабаби катта қалинликдаги серғовак жинсларининг мавжудлиги ва бу тоф жинсларининг узоқ йиллар давомида олиб борилган портлатиш ишлари натижасида силкиниб туриши ҳамда ёғингарчилликнинг кўп бўлғанлигидadir. 1994 йил 16 апрелда Оҳангарон туманининг Қорақишлоқ ҳудудида ҳам шундай ҳолат кузатилиб, бу фалокатда ҳам инсонлар азият чекдилар. Юқорида келтирилган ер сурилишлари юзага келишининг асосий сабаби табиий омиллар бўлиб, бундай ҳодисалар инсонларнинг муҳандислик фаoliyati натижасида ҳам содир бўлиши мумкин.

Ер сурилишининг юзага келишига қуйидаги омиллар сабаб бўлади:

◆ Тоф ён бағри этакларининг табиий ҳолатини оқар сувлар, сув омборлари таъсирида бузилиши ҳамда режасиз олиб борилган қурилиш ишлари;

◆ Қия сатҳларда тарқалган тоф жисмларининг хосса ва хусусиятлари, мустаҳкамлик даражасининг ўзгариши, суғориш ишлари, қор-ёмғир сувлари таъсирида намлигининг ошиши;

- ◆ Төф жисмларига ер ости сувлари (гидродинамик) ва ер устки сувлари (гидростатик) босимининг таъсири;
- ◆ Төф жинси зичлигини ва мустаҳкамлигининг, бурғилаш ҳамда төф-ковлаш ишлари натижасида бузилиши;
- ◆ Тектоник ва сейсмик кучлар таъсири. Сурилишларни юзага келишида ҳудуднинг иқлим ҳамда, гидрогеологик шароитлари ва бошқалар.

Төф жинсларининг қия сатҳ бўйлаб сурилишида иқлим шароити энг муҳим омилларидан бири бўлиб, у секин, давомли ёғингарчиликлар кузатиладиган ерларда кенг тарқалган бўлади. Бунга сабаб ёмғир сувлари төф жинслари қаърига сингиб (шимилиб) уларнинг заррачалари орасидаги боғланишни, ишқаланишга қаршилигини камайтиради, оғирлигини оширади. Қия сатҳлардаги төф жинсининг оғирлиги, мустаҳкамлиги ўзгариши билан уларнинг мувозанат ҳолати бузилади ва паст томонга сурилиш юзага келади. Шунинг учун сурилишлар асосан қорлар эриб, ёғингарчилик кўпайган март ойларида боштаниб, май, июнда тўхтайди.

Ёғингарчилик, қорлар ва музликларнинг эриши натижасида дарё ва сув ҳавзаларида сув сатҳининг кўтарилиши қирғоқларнинг ювилишига, яъни қия сатҳлардаги мувозанат ҳолатларининг бузилишига сабаб бўлади. Мисол сифатида, Амударё, Зарафшон дарёси қирғоқларида, Чорвоқ сув омбори атрофида кузатилган сурилмаларни санаб ўтиш мумкин.

Республикамида сурилиш ҳодисалари асосан денгиз сатҳидан 800-1800 м баландликда, лёсс жисмлари тарқалган, қиялиги 15-35° бўлган төф ён бағриларида кузатилади. Маълум шарт-шароитлар мавжуд бўлган ҳолларда (кетма-кет ер силкиниши, гиллик ва бўшоқ лёсс төф жинслари сув билан тўйиниши) бундан ҳам баланд сатҳларда кузатилиши мумкин.

#### **Ер сурилишида учта босқич кузатилади:**

*1-босқич.* Сурилишнинг тайёрланиш босқичи. Бу босқичда қия сатҳлардаги төф жинси турғунлиги сусайди, ер сатҳида турли кенгликдаги ёриқлар пайдо бўлади.

*2-босқич.* Төф жинсларининг катта тезлик билан ёки секинаста сурилиши кузатилади. Сурилиш тезлиги юқорида қайд этилган омилларнинг таъсири даражасига боғлиқ бўлади.

*3-босқич.* Сурилишнинг сўниш босқичи. Бунда төф жинслари сурилишдан тўхтайди.

Ер сурилишларни чуқур ўрганиш — уларни олдиндан башорат қилиш имконини беради. Бунинг учун комплекс муҳандис-

геологик қидирув ишлари ўтказилади. Сурилиши кузатиладиган майдонларнинг табиий шароити ва геологик муҳити физик андо-заларда ўрганилади, ҳисоблаш ишлари бажарилади.

Ер сурилиши оғатининг олдидан кузатиладиган белгилари куйидагилардан иборат:

Ер юзасида ёриқларнинг пайдо бўлиши, йўлларда узилишларнинг юзага келиши, дараҳтларнинг тўғри ўсмаслиги (қийшайиб ўсиши), уйларнинг деворлари ёрилиши, бинолар, иншоотлар тузилишида мувозанатининг бузилиши ва бошқа белгилар пайдо бўлади.

Мабодо, ҳудудларда ер сурилиши хавфи бўлса ёки ҳаракатдаги сурилиш кузатилса, уларни бартараф қилиш, олдини олиш ишлари бажарилади, чора-тадбирлар белгиланади.

Ер сурилишини вужудга келиши ва ҳаракатдаги сурилишларга қарши олиб бориладиган ишлар мазмунига қараб икки гурӯҳга бўлинади:

- Сурилишларнинг олдини олиш усуллари;
- Ер сурилиши ҳаракати ва таъсирини бартараф этиш усуллари.

## **Ер сурилишларининг олдини олиш усуллари**

*Ер сурилишларининг олдини олиш усулларига:*

- ◆ қия сатҳларда қурилиш ва улар билан боғлиқ бўлган кавлаш ишларини олиб бормаслик;
- ◆ қия сатҳларда тоғ жинси тўқилмаларининг йигилишига йўл қўймаслик;
- ◆ темир йўл, транспорт воситалари ҳаракат тезлигини белгилангандан ошишини тақиқлаш;
- ◆ қия сатҳлардаги ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш;
- ◆ қия сатҳларда суфориш, шудгорлаш ишларини олиб бормаслик каби ишлар киради.

*Сурилиш ҳаракати ва таъсирини бартараф этувчи усулларни 4 гурӯҳга бўлиш мумкин:*

1. Сурилиш ҳаракати тезлигини секинлаштириш ёки тўхта-тишга қаратилган усуллар: а) сув оқимини тартибга солувчи ва бошқарувчи қурилмалар қуриш; б) дарё ва сув ҳавзалари қирғоқлари ювилишининг олдини олувчи қурилмалар қуриш; в) ер ости сувлари сатҳини пасайтириш.

2. Тоғ жинси сурилишларини ушлаб турувчи тиргак деворларини қуриш;

3. Суриувчи тоғ жинси қатламини олиб ташлаш;

**4. Төг жинслари физик-механик ҳусусиятларини сунъий усулда яхшилаш. Уларнинг намлигини ошиб кетишига йўл қўймаслик.**

Ер сурилиши оғатидан сақланишнинг ишончли омили, бу ҳалқни ўз вақтида огоҳ этиш ҳисобланади. 1996-1999 йилларда Ўзбекистоннинг бир қанча ҳудудларида, жумладан, Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд ва бошқа вилоятларнинг төг этакларида яшовчи фуқароларни ер сурилиши оғати тўғрисида огоҳ қилиниши натижасида, одамлар бошқа жойларга кўчирилдилар ва ҳеч қандай моддий ва маънавий йўқотишлар бўлмади. Албатта, бу ишлар ўз вақтида, етарли фаолликда ўтказилганлиги сабабли одамлар фалокатдан сақлаб қолинди. Аммо ҳозирги кунда ҳам республикамизнинг баъзи вилоятларида ер сурилиши эҳтимоли бор ҳудудлар мавжуд бўлиб, ҳукуматимиз ва фуқаро муҳофазасининг мутасадди ходимлари томонидан доимий равищда ҳавфли минтакада яшовчи фуқаролар огоҳлантириб борилмоқда.

### **Кучли шамол, қурғоқчилик ва унинг оқибатлари**

Кучли шамол ҳам инсонлар ҳаётига ва ҳалқ хўжалигига жиддий зарар етказадиган оғатdir. Бу оғат узоқ давом этувчи ва бузиш кучига эга. Бу оғатнинг ҳезлиги 30-90 м/с.га етади. Ўрга Осиё минтақаларида шамолнинг кучи 40-60 м/с.га, Ўзбекистоннинг Ховос, Бекобод туманларида эса 50-60 м/с.ни ташкил этади. Кучли шамолнинг пайдо бўлиши, яъни атмосферада мувозанатнинг бузилиши натижасида ҳаво оқими жуда катта ҳезликда ҳаракатланиб, баъзи жойларда, у ўрама (воронка) ҳаракатга айланиб кетади. Бундай оғат оқибатида одамларнинг ҳалок бўлиши, иншоотларнинг бузилиши, экинзорларнинг пайҳон этиши, электр-телефон тармоқларининг издан чиқиши ва бошқа оқибатларга олиб келади. Шунингдек, кучли шамол эсгандা одамлар, уй ҳайвонлари юрадиган йўллардан адашадилар, симёғочлар, дарахtlар ағанайди, уйларнинг томлари бузилиши натижасида одамлар турли даражада жароҳат оладилар.

Шунинг учун бундай фавқулодда ҳолатда одамлар енгил, баланд қурилган иморатлардан, электр тармоқлари осилган симёғочлардан, кўпприклардан узоқроқ жойларда сақланишлари лозим. Бу оғатдан энг ишончли сақловчи омил — бу ҳимоя иншоотлари (метро, ер ости йўлаклари, уйларнинг ертўлалари ва бошқалар) ҳисобланади.

Бу офатдан сақланишнинг яна бир омили — офат ҳақида одамларни ўз вақтида огоҳ қилишдир. Албатта, ҳозирги пайтда об-ҳавони бир неча кун олдиндан айта оладиган замонавий услублар яратилганди, буларнинг берган маълумотлари асосида нафақат одамларни, балки уй ҳайвонларини, моддий бойликларни фалокатдан асраш, бузилиши ёки яроқсиз ҳолга келишининг олдини олиш мумкин.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, кучли шамол офати юз берганда фуқаро муҳофазаси тизимлари давлат органлари ходимлари бошчилигига қутқарув ва бузилган жойларда тиклаш ишларини бажаради, жабр кўрганларга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатади.

**Курғоқчилик офати ҳам** Ўзбекистонга хос бўлиб, илгари бунга деярли эътибор берилмаган. Лекин кейинги йилларда экологиянинг ҳаддан ташқари бузилиши, сув ресурсларидан ногӯри фойдаланиш ва бошқа сабаблар оқибатида бизнинг минтақада ҳам бундай офат айнан ҳозирги пайтда кузатилмоқда.

Курғоқчиликда одамларнинг ўлими, дараҳтларнинг, экинзорларнинг куриши, кучли ёнғинларнинг чиқиши ва турли хил касалликларнинг тарқалишига имконият яратилади. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда курсоқчилик муаммоси Орол денгизи билан боғлиқдир.

Республикамиз Президенти Ислом Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида таъкидлангандек: «Яқин-яқинларгача чўлу саҳролардан тортиб олинган ва сугорилган янги ерлар ҳақида дабдаба билан сўзланарди. Айни чоғда ана шу сув Оролдан тортиб олингалиги, уни «жонсизлантириб қўйилганлиги» хаёлга келмасди, эндиликда Оролбўйи экологик кулфат ҳудудига айланди».

Маълумки, Орол денгизи суви йилдан-йилга камайиб, куриб бормоқда. Бунинг оқибатида денгизга яқин бўлган жойларда довдараҳтлар, экинзорлар қуриб, турли хил касалликлар кўпайиб боряпти. Маълумотларга кўра, Амударё сувининг бор-йўғи 10 фоиз миқдори Орол денгизига қуйилмоқда. Аммо ҳозирги вазиятда денгизга қўйилаётган сув ҳажмидан кўра, атмосферага буғланаётган сув миқдори бир неча баробар кўпdir. Шу сабабдан ҳозирги кунга келиб, Орол денгизи сувининг баландлиги тахминан 17 м.га пастга тушиб кетган, яъни 1960 йилларда унинг баландлиги 53 м.ни ташкил этган бўлса, 2000 йида у 36 м.ни кўрсатди. Энди Оролни илгариги ҳолатига қайтариш учун унга 30 км<sup>3</sup> сув қуийиш керак, бу деган сўз бутун бошли Сирдарё сувини тўлиқ қуийиш билан баробардир.

## Сел, унинг хусусиятлари ва талафотлари 9

Тоғ ҳудудларида кучли ёмғирларнинг ёғиши, музлик ва қорларнинг тез эриши натижасида ҳосил бўлган дарё тошқинлари ни, тоғ ён бағриларида нураган тоғ жинси бўлакларини сув оқими билан текисликка томон оқизиб туширилиши сел ҳодисаси деб юритилади. Сел оқими массасининг тахминан 50-60 фоизи турли катталиқдаги тоғ жинси йигиндилирдан, ўсимлик ва дараҳт бўлакларидан иборат бўлади. Сел оқимининг давомийлиги 0,5-2 соатдан 12 соатгача, тезлиги 5-8 м/с .дан 12 м/с .гача етиши мумкин, сел массасининг зичлиги эса 1,2-1,9 т/м<sup>2</sup>. ни ташкил этади.

Бундай физик кўрсаткичларга эга оқим жуда катта куч бўлиб, халқ хўжалигига сезиларли зарар келтиради, оқим йўлида учраган сув иншоотларини, йўлларни, қишлоқ ва шаҳарларни, боғларни, кўприкларни вайрон қилиб кетади, улкан майдонларни лойӣ, қум, тош қатламлари билан кўмиб ташлайди.

Сел — арабча сўз бўлиб, тоғлик ҳудудлардаги сув тошқини маъносини англатади.

Сел оқимлари ўзи билан олиб келадиган қаттиқ заррачаларининг ўлчамига қараб уч гуруҳга бўлинади:

- ♦ сув-тошли селлар;
- ♦ лойқа селлар;
- ♦ аралаш селлар.

Ер юзасида юз берган оғатли селларга мисол қилиб, 1934 йилининг янги йил кечаси АҚШнинг Лос-Анжелос шаҳри атрофида кузатилган сел оқимини кўрсатиш мумкин. Шу куни шаҳарга яқин Корделера тоғида кучли ёмғир ёғиб, унинг миқдори 538 мм.ни ташкил этди. Ёмғир тинишидан сал олдинроқ тоғдан катта тезликда сув тошқини пастга ҳаракат қилган. Бу сув тошқини 100 м масофагача ёйилиб, унга яқин бўлган иккى шаҳар — Ля Крекет ва Монтеро шаҳарларига катта талоғот етказди. Сув оқими тўлқинининг баландлиги 6 м. гача етгач, ўз йўлида 500 та кўприкни, бир қанча иморатлар ва иншоотларни вайрон қилган, қанчадан-қанча одамларни бошпанасиз қолдирган.

Марказий Осиёда энг кучли сел оқимлари Қозоғистон Республикасининг Олма-Ота шаҳридан ўтувчи, шаҳар номи билан аталувчи дарё водийсида кузатилган. Масалан, 1921 йил 8 июн куни кечкурун юз берган сел оқими натижасида шаҳарга олиб келинган тоғ жинслари 100 мингта вагонга жо бўлган. Бу оғат

натижасида 400 дан ортиқ киши ҳалок бўлди. Сел оқимининг вужудга келишига тоғлик ҳудудлардаги қорлар ва музликларнинг эриши, кучли ёмғир ёғанлиги сабаб бўлган.

Олма-Ота шаҳри ва унинг атрофида жуда кўп марта талафотли сел оқимлари кузатилган. Улардан яна бири Медео сел тўғони курилгандан кейин, 1973 йил 15 июл куни рўй берди. Шу куни кучли ёмғир таъсирида баланд тоғликдаги табиий кўл тўғонларининг бузилиши натижасида кучли сел оқими ҳосил бўлди. Бу оқим тахминан 2 соат давом этиб, унинг сарфи 2000-3000 м<sup>3</sup>/с. га етган ва Медео тўғонига 400000000 м<sup>3</sup> сел массаси олиб келиб ташланган. Эртаси куни сел қайта такрорланганда Медео сели тўғондан ошиб кетишига атиги 6 м масофа қолганди. Агар сел тўғондан ошиб ҳаракатланса, Олма-Ота шаҳрига жуда катта хавф тугдериши мумкин эди. Шунинг учун бунинг олдини олиш мақсадида тўғондаги сув аста секин чиқарилиб юборилди ҳамда тўғоннинг баландлиги 150 м. гача кўтарилди.

Охирги 100 йил ичидаги Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 2500 дан ортиқ сел оқимлари кузатилган. Булардан 1400 дан ортиғи лойқа, 350 дан ортиғи сув-тошли, 650 дан ортиғи аралаш селлардир. Республикализнинг Фарғона водийси, Тошкенттолди ҳудудларида ҳам сел оқимлари кузатилиб турилади. Сел оқимлари республикамиз ҳудудида кўпроқ баҳор мавсумида ва ёзнинг биринчи ойида юз беради. Бунга сабаб ҳудудимиз жойлашган минтақанинг табиий шароити бўлиб, баҳор ойларидаги кучли жала, ёмғирлар, ҳароратнинг иссиқ келиши, тоғларда музлик ва қорларнинг тез эриши, дарё ўзани қиялигининг 3-5° дан катталиги, сув йигиш майдонида заррачалари боғланмаган бўшоқ тоғ жинсларининг мавжудлиги асосий омиллардан бўлиб ҳисобланади.

Сел оқимларининг олдини олиш, уларга қарши курашиш, сел бўлиши эҳтимоли бор майдонларни аниқлаш, уларни вужудга келиш сабабларини чуқур ўрганиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг асосини ташкил этишда катта ҳалқ хўжалик аҳамиятига эга.

— Шунинг учун сел ҳодисасини бартараф қилиш мақсадида олиб бориладиган ишлар илмий-амалий хulosаларга, чора-тадбирларга асосланган бўлмоғи керак.

*Булар қўйидагилардан иборат:*

1. Сел бўлиши мумкин бўлган дарёларнинг сув йигиш майдонларида доимий кузатиш ишларини олиб бориш. Бунда сув йигиш майдонида бўшоқ тоғ жинслари йиғилишининг олдини олиш,

оқар сувлар оқимига тўсқинлик қилувчи табиий ва сунъий тўсиқлардан тозалаш ишлари;

2. Сел оқими юзага келиши мумкин бўлган дарёларнинг сув йиғиш майдонларини муҳофаза қилиш, яъни бу майдонларда ўсимлик дунёсини сақлаш, дараҳтлар ва буталарни кесиш, майдонларда шудгорлаш ва суфориш ишларини олиб боришни чегаралаш;

3. Ўрмон хўжаликларини ривожлантириш, яъни тоғ ён-бағриларида бугалар ва дараҳтларнинг экилишини йўлга қўйиш талаб этилади, чунки бу ўсимликлар тоғ жинслари қатламларини мустаҳкам ушлаб туради, қор эришини секинлаштиради, ер юзасини ювилишдан сақлади;

4. Тоғли ҳудудлардаги дарёларнинг ўзанида сув оқимини бошқарувчи иншоотлар қуриш, табиий, сунъий тўғонларни тартибга солиш, темир йўл, автомобил йўллари остига сел ўтказувчи катта диаметрли қувурлар ётқизиш ишлари.

Сел оқимига қарши қурашиш услубини танлаш мақсадида маҳсус муҳандис-геологик қидирув ишлари олиб борилади. Олинганд натижалардан (ҳар томонлама таҳлил қилиш асосида) ўрганилаётган ҳудуд учун харита тузилади.

*Бу харитада:*

- ◆ сел кузатиладиган;
- ◆ сел кузатилиши мумкин бўлган;
- ◆ сел кузатилмайдиган майдонлар ажратилади.

Сел кузатиладиган ва кузатилиши мумкин бўлган жойларнинг иқлим шароитига, геологик ўзгаришларга, вужудга келиши мумкин бўлган сел оқими кучига қараб қурашиш усуллари танланади, тадбир чоралари белгиланади.

Тоғлик ҳудудларда шахсий иморатларни қуриш ишлари сел хавфи харитаси билан танишган ҳолда, маҳсус ташкилотлар рухсати асосида олиб борилиши керак.

Хулоса қилиб таъкидлаш мумкини, юқорида айтилган ҳамма оғат турлари Ўзбекистонга хосdir. Шунинг учун ўлкамизда яшовчи ҳар бир фуқаро юқоридаги айтилган табиий оғатлардан кўрқмасдан, эсанкирамасдан, юқори ташкилотлар, фуқаро муҳофазаси органлари томонидан бериладиган ҳар бир кўрсатма, йўриқномаларга қатъиян риоя этиб, ҳаракат қилиши зарур. Бунда ҳеч қандай ўзбошимчалик, одамларни безовталантириш, хавфсираш, фақат ўз манфаатини кўзлайдиган ҳаракатларни амалга ошириш тақиқланади. Қаерда юқори интизом, чуқур ишланган омиллар

бўлсагина, ўша ерда офат оқибатлари тугатилиб, ҳаёт тезда ўз изига тушиб кетади.

**Мавзуни ўзлаштириш учун зарур бўлган таянч сўз ва иборалар:**

1. Табиий офат;
2. Ер силкиниши;
3. Эпицентр, гипоцентр;
4. Магнитуда, балл;
5. Ер силкиниши белгилари;
6. Сув тошқини;
7. Кучли шамол;
8. Ер силкинишига чидамли иншоотлар;
9. Ер силкиниши оқибатларини камайтириш;
10. Ер сурилиши;
11. Ер сурилиш белгилари;
12. Сейсмоактив харита;
13. Селлар;
14. Сейсмоактив ҳудудлар;
15. Микросейсмоактив ҳудудлар;
16. Тектоник ер силкиниш;
17. Техноген ер силкиниш;
18. Вулқоний ер силкиниш.

**Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Табиий офатларнинг бир-биридан фарқи ва умумий хусусиятларини тушунтиринг.
2. Ер силкинишининг турлари ва келиб чиқиш сабаблари нималардан иборат?
3. Ер силкиниш ўчогида қилинадиган энг асосий вазифалар нималардан иборат?
4. Сув тошқинига сабабчи омилларни тушунтиринг.
5. Ер сурилиши, уни билдирувчи бирламчи белгилар нималардан иборат?
6. Кучли шамол ва уни келтирадиган талофатлар қандай?

## **IV БОБ**

# **ИШЛАБ ЧИҚАРИШ АВАРИЯЛАРИ, ФОЖИАЛИ ҲОДИСАЛАР (КАТАСТРОФАЛАР) ВА УЛАРНИНГ ОҚИБАТЛАРИДАН ҚУТИЛИШ ЧОРАЛАРИ**

### **Ишлаб чиқариш жараёныларидағи авариялар**

Авария деганда бажариладиган ишнинг бирдан тұхтаб қолиши, ёки саноат корхоналарида ишлаб чиқаришнинг издан чиқиши, транспортларда ва бошқа объектларда моддий бойликларнинг бузилиши, йўқ бўлиши тушунилади.

**Аварияларнинг келиб чиқишига куйидаги омиллар сабабчи бўлиши мумкин:**

- ◆ табиий офат туфайли;
- ◆ иншоотларни лойиҳалашда ёки уни қуришда қўйиладиган хатоликлар туфайли;
- ◆ ишлаб чиқариш технологиясининг бузилиши;
- ◆ транспорт, механизм, жиҳозлардан нотўғри фойдаланганда;
- ◆ агрессив моддаларни (портловчи, тез алангаланувчи заҳарли моддаларни) нотўғри сақланиши ва уни ишлатилиш қоидаларининг бузилиши оқибатида;
- ◆ техника хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши ва бошқалар.

Мана шундай хатоликлар туфайли ишлаб чиқаришларда катта авариялар содир бўладики, оқибатда қўпдан-қўп инсонлар жабрланади ва моддий бойликлар йўқ бўлиб кетади. Кўпинча кимё, нефтни қайта ишловчи саноат, қофоз ишлаб чиқариш саноати, гўшт-сут, озиқ-овқат, металлургия, кончиллик ва бошқа саноат корхоналарида авариялар тез-тез учрайди. Айниқса, КТЗМ таъсирида бўладиган авариялар: кимё, нефтни қайта ишловчи, қофоз-целлюзоза, гўшт-сут, озиқ-овқат саноати, сув тозалаш иншоотларида ҳамда темир йўлларда КТЗМни ташишда кўп учрайди.

КТЗМ кўрсатилган концентрациядан ортиқ бўлганда одамларга, қишлоқ хўжалиги ҳайвонларига, ўсимликларга, ташқи

мұхитта күчли таъсир этиб, турли даражада шикастлантиради. КТЗМ қаторига технологик жараёнларда құлланиладын аммиак, хлор, сульфат кислотасы, водород фторид, азот, олтингугурт оксидлари ва бошқаларни киритиш мүмкін.

Баъзы бир КТЗМларни физик-кимёвий ва заҳарлы хусусиятлари 5-жадвалда көлтирилгандар. Шулардан саноатда күп ишлатыладын аммиак.

**Аммиак** — нашатир ҳидли рангсиз газ. Уни саноатда совутгич воситаси сифатида, азотлы үғитлар олишда ва бошқа мақсадларда ишлатади. Агар аммиак ҳаво билан 4:3 нисбатта аралашса портлайди. Аммиак сувда яхши эрийди. Унинг юқори концентрацияси инсоннинг марказий асаб тизимини издан чиқарып, паллаж бўлишига олиб келади. Агар аммиак таъсирида инсон заҳарланса, бир неча соатдан сўнг у ўлимга олиб келади. Терига тегса турли дарајадаги жароҳатланиш рўй беради.

**Аммиак таъсирида заҳарланишда биринчи ёрдам:** очиқ ҳаво, 10 фоизли ментолни хлороформдаги илиқ эритмасини ҳидлаш, иссиқ содали сут ичиш, агар кўзга тушган бўлса, аввало 0,5-1 фоизли қўш тузларнинг эритмаси, сўнгра сув билан ювиш; тери шикастланганда эса тоза сув билан ювиш, 5 фоизли сирка, лимон ёки хлорид кислота шимдирилган латтани қўйиш ва бошқа омиллар бажарилади.

Аммиакдан сақданишда: «К» ёки «М» маркали филтрловчи саноат газниқоби, агар аммиак водород сульфид билан аралашган бўлса «КД» маркали газниқоби ишлатилиб, жуда юқори концентрацияда изоляцияловчи газниқоблар ва ҳимоя кийимлари ишлатилади.

**Хлор** — ўтқир ҳидли, сариқ рангли газ. Хлор қофоз-целлюлоза, тўқимачилик саноатида, хлорли оҳак ишлаб чиқаришда, сувни зарарсизлантиришда ва бошқа соҳаларда ишлатилади.

Хлор нафас органларини ишдан чиқаради. Юқори концентрацияда 1-2 марта нафас олиш ўлим билан яқунланади.

**Биринчи ёрдам.** Шикастланган ҳудудларда газниқобларни кийиш керак. Нафас органлари ишдан чиқсанлар нашатир спиртини, ичимлик содасини ҳидлаши, 2 фоизли содали эритма билан кўзни, бурунни ва томоқларни ювиши, иссиқ боржомли ёки содали сутдан, кофедан ичиши керак.

**Ҳимояланиш.** «В» ва «М» маркали филтрловчи саноат газниқоблари, ГП-5 фуқаролар газниқоби, болалар газниқоби ва уларни ҳимоя комплектидан фойдаланилади. Агар унинг концентрацияси юқори бўлса (8,6 мг/л. дан юқори) изоляцияловчи газниқоблар қўлланилади.

**Баъзи бир кучли таъсир этувчи заҳарли моддаларнинг (КТЗМ) физик-кимёвий хусусиятлари**

КТЗМ	Зичлиги г/см <sup>3</sup>	Қайнаш ҳарорати °С	Заҳарли хусусияти				
			Заҳарлаш концентра- цияси, мг/л	Таъсир вақти	Үлдириш конcenтра- цияси, мг/л	Таъсир вақти	Дегазацияловчи моддалар
Аммиак	0,68	-33,4	0,2	6 с	7	30 дақиқа	Сув
Хлор	1,56	-34,6	0,01	1 с	0,1-0,2	1 с	Сўндирилган оҳак
Фосген	1,42	8,2	0,05	10 дақиқа	0,4-0,5	10 дақиқа	Ишқорий моддалар ва сув
Олтингугурт (IV) Оксид	1,46	-10	0,4-0,5	50 дақиқа	1,4-1,7	50 дақиқа	Сўндирилган оҳак, аммиакли сув
Ис гази	—	-190	0,22	2,5 с	3,4-5,7	30 дақиқа	
Углерод (IV) сулфид	1,26	46	2,5-1,6	1,5 с	10	1,5 с	Натрий сулфид
Фосфор (III) хлорид	1,53	74,8	0,08-0,015	30 дақиқа	0,5-1,0	30 дақиқа	Ишқорлар, аммиакли сув
Водород фторид	0,98	19,4	0,4	10 дақиқа	1,5	5 дақиқа	Ишқорлар, аммиакли сув
Синил кислота	0,7	25,6	0,02-0,04	30 дақиқа	0,1-0,2	15 дақиқа	Ишқорлар, аммиакли сув

*Олтингугурт оксиди* — ўткир ҳидли, рангсиз газ бўлиб, ёнмайди. Бу модда олтингугуртли рудаларни ёндирганда ҳосил бўлиб, у сулфат кислота ишлаб чиқаришда асосий ҳом ашё ҳисобланади. Ундан ташқари бу газ тўқимачилик саноатида оқартирувчи сифатида, озиқ-овқат саноатида консервация қилувчи модда сифатида ишлатилади. У сувда, спиртда, сирка ва сулфат кислоталарда, хлороформда ва эфирда яхши эрийди.

Олтингугурт ангидриди нафас йўлларини ишдан чиқариб, кўзни хиралаштиради. Кичик концентрацияда инсон кучсиз йўталиш, томоқда ва қўкракда оғриқ, кўздан ёш оқиш, катта дозада эса қусиш, хушдан кетиш аломатлари кузатилади.

**Биринчи ёрдам:** тоза ҳаво, кислород ингаляциясини таъминлаш, кўзни, бурунни ювиш, томоқни 2 фойзли содали эритма билан чайиш, бўйинни иссиқ қилиш, иссиқ содали, ёғли, асалли ёки боржомли сут ичиш тавсия этилади.

**Ҳимояланиш:** «В» ва «М» маркали филтрловчи саноат газниқоблари, изолирловчи фуқаролар ва болалар газниқобларидан фойдаланилади.

Булардан ташқари, саноатда ишлатиладиган моддалардан: фосфор (III) хлорид, синил кислотаси ва бошқаларнинг хусусиятлари 5-жадвалда келтирилган. Юқорида айтилган тез таъсир этувчи заҳарли моддалар ишлатадиган корхоналарда авария содир бўлганда шу ердаги ва корхона атрофида яшовчи ҳалқ заҳарланиши мумкин. Албатта, заҳарланиш даражаси: унинг дозасига, одамларнинг заҳарли моддадан узоқ-яқинлигига, буғланиш даражасига, шамол тезлигига ва бошқа факторларга боғлик.

Агар, шундай авария фавқулодда содир бўлса, албатта, биринчи навбатда ўз вақтида ва сифатли оғат ўчони белгилаш лозим. Бу вазифани фуқаро муҳофазаси хизмат тизимларининг — разведка қисмлари бажарадилар. Улар авария жойини, заҳарли модда турини, заҳарли модда дозасини ва шикастланган ҳудуддан қандай қилиб одамларни заҳарламасдан олиб чиқиб кетиш йўлларини белгилаб берадилар.

Шикастланиш ўчони аниқ ўрганилгандан кейингина авария содир бўлган жойдаги ва унга яқин атрофда яшовчи ҳалқ огоҳ этилади. Буни эшигтан фуқаролар нафас органларини сақловчи (газниқоблар) ва терини ҳимоя қилувчи кийимларни (плаш, ёп-қич) кийиб дарҳол заҳарланган ҳудуддан хавфсиз ҳудудга чиқиб кетадилар.

Заҳарланган ҳудуддан узокроқдаги фуқаролар эса ўз уйларида, яшаш уйларининг эшик, ромларини маҳкам беркитиб, уларнинг герметиклигини ошириб, иситгич жиҳозларини, газ, чироқ ва бошқаларни ўчириб ўз уйларида сақланишлари мумкин. Албатта, бу билан уларни кимёвий заҳарланишдан тўлиқ қутқариб бўлмайди. Агар заҳарли модданинг миқдори жуда кўп ташқарига чиқиб кетган бўлса, заарланган ўчоқ атрофидаги ҳамма яшовчи одамларни тартиб ва осойишталик билан тезда хавфсиз жойларга кўчириш зарур.

Авария содир бўлган жойларда хизмат қилувчи фуқароларнинг ҳаммасини эвакуация қилиб бўлмайди. Уларни маълум қисми шу ерда қолиб, заҳарли моддадан сақловчи воситаларни кийиб, ташқарига КТЗМнинг чиқишини тўхтатиш чораларини кўрадилар (бунда жўмракни бураш, КТЗМни бир жойдан иккинчи жойга ҳайдаш, КТЗМ солинган идишни тузатиш, технологик жараённи ва бошқа сабабчи омилларни тўхтатиш ишлари бажарилади).

Авария тўхтатилгандан кейин, маълум бир вақт мобайнида (заҳарловчи модданинг табиатига қараб) авария ўчогида хизмат қилган ва заҳарланган ҳудудда қолган одамлар тиббий кўриқдан ўтказилади. Агар КТЗМ нафас йўлига кетган бўлса, уларга дори-дармон берилади, терига теккан бўлса, сув билан кўп марта ювилади, сўнгра заҳарланган жойлар, унинг атрофлари ва ишлаб чиқаришда ишлатиладиган жиҳозлар, ускуналар, иншоотни ўзи дегазация қилинади. Дегазация сифатида заҳарловчи моддани нейтралайдиган (яъни таъсир кучини камайтирувчи) моддалар ишлатилади.

Мана шундай аварияларга мисоллар келтирсак: 1988 йил Ярославл обlastida Волга дарёси бўйида темир йўл поездининг 7 та вагони издан чиқиб кетиб, катта авария юз берган. Бунда 3 та идишда заҳарли кимёвий модда бўлиб, унинг маълум қисми атмосферага чиқиб кетганди. 1988 йилда «Қизил роза» ишлаб чиқариш бирлашмасида авария содир бўлиб, ҳавога заҳарли газнинг чиқиши ( $\text{SO}_2$ ) аниқланганлигини, 1966 йили Горький шаҳридағи кимё заводида авария оқибатида 27 т  $\text{Cl}_2$ , гази ҳавога тарқалганилиги натижасида 6000 киши эвакуация қилиниб, 1500 киши ҳар хил дозада заҳарланганлигини эслатиб ўтиш мумкин.

Инсон учун хавфли бўлган заҳарли моддалар билан ишлатиладиган корхоналарнинг ҳам сони Ўзбекистонда йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Бу корхоналар асосан Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Олмалиқ, Чирчик, Навоий, Ангрен ва бошқа шаҳарларда ( $\text{SO}_2$ ,  $\text{NH}_3$ ,  $\text{Cl}_2$ ,  $\text{HNO}_3$ ,  $\text{H}_2\text{SO}_4$ ,  $\text{CH}_3\text{COOH}$  ва бошқа заҳарли мод-

далар) жойлашган. Ҳозирги кунда республикадаги 300 дан ортиқ ишлаб чиқариш корхоналарида заҳарли моддалар ишлатилади (б-жадвал).

Шунинг учун республикамиз аҳолиси, ишлаб чиқариш корхоналарининг ишчи-хизматчилари фавқулодда юз берадиган вазиятларда тўғри иш тутишлари, фуқаролар муҳофазаси томонидан бериладиган ҳар бир йўриқнома, вазифаларни тўғри бажаришлари ва сақланиш қоидаларига риоя этишлари зарур. Бунинг учун ҳар бир корхонада, айниқса, ишлаб чиқариш корхоналаридаги фуқаролар муҳофазаси ходимлари авария ва ҳалокатларни, унинг оқибатларини йўқотиш чора-тадбирларини ҳамда оғат рўй берган жойда жабрланганларга ёрдам кўрсатиш қоидаларини тушунишишлари лозим.

*б-жадвал*

### **Кимё заводлари жойлашган шаҳарлардаги баъзи КТЗМларнинг фуқароларга бўладиган хавфи**

Шаҳар	Объект	КТЗМ	Заҳарланиши мумкин бўлган минтақадаги одамлар сони
Навоий	Навоий азот И.Ч.Б.	Аммиак, хлор	99250
Самарқанд	Минерал ўғит И.Ч. заводи	Аммиак, хлор	55130
Олмалиқ	Кимё заводи	Аммиак, хлор	1710
Ангрен	Тилла кони	Аммиак, хлор	450
Чирчиқ	Электрокимёсаноат И.Ч.Б.	Аммиак, хлор	39400
Фарғона	Фарғона азот	Аммиак, хлор	607300

Кучли таъсир этувчи заҳарли моддалар билан ишлайдиган саноат тармоқларида нафақат авария оқибатидагина фуқароларга хавф-хатар келтирилиши мумкин, балки шу тармоқлардан чиқадиган чиқинди маҳсулотлар ҳам (атмосферага ёки сув ҳавзаларига чиқариб юборилиши) атроф-муҳитни ва табиатни ифлослантириши оқибатида инсонлар ҳаётига жиддий хавф солади.

Бу борада айниқса, металлургия, кимё, биотехнология, резина-техника, нефтни қайта ишловчи ва бошқа саноат тармоқларининг салбий таъсири жуда каттадир. Республикамиздаги саноати ривожланган айрим шаҳарларда, жумладан, Самарқанд, Фарғонада жойлашган шаҳарлардаги заҳарли моддалар ишлайдиган саноат тармоқларида нафақат авария оқибатидагина фуқароларга хавф-хатар келтирилиши мумкин, балки шу тармоқлардан чиқадиган чиқинди маҳсулотлар ҳам (атмосферага ёки сув ҳавзаларига чиқариб юборилиши) атроф-муҳитни ва табиатни ифлослантириши оқибатида инсонлар ҳаётига жиддий хавф солади.

на, Андижон, Кўқон, Ангрен, Олмалиқ, Чирчик, Навоий ва бошқа шаҳарларда ҳавонинг ифлосланиш даражаси меъёридан 1,5-2, ҳатто айрим жойларда 3-6 марта ортиқ.

Марказий Осиёда ҳавони энг кўп ифлослантирувчи Тожикистоннинг Турсунзода шаҳридаги алюминий заводи ҳавога белгиланган миқдордан деярли икки баробар ортиқ заҳарли модда чиқариб келган. Шамолнинг йўналишига кўра, фтор бирикмасининг 80 фоизи Сурхондарё вилоятининг Сариосиё, Денов, Олтинсой туманларига тушади. Яна у ерлардаги ҳавонинг ифлосланишига Шарундаги брикет фабрикаси ва гишт заводининг таъсiri ҳам каттадир. Булардан чиқадиган заҳарли моддалар инсонларнинг саломатлигига жиддий хавф тудирмоқда, ҳатто уй ҳайвонлари ҳам бундан катта талафот кўрмоқда.

Кимё саноати корхоналари кўп жойлашган Чирчиқдаги «Электрокимё», Фарғонадаги «Азот», «Фарғонанефтсинтез», Навоийдаги «Электрокимёмаш», «Азот» ва бошқа саноат бирлашмаларидан жуда ҳам хавфли заҳарли моддалар (КТЗМ) ташқарига чиқариб юборилмоқда.

Дунё миқёсида йилига ҳавога углерод (II) оксиди — 250 млн. т, ёқилғи кукуни — 100 млн. т, углеводород — 88 млн.т, азот (II) оксиди — 53 млн.т, аммиак — 4 млн.т, олtingугурт водороди — 3 млн.т, кўрошин бирикмалари — 1млн. т, фтор — 0,4 млн.т.чиқарилади.

Бундай саноат корхоналарининг чиқинди маҳсулотлари инсонлар ҳаётига катта хавф солиб, турли хил касалликларни келдириб чиқармоқда, умрни қисқартирмоқда ҳамда атроф-муҳитни, ерларни, ҳавони ва сув ҳавзаларини жиддий заарлантирмоқда. Буларнинг ҳаммаси эса инсонларни муҳофаза қилувчи омиллардан ҳисобланади.

### **Тез таъсир этувчи заҳарли моддалар билан шикастланганда ҳалқнинг ҳатти-ҳаракатлари**

Юқорида айтилганидек, республикамиз ҳалқ ҳўжалиги тармоқларининг кўп қисмida заҳарли моддалар (КТЗМ) ишлатилиди, сақланади ва ташилади. Шундай корхоналарга бирорта таъсир кўрсатилса, масалан, душман томонидан бўладиган таъсирларда, табиий оғат оқибатида, ишлаб чиқариш тармоқларида бўладиган, темир йўл транспортларидаги авариялар туфайли КТЗМ тўкилиши ёки ташқарига чиқиб кетиб, атроф-муҳитни, ҳавони заҳарлайди.

Албатта, бундай фавқулодда вазиятларда авария ўчогидаги ва унга яқын бўлган атрофдаги фуқаролар жабрланади ва КТЗМ хусусиятларига қараб кимёвий заҳарланиш ҳар хил даражада бўлади.

КТЗМнинг қайнаш ҳарорати  $20^{\circ}\text{С}$ ача бўлса, у тезда бугланниб, заҳарлаш вақти қисқа, лекин таъсир даражаси катта бўлади. Агар КТЗМнинг қайнаш ҳарорати  $20^{\circ}\text{С}$ дан юқори бўлса, бугланниш секинроқ кетиб, унинг заҳарланиш вақти узоқ давом этади, аммо тарқалиш ҳудуди кичик бўлади.

КТЗМлар нафас органлари ва тери орқали таъсир этади. Шу нуқтаи назардан КТЗМлар умумий заҳарловчи ва ҳолсизлантирувчи хилларга бўлинади. КТЗМ билан заҳарланганда бош оғрифи, бош айланиши, қўз тиниши, ҳолсизланиш, кўнгил айниши, қусиш, ўқий олмаслик каби аломатлар кузатилади, кучли заҳарланишда эса ўлим билан яқунланади. Шунинг учун КТЗМ билан заҳарланган ҳудудларда ҳалқнинг хатти-ҳаракатлари ҳудди кимёвий куроллар билан заҳарланган жойларда кўриладиган чора-тадбирларни ўзгинасадир, яъни ҳимоя иншоотларида сақланиш, шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш ва бошқа омиллар кўлланилади. Лекин битта асосий фарқи борки, у ҳам бўлса, баъзи бир КТЗМлар (масалан  $\text{NH}_3$ ,  $\text{CO}$ )ни ютилувчаник хусусияти паст бўлганлигидан, улардан сақланишда маҳсус саноат ва изоляцияловчи газниқблардан фойдаланиш керак бўлади.

Агар авария ҳолатда бир қанча газлар аралашмаси бўлса, факат изоляцияловчи газниқблардан фойдаланиб, авария жойини тикилаш, зааррланган ўчоқдан одамларни эвакуация қилиш тадбирлари кўрилади. КТЗМ чиқиб кетган жойларда аварияларни тикилаш анча мушкул жараёнлардан ҳисобланади. Бунда асосий ишлардан:

- Бирламчи тикилаш ишларини ташкил этиш;
- КТЗМ тарқалган ҳудудни ўраш (локализация) қилиш ҳисобланади.

Аварияни тикилаш ишларини ўша корхонанинг штатли қисмларидаги заҳарли газлардан сақловчи ходимлар олиб борадилар. Керак бўлса, фуқоро муҳофазасининг кутқарув, медицина, ёнинга қарши, жамоат тартибини сақлаш тизимлари ҳам ёрдамга чакирилади. Булардан ташқари, аварияни тикилаш ишларига корхона ишчи хизматчиларини ва ўша атрофдаги фуқароларни ҳам жалб қилиш мумкин.

Аварияни тикилаш ишларида қатнашадиган фуқаролар ўзини ва бошқаларни сақлаш қоидаларини билиши зарур. Улардан ҳар доим заҳарланган фуқароларни шикастланган ҳудуддан олиб

чиқиши, газниқобларни кийдира билиш, сунъий нафас бериш, юракни массаж қулиш, заҳарланган кўз, териларни нейтраллаш ишларини билишлари талаб этилади.

**Саноат газниқоблари.** Бундай газниқоблар заҳарли моддаларнинг (буғдан, туман, газ ҳолдаги) таъсиридан нафас органларини, юзни, кўзни сақлашда ишлатилади. Булар бир неча турларга бўлинади (7-жадвал).

Саноат газниқоблари ҳам фуқаролар газниқоблари каби ниқобдан ва заҳарли моддалардан сақловчи маҳсус филтрловчи қутилардан ташкил топган. Филтрловчи қутилар бир-биридан рангига, ҳамда турига қараб фарқланади.

## 7-жадвал

### Саноат газниқобларининг тавсифномаси

Қутилар русуми	Қутини тавсифловчи белгилар	Нималардан саклайди?
А	Қўнғир рангли	Бензин, керосин, ацетон, бензол, толуол, углерод сүлфид, спирт, эфир, анилин, фосфор ва хлорорганик заҳарли моддалар
В	Сариқ рангли	Кислотали газ ва буғлардан (хлор, синил кислота, азот оксидлари, водород хлорид, фоэген, олтингутурт оксиди) фосфор ва хлорорганик заҳарли моддалар
Г	Оқ вертикал чизиқли, қора ва сариқ рангли	Симоб бугидан, симборганик заҳарли моддалар
Е	Қора	Мишяқ ва фосфорнинг водородли бирикмаларидан
КД	Кулранг	Аммиак, водород сүлфид ва унинг аралашмалари
М	Қизил	Нордон газлар, аммиак, мишяқ, ва фосфорнинг водородли бирикмалари
СО	Оқ	Углерод оксиди ва унинг аралашмалари

## **Фожиали ҳодиса (катастрофа) ва унинг оқибатлари**

**Фожиали ҳодиса** — маълум бир вақт оралиғида содир бўладиган фалокат демакдир. Фожиа — турли хилдаги иншоотларнинг бузилиши, моддий бойликларнинг йўқ бўлиб кетиши ҳамда одамларнинг ўлими билан содир бўлади. Бундан ташқари, катта авариялар оқибатида ҳам фожиалар содир бўлади. Масалан, atom электростанцияларида ва радиоактив моддалар ишлатиладиган корхоналарда авария содир бўлиши натижасида жуда катта ҳудуд заҳарланиши ва охир оқибатда фожиа билан якунланиши мумкин. Мана шундай авариялар оқибати натижасида содир бўлаётган фожиали ҳодисалар atom электростанцияларида тез-тез учраб туради. Масалан, 1986 йил 26 апрел Чернобил АЭСдаги авария шунга мисол бўлади. Бу АЭСдаги бигта энергоблок бузилиб, ундан ташқарига жуда кўп миқдорда чиққан буғ ҳолдаги водород атмосферадаги ҳаво билан аралашиши натижасида портлаб, радиоактив чиқиндилар атроф-муҳитга тарқалган. Натижада ёнғин содир бўлиб, яқин атрофдаги одамлар ўлган ва ўнлаб одамлар турли даражадаги радиация нурини олган, жуда катта ҳудуд радиоактив моддалар билан заҳарланган, 100 мингдан ортиқ одамлар эвакуация қилинган. Бу фожеадан кўрилган моддий зарар эса 8 млрд. рублни ташкил этган.

Шунинг учун мабодо АЭСларда авария содир бўлганлигини эшийтган ҳар бир фуқаро дарҳол сақланиш (бошпана) жойларига беркиниши ёки хавфсиз ерга шу заҳотиёқ эвакуация қилиниши лозим. Иккала ҳолатда ҳам шахсий сақлаш воситаларини кийиб, керакли нарсаларни: озиқ-овқат, сув, зарур ҳужжат, пул ва бошқа буюмларни олиб, айтилган жойга тезликда етиб бориши керак. Агар шароит жуда тифиз ва оғир бўлса, у ҳолда ўзи яшаб турган уйда ёки ишхонада, хоналарга кириб ҳамма тешикларни герметик ҳолатда беркитиши зарур. Мана шундагина у ортиқча миқдордаги нурланишни олмайди.

Маълумки, гиштли уйлар нурланиш даражасини 10 баробаргача, темир бетон иншоотлар эса батамом камайтиради. Шунинг учун радиациядан сақлайдиган бошпаналар кўпинча темир-бетондан курилади.

Зарарланган ҳудудларда юриш, меҳнат қилиш жуда қаттиқ тартиб остида, алоҳида режим асосида олиб борилади. Бошпанадан ташқарига-чиққанда шахсий сақлагичларни кийган ҳолда, жуда қисқа вақт мобайнида юриш керак. Сақловчи хоналарда

яшаётганда ҳам радиацияга қарши ишлатиладиган ва йодли препаратлардан ичиб туриш зарур.

Заараланган ҳудудларда ишлаётган одамлар сақловчи воситаларни кийган ҳолатда, маълум вақт оралиғида ишлаб, ҳудудда ўтириши, бирор нарсани ушлаши, чекиши, овқат ейиши, сув ичиши таъқиқланади. Ишдан кейин бутун кийим боши ва ўзи түлік дозиметрик текширудан ўтказилади.

Катта авариялар ва фожиали ҳодисалар бўлишига, ёнгин ва портлашлар сабаб бўлиши мумкин. Айниқса кимё, нефт ва газ саноатида юз берадиган портлашлар катта фожеалар билан тутайди. Масалан, 1989 йил Бошқирдистонда сиқилган газ сақлайдиган омборда портлаш юз бериб, катта талофат кўрилди. Ҳудди шунга ўхшаш авариялар кўмир конларида йўлдош газларнинг портлаши оқибатида содир бўлиб, натижада бутун кон ўпирилиб, инсонлар қурбон бўлиши билан якунланган ҳоллар маълум. Масалан, 1988-95 йиллар мобайнида Россиянинг бир қанча кўмир қазиб оладиган конларида шундай фожеали ҳодисалар бўлиб, кўплаб одамлар нобуд бўлган. Шунга ўхшаш фалокат Тошкентдаги лак-бўёқ заводида ҳам юз берган. Бу фалокатга заводда ишлатиладиган тез аланталанувчан кимёвий моддаларни сақлаш, ташиш қоидалари бузилиши натижасида катта ёнгин чиқиб авария содир бўлишига сабаб бўлган ва одамлар ўлими билан якунланган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Авария ва фалокатлар фожиали ҳолатлардан ташқари турли даражадаги жароҳатлар: қўл, оёқ чиқиши, эт ва тўқималарнинг узилиши, кесилиши, куйиши, заҳарланиши, ток уриши ва бошқа талофатларга ҳам сабаб бўлади. Шунинг учун авария ва фожиа бўлганда турли хил жароҳатларга ўз вақтида, тезликда ёрдам кўрсата билиш керак.

## **Авария ва фожиали ҳодисаларни келтириб чиқарадиган омиллар**

Авария ва фалокатлар хоҳлаган пайтда турли хил шароитларда, масалан, темир йўл, автомобил, сув йўли, авиация транспортларида содир бўлиши мумкин.

**а) Темир йўл транспортида** авария ва фожиа бўлишининг асосий сабаби, йўлларнинг тўғри бўлмаслиги, ҳаракатланувчи таркибининг камчиликка эга бўлиши, яъни бошқаришда техник носозликларнинг мавжудлиги (сигнал бўлмаслиги ва бошқ.) юриш қоидаларининг бузилиши ва бошқа сабаблардир.

Бундан ташқари темир йўлларда авариялар: поездларнинг издан чиқиб кетиши, бир-бiri билан тўқнашиши, ёнгин чиқиши ва вагонларда олиб кетилаётган портловчи моддаларнинг портлаши билан ҳам содир бўлади. Яна темир йўл транспортларида авария ва фожиалар табиий оғатлар натижасида ҳам бўлиши мумкин.

Масалан, 1988 йил 4 июнда Арзamas-1 станциясида Горкийдан Қозоғистонга олиб кетилаётган юк поездининг 3 та вагонида портлаш юз бериб, натижада 2 та локомотив, 11 та вагон, 250 м темир йўли ва унга яқин бўлган иншоотлар талафот кўрган. Бу воқеадан кейин тезликда қутқариш ишлари олиб борилиб, вагонлар ағдарилиб босиб қолинган жойлардан одамлар олиб чиқилган ва уларга дарҳол тиббий ёрдам кўрсатилган. Сўнгра авария-техник, ёнфинга қарши кураш бўлинмалари ўз вазифаларини бажаришга киришганлар. Кўринадики, фуқаро муҳофазаси тизимларининг ҳаракати туфайли авария оқибатлари тезлик билан тутатилган ва одамлар ҳалокати ҳамда моддий зарар қиймати анчагина камайтирилган.

Темир йўл транспортида бўладиган авариялар оқибатини тугатиш тартиби, талафот кўрганлар сонига, уларнинг ҳолатига, талафот кўрган транспорт ҳажмига, олиб кетаётган юк тавсифига, жойнинг релефига, об-ҳаво шароитига, куннинг вақтига ва бошқа омилларга қараб олиб борилади. Шунинг учун фавқулодда вазият тавсифига қараб фуқаро муҳофазаси тизимлари ўз йўналишларини олиб борадилар.

**б) Автомобил транспортида бўладиган авариялар** ҳам катта фожиали ҳодисаларни келтириб чиқаради. Бундай оғатлар юз беришининг бир қанча сабаблари бор:

- Йўл қоидаларининг бузилиши;
- Автомобилнинг техник носозлиги;
- Тезликнинг ҳаддан ташқари юқори бўлиши;
- Автомобил ҳайдовчининг етарли малакага эга бўлмаслиги.

Энг ёмон сабаблардан бири — бу автомобилни маст ҳолда бошқарилиши. Булардан ташқари автомобилда хавфли юкларни ташиш ва уларни ташиш қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида ҳам авария ва фожеалар рўй беради.

Автомобил транспортида бўладиган оғатларда жабрланганларга биринчи навбатда тиббий ёрдам кўсатилади ва оғирлари касалхонага ёки тиббий ёрдам кўрсатиш шаҳобчасига юборилади. Аварияга учраган автомобиллар тезликда давлат автомобил назоратининг маҳсус жойларига элтиб қўйилади.

**в) Авиацияда авария** — авиатехникаларнинг бирор элементларининг ишламай қолиши, бевақт об-ҳавонинг ўзгариши, учиш-кўниш қоидаларининг нотўғри бажарилиши оқибатида содир этилади.

Баъзан катта авариялар иккита авиатехниканинг бир-бири билан тўқнашиши ёки ерга, қушларга урилиши оқибатида ҳам содир бўлади. Авиация авариялари кўпчиллик ҳолларда фожеалар билан якунланади.

Авиациядаги аварияларда қутқариш ва тузатиш ишларини икки гурӯҳга бўлиш мумкин:

1) бошқараётган экипаж ходимлари томонидан камчиликни тугатиш ишлари;

2) ердаги хизматчиларнинг олиб борадиган ишлари.

Авиациядаги авария жуда тезлик билан ҳал қилиниши лозим. Имкони борича авиатехникадаги камчиликни тўғрилаш, иложи бўлмаса, дарҳол ерга қўндириш мақсадга мувофиқdir. Бунда албатта, экипаж командири ва аэрордом бошлиғи бутун маъсулитни ўз зиммаларига оладилар.

Авиатехникани қўндириш чоғида қидирув, авария-қутқарув, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, эвакуация ҳамда фуқаролар муҳофазасининг бошқа қисмлари қатнашадилар.

Бу хилдаги авариялар ер юзида тез-тез учраб туради. Жумладан, Ўзбекистон авиациясида ҳам бундай ҳодиса рўй берган ва фалокат билан якунланган ҳоллар мавжуд. Масалан, 1979 йил август ойида «Пахтакор» футбол командаси аъзолари тушган самолёт Минскка кетаётганда осмонда бошқа самолёт билан тўқнашиб, фожеа билан якунланган эди. Буни албатта, республикада яшовчи ҳар бир фуқаро яхши билади.

Хулоса қилиб айтганда, фуқаро муҳофазаси тизимларида хизмат қилувчилар рўй берадиган барча табиий офат оқибатларини тутатишда ҳамда авария ва фалокат бўлганда биринчи ёрдамга келадиган тизимлардан бири ҳисобланниб, уларнинг энг асосий вазифаси одамларни турли хавф-хатарлардан қутқариш ҳисобланади.

### **Мавзуни ўзлаштириш учун зарур бўлган таянч сўз ва иборалар:**

1. Авария;
2. Фожиа, фалокат (катастрофа);
3. Кимё саноатидаги авариялар;

4. Радиоактив корхоналардаги авариялар;
5. Озиқ-овқат саноатидаги авариялар;
6. Транспортдаги авариялар;
7. КТЗМ таъсиридаги авариялар;
8. Дозиметрлар;
9. ВПХР жиҳози;
10. Шикастланган кимёвий ўчоқда бажариладиган ишлар;
11. Аварияни тиклаш;
12. Аварияга сабабчи омиллар.

**Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Авариялар ва унга сабабчи бўлган ҳолатлар нималардан иборат?
2. КТЗМ таъсиридаги аварияларда фуқаро муҳофазасининг хатти-ҳаракатларини тушунтиринг.
3. Фожиалар содир бўладиган тармоқлар ва уларнинг оқибатлари қандай бўлади?
4. Фалокат оқибатларини тутатишда фуқароларнинг хатти-ҳаракатлари қандай бўлади?

## **V БОБ**

# **РАДИАЦИЯВИЙ ВА КИМЁВИЙ ҲОЛАТЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА БАҲОЛАШ**

### **Радиациявий ҳолат тушунчаси ва уни аниқлаш**

Радиациявий ҳолатлар ва уларнинг хавфсизлиги бўйича Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 31 августда «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу қонуннинг мақсади инсонлар ҳёти, соғлифи ва мол-мулки, шунингдек, атроф-муҳитни ионлаштирувчи нурланиш, радиоактив ифлосланишларнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилишни таъминлаш билан боғлиқ масалаларни тартибга солишдан иборат.

Қонунга радиациявий хавфсизликка доир янги таҳрирдаги тушунчалар ҳам киритилган, жумладан:

**Ионлаштирувчи нурланиш** — радиоактив парчаланишда, ядрорий емирилишларда, моддадаги зарядланган заррачалар ҳаракатланишини секинлашувида ҳосил бўладиган ҳамда муҳит билан ўзаро таъсир этиш чоғида ҳар хил қутбли ионларни ҳосил қиласидиган нурланиш;

**Ионлаштирувчи нурланиш манбаи** — ўзидан ионлаштирувчи нурларни чиқарувчи қурилма ёки радиоактив модда;

**Кузатув зонаси** — радиациявий мониторинг ўтказиладиган санитария-муҳофаза зонасидан ташқаридағи ҳудуд;

**Радиациявий авария** — ускуна носозлиги, ходимларнинг хатти-ҳаракатлари табиий ва технологик хусусиятли ФВ туфайли келиб чиқсан, фуқароларнинг белгиланган меъёрдан кўпроқ нурланиш олишга ёки атроф-муҳитнинг радиоактив ифлосланишига олиб келувчи ёхуд олиб келган ионлаштирувчи нурланиш манбаи устидан бошқарувнинг издан чиқиши;

**Радиациявий хавфсизлик** — фуқаролар ва атроф-муҳитнинг ионлаштирувчи нурланишнинг зарарли таъсиридан муҳофазаланганлик ҳолати;

**Ядрорий хавфсизлик** — ядрорий материалдан хавфсиз фойдаланишини таъминловчи чора-тадбирлар мажмуи.

Ер усти ва ер ости ядро портлашлари натижасида радиоактив моддалар ҳаво ва тупроқ маҳсулотлари билан аралашади, сўнг ҳаво оқими бўйлаб ҳаракатланиб, секин-аста ерга тушади. Бунда кўзга кўринмайдиган радиоактив заарланиш изи ҳосил бўлади, бу из қанчалик кўп бўлса инсонларнинг яшашлари ва ишлашлари учун шунча узоқ хавф туғдиради. Худди шундай ҳолат ядро заряди билан ишлайдиган тармоқларда (АЭС, гамма нуридан фойдаланиладиган илмий лабораторияларда) авария натижасида ҳам кузатилиши мумкин. Жумладан, 1986 йилдаги Чернобил АЭСдаги авария оқибатида тўртинчи энергоблокдан чиққан радиоактив моддалар 30 кмли масофагача тарқалиб, у ердаги жамики обьектларни (атроф-муҳитни, инсонларнинг яшаш-ишлаш жойларини, кийим-кечакларни, моддий ресурсларни, сувни ва бошқаларни) шикастлаган.

Душман томонидан кимёвий ва биологик қуроллар қўлланилганда, ёки КТЗМ билан ишлайдиган тармоқлардаги аварияларда ҳам катта ҳудудлар заҳарланади. Агар шу жойларда заарсизлантириш чоралари қўрилмаса, бундай ҳудудларда бемалол яшаш ёки ишлаш имконияти бўлмайди. Радиациявий, кимёвий ва бактериологик ҳолатларни баҳолаш фуқаро муҳофазаси бошлигининг, штаб ва обьект мутахассисларининг мажбурий ишидир. Радиациявий ҳолат деганда, жойларнинг радиоактив заарланиш даражаси ва ўлчами тушунилиб, бу аҳолининг яшашига ҳамда халқ хўжалиги ишлаб чиқариш обьектларида ишлашларига таъсир этади. Жойларнинг радиоактив заарланиш ўлчови ва даражаси маълум ҳудуддаги ядро портлашларининг сонига, кувватига, турларига ҳамда портлаш вақтидаги шамолнинг тезлигига боғликдир.

Портлаш куввати ошиши билан заарланиш майдонлари ҳам кўпайса, у ҳолда радиоактив булат изларида радиация даражаси ҳам ортиб боради. Унча катта бўлмаган ҳудудда бир неча ядро қуроли поргласа, радиоактивлик даражаси янада ошади. Вақт ўтиши билан радиация даражаси камайиб боради. Шунинг учун портлашдан кейин қанча кўп вақт ўтса, радиация даражаси шунча кам бўлади.

Радиоактив булат изининг катта-кичиклигига ўртacha шамолнинг тезлиги сезиларли таъсир кўрсатади. Ўртacha шамолнинг тезлиги ошиши билан ядро қуролининг портлашидан заарланган майдонларнинг ҳажми ҳам ошади. Радиация даражаси 0,5 Р/с га тенг бўлган жойларни радиоактив моддалар билан заарланган ҳудуд деб ҳисобланади. Ядро аслаҳаси портлатилган жой билан

бирор объект орасидаги масофа, ўша жойнинг радиация ҳолатини аниқлашда муҳим рол йўнайди. Объектларнинг ва унга яқин бўлган жойларнинг радиациявий ҳолати, фуқаро муҳофазасининг разведка гуруҳи ва ДП-5А (Б ёки В) туридаги рентгенометр жиҳозлари ёрдамида радиациявий ҳамда кимёвий кузатиш постлари орқали аниқланади.

Радиациявий ҳолатни баҳолаш деганда –жойларни радиоактив зарарланганлик тавсифномаси ва уларнинг фуқароларга, техника, курилиш ва иморатларга ҳамда ҳайвон ва ўсимликларга таъсири тушунилади.

*Тавсифномага қуйидагилар киради:*

- объект ҳудудидаги ионлаштирувчи нурланишни хавфлилик даражаси;
- радиоактив модда билан зарарланган ҳудуд ўлчами;
- фуқаролар ва ҳайвонларнинг нурланиш даражаси;
- техника, тупроқ, ўсимлик, озиқ-овқат, сув, бино ва иншоотларнинг радиоактив зарарланганлик даражаси;
- фуқароларга ва ҳайвонларга ионлаштирувчи нурланишнинг хавфлилик даражаси;
- радиация хавфининг ҳалқ ҳўжалиги тармоғига қанчалик зарар етказганлик даражаси.

Радиация ҳолатининг натижаларига қараб зарарланган жойларда аҳолига даволаш ва профилактик чораларини қўллаш зарурлиги аниқланади. Разведканинг берган маълумотлари асосида радиациявий ҳолатни аниқлаш ва баҳолаш мумкин, бундай маълумотларни туман, шаҳар вилоят ва Республика фуқаро муҳофазасиниг раҳбарлари, уларнинг штаблари қабул қиласидилар. Радиациявий ҳолатни баҳолаш билан боғлиқ бўлган ҳисобларни бажарища турли формуласлар, жадваллар, радиациявий ўлчов линейкаси ва бошқа ҳисоблаш жиҳозларидан фойдаланилади.

Радиациявий ҳолатни баҳолашда ядрорий портлашлар вақтини, жойини ва қувватини билиш керак бўлади. Фуқаролар муҳофазаси штабига ядрорий портлашни аниқлайдиган постлардан ядрорий портлаш кўрсаткичлари келиб тушади. Об-ҳавонинг текшириш станцияларидан кунига бир неча марта шамолнинг ўргача тезлиги ва йўналиши тўғрисидаги маълумотлар узатилиб турилади. Лекин бундай маълумотларни керакли жойларга етказиш кўп вақтни талаб қиласиди. Ўз вақтида чора-тадбирларни ўтказиш учун бундай маълумотларни амалда портлашдан кейин, дарҳол билиш керак бўлади. Ҳеч бўлмаганда аслаҳа портлаганини билдирувчи

битта күрсаткичи маълум бўлиши керак. Масалан, портлаш тури ни билиш, жойларни радиоактив заарланиш нуқтаи назардан тезликда радиациявий ҳолатни баҳолашга имкон беради. Шунинг учун бундай ҳолатларда таъкидланган күрсаткичларни тахминан баҳолашни билиш зарур. Масалан, оддий соат ёрдамида портлаш вақтини ва портлаш жойигача бўлган масофани тахминан аниқлаш мумкин. Бунинг учун сариқ чақмоқ ҳосил бўлгандан то товуш тўлқини кузатув жойига етиб келгунга қадар ўтган вақт сонияда аниқланиши керак.

Товуш тўлқини ҳар бир километр масофани 3 сонияда босиб ўтади. Айтайлик, кузатув жойига товуш тўлқини 60 сонияда етиб келган бўлса, портлаш кузатув жойидан  $60/3=20$  км узоқликда содир бўлган бўлади.

Портлаш турини оловли гирдоб (шар) нурланиши сўнгандан кейин кўриб аниқлаш мумкин. Агар чангли устун, булут билан уланган бўлса, (кўзиқорин тузилишидаги кўринишда) у ҳолда портлаш ер устида содир бўлган бўлади. Агар портлаш ҳавода содир этилган бўлса, у ҳолда чангли устун булут билан уланмаган бўлади, лекин чангли устун кўтарилиш жараёнида булутгача етиб олади ва кейин уланади (агар  $H \leq 20 \sqrt[3]{q}$ , метрда) ёки уланмайди (агар  $H \geq 20 \sqrt[3]{q}$  метрда).

Энг қийин масала портлаш қувватини аниқлаш ҳисобланади. Аммо унинг тахминан қийматини билиш мумкин. Бунинг учун портлаш содир этилгандан (8-9 дақиқадан) кейин чанг устунини ердан максимал баландлиги  $h$  ва булутни кўриниб турган горизонтал диаметри  $d$  аниқланаби, сўнгра уларнинг нисбатига кўра, аслаҳанинг тахминий қуввати топилади. Масалан,  $h/d_x = 5$  бўлса, бу тротил эквиваленти 5000 тоннали, агар  $h/d_x = 1$  бўлса тротил эквиваленти 1 минг тоннали аслаҳага тўғри келади.

Ядрорий аслаҳалар ер устида портлатилганда ҳосил бўладиган булут шамол таъсирида узоқ жойларгача тарқалиб, ерга тушади ва ўша жойлар тахминан 4 та заарланган худудга бўлинади. Заарланган жойларнинг (А,Б,В,Г худудлари) радиоактив ҳолатини баҳолаш қўйидаги тартибда аниқланади:

- 1 радиоактив шикастланган жойларнинг кўлами аниқланади;
- радиоактив шикастланган худудлар харитага туширилади;
- бошланғич шикастланиш вақти аниқланади.

1-мисол. Объектда ядрорий портлашдан 2 соат кейин нурланиш дозаси ўлчанди —  $P_2 = 100$  рад/соат. Ядрорий портлашдан бир соат кейин нурланиш дозаси қанча бўлганини ( $P_1$ ) топинг.

Ечиш: 8-жадвалдан фойдаланиб, 2 соатга түғри келадиган,  $P_o/P$  қийматини топамиз ва у 2,30 мин.га түғри келади.

Яъни:  $\frac{P_o}{P} = 2,30$ ; бундан,  $P_o = P \cdot 2,30 = 100 \cdot 2,30 = 230 \text{ P/соат}$

Жавоб: аслача портлагандан 1 соатдан кейинги нурланиш дозаси 230 Р/соат.

### 8-жадвал

**Аслача портлатилгандан кейин турли вақтларда ионлаштирувчи нурланишин аниқлашада қўлланиладиган коэффициент**

Портлашдан кейинги ўтган вақт, соат	$P_o/P$	Портлашдан кейинги ўтган вақт, соат	$P_o/P$
0,5	0,43	7	10,33
1	1,0	10	15,85
1,5	1,63	12	19,72
2	2,30	20	36,41
2,5	3,00	24	45,3
3,0	3,74	30	59,23
4,0	5,28	48	104,1
4,5	6,08	72	169,3
5	6,90	240	805,2
6	8,59	336	1169

2-мисол. Ядрорий аслача портлаганда ионлаштирувчи нурланиш 40 рад/соат бўлиб, 2 соатдан кейин ўлчангандан 20 рад/соатни ташкил қилди. Шу ҳудудда ҳаракатланувчан ФМ тизимларининг ишлаш учун рухсат этилган вақтни топинг.

Ечиш: 
$$\frac{\text{Д бошл. К сус.}}{\text{Д охир.}}$$
 формуладан фойдаланамиз.

Масала шартидаги қийматларни формулага қўйсак:

$$\frac{\text{Д бошл. К сус.}}{\text{Д охир.}} = \frac{40 \cdot 1}{20} = 2$$

бу ерда,  $\text{Д охир.}$  — шикастланган зонадаги охирги ўлчанганди радиация даражаси;

Д бош. — бошлангич радиация даражаси, рад;  
 К сус. — радиацияни сусайтириш коэффициенти.

9-жадвалдан фойдаланиб, топилган қийматта түгри келадиган вақт топилади. Яъни 4 соату б дақиқа давомида фуқаролар муҳофазасининг хизматчилари 20 рад/соатли шикастланган ҳудудда ишларини олиб боришлари мумкин.

Радиациявий ҳолатни баҳолашда келтирилган ҳисоблашлардан ташқари, аслача портлатилгандан кейин маълум вақтларда ўлчанган ионлаштирувчи нурланиш қийматларидан фойдаланиб, ўша аслачани портлатилган аниқ вақтини, муайян масофадаги фуқаролар ва жойларнинг шикастланиш даражалари ҳамда бошқа ҳолатлари маҳсус формулалар ва жадваллар ёрдамида ҳисобланади.

### 9-жадвал

**Радиоактив ифлосланган ҳудудларда фуқароларнинг бўлишилиги мумкин бўлган вақти, Т(соат, дақиқа).**

Д бошл. К сус. Д охир.	Аслача портлатилгандан кейинги вақт, соат						
	0,5	1	2	3	4	5	6
0,2	0,15	0,14	0,13	0,12	0,12	0,12	0,12
0,3	0,22	0,22	0,20	0,19	0,19	0,19	0,19
0,4	0,42	0,31	0,26	0,26	0,25	0,25	0,25
0,5	1,02	0,42	0,35	0,34	0,32	0,32	0,32
0,6	1,26	0,54	0,44	0,41	0,39	0,39	0,38
0,7	2,05	1,08	0,52	0,49	0,47	0,46	0,45
0,8	2,56	1,23	1,02	0,57	0,54	0,53	0,52
0,9	4,09	1,42	1,12	1,05	1,02	1,00	0,59
1,0	5,56	2,03	1,23	1,14	1,10	1,08	1,06
2	четара- ланмаган	11,52	4,06	3,13	2,46	2,35	2,29
2,5		31,00	6,26	4,28	3,48	3,28	3,16
3,0			9,54	6,09	5,01	4,28	4,10

«Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»ги қонуннинг 12-моддасида радиациявий хавфсизликни таъминлаш йўллари кўрсатиб ўтилган. Улар қуидагилардан иборат :

- Радиациявий хавфсизликни таъминлаш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- Ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланишда фуқаролар олган нурланишнинг шахсий дозаларини назорат қилиш ва ҳисобга олишда ягона давлат тизимиға амал қилиш;
- Радиациявий таъсир туфайли фуқаролар соғлигига зарар етказилиш хавфи юқори бўлғанлиги учун тўланадиган товон турлари ва миқдорини белгилаб кўйиш;
- Радиациявий авария натижасида фуқаролар соғлигига ҳамда улар мол-мулкига етказилган зарарни қоплаш ;
- Ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланиш билан боғлиқ фаолият турларини белгилаш;
- Ионлаштирувчи нурланиш манбаларининг экспорт ва импорт қилинишини давлат томонидан тартибга солиш;
- Тиббий-профилактик тадбирлар ўтказиш;
- Радиациявий вазият ҳамда радиациявий хавфсизликни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида фуқароларни хабардор қилиш;
- Фуқароларга радиациявий хавфсизлик чора-тадбирларини ўргатиш;
- Радиациявий авариялар натижасида нурланишга дучор бўлган фуқароларга ёрдам кўрсатиш;
- Радиоактив ифлосланиш зоналарида фуқароларнинг яашшига доир алоҳида тартибларни жорий этиш;
- Тегишли худудда радиациявий авариялар оқибатларини бартараф этиш ;
- Радиациявий авария юзага келиш хавфи бўлган тақдирда тезкор чора-тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш.

Қонуннинг 13-моддасида радиациявий хавфсизлик ҳолатини баҳолаш тартиблари кўрсатилган. Умуман, радиациявий хавфсизлик ҳолатини баҳолаш, радиациявий хавфсизликни таъминлаш тадбирларини режалаштириш ва амалга ошириш, мазкур тадбирлар самарадорлигини таҳлил этиш чоғида маҳаллий давлат ҳокимият органлари, радиациявий хавфсизлик соҳасида тартибга солишни амалга оширувчи давлат органлари, шунингдек, ионлаштирувчи нурланиш манбаларидан фойдаланувчилар томонидан олиб борилади.

**Радиациявий хавфсизлик ҳолатини баҳолаш қўйидаги асосий кўрсаткичларни ўз ичига олади:**

- атроф-муҳит радиоактив ифлосланишининг тавсифи ;
- радиациявий хавфсизлик тадбирларининг таъминланиши, радиациявий хавфсизлик меъёрлари ва қоидалари ҳамда гигиена меъёрлари бажарилишининг таҳлили ;

- радиациявий авариялар эҳтимоли ва уларнинг кўлами;
- радиациявий аварияларни ва уларнинг оқибатларини бартараф этишга тайёргарлик даражаси;
- ходимлар ва аҳолини ионлаштирувчи нурланишнинг барча манбаларидан олаётган, олган ва олиш эҳтимоли бўлган нурланиш дозаларининг таҳлили;
- нурланиш дозаларининг белгилаб қўйилган асосий чегарасидан юқори бўлган нурланишга дучор шахслар сони.

## **Кимёвий ҳолатни аниқлаш ва баҳолаш**

Кимёвий ҳолат деб, душман томонидан кимёвий қуроллар ишлатилганда ёки кимёвий обьектларда ҳалокат юз берганда атроф-муҳитга кучли таъсир этувчи заҳарли моддалар (КТЗМ) тарқалганлиги натижасида ҳосил бўлган шароитга айтилади.

Кимёвий ҳолатни баҳолаш деганда – кучли таъсир этувчи заҳарли моддаларни одамларга, ҳайвонларга, сув ва бошқа обьектларга таъсир этиш даражасини аниқлаш ҳамда кимёвий ҳужум ёки ишлаб чиқариш тармоқларидағи фалокат оқибатларини тугатиши учун энг мақбул услубни танлаш тушунилади.

Кимёвий ҳолатни баҳолашда куйидаги маълумотларга таяниллади:

- ◆ заҳарли моддаларнинг тури ва унинг ишлатилган вақти;
- ◆ заҳарли модданинг ишлатилиши воситаси;
- ◆ заҳарли модданинг ишлатилган жойи;
- ◆ шамолнинг тезлиги ва йўналиши;
- ◆ ҳаво ва ернинг ҳарорати;
- ◆ кимёвий шикастланишнинг миқёси ва тавсифини аниқлаш;
- ◆ ҳавонинг турғунлик даражаси (инверсия, изотермия ва конвекция)
- ◆ фуқароларнинг ҳимояланиш даражаси.

Кимёвий ҳолатни баҳолаш башорат усули ҳамда текширув натижалари орқали амалга оширилади. Ҳалқ ҳўжалиги ишлаб чиқариш обьектларида кимёвий ҳолат радиацыйвий ва кимёвий текшириш гурӯҳлари, постлари орқали аниқланади.

Кимёвий ҳолатни баҳолашда ҳавонинг турғунлик даражасини билиш муҳим аҳамиятга эга, чунки айнан ҳавонинг ҳолатига кўра кимёвий шикастланиш зонасининг миқёси ҳамда талофатланиш ҳажми сарҳисоб қилинади.

Ҳавонинг вертикал турғунлиги учта даражага бўлинади: Инверсия, изотермия ва конвекция (10-жадвал).

Изотермия одатда, кечкурунги вақтларда күёш ботишига таҳминан 1 соатлар қолганда вужудга келади ва күёш ботгандан 1 соатлардан кейин у парчаланиб кетади. Инверсияда ҳавонинг пастки қатлами юқори қатламидан совуқроқ бўлади ҳамда бу ҳолат заҳарланган ҳавонинг баландликка тарқалишига қаршилик кўрсатади ва заҳарланган ҳавонинг узоқ вақт сақланишига қулай шароит яратиб беради.

Изотермия— ҳаво мувозанатининг барқарорлиги билан тавсифланади. У кўпроқ булутли ҳавога хос, лекин инверсиядан конвекцияга (эрталабки вақтларда) ва аксинча (кечкурунги вақтларда) ўтиш соатларида ҳам вужудга келиши мумкин.

Конвекция одатда, қўёш чиқишидан 2 соат кейин ҳосил бўлади ва қўёш ботишидан 2-2,5 соат олдин бузилади. Бу кўпроқ, ёзги очик кунларда кузатилади.

Конвекцияда ҳавонинг пастки қатламлари юқоридагиларидан кўра анча иссиқ бўлади ва бундай ҳолат заҳарланган ҳавонинг тез тарқалишига, оқибатда заҳарланиш таъсирининг қамайишига олиб келади.

## **КТЗМ кўлланиладиган объектлардаги аварияда кимёвий ҳолатни баҳолаш**

КТЗМ ишлатиладиган объектлардаги аварияда кимёвий ҳолатни баҳолаш, фуқароларнинг заҳарланиш ўчиқларида бўлишлари мумкин бўлган ҳолда, уларнинг ҳимояланишини ташкил этиш мақсадида ўтказилади.

*10-жадвал*

### **Об-ҳаво маълумотларига кўра ҳавонинг вертикал турғунилик даражасини баҳолаш**

Шамол тезлиги, м/с	Кечкурун			Кундузи		
	Очиқ	Ярим очик	Булутли	Очиқ	Ярим очик	Булутли
0,5	Инверсия			Конвекция		
0,6...2		Изотермия				Изотермия
2,1...4						
4 дан юқори						

Кимёвий ҳолатни баҳолашда башорат усули бўйича заҳарланган ҳавонинг тарқалиши учун қулай бўлган шароитда (инверсия, шамол тезлиги 1м/с. да) объектдаги барча КТЗМ захираларининг ташқарига чиқиб кетиши (тўкилиш) оқибатларини ўрганиш орқали аниқланади.

КТЗМ сақланадиган идиш захирасининг фалокатини баҳолаш, ҳакиқатда содир бўлган вазиятда ўтказилади. Бунда заҳарли моддаларнинг аниқ миқдори ва об-ҳаво шароитлари ҳисобга олинади.

Шунга ҳам аҳамият бериш лозимки, қайнаш ҳарорати 20°C дан паст бўлган заҳарли моддаларни (масалан, фозген, водород фторид ва шунга ўхшашлар) тўкилиши билан жуда оз вақт мобайнида буғланиб кетади ва буғланган заҳарли модда миқдори, унинг тўкилган суюқ миқдорига тенг бўлади. Агар қайнаш ҳарорати 20°C дан юқори бўлган (углерод (IV) сулфид, синил кислотаси ва бошқалар) ва қайнамайдиган заҳарли суюқликлар (аммиак, хлор, олеум ва ҳоказолар) ўша обьект ҳудуди бўйлаб тарқалади ва ҳавонинг ер устки қатламини заҳарлайди.

КТЗМ бўлган жойлардаги кимёвий ҳолатни баҳолашда, кимёвий заҳарланган ҳудуд ўлчамини, кимёвий шикастланиш ўчони, заҳарли ҳавонинг ҳудудга етиб келиш ва шикастлаш вақтини ҳамда кимёвий шикастланиш ўчоқларида фуқароларни талафотланиш эҳтимоллари кўзда тутилади.

1-мисол. Зичлиги  $\rho_o = 0,68 \text{ т}/\text{м}^3$  бўлган 100 т аммиакли ҳимояланмаган идиш бузилган. Атрофи очик, шамолнинг ерга яқин қисмидан тезлиги 2 м/с. га тенг. Кимёвий шикастланиш ҳудудининг ўлчамини ва юзасини топинг.

Ечиш: 1. Суюқ аммиак тўкилган ҳудуднинг тахминий юзаси куйидаги формуладан топилади:

$$S_{\text{дан}} = \frac{G}{\rho \cdot 0,05} = \frac{100}{0,68 \cdot 0,05} = 3000 \text{ м}^2 \quad (\text{ёки юзаси } 30 \text{ м диаметрдан иборат})$$

Бу ерда, G — КТЗМ миқдори, т;

$\rho$  — Аммиак зичлиги,  $\text{т}/\text{м}^3$ ;

0,05 — Тўкилган аммиак қатламининг қалинлиги.

2. Кимёвий заарланишнинг чуқурлигини 11-жадвалдан фойдаланиб топамиз.

$$\Gamma = 3 \cdot 5 \cdot 0,6 = 9 \text{ км.}$$

3. Шикастланган кимёвий ҳудуднинг кенглигини топамиз:

инверсияда — 0,03  $\Gamma$ ;

изотермияда — 0,15  $\Gamma$ ;

конвекцияда — 0,8 Г.

Худуд кенглиги:  $K=0,03 \cdot 9=0,27 \text{ км}$ .

4. Кимёвий шикастланиш худудининг юзасини топамиз:

$$S_{\text{худуд}} = 1/2 \Gamma \cdot K = 0,5 \cdot 9 \cdot 0,27 = 1,2 \text{ км}^2.$$

2-мисол. 1-масала шарти бўйича аммиакнинг заҳарлаш вақти-ни топинг.

Аммиакнинг таъсир этувчи вақти 12,13-жадваллардан фойдаланиб топилади:

11-жадвал

Очиқ жойда КТЗМ билан заҳарланган ҳавонинг тарқалиш чуқурлиги (КТЗМ идиши ҳимояланмаган, шамол тезлиги 1 м/с, изотермия)\*

КТЗМ номи	Идишдаги КТЗМ миқдори (объектда), Т					
	5	10	25	50	75	100
Хлор, фозген	4,6	7	11,5	16	19	21
Аммиак	0,7	0,9	1,3	1,9	2,4	3
Олтин - гугурт оксид	0,8	0,9	1,4	2	2,5	3,5
Водород сульфид	1,1	1,5	2,5	4	5	8,8

\* Изоҳ: инверсияда ҳаво қатламининг тарқалиш чуқурлиги тахминан 5 баробар катта, конвекцияда эса изотермияга нисбатан 5 марта кичик бўлади.

12-жадвал

Ҳавонинг вертикал турғунлик даражасини шамол тезлигига боғлиқлиги (ҳолатлар учун тўғриловчи коэффициент)

Ҳавонинг вертикал турғунлик даражаси	Шамол тезлиги, м/с					
	1	2	3	4	5	6
Инверсия	1	0,6	0,45	0,38	-	-
Изотермия	1	0,71	0,55	0,5	0,45	0,41
Конвекция	1	0,7	0,62	0,55	-	-

## 13-жадвал

**Баъзи КТЗМларнинг буғланиш вақти (шамол тезлиги – 1м/с).\***

КТЗМ номи	Сақланиш түри	
	Химояланмаган	Химояланган
Хлор	1,3	22
Фоэген	1,4	23
Аммиак	1,2	20
Олтингутург (IV) оксид	1,3	20
Водород сульфид	1	19

\*Изоҳ: Шамол тезлиги 1 м/с. дан юқори бўлганда қўйидаги тўгриловчи коэффициентлардан фойдаланилади:

## 14-жадвал

Шамол тезлиги м/с	1	2	3	4	5	6
Тўгриловчи коэффициент	1	0,7	0,55	0,43	0,37	0,32

$$T_{\text{захарланиш}} = 1,2 \cdot 0,7 = 0,84 \text{ соат (50 дақиқа).}$$

3-мисол. Кимёвий шикастланиш ўчогида жойлашган тураржой биносидаги одамларнинг талафотланиш сонини топинг (Бинода 300 та одам яшайди, улар 90 фоиз газниқоб билан таъминланган).

Ечиши: 15-жадвалдан фойдаланиб, одамларнинг талафотланиш сони: Й=9 фоиз (27 киши), шулардан енгил даражада талафотланганлар сони:  $27 \cdot 0,25 = 7$  кишини; ўртача ва оғир даражада  $27 \cdot 0,4 = 11$  киши, ўлим билан якунланадигани  $27 \cdot 0,35 = 9$  кишини ташкил этади.

## 15-жадвал


**КТЗМ таъсиридаги шикастланиш ўчогида фуқароларнинг талафотланиш сони, фоиз\***

Одамларнинг жойлашган шароити	Фуқароларнинг газниқоб билан таъминланганлиги, фоиз								
	0	20	30	40	50	60	70	80	90
Очиқ жойда	90-100	75	65	58	50	40	35	25	18
Иншоотларда, оддий бошпанада	50	40	35	30	27	22	18	14	9

\*Изоҳ: Шикастланиш ўчоғида одамларнинг тахминий тала-  
фотланиш даражаси (фоиз): енгил даражада шикастланиш — 25;  
ўртача ва оғир даражада — 40; ўлим билан якунланадиган ҳолатда  
— 35.

**Дозиметрик асбобларнинг тузилиши, ишлаш тамойили ва вазифалари**

Жойларда радиация даражасини, радиоактив моддаларни аниқлашда ва ташқи муҳит объектларининг радиоактив ифлосланишини ўлчашда ДП-5 туридаги асбоблардан фойдаланилади. Бунда радиация таъсири ва ютилган нурланиш дозаси ДП-22 В, ДП-24, ДП-23 А, ИД-1, ИД-11 дозиметрлар тўпи билан ўлчанади. Шахсий дозиметрлар радиоактив моддалар билан заарланган жойларда бўлганда олинган шахсий дозаларни ҳисобга олади.



2-расм. ДП-5 рентгенометр:

1—зонд; 2—туташтирувчи кабел; 3—асбоб шкаласи; 4—поддиапазонлар; 5—шкалани ёритувчи тумблер; 6—“режим” ручкаси; 7—“сброс” кўрсатишни тезда ўчирадиган кнопкa; 8—телефонлар; 9—контрол препарат (бета-нурлагич).

Ташқи мұхитларда фойдаланиладиган күпгина дозиметрик асбобларнинг ишлаш тамойили радиоактив нурларнинг ҳавода тарқалганда мұхитни ионлаш қобилятига асосланған. Ионлаш усули асосида ишловчи асбобларга: бир хил тамойилда тузилған ва қабул қылувчи, күпайтирувчи, ўлчовчи қурилмалар ҳамда ишлашни таъминловчи озиқланиш манбаи киради.

### **ДП-5Б, ДП-5А, ДП-5В асбобларининг асосий техник күрсаткышлари ва вазифалари.**

Дала рентгенометрлари ДП-5А ва доза даражасини ўлчовчи ДП-5Б, ДП-5В (2-расм) ҳар-хил предметларнинг гамма-нурланиш бўйича радиоактив зарарланиш ва гамма радиация даражасини ўлчаш учун мўлжалланған. Гамма-нурланишнинг таъсир дозаси рентген соатларидаги (Р/с) ёки миллирентген/соатда (мР/с) асбоб ҳисоблагижи жойлаштирилған ҳаводаги қувватини ўлчайди.

ДП-5А, ДП-5Б, ДП-5В асбоблари минус 40° дан плюс 50° гача ҳароратда ва 65 фоиз нисбий намлик бўлганда ўлчашларни таъминлайди. Асбоб зондини сувга 50 см чуқурликгача тушириш мумкин. Асбоб оғирлиги 7,6 кг, қинсиз ва қўшимча ускунасиз эса 2,8 кг келади.

Асбоб комплектига 2 та қайиш билан асбоб қини ва назорат манба (стронций-90 ва иттирий-90); узатувчи штанга; аккумуляторга улаш учун кабелли кучланишни бўлувчи; элемент ускуналар йигмаси; телефон; хужжат жойлаштирадиган қутилар киради.

Энергия диапозони 0,084 дан 1,25 Мэв гача бўлганда гамма-нурланишлар бўйича ўлчашлар диапозони 0,05 Р/с. дан 200 Р/с. гачани ташкил қилади. Ўлчаш асбоби 6 та поддиапозонларга эга (16-жадвал).

### *16-жадвал*

#### **ДП-5А, ДП-5Б, ДП-5В асбобларининг ўлчаш поддиапозонлари**

Поддиапозонлар	Поддиапозонларни ўтказувчи ручка ҳолати	Шкала	Ўлчов бирлиги	Ўлчашлар оралиги	Кўрсаткичларни аниқлаш вақти
1	200	0-200	Р/с	5-200	10
2	х 1000	0-5	мР/с	500-5000	10
3	х 100	0-5	мР/с	50-500	30
4	х 10	0-5	мР/с	5-50	45
5	х 1	0-5	мР/с	0,5-5	45
6	х 0,1	0-5	мР/с	0,05-0,5	45

2-6 поддиапозонлардаги күрсаткичлар юқори шкала бүйича олинади ва мос келувчи коэффициентларга (1000, 100 ва ҳ.к) күпайтирилади. Нолдан биринчى күрсаттан раңамгача бўлган бўлаклар ишчи бўлаклар ҳисобланади. Бир меъерий шароитда күрсатиш хатоси ( $\pm$ ) 35 фоиздан ошмайди.

**Ўлчаш шкалалари.** Юқоридаги шкала гамма-нурланишнинг доза кувватини  $x1000$ ,  $x100$ ,  $x10$ ,  $x1$ ,  $x0,1$  поддиапозонларда ўлчаш учун мўлжалланган (16-жадвал). Бунда зонд экранни «Г» ҳолатда бўлиши керак. Зонд ойнаси очиқ ҳолда («Б» ҳолат) текширилаётган обьектдан 1-1,5 см масофада бета-нурланиш мавжудлиги аниқланади. Бунда бета — ва гамма-нурланишларнинг умумий дозаси ўлчанади. Тепадаги шкалада қорага буялган учбурчак ва ёй бўлиб, улардан асбобни созлашда фойдаланилади. Доза куввати 5 Р/с бўлганда, тепадаги шкала бўйича ўлчанади. Режимни йўлга солиб турувчи потенциометр асбобга узатилаётган электроқувватини мослаб туради ва улайди.

Күрсаткичларни олиб ташловчи кнопкa қайта ўлчаш талаб этилганда асбоб стрелкасини тезда «0» ҳолатга келтириш учун хизмат қиласи. Шкалани ёритувчи тумблер қоронғида ишлаганда шкалани ёритадиган лампочкани улайди. Ўлчов асбоби стрелкаси нолга қайтмаса, күрсатгич олиб ташланганда нолга келтирувчи винтдан фойдаланилади.

Мослаш учун сақловчи винт ечиб олинниб, унинг тагида турган иккинчи винтни бураш билан стрелкани «0» ҳолатига қўйилади. Сўнг ечиб олинган сақловчи винт жойига қайта буралади.

ТГ-7М турдаги телефон кичик ўлчамли ва бошчалари юмшоқ материалдан бўлган иккита телефондан ташкил топган. Булар радиоактивликнинг борлигини товуш орқали аниқлашда қўлланилади. Радиация даражаси юқори бўлса, шунча кўп товуш белгилари эшитилади.

**Асбобни ишлашга тайёрлаш.** Асбоб жойлаб қўйилган қутидан чиқариб олинади, футлярнинг қопқофи очилиб, ҳаммаёғи текширилади. Футлярга бел ва елка қайишлари ўрнатилади. Микроамперметрнинг стрелкасини тўғриловчи винт ёрдамида «0» га қўйилади. «Режим» ручкасини соат стрелкасига қарши йўналишда тақалгунча буралади. Поддиапозонларни ўзгартирувчининг “выкл” ҳолатига қўйилгандан кейин қувват олиш манбалари жойластирилади. Бунинг учун ДП-5А рентгенометрдан 4 та тушиб кетмай-

диган винт бўшатилади.ДП-5Б ва ДП-5В асбобларидан қувватла-ниш бўлимининг битта тушиб кетмайдиган винти бўшатилиб, қопқоғи олинади ва 1,6 ПМЦ-Х-1,05 чизмага 3 та элемент муво-фиқ қўйилади. Асбоб аккумулятордан қувватланганда тақсимла-гичдаги улагичлар керакли кучланишга қўйилади, сўнг у винт-лар ёрдамида қувватланиш бўлимига бирлаштирилади. Ундан кей-ин поддиапозонлар ўзгартирувчи “режим” ҳолатига келтирилади. “Режим” ручкасини соат стрелкаси йўналишида оҳиста бураб, стрел-ка тепа шкаладаги қора учбурчакка қўйилади.Стрелка буралганда тепадаги қора чизиққача етмаса кучланиш озлигини кўрсатади, демак янги элементларни қўйиш керак.Шундан кейин асбоб строн-ций-90 бўйича текширилади: поддиапозонларни ўзгартирувчи  $x1000$  ҳолатига қўйилади, радиоактив манба қопқоғи ўз ўқи атрофида бураб очилади.Зонд экрани “Б” ҳолатига буралади ва зонд фут-ляр қопқоғига таянч ўсимталар билан шундай маҳкамланадики, стронцийли манба зонд тешиги қаршисида турсин.

200 дан ташқари ҳамма поддиапозонларда (стрелка ва телев-фон бўйича) асбоб ишлашини текшириш керак. Асбоб стрелкаси поддиапозонлар ўзгартирувчининг  $x1000$ ,  $x100$  ҳолатларида сил-жимаслиги мумкин.  $0,1, x0,1$  ҳолатларида шкаладан четга чиқиб кетиши,  $x10$  ҳолатида формулярда кўрсатилган рақамда туриши керак ( $2,2 \cdot 10 = 22$ ). Ишлаганда ёки радиоактивлик ўлчангандан кейин асбобни ўчириш керак.


**Гамма-иурланишларни ўлчаш.** 200 поддиапозонда 5 дан 200 р/с.гача радиация даражаси ўлчанади. Бунинг учун асбоб юқорида кўрсатилгандек мосланади. Поддиапозонларни ўзгартирувчи “200” ҳолатига қўйилади, зонд тешиги экран билан бекитилади ва зонд футлярга жойлаштирилади. Радиация даражаси 1 м баландликда ўлчанади ва ҳар 10 сонияда қуйи шкала бўйича кўрсатгичлар олинади.

Доза қуввати 5 р/с.гача бўлганда тепадаги шкала бўйича  $x1000$  поддиапозонда ўлчанади. Ҳар 10-45 сонияда кўрсатгичлар оли-ниб, бу рақамлар поддиапозонлар ўзгартирувчида турган коэф-фициентга кўпайтирилади.

Объектларнинг мр/с ифодаланган радиоактив ифлосланиши-ни объект юзаси ёпиқ ҳолда зондга яқин 1-1,5 см узоклиқда ушланиб, юқори шкала бўйича олинган кўрсаткичларни поддиа-позон коэффициентига кўпайтирилиб аниқланади. Олинган маъ-лумотлар рухсат этилганлари билан таққосланади.

## Шахсий дозиметрлар жамламалари нинг асосий техник маълумотлари ва вазифалари

ДП-22В, ДП-24, ИД-1, ИД-11 дозиметрлар жамламалари радиоактив моддалар (РМ) билан заҳарланган жойларда ёки очиқ ва ёпиқ ионловчи нурланишлар манбалари билан ишлаганда одамлар томонидан олинадиган нурланиш дозасини назорат қилиб туриш учун фойдаланилади.




3-расм. ДП-22В ва ДП-24 комплекти:  
1—тўғри кўрсатувчи чўнтақ дозиметрлари (ДКП-50А);  
2—зарядловчи қурилма.

ДП-22В жамламасида (3-расм) чўнтақда олиб юришга мўлжалланган 50 та тўғри кўрсатувчи ДКП-50А дозиметрлар, ДП-24 комплектида фақат 5 та шундай дозиметрлар бўлади. Дозиметрлар нурланиш дозаси 2 дан 50, доза қуввати 0,5 дан 200 Р/с. гача, энергия 0,2 дан 2 Мэв диапозонда ўлчаш имкониятига эга. Иккала жамламада ҳам 3 Д-5 зарядлаш қурилмаси ва техник кўрсатмаси бор.

Жамлама  $-40^{\circ}\text{C}$  дан  $+50^{\circ}\text{C}$  гача ишлаш қобилиятига эга. Ўлчашлар хатоси  $+20^{\circ}\text{C}$  ҳароратда  $+10$  фоиз дан ошмайди. Меъёрий шароитда дозиметрларнинг ўз-ўзидан зарядланиши 1 кун ичida 2 бўлакдан ошмайди. ДП-22В жамламасининг қутида жойлашгандағи оғирлиги 5,6 кг дан, ДП-24 комплекти эса 3 кг. дан ошмайди, бир дозиметрнинг оғирлиги 32 г.дан кўп эмас.

ЗД-5 зарядлаш қурилмаси кучланишни қайта ҳосил қилувчи, юқори кучланишни тўғрилагич, зарядловчи уяни ёритувчи лампочка, микроузгич ва қувватланиш элементларидан ташкил топган. Қурилма юқори панелида потенциометр ручкаси, зарядловчи

уя ва озиқланиш бўлимининг 30 сониядан кам бўлмаган 200 мА ток истеъмол қилганда доимий ишини таъминловчи 2 та 1,6-ПМЦ-4-8 туридаги куруқ элемент амалга оширади. Кучланиш зарядлаш қурилмасидан чиқишида 180 дан паст бўлмаган ва 250В дан юқори бўлмаган оралиғда оҳиста мосланади. ДКП-50А дозиметри (4-расм) конструктив жиҳатдан авторучка шаклида қилинганди. Дозиметр “ҳаво эквиваленти” деворли кичкина размерли ионлаш камераси, сифими 500 ПФ конденсатор, электроскоп ва 90 маротаба катталаштирувчи микроскопдан ташкил топган.



4-расм. ДКП-50А дозиметри:

1—окуляр; 2—шкала; 3—дозиметр корпуси; 4—харакатланувчи платинали ипча; 5—ички электрод; 6—конденсатор; 7—ҳимоя таяничи; 8—кўриш ойнаси; 9—ионланиш камераси; 10—объектив; 11—ушлагич; 12—12 тешикли фасон гайка.

Ташқи электрод дозиметрнинг дюрал цилиндр корпуси ҳисобланади. Ички электрод алюминий симдан тайёрланган бўлиб, у “У” шаклда букилиб туради.

Дозиметрнинг икки жойига электроскопнинг ҳаракатланувчи платиналанган ип маҳкамланган. Микроскоп окуляр ва объективдан иборат бўлиб, улар ўртасида 25 бўлакли (0 дан 50 гача) шкала жойлаштирилган. Бўлак баҳоси 2Р. га teng. Дозиметр тепа қисмига окуляр учун тешиги бор фасон гайка, пастки томонига ойнали кўриш ҳимоя таяничи маҳкамланади. Дозиметрнинг ушлагичи бўлиб, гайка тепасида рақами кўрсатилган.

**ДКП-50Анинг ишлаш тамойили.** Дозиметрни зарядловчи тешикка кўйганда дозиметр корпуси ва тўгрilaterичнинг мусбат кут-

бини бирлаштирувчи, зарядловчи уяниңг втулкаси ўртасида уланиш ҳосил қылади. Босиши натижасида зарядловчи тешикка қўйилган дозиметрни уловчи тилча ички электрод билан бирлаштиради ва тўғрилагичнинг мусбат қутби билан бирлаштирувчи зарядловчи тешикнинг стержени ўртасида уланиш ҳосил бўлиб, бу контакт орқали дозиметрга юқори кучланиш (180-250В) берилади. Шундай қилиб, ички алюминий электрод ва унга маҳкамланган ҳаракатланувчи визир ипча бир хил заряд олади ва ип бир-бирини итарувчи электр кучи таъсирида ички электроддан силжийди. Қаршилик ручкаси ёрдамида зарядлаш кучланишни тўғрилаш йўли билан ип тасвирни нолга қўйиш мумкин.

Дозиметрни зарядловчи уядан чиқариб олаётганда уловчи тилча диафрагманинг эгилувчи хоссалари таъсири остида конденсаторни зарядланишдан сақлаб, олдинги ҳолатига қайтади. Дозиметрга гамма-нурлар таъсир қылганда ионлаш камераси конденсатори ва камерасининг потенциалини камайтирувчи ионлаш токи ҳосил бўлади. Нурланиш дозасига пропорционал бўлган потенциал камайиш электроскоп ёрдамида ўлчанади. Электроскоп ҳаракатланувчан тизимининг силжиши платинали ип рентгенларда белгиланган шкалали микроскоп ёрдамида ўлчанади. Нурланиш дозаси қанча кўп бўлса, ип нол белгидан шунча нари силжийди.

Агар дозиметрни кўриш ойнасини ёруғлик манбаига йўналтириб, окуляр орқали шкалага қаралса, платинали ипчанинг тасвири қайси катталикка силжиганини кўриш мумкин ва шу билан нурлаш дозаси катталиги аниқланиб, шу дозиметр турган жойда олинган доза топилади. Дозиметр конденсаторининг ўз-ўзидан разрядланиши муносабати билан узоқ вақтга берилмайди: фақат зарядланиш ҳудудида ишлатиш учун берилади.

Дозиметр кийим чўнтағида олиб юрилади ва вақти-вақти билан окулярдан қараб, иш вақтида олинган нурланиш дозаси катталиги кузатилади.


## Кимёвий разведка асбоблари

Ҳозирги вақтда заҳарли моддаларни аниқлаш учун кимёвий разведканинг қўшин асбоби — ВПХР, тиббий ва ветеринария хизматлари кимёвий разведка асбоби — ПХР-МВ, тиббий дала кимёси лабораторияси — МПХлар ишлатилади.

Заҳарли моддаларни кимёвий разведка дала асбоблари билан аниқлаш, сўрилаётган заҳарланган ҳаво оқими реактив орқали

үтганды унинг рангини ўзгариш тамойилига ассоланган: бунда реактив ранги интенсивлiği түлдирувчидаги заңарли модданинг ҳаводаги концентрациясига тұғри пропорционалдир.

Кимёвий разведканинг құшин асбоби (ВПХР) зарин, зоман, иприт, фозген, дифозген, синил кислота, хлорциан, шунингдек, Ви-икс газларнинг ҳавода маълум ҳудудларда, техникада борлигини аниқлашга мүлжалланган (5-расм). Асбоб қопқоқлы корпусдан, унга ўрнатылған құл насоси, кийдирма, индикаторлы трубкалари бўлган қофоз кассеталар, тутунга қарши фильтрлар, ҳимоя қалпоқчалари, электрофонар, корпус ва унга қўйиладиган патронлардан ташкил топган.



**5-расм. Кимёвий разведканинг құшин асбоби — ВПХР (а) ва индикаторлар кассетаси (б):**

1—насос; 2—елка қайиши; 3—насос кийдирмаси; 4—ҳимоя қалпоқчалари; 5—тутунга қарши фильтрлар; 6—грелкага (қиздиргичга) патронлар; 7—электр фонар; 8—штир; 9—белкурак; 10—грелка (қиздиргич); 11—индикаторлы трубкаларнинг қофоз кассетаси.

Ундан ташқари, жамламага намуна олиш учун куракча, асбоб иши бўйича зоман типидаги заарарли моддаларни ҳавода аниқлаш, асбобни ишлатиш бўйича кўрсатмалар ва паспорт киради. Асбобни олиб юриш учун елкадан ўтказиладиган қайиш бор. Жамлама оғирлиги 2,2 кг. Құл насоси заараланган ҳавони индикаторли трубкада жойлашган реактив орқали сўриш учун хизмат қилиб, бу трубка насос бош қисмидаги тешикка ўрнатилади. Насос билан 50-60 марта сўрилганда 1 дақиқада индикаторли трубка орқали 2 л.га яқин ҳаво ўтади. Насос ҳавони бир йўналишда сўради.

Насос ручкасида 2 та ампула очгич бўлиб, улар ёрдамида индикаторли трубкалардаги реактивли ампулалар синдирилади. Индикаторли трубкаларнинг учларини синдириш ва йўниш учун насос бош қисмида мослама ўрнатилган.

Насос кийдирмаси ҳар хил предметларда, сочиувчи материалларда (химоя қалпоқчаларидан фойдаланган ҳолда) ва тутунли ҳавода(тутунга қарши филтрлардан фойдаланган ҳолда) заҳарли моддаларни аниқлаш учун хизмат қиласи. Индикаторли трубкалар заҳарли моддаларни аниқлаш учун мўлжалланган ва кавшарланган шиша трубкалардан иборат бўлиб, уларнинг ичидаги тўлдиргич ва реактивли шиша ампулалар жойлашган. Трубкалар ранги ҳалқалар кўринишидаги белгиларга эга; битта қизил ҳалқа ва қизил нуқта — зарин, зоман ва Ви-икс газларни; учта яшил ҳалқа — фозген, дифозгенни, синил кислота, хлорцианни; битта сариқ ҳалқа — ипритни аниқлаш учун мўлжалланган. Реактивлар маълум вақт сақлангандан кейин уларни янгилари билан алмаштириш керак. Бир хил белгили индикаторли трубкалар 10 тадан қоғоз кассетага жойлаштирилган. Кассеталарда реактив тайёрланган вақти ва насоси билан неча марта ҳаво тортишлиги кўрсатилган бўлиб, тўлдирувчи модда ранги, ҳавода заҳарли моддалар бор ёки йўқ бўлганда қандай бўлиши кўрсатилган. Тутунга қарши филтрлар маҳсус картондан қилинган пластинкалар бўлиб, ҳавода нордон буғлар миқдорини, тутунда, тупроқда ва сочиувчи материалларда заҳарли моддаларни аниқлаш учун фойдаланилади.

Химоя қалпоқчалари воронкасимон кийдирманинг ички юзасини ҳар хил обьектларда (техникада, тупроқда, бинода) заҳарли моддаларни аниқлашда зарарланишдан сақлайди.

Қиздиргич ҳаво ҳарорати паст бўлганда индикаторли трубкаларни қиздириб, заҳарли моддаларни аниқлашга мўлжалланган. Бундан ташқари, сариқ ва қизил ҳалқали индикаторли трубкалар  $10^{\circ}\text{C}$  дан паст ҳарорат бўлганда қиздирилади. Ундан индикаторли трубкалар ампулаларидағи реактивни эритиш учун ҳам фойдаланилади.

### Ҳаводаги заҳарли моддаларни аниқлаш

Бунинг учун асбоб қопқоғи очилиб, илгич силжитилади ва насос чиқариб олинади. Битта қизил ҳалқали ва қизил нуқтали трубка олинниб, учлари кесиб ташланади ва очилади. Трубкани очишдан олдин қиздиргичда  $10^{\circ}\text{C}$  ва ундан паст ҳароратда қиз-

дирилади.0,5-3 дақиқа мобайнида реактив эрийди. Насоснинг ампула очгичи ёрдамида мос келувчи тамға билан тамгаланган индикаторли трубкаларнинг икки тасини юқори ампуласи синдирилади, тамгаланган томони билан олинниб, маҳкам ушланади ва 2-3 марта силкитилади (5-расм).

Ундан кейин трубкалардан бирини (синалаётганини) насосга тамгаланмаган томони билан ўрнатилади ва 5-6 марта сўрилиб, у орқали ҳаво олинади. Иккинчи трубка орқали (назорат) ҳаво сўрилмайди, у асбобнинг маҳсус тешигига жойлаштирилади. Ҳаво сўрилгандан кейин ампула очгич ёрдамида икки трубканинг пастки ампуласи синдирилади, чайқатилиб, тўлдиргичларнинг ранг ўзгариши кузатилади. Паст ҳароратда икки трубканинг пастки ампуласини очищдан олдин бир дақиқа давомида қайта қиздирилади.

Пастки ампулалар очилиб, улар чайқатилгандан кейин тўлдиргич қизил бўлиб қолади, ундан кейин ранг сариқ ҳусусиятларидан синалаётган найча тўлдиргичи қизил ранги сакланиши ҳавода зарин, зоман ва Ви-икс газининг борлигини кўрсатади. Синалаётган найча тўлдиргичида назорат трубкада ҳам сариқ ранг пайдо бўлиши, ҳавода юқоридаги ЗМларнинг йўқлигидан далолат беради. Агар индикатор найчаларининг пастки ампулалари синдирилганда тўлдиргич сариқ ранги дарров пайдо бўлса (бу нарса текширилётган ҳавода нордон хусусиятли модда бўлганда кузатилади), бундай ҳолда заҳарли моддаларни (З.М) аниқлаш тутунга қарши филтр қўллаш билан қайтарилади.

Асбоб ёрдамида зарин, зоман ва Ви-икс газларининг ҳавосиз концентрацияларини ҳам аниқлаш мумкин. Номлари тилга олинган ЗМларни аниқлаш юқорида кўрсатилган тартибда ўтказилади; фақатгина синалаётган индикатор найчаси орқали насос билан 50-60 марта ҳаво сўрилганда ва найчаларнинг пастки ампулалари бирданига эмас, балки 2-3 дақиқа ўтгандан сўнг синдирилади. Асабни паллажловчи ЗМларнинг миқдорини эмас, балки фозген ва синил кислотасининг ҳавода борлиги аниқланади. Бунинг учун 3 та яшил ҳалқали индикаторли трубкани олиб, унинг учлари синдирилади, насосга трубкани қўйиб, у билан 10-15 марта сўрилади. Найча насосдан чиқариб олинниб, қофоз кассетада сакланадиган 3 та яшил ҳалқали трубкалардаги этalon тўлдиргичи билан солиширилади. Синил кислотаси бор бўлса, тўлдиргичнинг пастки қатлами қизишиш-сиёҳ, фозген ёки дифозген бўлса, тўлдиргичнинг устки қатлами қорамтирилганда бўлади. Сўнг ҳавода

иприт борлиги аникланади, бунинг учун 1 та сариқ ҳалқали индикаторли найча учлари синдирилиб, насосга қўйилади ва у билан 60 марта сўрилади. 1 дақиқадан кейин қофоз кассетадаги 1 та сариқ ҳалқали трубка билан солиширилади. Иприт бор бўлса, тўлдиргич жигаррангда бўлади.

### **Захарли моддаларни тупроқ ва сочиувчи материалларда аниклаш**

Бунинг учун индикаторли трубкани олиб тайёрлаш керак ва у насос бошига қўйилади. Ундан кейин ўрнатмага насос мосламаси қўйилиб, ҳимоя қалпоқчаси воронкага кийгазилади. Заарланиши гумон қилинган ердан куракча ёрдамида тупроқнинг юқори қатламидан намуна олинниб, ҳимоя қалпоқчаси четларигача солинади. Воронкага тутунга қарши филтр ўрнатилиб, маҳкамланади ва талаб этиладиган миқдорда насос билан ифлосланган ҳаво сўрилади. Кейин тутунга қарши филтр, намуна ва қалпоқча олинниб, ташлаб юборилади. Индикаторли найча чиқариб олинниб, ЗМлар қофоз кассетасидаги этalon тўлдиргич ранги билан солишириб аникланади. Сочиувчи материалларда зарин, зоман, Ви-икс газларни аниклаш учун 2 та текширилаётган ва назорат-индикаторли найчалар олинади ва улар ҳавода қандай кузатилган бўлса, бу ерда ҳам шундай кузатилади.

### **Жойларда, кийимларда ва ҳар хил предметларда ЗМларни аниклаш**

Бунинг учун иккита: бири қизил ҳалқали ва бири қизил нуқтали индикаторли найчалар олинниб, уларнинг юқори ампуласи синдирилади ва 2-3 марта қаттиқ чайқатилади. Сўнг насос тешигига тамгаланмаган томони қўйилади, кийдирма буралади, воронка ўрнатмасига ҳимоя қалпоғи кийгазилади, ерга ўрнатма текклизиб қўйилади ёки у текширилаётган предмет юзасига шундай қўйиладики, воронка энг ёрқин кўринган заарланиш белгилари бор жойни тўлиқ беркитиши шарт ва трубка орқали ҳаво сўрилиши учун зарур миқдорда насос ҳаракатлантирилади. Назорат-трубка орқали ҳаво сўрилмайди. Кейин ўрнатма олинади, ҳимоя қалпоғи ташланиб, асбобга ўрнатма қўйилади, индикаторли найча, насос уясидан чиқариб олинади ва найчаларнинг пастки ампуласи синди-

рилади. Индикаторли найчадан ҳаво сўрилгандан кейин бир дақиқа ўтгач тажриба найчасининг тўлдиргич ранги эталон найча тўлдиргич ранги билан солиштирилади.


Шунга ўхшаш жойларда, техникада, кийимда ва ҳар хил предметларда иприт борлиги аниқланади; бу ҳолда битта сариқ ҳалқали индикаторли трубкалардан фойдаланилади.

## Медицина-ветеренария хизматлари кимёвий разведка асбоби (ПХР-МВ)

Асбоб (6-расм) сувда, озиқ-овқатларда, ҳавода ва ҳар хил предметларда зарин, зоман, Ви-икс газларини, иприт, хлорциан, синил кислотасини аниқлаш учун мўлжалланган. Бундан ташқари, бу асбоб ёрдамида сувда синил кислота тузлари, алкаллоидлар, оғир металларнинг тузлари, ҳавода фозген ва дифозгенни аниқлаш мумкин.

ПХР-МВ асбоби сув, тупроқ ва бошқа материаллардан юкумли касаллик қўзғатувчилар турини аниқлаш, уларнинг намуналарини лабораторияга жўнатишга имкон беради. Асбоб қопқоқли корпусдан, насосдан, индикаторли найчалари бор қофоз кассеталаридан, қуруқ реактивли мато кассеталаридан, пробиркалардан, дрексел склянкаларидан, металл банкадан, бактереологик воситани олиш учун 4 та маҳсус пробиркалардан ташкил топган. Бундан ташқари, жамламага куракча, қайчи, пипеткалар, пинцет, ёнувчи таблеткалар, пробирка учун посангилар, намуналари бор банкаларга ёпиштириладиган лейкопластир ва полиэтилен ҳалтаклар киради. Асбоб насос коллекторли бўлиб бир вақтнинг ўзида 2, 3, 4 ёки 5 индикаторли найчалари орқали ҳаво сўришга имкон беради.

Сувдаги ЗМларни ва заҳарли бирималарни аниқлаш учун белгиланган дрексел пробиркасига маълум реактивлардан фойдалан-



6-расм. ЗМларни сувда (а) ва озиқ-овқатларда (б,в) аниқлаш:

1—синалаётган озиқ-овқатли банка; 2—дрексел склянкаси; 3—реактивли индикатор найча; 4—насос.

ган ҳолда (б-расм), реактив рангиға қараб ёки унинг рангини стандарт реактив ранги билан солишириш орқали аниқланади.

Сувдаги зоман, зарин, Ви-икс газларини аниқлашда ампулалар тўпламидан фойдаланилади ва иккита намуна-тажриба, назорат олинади (б-расм).

Озиқ-овқат намуналаридағи ЗМлар ҳаво экстракцияси усули билан аниқланади. Намуна банкага жойлаштирилиб, у бураладиган металл қопқоқ билан зич ёпилади. Қопқоқ орқали банка ичиға унинг тубигача битта найча туширилади, иккинчиси эгилган бўлиб, ташқарига чиқади. Ушбу чиққан найча индикаторли найчага ва насосга уланади. Ҳаво намуна орқали сўрилади (б-расм) ёки текширилаётган намунали банка билан насос ўртасига сувли дрексел склянкаси жойлаштирилади ва дрексел пробиркаси сувидаги ЗМлар аниқланади.

Юқоридагилардан ҳолоса қилинадиган бўлса, кимёвий ҳолатни баҳолашда, ҳар доим хизматли тизимларини, тиббиёт хизмати муассасаларини ва аҳолининг жойлашишини ҳисобга олиш керак бўлади, яъни улар кучли заҳарли моддалар ишлатилган ёки заҳарланган ҳаво тарқалаётган жойми, албатта шу заҳарланган ҳудуд ва ўerdagi жамики нарсалар кимёвий разведка асбоблари билан таҳлил қилинади.

### **Мавзуни ўзлаштириш учун зарур бўлган таянч сўз ва иборалар:**

- |                       |                                  |
|-----------------------|----------------------------------|
| 1. Радиациявий ҳолат; | 7. Дозиметрлар;                  |
| 2. Кимёвий ҳолат;     | 8. ВПХР жиҳози;                  |
| 3. Биологик ҳолат;    | 9. ПХР-МВ жиҳози;                |
| 4. Инверсия;          | 10. Радиациявий ҳолатни баҳолаш; |
| 5. Изотермия;         | 11. Кимёвий ҳолатни баҳолаш.     |
| 6. Конвекция;         |                                  |

### **Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Радиациявий ҳолат қандай баҳоланади?
2. Кимёвий ҳолат қандай аниқланади ва баҳоланади?
3. Жойлардаги радиоактив моддалар миқдори, радиация даражаси қандай жиҳозларда аниқланади?
4. Кимёвий разведканинг қўшин асбоби нима мақсадда ишлатилади?
5. ВПХРнинг ишлаш тамойили қандай?
6. ПХР-МВ жиҳози нима мақсадда ишлатилади?

## VI БОБ

### ФУҚАРОЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ АСОСЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

Ҳарбий даврда ҳам, тинчлик даврда ҳам фавқулодда вазият юз берганда фуқароларни муҳофаза қилишнинг асосий услублари муайян тамойиллар асосида амалга оширилади. Фуқароларни муҳофаза қилишнинг асосий тамойиллари қуидагилардан иборат:

1) Давлат органлари, вазирлик раҳбарияти ва халқ хўжалиги объектларининг раҳбарлари томонидан фуқароларни муҳофаза қилиш омилларини доимий равишда амалга ошириш ва бошқариш;

2) Мамлакатнинг ҳар бир бурчагида, аҳоли яшаш жойларида, халқ хўжалиги тармоқларида, фуқароларни сақлашнинг омилларини олдиндан режалаштириш;

3) Ҳар бир жойнинг иқтисодий, сиёсий ва мудофаа қудратини ҳисобга олган ҳолда фуқаро муҳофазасини режалаштириш ва амалга ошириш;

4) Фуқароларни муҳофаза қилишнинг омилларини ҳар бир жойнинг (республика, вилоят, шаҳар, туман халқ хўжалиги тармоқлари) иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш режалари билан бирга амалга ошириш.

Фуқароларни муҳофаза қилишнинг услублари қуидагилардан иборат:

1) Фуқароларни хавфли вазият хусусида ўз вақтида огоҳлантириш;

2) Радиацияга ва кимёвий таъсирларга қарши (РК ва КТК) омиллари;

3) Ҳимоя иншоатларида сақлаш;

4) Эвакуация омилларини ўтказиш (фуқароларни хавфли худуддан, вақтинчалик узоқлаштириш ёки тўлиқ узоқлаштириш);

5) Шахсий сақловчи воситалардан фойдаланиш.

## **Фуқароларни фавқулодда вазият ҳақида оғоҳлантириш**

Фавқулодда вазиятларда фуқароларни ҳимоя қилишнинг ҳир томонлама омилларида алоҳида ўрин тутадиган услуг — бу фуқароларни ўз вақтида оғоҳлантириш ҳисобланади.

Оғоҳлантириш радио, телевизор воситалари орқали амалга оширилади. Бунда фуқароларни оғоҳлантиришдан олдин сирени, ишлаб чиқариш гудоги, транспорт воситаларининг сигналлари ша бошқа белгилар орқали огоҳ этилади. Яъни бу белгилар «ДИҚ-ҚАТ ҲАММАГА!» деган маънони англатади.

Шу белгиларни эшитган ҳар бир фуқаро радио, телевизорларни қўйишлари зарур. Ҳар бир оғат юз берганда, уларни фуқароларга ҳамда халқ ҳўжалигига кўрсатадиган таъсир хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда оғоҳлантириш матнлари тузилади.

*Масалан: а) Атом электр станциясида юз берган авария ҳақида фуқаро муҳофазаси қўйидаги тартибда халқни огоҳ қиласди: «ДИҚ-ҚАТ», Фуқаро Муҳофазаси штабидан гапирамиз, Фуқаролар! Атом электр станциясида авария содир бўлди. Шу АЭС атрофифа жойлашган «УзБАТ» корхонаси, Ҳамза алоқа узатиш тармоғи, янги қурилаётган метро станцияси, Тошкент минерал сув қўйиш заводи ва уй-жойларга, маҳаллаларга радиоактив чангларнинг тушиши кутилмоқда.*

Шу ҳудудда яшовчи ҳамма фуқаролар ўзларининг, яшовчи уйлари герметиклигини (зичлигини) мустаҳкамлашлари, уй ҳайвонларини пана жойга киритишлари, озиқ-овқат маҳсулотларини, сувларни радиоактив чанг тушишидан сақлашлари, ўзлари эса йодли препаратдан қабул қилишлари керак. Кейинги ҳатти-ҳаракатлар фуқаролар муҳофазаси штаби йўриқномалари асосида олиб борилади».

### **б) Хавфли кимё заводидаги аварияда:**

«Диққат! Фуқаро муҳофазаси штабидан гапирамиз, Фуқаролар! Чирчиқ кимё комбинатида одамга кучли таъсир этувчи заҳарли модда (КТЗМ) — аммиакнинг тўкилиши оқибатида авария содир бўлди. Заҳарланган ҳаво Тошкент шаҳри томон тарқалмоқда. Кимёвий заҳарланиш зonasига ўша атрофидаги корхоналар ва аҳоли яшаш жойлари (корхона, маҳалла яшаш жойлари номлари кўрсатилади) киради. Кимё корхонасига яқин бўлган ишлаб чиқариш тармоқларида ишчи хизматчилар, маҳаллалардаги яшони-

чилар ўз уйларини, иш жойларини хавфсиз ҳолатда қолдиришла-ри (газ, сув, электрни ўчиришлари) ва Тошкентга эвакуацияга тайёрлансынлар. Кимё корхонасидан узоқдаги корхоналар, маҳал-лалардаги (номлари кўрсатилади) яшовчилар ўз иш жойларида, уйларида қўшимча герметикликни таъминлаб сақланишлари ло-зим. Эшитган марингизни қўни-қўшниларга етказинг!»

### **в) Ер силкиниши эҳтимолида:**

«Диққат Фуқаро муҳофазаси штабидан гапирамиз. Фуқаролар! Ер силкиниши эҳтимоли бор! Газ, сув, электроэнергия, ёнаётган моддаларни ўчириб, уйларни хавфсиз ҳолатда қолдириб, эшит-ган маълумотларингизни қўни-қўшниларга етказинг. Керакли нар-саларни: кийим-кечак, ҳужжат, озиқ-овқат, сув олиб баланд курилган иморатлардан узоқроқ жойларда сақланинг!»

Ер силкингандан иншоотларда бўлсангиз, дарҳол эшик, ойна устунлари тагига туриб олинг. Тартиб ва осойишталик сақлансин. Фуқаро муҳофазаси штаби йўриқномаларига эътиборни қаратинг!

## **Радиация ва кимёвий таъсиirlарга қарши омиллар**

РҚ ва КТҚ омиллар дейилганда ионлантирувчи нурлар (g), заҳарли кимёвий моддалар ва одамга кучли таъсиир этувчи модда-лар (КТЗМ) таъсирини камайтиришга мўлжалланган комплекс омиллар тушунилади. РҚ ва КТҚ омилларда қуйидаги вазифалар кўзда тутилади:

а) Радиациявий-кимёвий ҳолатни аниқлаш ва баҳолаш;

б) Дозиметрик ҳамда кимёвий назоратни ташкил этиш ва ўтказиш;

в) Радиацияга қарши ҳимояланиш режимларини ишлаб чи-қиши;

г) Радиоактив ва кимёвий шикастланишда фуқароларни ҳимоя-лаш услублари ҳамда КТҚ омиллари билан таъминлаш (бунда газ-ниқоблар, маҳсус кийим-кечаклар ва бошқа воситаларни йиғиш, сақлаш, тақсимлаш);

д) Радиоактив ва кимёвий шикастланиш оқибатларини туга-тиш омиллари (маҳсус санитар-қайта ишлаш, яшаш, ишлаш жой-ларини, иншоотларни зарарсизлантириш ва бошқа омиллар).

**Радиациявий-кимёвий ҳолатни аниқлаш ва баҳолаш (V бобга қаранг).**

**Радиациявий-кимёвий ҳолатни баҳолаш – РҚ ва КТҚ омил-ларининг асосини ташкил этиб, уни ўтказишдан мақсад:**

- фуқаро муҳофазаси тизимларига кирувчи фуқароларнинг ишлаш қобилиятларини баҳолаш;
- ишчи хизматчиларнинг иш фаолиятларини баҳолаш ва улардан фойдаланиш чегаралари;
- эвакуация даврида тиббий ёрдам кўрсатиш ҳажми;
- фуқароларни санитар-қайта ишловдан ўтказиш ҳажми;
- жиҳозларни, транспорт воситаларини, шахсий сақловчи воситаларни, кийим-кечакларни, иш жойларини дезактивация ва дегазация қилиш;
- радиациявий-кимёвий заарланган ҳудудларда қолган сув, ем, озиқ-овқат, ва бошқаларни қайта ишлаб, фойдаланилади ва бошқа омиллар бажарилади.

Дозиметрик ва кимёвий ҳолатни баҳолаш — объектнинг фуқаролар муҳофазаси штаби, унинг тизимлари, жумладан, разведка бўлимлари амалга оширади (яъни радиациявий-кимёвий ва умумий разведка бўлимлари).

Озиқ-овқатлар, сув ва емларнинг заарланиш даражаси радиометрик ва кимёвий лабораторияларда аниқланади. Дозиметрик баҳолашда одамларни ва ер усти жинсларини радиация нурлари билан нурланганлиги ҳамда заарланган жойларда одамларнинг олган нур дозалари аниқланади.

Нурланганлик даражаси гуруҳ ҳолда ҳамда якка тартибда текширилади. Гуруҳни текширишда, тизимлар, цехлар бўйича одамларнинг олган нур дозалари ҳамда уларнинг ишлаш қобилиятлари аниқланади.

Дозани аниқловчи ИД-1 ва ДКП-50А (4-чизма) дозиметрлар 10-12 нафар одам бўлган гуруҳларга тақсимланади. Якка тартибда эса ИД-11 маркали шахсий нур дозасини ўлчовчи жиҳоз ишлатилади. Мана шу икки усул билан (гуруҳ ва якка тартибда) цехлардаги, гуруҳлардаги, тизимлардаги одамларнинг олган нур дозалари ўлчаниб, журналга ёзib борилади. Фуқароларнинг умуман олган нур дозалари қийматига қараб, тизим бошлиғи ўша фуқароларнинг ишлаш қобилиятлари ва заарланган ҳудудларда бўлган вақтларини аниқлаб берадилар.

Одамлар, техника, жиҳозлар ва бошқа кийим-кечакларнинг радиоактив чанглардан заарланиши ДП-5 жиҳози билан аниқланади ва мР/соат билан ўлчанади. Озиқ-овқат, сув ва емларни радиоактив чанглардан заарланиш даражаси радиометрик усулда аниқланади ва Ки/кг ёки Ки/л да ўлчанади. Шахсий сақловчи воситалар, техника, озиқ-овқат, сув, яшаш жойлари ва объек-

ларнинг заҳарли моддалар, кучли таъсир этувчи заҳарли моддалар (КТЗМ) билан заҳарланиши кимёвий жиҳатдан баҳоланади.

Кимёвий ҳолатни баҳолаш натижаларига қараб, одамларни шахсий сақловчи воситаларисиз юриш-туриши, техникаларни, иншоотларнинг дегазациялаш даражаси, озиқ-овқатларни, сувларни ва бошқа воситаларни зарарсизлантириш аниқланади. Кимёвий назорат кимёвий разведка жиҳозлари: ВПХР, ПХР-МВ ёрдамида ўтказилади (5,6-расмлар).

Демак, дозиметрик ва кимёвий назорат ўз вақтида, тўғри ўтказилса, одамларнинг иш қобилиятларини ва турмуш даражаларини бирмунча сақлаш имкониятларига эга бўламиз.

**Радиоактив ва кимёвий шикастланган жойларда фуқароларни сақлаш.**

**1. радиоактив шикастланган ҳудудда фуқароларни сақлаш.**

*Радиоактив шикастланган ҳудудларда ҳалқни сақлашнинг асосий қоидалари қўйидагилардан иборат:*

- Радиоактив шикастланиш хусусида огоҳлантириш;
- Ҳимояиншоотларида сақлаш (бошпана, радиациядан сақловчи бошпана — РСБ);
- Шахсий сақловчи воситалардан фойдаланиш;
- Радиациядан сақловчи препаратлардан (ШД-2) фойдаланиш;
- Заарланган сув ва емишлардан сақланиш;
- Заарланган жойларда фуқароларни сақлаш режимларига риоя қилиш;
- Заарланган жойлардан фуқароларни эвакуация қилиш;
- Заарланган ҳудудларга одамларни киритмаслик;
- Фуқароларни санитар қайта ишловдан ўтказиш, кийим кечак, техника, иншоотларни дезактивация қилиш.

*Радиоактив моддалар билан заарланган жойларда одамларнинг хатти-ҳаракатлари, радиациявий ҳолатдан келиб чиқиб аниқланади, бунда:*

а) муайян заарланган жойларда, одамлар, РСБда бирнеча соатгача сақланишлари ва сўнгра оддий иншоотларда бўлишлари тавсия этилади.

Аммо корхоналар ва яшаш масканлари ишларини оддий режим асосида амалга оширадилар.

б) кучли заарланган жойлардаги фуқаролар ҳимоя иншоотларда уч кунгача сақланишлари ва кейинги тўртинчи кунда оддий иншоотларда бўлишлари мумкин. Бундай ҳолатларда корхона ва

маскаңлар алоҳида режимда ишлашлари, очик жойда ишловчилар эса бир неча соатдан, бир неча кунгача ишни тұхтатиши зарур.

в) хавфли ва жуда хавфли шикастланишда фуқаролар ҳимоя иншоотларида уч кундан кам бўлмасликлари ҳамда оддий иншоотларда ҳам ташқарига чиқмасдан сақланиши керак. Бундай корхоналарда ҳамма озиқ-овқат маҳсулотлари герметик идишларда сақланиши (шкафларда, шишали ёки эмалли идишларда, полистилен қопчаларда) ҳамда овқат тайёрлашда фақат заарланмаган сувлардан фойдаланиш лозим.

### **2. Кимёвий шикастланишда фуқароларни сақлаш.**

*Хавфли кимёвий корхоналарда фуқароларни сақлашининг асосий услуглари қуидагилардан иборат:*

- кимёвий шикастланиш хавфи ҳақида огоҳлантириш;
- ҳимоя иншоотларида (бошпанада) сақланиш;
- шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланиш;
- антидод ва ШКП-8 ни кўллаш;
- шикастланган жойларда юриш-туриш режимларига риоя қилиш;
- заарланган ҳудудлардаги одамларни эвакуация қилиш;
- фуқароларни санитар-қайта ишлаш, кийим-кечак, иншоотларни, транспорт ва техникаларни дегазация қилиш.

Кимёвий заарланишда биринчи навбатда разведка ўтказилади: бунда авариянинг аниқ жойи, КТЗМ тури, ҳудуднинг шикастланиш даражаси, одамларнинг заарланган ўчокдан яқин-узоқлиги, шамолнинг кучи ва йўналиши ҳамда бошқа кўрсаткичлар аниқланади.

Заҳарланган фуқароларга биринчи ёрдам берилиб, тиббий ёрдам кўрсатиш шаҳобчаларига ётказилади. Заарланган озиқ-овқатлар, сув текширилиб, дегазация қилинади ёки йўқ қилиб юборилади. Заарланган ҳудудда чекиш, ичиш, ҳимоя воситаларисиз юриш тақиқланади. Заарланган ҳудуддан чиқсанда, очик қолган терилар, шахсий ҳимоя воситалари, кийим-кечаклар ШКП-8 билан заарсизлантирилади ва сўнгра ўзлари тўлиқ санитар ишловдан ўтказилиб, кийим кечаклар алмаштирилади.

### **3. Фуқароларни ва фуқаро муҳофазаси тизимларини РҚ ва КТҚ омиллари билан таъминлаш.**

Ҳар бир обьектнинг фуқаро муҳофазаси штаби ва унинг хизматли бўлимлари шахсий сақловчи (терини ҳимда нафас органларини сақловчи) ва тиббий воситалар билан таъминлашни, сақлашни ҳамда уларни доимий техник тайёр ҳолда бўлишишгини ташкил этади.

Шахсий сақловчи воситаларнинг сақланиши иш жойларига яқин бўлган ерларда (цех, бўлим ва бошқаларда) ташкиллаштирилади, агар шароит бўлмаса, у ҳолда иш жойларининг захирадаги биноларида, хоналарида сақланади. Тинчлик даврларида ушбу воситалар вақти-вақти билан лаборатория кўригидан ўтказилиб турилади.

Шахсий сақловчи ва тиббий воситалар биринчи навбатда фавқулодда вазиятларда иш билан машғул бўладиган фуқароларга берилади. Булардан ташқари ФМ тизимларига кирувчи фуқаролар респераторлар билан ҳам таъминланадилар. Ишламайдиган фуқаролар нафас органларини сақловчи оддий воситалар — пахта доқали таққичлар ва чангдан сақловчи матоли ниқоблар билан таъминланадилар. Терини сақловчи воситалар билан фақат зарарланган ўчоқларда (радиоактив моддалар, заҳарли бирикмалар, биологик таъсиrlар ва одамга кучли таъсир этувчи моддалар, КТЗМ билан шикастланган ҳудудлар) хизмат кўрсатувчи фуқаролар муҳофазаси тизимлари таъминланади.

Фавқулодда вазиятларда ҳалқ хўжалиги тармоқларида хизмат қиладиган фуқаролар шахсий сақловчи воситаларни ўз иш жойларидан, иш билан машғул бўлмаганлар эса турар-жой массивларидан оладилар.

## **ФУҚАРОЛАРНИ ҲИМОЯ ИНШООТЛАРИДА МУҲОФАЗА ҚИЛИШ**

Ҳимоя иншоотлари фуқароларни табиий оғатлар, авария, ҳалокат оқибатларидан ҳамда қирғин қуроллари таъсир факторларидан ва уларнинг иккиласми таъсир факторларидан сақлайдиган бошпаналар ҳисобланади.

*Ҳимоя иншоотлари қўйидағиларга бўлинади:*

- а) Йўналишига кўра: фуқароларни сақлашга, бошқарув тизимларини ва тиббий шаҳобчаларни жойлаштиришга мўлжалланган;
- б) Жойлашган ўрнига кўра: алоҳида жойлашган (метрополитенлар ва тоғ-кон қурилишлари);
- в) Қурилиш муддатига кўра: — олдиндан қурилган ва тез қуриладиган;
- г) Ҳимоялаш даражасига кўра: — бошпана, РСБ ва оддий бошпана (очиқ ёки ёпиқ ергўлалар).

**Бошпана:** Бошпана — одамларни ҳамма таъсир факторларидан (юқори ҳарорат, радиоактив, портловчи ва кучли заҳарли моддалар), иншоотлар бузилганда уларни қисмларидан ҳамда қирғин қуроллари ва оддий ҳужумкор қуроллар таъсиридан сақлайди.

*Бошпаналар одамларни қабул қилиш сонига күра 5 синфга бўлиниади: кичик (150-300 киши), ўртача (300-600 киши), катта (600 дан кўп) ва бошқалар.*

*Бошпанани қуришда қўйидаги талаблар қўйилади:*

- 1) З суткадан кам бўлмаган муддатда сақлаш;
- 2) Сув босмайдиган жойларда қуриш;
- ~ 3) Оқар сувлардан, канализация коммуникацияларидан ҳамда қурилиш коммуникацияларидан узокроқ жойларда қуриш;
- 4) Чиқиш ва кириш эшикларининг бўлиши.

Бошпана маълум жиҳозлар билан жиҳозланиши шарт, жумладан: шамоллатгич, санитар-техник жиҳозлар, ҳаводаги заҳарли моддаларни, радиоактив бирималарни ва биологик воситаларни тозаловчи ускуналардан иборат бўлиши керак.

—Бошпана асосий ва қўшимча хоналардан ташкил топади: Асосий хоналарга — одамлар, бошқарув тизимлари, тиббий хизмат тизимлари жойлаштирилади, қўшимча хоналарга жиҳозлар, асбоб-ускуналар, өзиқ-овқатлар, сув ва бошқа керакли воситалар жойлаштирилади. Бу бошпаналар жуда мустаҳкам қурилганлиги, герметиклиги юқорилиги ва санитар-гигиена щароити бўлганлигидан халқни бир неча кун давомида беталофат сақлаши мумкин. Бошпаналар одамлар ётадиган ва туриб сақланадиган ҳолда бўлади. Туриб сақланадиган бошпаналар сифатида ишлаб чиқариш, маъмурий ва халқ яшайдиган баланд уйларнинг ертўлаларидан фойдаланилади. Бунда бутун қирғин қуроллари факторларидан сақловчи қисмлар, элементлар ўрнатилиб, бошпанага қўйилган талаблар бажарилади.

Бошпана **бир** неча бўлимлардан ташкил топиб, ҳар бирига **50-75 одам** сифиши керак. Улар ярусли қилиб жиҳозланади ва ҳар **бир одамга 0,5 м<sup>2</sup>** жой тўғри келиши кўзда тутилади.

—Бошпана жуда яхши герметик равишда қурилиши, яъни деворлари, хона бўлимлари жуда зич қилиб ишланиши зарур. Акс ҳолда ташқаридан радиоактив, кимёвий ва биологик заҳарловчилик ҳаво билан бирга кириши мумкин.

—Бошпанада камида иккита қарама-қарши томондан кирадиган эшик ва эҳтиёт эшиги бўлиши керак. Эшиклар тамбур типида икки қаватли қилиб герметик равиша ёпиладиган бўлиши лозим. Эшикни ташқи томони жуда мустаҳкам материалдан ясалади, сабаби, у ядро портлаганда чиқадиган тўлқин зарбидан сақлайди. Бошпаналар филтрлайдиган, ҳаво алмаштирадиган асбоб-ускуналар билан жиҳозланади. Уларда электр, алоқа, сув ҳамда канализация ва иситиш тармоқлари ҳам бўлиши керак/Бошпана-

да дозиметр, кимёвий разведка жиҳозлари, ҳимояловчи воситалар, ўт ўчириш қуроллари, озиқ-овқатлар, сув захираси ва доридармонлар бўлиши шарт.

Агар фавқулодда вазиятда алоҳида қурилган бошпаналар бўлмаганда тез жиҳозланиб, фойдаланадиган бошпаналар қурилади. Бундай бошпаналарни метрополитеналар, ер ости йўллари, иншотларнинг ертўлаларини керакли асбоб-ускуналар билан жиҳозлаб тайёрланади.

**Радиациядан сақловчи бошпана (РСБ).** Радиациядан сақловчи бошпана (РСБ) герметик бўлмаган ҳимоя иншоотлари бўлиб, фавқулодда вазиятларда фуқаролар ўша ерда сақланадилар.

РСБларга алоҳида қурилган, тез жиҳозланиб қуриладиган хилларидан ташқари, хўжалик мақсадларида фойдаланиладиган чуқурликлар, сабзавот сақланадиган қурилмалар ва оддий яшовчи қурилмалар киради.

РСБларнинг сақлаш хусусияти — радиация нурини ( $\gamma$ ) сусайтириш коэффициенти ( $K_{\gamma}$ ) билан аниқланади ва у қандай материалдан қурилганлигига ва унинг қалинлигига боғлиқ (18-жадвал).

Масалан, ёғочдан тайёрланган уйларнинг ертўлалари радиация нурини 7-12 марта, гиштили уйлар эса 200-300 марта камайтиради. 50 нафар одамдан кўп бўлган РСБларда камида иккита қарама-қарши томонда эшиклар бўлиши керак, РСБларда ҳаво таъминоти жиҳозлари бўлмаслигидан ўша жойларда фуқаролар узоқ вақт сақланба олмайдилар ва узоги билан 4-6 соат бўлишлари мумкин. РСБларга одамлар киришидан аввал, эшик, ромлар яхшилаб ўрнатилади. Озиқ-овқатлар, сувлар иложи борича герметик идишларда сақланади. РСБда ҳам иккита вазифали хоналар бўлади. Асосий хонада одамлар сақланади, қўшимча хонада эса санитар-гигиеник жиҳозлар ва ҳаво алмаштиргич жойлашган бўлади. РСБнинг сақлаш хонасида ҳам ҳар бир одамга 0,4-0,5 м<sup>2</sup> ҳажмда жой тўғри келиши керак.

18-жадвал

Материал	a	K
сув	1	23
ёғоч	0,7	33
тупроқ	1,8	14,4
гишт блок	1,6	15,5
шиша	1,4	16,5
бетон	2,3	10
темир	7,8	3
қўргошин	11,3	2

РСБлар ҳам 2-3 ярусли ўтиргичлар билан жиҳозланади. Шашарлар ташқарисидаги РСБлар сифатида фойдаланиш уйларининг ертўлалари, сабзавот сақландиган омборхоналар, ертўлалар, гиштили, бетонли, тупроқли, ёғочли уйлар ва бошқа чуқурликлар мослаштирилади.

РСБларнинг сақлаш хусусиятини ошириш учун уларнинг деворларини қалин қилиш, эшик-ойналари герметиклигини ошириш ва уларнинг ён атрофини тупроқ билан тўлдириш орқали эришилади.

Радиоактив шикастланган ҳудудлардан келган одамлар РСБларга киришларидан олдин тамбурда кийим-кечаклардаги, оёқ-кийимлардаги радиоактив чангларни йўқ қилиб (силкитиши орқали, тозаловчи воситалар орқали), сўнгра эҳтиётлик билан кийим-кечакларни (ҳимоя кийимлари, оёқ кийими) ечиб, кейин бошпана ичига киришлари керак.


Радиоактив заарланишнинг бошланғич 3-5 соатларида, бошпананинг чиқиши эшиклари ҳаво алмаштириш тешиклари яхшилаб беркитилади. Бу вақт оралиғида радиация даражаси тезда камайиб, радиоактив чанглар эса асосан ерга тушиб бўлади. 4-6 соатлардан кейин бошпана (РСБ) шамоллатилади. Ҳимояланувчи одамлар ташқарига чиққанда, албатта, ҳимоя воситаларини кийиб 15-20 дақиқа РСБдан ташқарида бўлишлари мумкин. Агар ташқарида радиация даражаси жуда юқори бўлса, у ҳолда бошпана шамоллатилаётганда одамлар нафас органларига ҳимояловчи воситаларни кийиб ўтиришлари зарур.

✓ **Оддий сақловчи бошпана — ертўла.** Фуқароларни муҳофаза қилишда оддий сақловчи бошпаналар (ертўладар) алоҳида ўрин тутади. Ертўлалар қурилиш конструкциясига кўра оддий ҳимоя иншоотлари қаторига киради, чунки уни қуриш жуда қиска вақтда амалга оширилади. Улар очиқ ва ёпиқ кўринишда бўлади. Очиқ ертўлаларда одамлар радиоактив шикастланишдан икки-уч марта кам заарланади (агар ертўла дезактивация қилинmasa) ва 20 баробаригача (агар ертўла дезактивация қилинса) кам нурланиш дозасини олади. Ёпиқ ертўлалар эса радиоактив заарланишини 40-50 марта камайтиради. Ертўлалар чуқурлиги 200 см., кенглиги 120 см., пастки қисми эса 80 см., узунлиги эса одамлар сонига қараб тайёрланади.

— Очиқ ертўлада фуқаролар ҳимоя воситаларидан фойдаланган ҳолда сақланадилар. Ёпиқ ертўлалар радиоактив чангларни, био-

логик туманларни, кимёвий қуролларни кийим-кечакларга, териларга тушишидан сақловчи бошпанда ҳисобланади.

### Тұпрак, похол, қамиш



### ХАВФЛИ ЗОНАДАН ХАВФСИЗ ЗОНАГА ЭВАКУАЦИЯ ҚИЛИШ

Қирғин қуроллари таъсиридан сақлаш усулларидан яна бири — бу фуқароларни фалокат юз берган жойдан вактингчалик узоқлаштириш ёки бутқул эвакуация қилиш ҳисобланади. Иш билан машғул бўлган одамларни ҳарбий вақтда вактингчалик шаҳардан ташқари ҳудудга ёки бошқа қишлоққа кўчиришни биз узоқлаштириш деб биламиз. Лекин бунда ишчи-хизматчилар вактингчча зарарланган ҳудуддан чиқиб турадилар. Қайтадан яна ишга келгандарига ҳамма эҳтиёт чораларини кўриб, ўз фаолиятларини бошлидилар. Демак, вактингчалик кўчиришда ишловчи одамлар маълум бир вақт дам олиб келадилар.

Эвакуация деганда ҳаммани бир вақтда бир яшаш жойидан иккинчи яшаш жойига доимий яшаш учун кўчирилиш тушунлади (асосан ишламайдиган фуқаролар, нафақаҳўрлар, болалар ва касаллар эвакуация қилинади). Эвакуация қилинганда алоҳида буйруқ бўлмагунча фуқаролар ўша жойда яшаб турадилар.

Хавфсиз ҳудуд хавфли ҳудуддан бирмунча узоқ масофада жойлашган бўлиши ва халққа ҳеч қандай хавф туғдирмаслиги лозим. Яна хавфсиз ҳудуд темир йўл, автомобил йўлларига яқин, ишчи-хизматчиларни ишга олиб бориб, яна қайтиб келиши учун қулай бўлган жойларда ташкил этилади, Ишга боғлиқ бўлмаган ишчилар ҳудуддан узоқроқ ерга эвакуация қилинади.

Иккинчи жаҳон уруши даврида Ўрта Осиё Республикалари ҳалқлари, эвакуация қилинганларни ўз бағирларига олганлар. Масалан, тошкентлик темирчи Шомаҳмудов Шоаҳмад ота 14 бола асрагани ҳаммага аён.

Хавфсиз ҳудудга вақтингчалик ёки бутунлай күчириш ишлари ишлайдиган одамлар учун ишлаб чиқариш тамойилига күра, ишламайдиган халқ учун эса ҳудудий тамойилга күра турар-жой бошқармаси орқали амалга оширилди. Тадбирлар ҳар бир ишлаб чиқариш корхонасида ёки турар-жойларда бундай ишлар билан шуғулланадиган бошлиқ ўринбосарлари томонидан режалаشتитилади ва амалга оширилади.

Күчириш ишларининг ҳаммаси эвакуация қилинадиганларнинг йигиладиган жойида ташкиллаштирилади. Йигилиш жойлари (эвакуация пункти — ЭП) асосан, мактаблар, клублар ва бошқа жамоат иншоотлари бўлиши мумкин. Халқни күчириш ҳақида маълумот олганда, дарҳол ишлаб чиқариш корхонаси, ўқув юртлари, корхоналари, милиция органлари ҳамда радио, телевидение орқали халқ хабардор қилинади. Йигилган одамлар қайта ҳисобдан ўтказилиб, гуруҳларга бўлинади, транспорт воситаларига тақсимланиб, кўрсатилган вақт ичидаги ҳавфсиз ҳудудга етказилади.

Яёв юрадиганлар олдиндан тузилган машрут бўйича колонна бўлиб (колоннада 500-1000 киши) ҳаракат қиласиди. Бунда, албатта, гуруҳларга бўлинади ва ҳар бир гуруҳда 50-100 киши бўлади. Колонна ҳар 1-1,5 соат юришдан кейин 10-15 минут дам олиб, айтилган жойга бориши билан ҳамма колонна аъзоларн тиббий кўрикдан ўтказилади. Бу ерда эвакуация қилингандарни қабул комиссияси кутиб олади. Бу комиссияга ўша жойнинг ҳокимият бошликлари, корхона раҳбарлари, озиқ-овқат, тиббиёт хизматчилари киради. Улар одамларни қабул қилиб, ҳисобини олади ва ҳар бирини жойлаштиради. Одамлар асосан, мактабларга, клубларга, кинотеатрларга ва шунга ўхшаш жойларга, баъзан ўша ерда яшовчи оиласига ҳам маълум қисм одамлар тақсимланади. Жойлаштирилган ҳар бир инсонга тиббий хизмат кўрсатилиб, озиқ-овқат билан таъминланади.

Эвакуация қилингандар фуқаролар ўша ердаги ишлаб чиқариш корхоналарининг эвакуация қилингандар қисмидаги ишлашлари мумкин.

## ЯККА ТАРТИБДА САҚЛОВЧИ ВОСИТАЛАР ЁРДАМИДА ФУҚАРОЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

Якка тартибда сақловчи воситалар инсон танасига, ички органдарига, терисига ва кийим-кечакларига радиоактив моддаларни, заҳарли бирикмаларни ва биологик туманларни тушишидан сақ-

лайди. Якка тартибда сақловчи воситалар құлланилишига күра: терини сақловчи, нафас органларини, юз-күзни сақловчи турларға бўлинади. Бундан ташқари, филтрловчи ҳамда изоляцияловчи турларға бўлинади. Бундай воситаларга тибий сақловчи воситалар ҳам киради.

**Нафас органларини сақловчи воситаларга** газниқоблар, респираторлар, матоли ниқоблар, пахта, докали таққичлар киради.


Газниқоблар — нафас йўлларини, юз-күзни ҳар хил заҳарли таъсирлардан сақладайди. Газниқоблар филтрловчи ва изоляцияловчи хилларга бўлинади. Фуқаро муҳофазаси бўйича қуйидаги филтрловчи газниқоблар: ГП-5, ГП-5М, ГП-7, ГП-7В; болалар учун — ПДФ-Ш, ПДФ-Д, ПДФ-2Ш, ПДФ-2Д ва КЗДдан фойдаланилади. Филтрловчи газниқоблар асосан 2 қисмдан: ниқобдан ва филтрловчи қутидан ташкил топган. Филтрловчи қути асосан ташқи муҳитдаги турли хил заҳарли бирикмаларни ютувчи филтр ва шихтадан ташкил топган.

Ниқоб — табиий ёки сунъий каучук асосида олинган резина материалларидан тайёрланиб, унга кўриш учун ойнак ҳамда нафас олиш ва чиқариш учун мўлжалланган жиҳоз жойлаштирилган. Бошқа русумдаги газниқоблар ҳам худди ГП-5 русумли газниқобига ўхшаш тузилишига эга (7-расм).

ПДФ-Д 1,5-7 ёшгача болалар учун. ПДФ-Ш маркали газниқоб

7-17 ёшлардаги болалар учун мўлжалланган; Болалар газниқоби ҳам филтрловчи қути ва ниқобдан ташкил топиб, ниқоб эластик резинадан тайёрланган. Филтрловчи қути ниқоб билан бирлаштирувчи трубкасида йигилади.

Болалар ҳимоя камераси (БҲК) 1,5 ёшгача бўлган болаларни заҳарли бирикмалар, радиоактив моддалар ва биологик таъсирлардан сақладайди. БҲК таркиби: ҳимоя камераси, атмосфера ёғинларидан сақловчи ёпинчиқ, картонли қути ва камайдиган пленкалар солинган қутича; мерани сақловчи филоф киради.



7-расм. Филтрловчи фуқаролар газниқоби ГП-5:

1—фильтрловчи-ютувчи қути; 2—шлем-ниқоб; 3—ҳалтacha; 4—терла-  
майдиган пленкалар солинган қутича; мерани сақловчи филоф кира-  
ди.

Газниқобларнинг сақлаш даражасини ошириш учун ҳар бир фуқаро ўз ўлчамини кийиш орқали эришади. Чунки тўғри танланган шлем-ниқоб юзга зич ёпишиб туради ва ташқаридан ҳеч қандай заرارли таъсирлар кирмайди.

Газниқобларнинг ўлчами 2 хил усулда аниқланади:

а) юзнинг ўлчамини аниқлаш орқали;

б) дахан билан қош суюги орасидаги масофани ўлчаш орқали.

Биринчи услугуб билан 63 см.гача 0-ўлчам, 1-ўлчам 63,5-65,5 см. гача, 2-ўлчам 66-68 см.гача, 3-ўлчам 68,5-70,5 см ва 4-ўлчам 71 см ва ундан катта.

Иккинчи услугуб билан 3 хил ўлчамда газниқоблар ишлаб чиқарилади.

1-ўлчам — 99-109 мм. гача;

2-ўлчам — 109-119 мм;

3-ўлчам — 119 мм.дан катта.

Болалар газниқоби ўлчамини топишида уларнинг юз баландлигини ўлчаб, сўнgra 19-жадвалдан фойдаланиб, газниқоб ўлчови аниқланади. Газниқобни ишлатишдан олдин ҳар бир фуқаро уни сақлаш хусусияти бузилмаганлигини текшириб кўриши, унинг герметиклигини қайта текшириши лозим. Текширилган иш ҳолатидаги газниқоблар яхшилаб таҳланиб қайтадан сумкага солинади ва сақлаш учун жойига кўйилади.

#### 19-жадвал

#### Болалар газниқоби ўлчовини топиши

Ўлчов номи	Ниқоб ўлчами			
	1	2	3	4
Юз баландлиги, мм	72 мм.гача	72-87	88-95	96-103

Газниқобдан фойдаланиш умумий тартибда «Газлар» деган команда берилганда ёки атмосферада радиоактив бирикмалар, заҳарли моддалар, биологик таъсир тарқалганда мустақил равишда кийиб олинади. Филтрловчи саноат газниқоблари ҳам бир неча русумда бўлиб, улар асосан турли саноат ва қишлоқ хўжалиги тармоқларида кузатиладиган фавқулодда вазиятларда ишлатилади. Уларнинг турлари ва хусусиятлари тўғрисида олдинги мавзуларда маътумот берилган.

Изоляцияловчи газниқоблар асосан турли хил заҳарли бирикмалар аралашмаси бўлганда, уларнинг концентрацияси юқори



**8-расм. Респератор.**

P-2: 1—ярим ниқоб; 2—нафас оловучи клапан; 3—нафас чиқарувучи клапан; 4—бурун қисқичи; 5—тасмалар.

ҳамда атмосферада кислород миқдори жуда кичик ҳолларда ишлатилади. Бундан ташқари, изоляцияловчи газниқоблар сув ва ер остида бажариладиган ишларда ҳам фойдаланилади.

Изоляцияловчи газниқоблар сақлаш хусусиятига кўра 2 гурӯҳга: кислород билан кимёвий боғланган газниқоб (ИП-4, ИП-5) ва сиқилган кислород ёки ҳаво билан фойдаланиладиган газниқоб (КИП-7, КИП-8)ларга бўлинади.

Изоляцияловчи газниқоблар билан асосан, фуқаро муҳофазасининг қутқарув ва аварияни тикловчи тизимлари таъминланади (сувга чўккан одамларни, ёнгинда қолган фуқароларни қутқарувчилар, радиоактив чанг тарқалган ва юқори концентрацияли заҳарли моддалар бўлган жойлардаги аварияни тикловчи ва бошқа тизимлар).

**Респераторлар** асосан радиоактив ва механик чанглардан нафас органларни сақловчи восита ҳисобланади. Фуқаролар муҳофазасида асосан Р-2 ва ШБ-1 русумли респераторлар ишлатилади. - Респератор Р-2 фильтровчи ярим маска ва маҳкамловчи тасмадан иборат. Ниқобда 3 та клапан: 2 таси нафас олиш учун ва биттаси нафас чиқариш учун хизмат қиласи. Респераторни ташқи томони полиуретанли материалдан, ички томони эса юпқа ҳаво ўтказмайдиган полиэтиленли плёнкадан таркиб топиб, уларнинг ўртасига фильтровчи полимер толалари жойлаштирилган (8-расм).

Респераторнинг ишлаш тамойили шундан иборатки, ютилган ҳаво фильтровчи полиуретанли қатламдан ўтиб, аввал дағал чанглардан тозаланади ва сўнгра фильтровчи полимер толаларда майда чанглардан тозаланган ҳаво инсонни нафас органларига киради.

Чиқарилған ҳаво эса ташқарига ҳайдайдыган клапан орқали чиқариб юборилади.

Респератор Р-2 уч хил ўлчамда чиқарилиб, унинг ўлчами юз баландлигини ўлчаш орқали аниқланади.

1-ўлчам 99-109 мм, 2-ўлчам 109-119 мм ва 3-ўлчам 119 дан катта. Болалар учун респератор нол ўлчамда чиқарилади. Респераторлар полиэтиленли қопчада герметик равишда сақланади.


ШБ-1 русумли респератор 1 мартали ишлатиладыган ўлчамсиз сақловчи восита ҳисобланыб, бунда филтрловчи элемент сифатида Петрянов матоси ишлатилади. ШБ-1 респератори Чернобл авариясида құлланилып, яхши натижалар бергандығы маълум.

**Матоли ниқоблар** — нафас органларини сақловчи воситаларнинг оддий услуги саналиб, у радиоактив моддалардан, биологик туманлардан сақловчи восита ҳисобланади. Лекин бу восита зақарлы моддалардан сақтай олмайды. Бундай воситалар зич түқилған матолардан ҳар бир фуқаро ўзи тайёрлаши мүмкін ва унинг русуми ММ-1 деб аталади. Яна нафас органларини сақловчи оддий воситалар қаторига пахта докали таққицлар ҳам киради.

**Терини сақловчи воситалар.** Терини сақловчи воситалар ҳам сақлаш даражасига құра: филтрловчи ва изоляцияловчи хилларга бўлинади. Изоляцияловчи терини сақловчи воситалар ҳаво ўтказмайдыган резинали эластик материаллардан (масалан, ПВХ) тайёрланади. Улар герметик ва ногерметик ҳолда бўлади. Герметик воситалар бутун тери аъзоларини беркитиб, зақарли моддаларнинг буғи ва томчиларидан бутунлай сақлайди. Герметик бўлмаган воситалар эса фақат зақарли моддаларнинг томчиларидан сақлайди. Изоляцияловчи терини сақловчи воситаларга: комбензон ва костюм, енгил ҳимоя костюми Л-1 ва умумкүшин ҳимоя жамламаси киради. Ҳимоя комбензони, битта қилиб тикилган куртка, шим ва бош кийимдан ташкил топган. Комбензон ва костюм таркибиша шлемости (подшлемник) резинали оёқ кийими ва резинали қўлқоп киради. Ҳимоя комбезони ва костюми одамларнинг тузилишига құра 3 ўлчамда ишлаб чиқарилади: 1-ўлчам 166 см гача, 2-ўлчам 165-172 см, 3-ўлчам 172 см. дан юқори.

**Енгил ҳимоя костюми Л-1.** У қалпоқчадан шим билан бирга тикилган пайпоқ ҳамда икки қаватли қўлқоп ва подшлемникдан ташкил топган.

Л-1нинг ҳам ўлчамлари худди ҳимоя комбензонига ўхшаш бўлади Л-1 кийимлари асосан фуқаролар муҳофазасининг разведка қисмларида кийилади.



**9-расм. Фильтровчи ҳимоя кийими ЗФО-58:**

1—комбензон; 2—қалпоқни маҳкамловчи қисм; 3—бош клапани; 4—маҳкамловчи клапан; 5—қўлқонни ушловчи; 6—шлемости (подшлемник) қалпоқни ичидан киядиган бош кийим.

Умумий ҳимоя жамламаси (ОЗК) воситаси ҳимоя плашидан (ОП-1) ва ҳимоя пайпоқ, қўлқондан ташкил топган.

Умумқўшин ҳимоя жамламаси қўйилган мақсадга кўра:

а) радиоактив бирикмалардан, заҳарловчи моддалар ва биологик воситалар таъсирларидан сақлашда, радиоактив моддалар ва биологик шикастланган жойларда хатти-ҳаракатлар ҳамда техника, транспортларни зарарсизлантириш ишларини бажаришда ёпқич кўринишда;

б) шикастланган ўчоқлардаги хатти-ҳаракатларда ва кутқарув-эвакуация ишларини бажаришда комбензон кўринишда фойдаланилади.

Фильтровчи терини ҳимояловчи воситалар пахтали материалардан тайёрланган кийимларга махсус кимёвий моддалар шимдирилган бўлади. Бунда заҳарли моддалар кийимдан ўтаётганда ютилиб қолади ва терини шикастлашдан сақлайди.

**Фильтровчи ҳимоя кийимлари (ЗФО-58).** Бу восита комбензондан, пайтава, шлемостилигидан ташкил топган. ЗФО-58 газниқоб, резинали этик ва қўлқондан иборат жамлама ҳолда ҳам фойдаланилади (9-расм).

Комбензон 3 хил ўлчамда чиқарилади: 1 — 160 см гача, 2 — 161-170 см. гача ва 3 — 71 см дан юқори бўйли одамлар учун.


**Оддий терини ҳимоя қилувчи воситаларга** оддий њеч нарса шимдирилмаган ёпқич, плашлар, қалин зич тўқилган палтолар, пахтали, чарм-терили курткалар ва бошқа кийим-кечаклар киради.

Трикотаждан, шерстдан ва пахтали материаллардан тайёрланган кийимлар, қўлқоплар фақат радиоактив чанглардан ва биологик таъсиrlардан сақлайди.

**Якка тартибдаги тиббиёт воситаларидан** фойдаланиш. Ионлантiruvchi нурлардан, захарловчи моддалардан, бактериал воситалардан ҳамда куйишдан сақлашда шахсий (ШД-2) дориқутилардан фойдаланилади (10-расм). Бу восита 130 г. бўлиб, сақланиш муддати — 3 йил. Дориқутига дори ва моддалар ва қирғин қуроллари таъсирига қарши курашадиган протекторлар жойлаштирилган:

- а) шахсий тиббиёт дориқутисига оғриқ қолдирадиган шприц — тюбик нинаси билан жойлаштирилган;
- б) фосфор органик заҳарли моддалар билан заҳарланганда ишлатиладиган тарен-6 таблетка дориси бор. Бу доридан кимёвий оғоҳлантиришда бир таблеткадан ичилади;
- в) бактереологик воситаларга қарши ишлатиладиган дори «№1» (оқ шишада — тетрациклин гидрохлорид) жойлашган. Бу доридан бактереологик қурол ишлатилганда, жароҳатлар олган ва куйгандар учун фойдаланилади. Бунда бир йўла 5 та таблетка ичилади ва 6 соатдан кейин яна 5 таси ичилади (вабо, ўлат, сибир яраси).
- г) биологик таъсиrlарга қарши ишлатилувчи (сулфодометоксин-15 таблетка дориси) қўйилган. Бу дорини ошқозон-ичак касали бошланганда бир йўла 7 та таблеткаси ва кейинги кунларда 4 тадан ичилади;
- д) радиосақловчи восита №1 (цистамин) жойлашган бўлиб, у ў нурланиш юз берганда бир йўла 6 та таблеткаси ичилади;
- е) радиосақловчи восита №2 (калий йодит) бўлиб, ҳар куни битта таблеткадан ичилади (10 кун мабойнида). Бу дори радиоактив чанглар тушганда истеъмол қилинади;
- ж) қусишига қарши ишлатиладиган восита — этаперазин (ҳаво рангли шишада) жойлаштирилган. Бу доридан одам нур қабул қилганда, эти узилганда ичиш тавсия этилади.

Юқорида қайд этилган дориларни кичик болаларга ҳам ичиш тавсия этилади, 8 ёшгача бўлганлар: 1/4 таблетка, 8-15 ёшгача 1/2 таблеткадан истеъмол қилиш мумкин.



10-расм. Шахсий дориқути — ШД-2.

**Кимёвий заҳарловчиларға қарши якка тартибдаги пакет (ЦКП-8).** Бу восита ҳар бир одамда бўлиши шарт. Бу пакет кимёвий заҳарловчиларни терига, кийимларга, шахсий сақловчи воситаларга тушганда, заарсизлантиришда фойдаланилади. Бў пакетда дегазация құлувчи идиш эритмаси ва тўртта пахта докали тампон бўлиб, булар полиэтиленли қопчада герметик жойлаштирилган бўлади.

Агар бирор заҳарловчи моддалар терига ёки кийим бошга тушиб қолса, дарҳол, тампон дегазация құлувчи эритмага шимдирилиб, кейин ўша жой артилади.

Дегазация құлувчи эритмалар 3 фоиз  $H_2O_2$  + 3 фоиз NaOH ёки 3 фоиз  $H_2O_2$  + (150 г. натрий силикат аралашмасининг 1л сувдаги эритмаси).

## Озиқ-овқат, сув, дон ва уй ҳайвонларини заарланишдан сақлаш

Озиқ-овқат, сув, донларни заарланишдан сақлаш омили бу ташқи муҳитдан уларни изоляциялаш ҳисобланади.

Уй шароитида озиқ-овқатларни сақлаш учун герметик сақловчи идишлардан фойдаланилади. Масалан, нон, қандолат маҳ-

сулотлари бир неча қават қофоз билан үралып, полиэтилен ҳалтапчада ёки кострюлкада сақланади. Ун, шакар, ундан тайёрланган маңсулотлар ҳам полиэтилен ҳалтачаларыда сақланади. Маргарин, сарёп, ҳайвон ёғлари шиша ёки металл идишларда оғзи яхши ёпилганд ҳолатда сақланади. Сабзавот маңсулотлари ёғоч ёки фанер яшикларга солиниб, яшиклар зич бўлган материал билан үралган ҳолда сақланади. Қишлоқ жойларида юқоридаги маңсулотлар миқдори кўп бўлганлигидан, улар асосан омборларда, ертўлаларда қадоқланган ҳолда сақланади. Сақлагичлар герметик равишда жиҳозланиши керак.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг емишлари, силос, ҳашаклар ўраларда ёки усти ёпиқ курилмалар тагида яхши үралган ҳолатда сақланади. Сувни заарланишдан сақлаш энг муҳим ва энг мушкул вазифалардан ҳисобланади. Сув билан таъминловчи корхоналарда сувни тозалаш ва заарсизлантириш жараёнлари маҳсус тозалаш иншоотларида олиб борилиб, истеъмолчиларга асосан герметик равишда қувурлар орқали тарқатилади. Шу сабабдан бундай тизимларда сувларни заарланиши кузатилмайди, фақат қувурлар, тозалаш иншоотлари бузилгандагина заарланади.

Қишлоқ жойларида баъзан қудуклардан фойдаланилади, уларнинг атрофи очиқ бўлганлигидан радиоактив, кимёвий ва биологик моддалар сувни заарлаши мумкин. Бундай қудукларни заарланишдан сақлашда қудук атрофи 1-1,5 м диаметрда, 20 см қалинликдаги тупроқ олиб ташланиб, унинг ўрнига соф тупроқдан солиб зичлантирилади ва устига қум тўклилади. Қудук атрофи икки қават тахта билан яхшилаб мустаҳкамланади ва оғзи ҳам бекитиладиган қилиб жиҳозланади. Умумий фойдаланиш учун битта челакдан фойдаланилади.

Уй шароитида сувлар асосан термосларда, графинларда ва усти яхши ёпиладиган идишларда сақланади. Сақланадиган сувнинг ҳажми фақат овқат тайёрлаш учун ҳар бир одам бошига 3-5 литр бўлиши керак. Булардан ташқари тоза сув ювениш, озиқ-овқат маңсулотларини ювиш учун ҳам ишлатилади. Мана шуларнинг ҳаммасини ҳисобга олган ҳолда заарланмаган сувлар захирага олиб қўйилади.

Қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини муҳофаза қилиш ҳам энг муҳим тадбирлардан ҳисобланади. Душман ҳужумидан огоҳ қилинганда ҳамма ҳайвонлар ёпиқ молхоналарга киритилади. Молхоналар жуда герметик қилиб жиҳозланиши, уларнинг ичида узоқ муддатга етадиган ем-ҳашаклар, сув сақланниши керак. Агар молхона

ҳажми кичик бўлса, емхоналар алоҳида герметик жиҳозланган иккиламчи хоналарда тайёрланиб сақланади.

Мана шундай пайтларда ҳайвонлар касалланишига қарши профилактик омиллар ўтказилади. Бунда уларга вакциналар юборилиб, турли хил касалликларга чидамли иммунитетлар ҳосил қилинади.

### **Мавзуни ўзлаштириш учун зарур бўлган таянч сўз ва иборалар:**

1. Фуқароларни муҳофаза қилиш тамоиллари;
2. Фуқароларни муҳофаза қилиш услублари;
3. Радиациядан сақловчи бошпана;
4. Бошпана;
5. Ертўла;
6. РК ва КТҚ омиллари;
7. ШД-2;
8. ШКП-8;
9. Матоли ниқоб (МН-1);
10. ГП-5, ИП-5М;
11. Саноат газниқоблари;
12. Респераторлар;
13. Герметик ва ногерметик кийимлар;
14. Ҳимояловчи оддий кийимлар;
15. Вақтингчалик эвакуация;
16. Тўлиқ эвакуация;
17. Ҳавфли ҳудуддан узоқлаштириш;
18. Ҳавфли вазиятлар ҳақида огоҳлантириш матнлари:  
а) сув тошқинларида, б) кимёвий корхоналардаги аварияда,  
в) радиация ҳавфида, г) ер силкинишида ёки ер сурилишида.

### **Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Фуқароларни муҳофаза қилишининг огоҳлантириш услуби моҳияти қандай?
2. Ҳимоя иншоотларининг бир-биридан фарқи ва уларни ҳимоялаш даражалари қандай?
3. Эвакуация омилининг моҳияти ва уни ташкил этиш тадбирлари қандай бўлади?
4. Нафас органларини сақловчи воситалар ва уларнинг хусусиятларини тушунтиринг.
5. Якка тартибдаги тиббиёт воситалари ва уларнинг вазифалири нималардан иборат?
6. Терини сақловчи воситалар, турлари ва хусусиятларини тушунтиринг.

## VII БОБ

# ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТЛАРДА ҲАЛҚ ХҮЖАЛИГИ ТАРМОҚЛАРИДА ҚУТҚАРУВ ВА БИРЛАМЧИ ТИКЛАШ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

## Қутқарув ва бирламчи тиклов ишларининг ташкилий асослари

Маълумки, душман томонидан қўлланиладиган умумий қирғин қуролларининг оқибатлари турли хил даражада бўлади. Албатта, талафот даражаси ишлатилган қурол турига, унинг қўлланилиш миқёсига боғлиқ. Мана шундай ядрорий, кимёвий, биологик ва комбинациялашган шикастланган ўчоқларда қутқарув ва тиклаш ишларини (ҚБТИ) амалга ошириш жуда мураккаб аҳволда рўй беради, сабаби бундай пайтда ҳамма иншоотлар деярли шикастланган, ёнган, йиқилган, сув босган, атмосфера ҳамда барча ерлар заҳарланган ва шунга ўхшаш бошқа ноҳуш ҳолатлар кузатилган бўлади.

Худди шунга ўхшаш ҳолатлар (фавқулодда вазият) тинчлик даврида ҳам (табиий оғатлар, ишлаб чиқариш авариялари, фожиалар оқибатида) кузатилиши мумкин. Шу сабабдан фуқаро муҳофазасининг энг асосий вазифаларидан бири, ҳарбий ҳолатларда ва тинчлик даврларида фавқулоддаги вазиятларда умумий шикастланган ўчоқларда ҚБТИни амалга ошириш ҳисобланади.

Шикастланган ўчоқларда ҚБТИни олиб боришдан мақсад, фуқароларни қутқариш ва заарланган одамларга бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш, қутқарув ишларини амалга оширишда ҳалақит берадиган аварияларни тўсиш, шикастланган жойларни тиклаш ишларини амалга оширишда шароитни яратиш ва бошқа вазифаларини бажариш кўзда тутилади.

Умумий қирғин қуроллари қўлланилганда қуйидаги қутқарув ишлари бажарилади:

- Объектлар томон тизимларнинг ҳаракатланиш йўлларини разведка қилиш;

- Шикастланган объектларга ҳаракат қилишда ёнғинларни ўчириш ва тўсиш;
- Заҳарланган, ёнғинли, газга тўлган, сув босган жойларда ва ер остида қолган одамларни топиш ва кутқариш;
- Шикастланган, бузилган ва заҳарланган ҳимоя иншоотларидаги фуқароларни кутқариш;
- Ҳаво алмаштиргичи бузилган, шикастланган ҳимоя иншоотларига ҳавони етказиб бериш;
- Шикастланган фуқароларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш ва уларни даволаш шаҳобчаларига элтиб қўйиш;
- Ҳавфли худуддаги фуқароларни ҳавфсиз худудларга эвакуация қилиш;
- Одамларни санитар қайта ишловдан ўтказиш, уй ҳайвонларига ветеринар қайта ишлов бериш, техника, кийим-кечак, озиқовқат, хом ашё, сув ва ем-ҳашакларни дезактивация ва дегазация қилиш.

Бошқа бирламчи тиклов ишларига қўйидагилар киради:

- шикастланган ҳудудлардаги (заҳарланган, йиқилган, бузилган иншоотлар) йўлларни тозалаш;
- кутқарув ишларини олиб борища газли, электрли, сувли, канализация ва технологик тизимлардаги аварияларни тўсиш ишлари;
- шикастланган иншоотларни бузиш ёки уни мустаҳкамлаш;
- алоқа ва коммунал-энергетик тармоқлардаги фалокатларни тузатиш ва тиклаш ишлари;
- турли хилдаги портловчи қисмларни, портловчи аслаҳаларни топиш, зарарсизлантириш ва йўқотиш ишлари.

ҚБТИ ишлари куну-тун, доимий равиша, ҳар қандай табиий шароитда олиб борилади. Умумий қирғин қуролларининг шикастланиш ўчоғида ҚБТИни ташкилий олиб бориш учун, тинчлик даврида ёқ туман фуқаро муҳофазасининг бошлиғи қарори билан фуқаро муҳофазаси кучларининг ҳаракат қилиш йўллари тузилади.

Ҳаракатланувчан кучлар таркибига шаҳар, туман фуқаролар муҳофазасининг ҳудудий, ишлаб чиқариш тамойилга кўра тузилган тизимлари ҳамда ҳарбийлашган фуқаро муҳофазаси қисмлари киради. Бу кучлар асосан биринчи ва иккинчи эшелондан ва қўшимча қисмлардан ташкил топади. Эшелонлар таркибига кирувчи тузилмалар узлуксиз фаолият кўрсатиши учун улар сменаларга бўлинниб ишлаш тамойилига асосланган бўлади.

Биринчи эшелонда асосан фуқаролар муҳофазаси ҳарбий қисмлари, корхонанинг объектили тузилмалари ва маълум қисмидаги ҳудудий тузилмалари ҳаракатланади. Бунда фуқаролар муҳофазасининг ҳарбий қисмлари ва ҳудудий тизимлари асосан шаҳар, район фуқаролар муҳофазаси режасига асосан ҳалқ хўжалиги тармоқларининг энг муҳим объектларида ҚБТИ ишларини бажарадилар.

Иккинчи эшелон тизимлари асосан биринчи эшелон тизимлари кучини ошириш, ҳамда фаолият кўрсата олмайдиган тизимлар ўрнини эгаллаш мақсадида ҳаракатланади.

Объектнинг фуқаролар муҳофазасини ҳаракатланувчан кучлари асосан умумий отряди, кутқарув отряд ҳамда ишларни бажарувчи тизимлардан ташкил топган.

Фуқаролар муҳофазасининг техника воситалари ҳамда кучлари шикастланган зонага жуда қисқа вақтда кириши, ҚБТИ ишларини муввафқиятли бажариши, замонавий техникадан унумли фойдаланиши, иш жараёнида кўл остидаги кучларни, тизимларни алмаштириб туриши ва бошқа ишларни бажариши лозим.

Албатта турли хилдаги техникалардан фойдаланмай шикастланган зонада катта, унумли ишларни бажарип бўлмайди. Фақатгина механизмлар ёрдамигина, жумладан, қурилиш ва йўл машина ва механизмлари, коммунал-техника жиҳозлари ёрдамида, ер остида, бузилган, ёнаётган, газга тўлган иншоотлар ичida қолган, бузилган ҳимоя иншоотлари остида қолган фуқароларни кутқариш ва бошқа ишларни бажариш мумкин.

Бажариладиган ишларни характерига қараб механизмларни қўйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- босиб қолган ҳимоя иншоотларини очиш, тўсилиб қолган, босиб қолган жойларни очиш ва тозалаш, йўлларни тозалашда ишлатиладиган машина ва механизмлар (экскаваторлар, тракторлар, булдозерлар, кранлар, юқ ташувчи машиналар ва бошқалар).
- босиб қолган чиқиш жойлари тўсилиб қолган иншоотларда тешик очиш учун ишлатиладиган пневматик жиҳозлар (пармалайдиган ва уриб синдирадиган болғалар).
- металларни кесувчи жиҳозлар.
- сув ҳайдайдиган механизмлар (насослар, сув сепадиган машиналар, ёнгинни ўчирувчи ва бошқалар)
- сув йўллари орқали ташувчи механизмлар (паромлар, трайлер-тягачлар, юқ ташувчи прицеплар)
- таъмирловчи ва хизмат қилувчи жиҳозлар (таъмирловчи қисмлар, бензин, сув қувиш, ёритувчи масканларда ва хизмат кўрсатувчи масканларда қўлланиладиган жиҳоз ва механизмлар).

**ҚБТИ ишларини муваффақиятли бажаришда механизм ва машиналардан оқилона фойдаланишдан ташқари, разведка ишларини ўз вақтида ташкил этиб ўтказиши, кўрсатилган муддатда ишончли маълумотларга эга бўлиши, шикастланган ўчоқда бажарилиши лозим бўлган ишларга тузилмаларни жалб этилиши, ишларни бажаришда хавфсизлик қоидаларига риоя қилиниши, тузилма бошлиқларининг шикастланган ўчоқдаги ишларнинг тавсифини олдиндан ўрганиши, коммунал-энергетик ва технологик жараёнларга эътибор бериши, ҳудудда сақланадиган КТЗМ ўрни, ҳимоя иншоотларининг жойи, тавсифномаси ва бошқа вазифаларга катта эътибор берилади.**

**ҚБТИ ишлари ўша объектнинг фуқаро муҳофазаси штаби томонидан олдиндан режалаштирилади ва фавқулодда ҳолатда кўл остидаги кучлар, маблағ, техникалар, бажарадиган иш ҳажми аниқлаштирилади.**

## **ҚБТИ ишларини шикастланган ўчоқда олиб бориш усуллари**

### *Маълумки, ҚБТИни бажариш усуллари ва қоидалари, ўша шикастланган ўчоқда ҳаракатланувчи тузилмаларга ҳалақит бе-рувчи омиллар даражасига қараб танланади. Жумладан, шикастланган иншоотларни тавсифига, коммунал, энергетик ва технологик тармоқлардаги авария даражасига, ўша жойдаги радиоактив ва кимёвий заарланиш даражаси ҳамда ёнғин миқёсига қараб усуллар танланади. Чунки радиоактив, кимёвий ва биологик шикастланган ўчоқларда шикастланиш ҳар хил даражада ва миқёсда бўлганлигидан ҚБТИ усуллари ҳам ҳар хил тартибда қўлланилади. Масалан, ядровий шикастланган ўчоқда қолган одамларни кутқариш ва бошқа кутқарув ишларини бажариш учун биринчи навбатда, шикастланган иншоотлар, ҳимоя иншоотларига борадиган йўл, йўлакларни очиш ва тозалаш ишлари амалга оширилади.*

Бунинг учун бир томонлама ҳаракатланувчи йўллар 3-3,5 м кенглиқда, икки томонлама ҳаракатланувчи йўллар эса 6-6,5 м кенглиқда тозаланади ва очилади. Бундай йўлларда ҳар 150-200 м. га 15-20 м узунлиқдаги разъездлар қўйилади. Йўл ва йўлакларни тозалашда барча механизмлар (булдозер, кранлар ва бошқалар) билан иш кўрилиб, ёнғинга қарши тузилмалар ҳам биргаликда ҳаракатланиб, ёнаётган иншоотларни ўчиради.

Кейин бузилган бинолар, ер остида қолған одамлар ва ёнғин чиққан уйда қолиб кетған фуқароларни күтқариш ҳарбийлашған фуқаро мұхофазаси қысмлари ҳамда тузилмалари томонидан амалға оширилади, бунда ишга ярокұлған фуқаролар ҳам иштирок этадилар. Бунинг учун дархол разведка маълумотларига қараб иншоотларда қолған одамлар билан турли хил услублар орқали алоқа боғланади. Масалан, ҳаво кирадиган тешиклар, девор, эшик, сув ва иссиқлик таъминоти трубаларини тиққилатиши орқали. Ер остидаги, ҳимоя иншоотларидаги одамларни күтқаришдан олдин унга ҳаво берилади. Бунинг учун ҳаво берувчи тешиклар тозалауда да әки демек төзіледи.

Бошпаналарни очиш усуллари, унинг түзилишига ва шикастланиш даражасига қараб танланади. Яъни иншоотнинг чидамлилiği, ён томонданми, құшимча эшик томони очиладими, деворлари тешилиб йүлакча ҳосил қылинадими әки бошқа йүллар тайёрланадими, булар ўша иншоотнинг ақволидан келиб чиққан ҳолда танланади. Кейин шу иншоотлардаги одамлар күтқарылаб, уларга тиббий ёрдам күрсатиласы.

Худди шунга үхашаш ишлар тинчлик даврида ҳам, табиий оғаттар, күчли ер силкениши натижасида ҳам олиб борилади. Масалан, Афғонистон, Мексика, Арманистан, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлардаги ер силкенишларини ёдға олиш мүмкін. Бу ерларда ер остида қолған одамларни күтқаришда жуда катта (16 т) юқ күтәргичлари, прожекторлар туны күн ишладилар. Бузилган жойларда қолған одамлар 2-3 ҳаftа давомида күтқарылған ва яшаётган фуқаролар борлығи аниқланған. Масалан, 1985 йил Мексикада бұлған ер силкениши оқибатида 13 суткагача ҳаробалар остида қолиб кетған 4,5 минг одам күтқарылған. Арманистандағы ер силкенишида эса 5 күндан кейин күтқарылғанлар сони 5398 кишини ташкил этған. Бу фалокатда Франция, Англия, АҚШ, Швейцария ва бошқа давлатларнинг күтқарувлар қысмлари иштирок этдилар ва ўзларининг әнг замонавий ускуналари ҳамда бошқа воситалардан фойдаланиши, бир қанча одамларни тирик сақлаб қолғанлари маълум.

Юқорида айтиб ўтилған шикастланған ўчоқларда фақатгина күтқарувлар ишлари бажарылмасдан, бирламчи аварияни тиклов ишлари ҳам бажарылдиди, бунда күтқарувлар ишларига ҳалақит берувчи авариялар ҳамда янги фалокатларни келтириб чиқарувлар авария ва талафотларнинг олди олинди. Чунки булар оқибатида фуқаролар құшимча талафот олишлари мүмкін зди. Бунинг учун,

сув тармоғи, канализация, газ, электр тармоқларидағи аварияни тузатувчи тузилмалар жалб қилинди. Албатта, бу ишларга умум-мақсадли тузилмалар ҳам жалб этилади. Юқоридаги авариялар-нинг олдини олишни асосий йўли бу шикастланган участкаларга сув, газ, электр ва бошқа сабабчи омилларнинг келишини тўсиш ҳисобланади. Бунда турли хилдаги тўсиш омилларидан фойдала-нилади.

Иншоотларнинг деворлари турли хилдаги тирговучлар орқали мустаҳкамланади, бузиладиганлар эса тамоман бузиб ташланади. Чунки бу ишларни қилмасдан туриб, одамларни қутқариш хавф-ли ҳисобланади.

**Кимёвий шикастланган ўчоқда қутқарув ишлари** бирмунча ол-дингисидан фарқланади. Бу ҳолатда биринчи навбатда огоҳлантириш белгиси «Кимёвий тревога» берилиб, дарҳол ўша жойга радиация, кимёвий ва тиббий разведка бўлимлари юборилади. Улар шикастланган жойни, вақтни, қўлланилган қурол турини (ёки заҳарли моддалар — КТЗМ), заҳарланган ҳудуд ўлчамини ва уни тарқалиш йўлини аниқлаб берадилар.

Мана шуларга асосланиб шу объект фуқаро муҳофазаси бошлиғи қарор қабул қилиб, ўзи қутқарув омилларини ҳамда кимёвий заарланишни тўсиш омилларини ташкил этади. Бундай ҳолатларда қутқарув ишларига биринчи навбатда санитар дружиначи-лари, умумий отряд, заарсизлантириш гурӯҳлари ва механизация тузилмалари жалб этилади.

Бунда ҳар бир тузилмалар аниқ вазифа ва техникалар, жиҳоз-лар билан таъминланади. Чунончи:

- Санитар ва қутқарув тузилмаларига иш жойларини, транспорт воситаларини, заарланган одамларни ўчоқдан олиб чиқиш, бирламчи тиббий ёрдам кўrsатиш ва эвакуацияни ташкил этиш вазифалари;

- Радиацияга қарши (РК) ва кимёвий ҳимоя (КТК) ҳамда умумий тузилмаларга қутқарув ишларининг жойи, КТЗМ сақла-надиган жойлардаги аварияни тўсиш ва заҳарланган иншоотларни, атроф-муҳитни дегазация қилиш ишлари;

- Заарсизлантириш гурӯҳларига дегазация бажариладиган иш жойлари, объектлари, дегазация қилувчи эритмаларни тайёрлаш ва машиналарни тўлдириш, дегазация ишларини олиб бориш юклатилади.

Кимёвий ўчоқда қутқарув ишларини бажариши лозим бўлган вазифалар олингандан кейин ҳар бир тузилма бошлиқлари ўз қўл

остидаги фуқароларни якка тартибдаги ҳимоя воситалари, антидотлар, ШҚП-8 билан таъминлайдилар. Шундан кейин улар разведка, санитар дружина, РК ва КТҚ тузилмаларидан кейин ўз иш жойларига бориб, вазифаларини бажаришга киришадилар.

Бунда биринчи бўлиб заарланган одамларга ёрдам кўрсатилиди, яъни газниқоб кийдирилади, антидот берилиб, тиббий ёрдам кўрсатилади ва улар ҳар хил заарланиш тоифаларига бўлинниб, сўнгра тиббиёт шаҳобчаларига эвакуация қилинади.

Заарсизлантирувчи тузилмалар, ҳамма йўллар, иншоотлар, техникалар дегазация қилинади. Шу тариқа кимёвий шикастланган ўчоқда кутқарув ишлари бажарилади.

**Биологик шикастланган ўчоқда эса** биологик разведка ва бактериал моддалар хили, карантин ёки обсервация режимини қўллалиши; санитар-экспертиза, озиқ-овқат маҳсулотлари, сув, емларнинг заҳарланганигини аниқлаш ва уларни заарсизлантириш; эпидемияга қарши, санитар-гигиеник, ветеринария ишлари ва бошқа омиллар амалга оширилади.

Бу ишларни олиб бориша биологик шикастланган ўчоқда санитар-эпидемиологик маскан, ветеринария маскани, эпидемияга қарши ҳаракатланувчи отряд, шифохоналар, поликлиника, ветеринария тармоқлари ва бошқа медицина тармоқлари жалб этилади. Улар биринчи навбатда оғир касаллик тарқатувчилардан сақлаш учун профилактик омиллар олиб боришади. Бунда турли хилдаги таъсир этувчи антибиотиклардан ҳамда ШД-2дан, газниқоблардан фойдаланилади.

Ҳудудда касаллик тарқатувчининг аниқ тури топилгандан кейин, унга қарши маҳсус дорилардан фойдаланилади. Шундан кейин шикастланганларнинг касалланиш ҳолатига қараб ҳар хил даражада тузатиш муолажалари олиб борилади. Улар дарҳол касалхонага ётқизилади ва жуда оғирлари маълум жойга, маҳсус гурӯҳлар ёрдамида эвакуация қилиниб ўша ерда даволанадилар.

Биологик ўчоқнинг тугатилиши у ердаги охириги касал одамнинг тузалиб кетиши вақти билан аниқланади. Биологик ўчоқда ҳаракатланувчи қисмлар, у ердаги юқумли касаллик билан касалланмасликлари учун ҳамма омилларни олиб боришлари керак, яъни касаллар билан мулоқатда бўлмаслик, иншоотлар, хоналар, атроф-муҳит заарсизлантириб турилиши, кийим-кечакларни деzinfeкция қилиши ва ўзини санитар-қайта ишловдан ўтказиб туриш талаб этилади. Мана шуларга риоя қилиб, ҳаракатланувчи тузилмалар ҳеч қандай йўқотишсиз, ўз вазифаларини бажариб

борадилар. Мураккаблашган шикастланиш ўчоғида ҚБТИни олиб бориш, алоҳида-алоҳида ўчоқларда олиб борилган ишларга нисбатан бир неча ўн баробар оғир ҳисобланади. Чунки бу ҳолатда вазият жуда мураккаб бўлиб, ўчоқдаги шикастлантирувчи факторлар турини аниқлаш жуда оғир ҳисобланади. Булардан ташқари бундай ўчоқда бирор факторга қарши олиб бориладиган омиллар иккинчи факторга тамоман тескари бўлиши мумкин. Масалан, хавфли эпидемия билан касалланган одамларни даволашда фойдаланиладиган карантин омили кучли бинар-хусусиятли кимёвий қуроллар ишлатилганда қўлланиладиган эвакуация ва бошқа воситалардир.

Мураккаблашган ўчоқда бирор услубий кўрсатма асосида эмас, ҚБТИ шароитини аниқ ўрганиш орқали, ўша ердаги вазиятдан келиб чиқдан ҳолатда иш олиб борилади.

## **Заарланган материалларга маҳсус қайта ишлов бериш**

Душман томонидан қўлланилган қирғин қуроллари оқибатида инсонлар, атроф-муҳит, сув, озиқ-овқатлар, техника, транспорт воситалари ва иншоотлар радиоактив заррачалар, заҳарли моддалар ва бактериал моддалар билан заарланиши мумкин. Шу сабабдан фуқароларни мана шу заарланишдан сақлашда маҳсус ишлов бериш омиллари бажарилади. Маҳсус ишлов бериш омили — умумий қирғин қуроллари талафотларини йўқотиш жараёнининг асосий қисмини ташкил этиб, у қутқарув ва тиклаш ишларини олиб боришда комплекс вазифаларни ўз ичига олади.

Маҳсус ишлов бериш омили — тўлиқ ҳамда қисман ишлов бериш хилларига бўлинади. Тўлиқ ишлов бериш омили дейилгандан қўйилган вазифаларни бажаришда ҳеч қандай ҳимоя воситаларисиз амалга ошириш, яъни хавфсиз шароит яратиш тушунилади. Қисман ишлов бериш омилларида эса қўйилган вазифаларни факат терини ҳимояловчи воситаларисиз амалга ошириш шароити тушунилади. Маҳсус ишлов бериш омили — атроф-муҳитни зарарсизлантириш ҳамда фуқароларни санитар ишловдан ўтказишдан ташкил топган.

Техника ва транспорт воситаларини зарарсизлантириш автосервис ва бошқа таъмирлаш корхоналарида амалга оширилади.

Фуқароларни санитар ишловдан ўтказиш эса, ҳаммом, душхона ва бошқа маҳсус ювениш жойларида амалга оширилади.

**Заарсизлантириш омилига дезактивация, дегазация ва дезинфекция жараёнлари киради.**

Дезактивация дейилганды, заараланган воситалардан (күйим-кечак, ҳимоя воситалари, сув, техника, транспорт воситалари) ҳамда ишоотлардаги радиоактив моддалар активигини йўқотиш тушунилади. Дезактивациянинг тўлиқ ҳамда қисман хили мавжуд бўлиб, у асосан механик ва физик-кимёвий усул билан олиб борилади. Механик усулда — радиоактив моддалар билан заараланган сирт юзаларини артиш орқали йўқотилади. Физик-кимёвий усулда эса радиоактив моддалар турли хилдаги кимёвий модда эритмалари билан ювиш амалга оширилади. Дезактивацияда асосан сув ишлатилиб, радиоактив моддаларнинг ювидувчалигини оширишда, сирт-актив ҳамда комплекс ҳосил қилувчи моддалар, кислота ва ишқорлар ишлатилади. Булар: СФ-2, ОП-7, ОП-10,  $\text{Na}_3\text{PO}_4$ , трилон Б, шавел, лимон кислоталари ва унинг тузларидир.

Дегазация омили — заҳарловчи моддаларни парчалаб, заарсиз моддалар ҳосил қилиши, ҳамда уларнинг миқдорини камайтириш ҳисобланади. Дегазация омили маҳсус техникалар ёрдамида амалга оширилади. Дегазация қилувчи моддаларга кимёвий моддалар кириб, улар оксидловчи хлорли бирикмалар (гилохлоритлар, хлорамин) ва ишқорий бирикмалар ( $\text{NaOH}$ , сода, аммиак, аммиакли тузлар) киради. Бу бирикмаларнинг ҳаммаси эритма ҳолида ишлатилади.

Эритувчи сифатида: сув, дихлорэтан, трихлорэтан, бензин ишлатилади. Дегазация қилувчи эритма №1, 5 фоизли гексахлормеламин ёки 10 фоизли дихлорамин эритмаси иприт ва бошқа кимёвий қуролларни заарсизлантиришда ишлатилади. Дегазация қилувчи эритма №2, 2 фоиз  $\text{NaOH}$ , 5 фоизли моноэтаноламин ва 20 фоизли аммиакли сув эритмасидан ташкил топиб, зоман типидаги заҳарловчиларни заарсизлантиради. Терини касаллантирувчи ва асабни паллажловчи заҳарли моддаларни заарсизлантиришда хлорли оҳак эритмаси ишлатилади.

Кимёвий қуроллар билан заараланган атроф-муҳит кимёвий ёки механик усулда дегазация қилинади. Кимёвий усул бўйича юқорида айтилганидек, дегазацияловчи модда эритмалари билан қайта ишланади. Механик усулда эса заараланган жойларнинг устки қисмлари (7-8 см қалинликда) олиб ташланади ёки ўша жойнинг усти қалин сомон, тахталар билан беркитилиб ҳимоя қилинади.

**Дезинфекция омили** — бактериал қуролларни йўқ қилиш мақсадида амалга оширилади. Дезинфекция омиллари турли хил кўришишда амалга оширилиб, улардан тозалаш: мақсадли, доимий ва тутгалланадиган хиллари қўлланилади.

Тозалаш дезинфекция усули касаллик тарқалмасдан олдин қилинадиган дезинфекция ҳисобланади. Бунда бактерияларни ўлдирувчи воситалар қўлланилади. Доимий дезинфекцияда эпидемияга қарши омиллар ўтказилади (санитар-гигиеник ва заарсизлантириш ишлари). Тугалланадиган дезинфекция — охирги касал касалхонага ётказилгандан кейин ўтказилади. Буни санитария эпидемиология станцияси (СЭС) ходимлари амалга оширади. Дезинфекция — кимёвий, физик, механик ва комбинациялашган усуллар билан амалга оширилади. Кимёвий усулда — касал тарқатувчи микроблар дегазацияловчи моддалар билан йўқ қилинади. Физик усулда кийим-кечаклар, идиш-товоқлар ва бошқа воситаларни, материалларни қайнатиш йўли билан дезинфекция қилиш тушунилади. Бу усул асосан ошқозон-ичак инфекцияси тарқалганда қўлланилади.

Механик усул дейилганда дегазация қилишда қўлланиладиган услублар, қоидалар (ер устидаги заарланган қисмларни йўқотиш) тушунилади. Бунда заарланган жойлар, иншоотлар, бошпана, РСБ, транспортлар, йўллар заарсизлантирилади.

Дезактивация ва дегазация омилларининг тозалиги дозиметрик ва кимёвий асбоблар билан, дезинфекция омиллар эса бактериологик усул орқали текширилади.

**Санитар қайта ишлаш.** Бу омил махсус қайта ишлов бериш усулининг асосини ташкил этиб, у фуқароларни радиоактив, заҳарловчи моддалар ва бактериал туманлар билан заарланишининг олдини олишда қўлланиладиган ҳар томонламали омиллардан ташкил топган.

Санитар қайта ишлаш, қисман ва тўлиқ турларга бўлинади. Қисман санитар қайта ишлаш — барча кийим-кечак, якка тартибдаги ҳимоя воситалари, очиқ қолган териларни механик усулда тозалаш ҳисобланади.

Тўлиқ санитар қайта ишлаш — тана аъзоларини заарсизлантирувчи усулларни қўллаш (ювиш, дезинфекция қилиш) тушунилади. Бу барча тана-аъзоларимизни, кийим-кечак, ҳимоя воситалари ва бошқаларни заарсизлантириш мақсадида қўлланилади. Бу усул бўйича шикастланган худуддан чиқсан фуқаролар, ишчи-хизматчилар, тузилмалар жалб қилинади.

Тұлиқ санитар қайта ишлаш омили маҳсус қурилған юваниш шаҳобчаларидан амалға оширилади. Бунда фуқаролар бир томондан кириб, кийим-кечак, ҳимоя воситаларини ечиб, юваниб, оғиз, күз ичларини заарсизлантириб, иккінчи томондан дозиметрик, кимёвий текширудан ўтиб, сүнгра тоза кийим-кечак кийишади ҳамда иккінчи дозиметрик күрікдан ўтилади.

Заарланған кийимлар, ҳимоя воситалари, маҳсус усуллар ёрдамида заарсизлантирилади.

Шикастланған худуддан чиқиша юқорида айтилған мұолажалар юқори савияда ўтказилса заарланиш миқёси шұнча кічик ва талафотларга учрашнинг олди олинған бўлади.

## **Иш жойларини, уйларни, озиқ-овқатларни заарсизлантириши**

Замонавий қирғин қуролларининг шикастлантирувчи зарражаларини заарсизлантириш омиллари, якка тартибдаги ҳимоя воситаларини кийган ҳолда ва жараённи олиб бориш қоидаларига қатый риоя қилинған ҳолда олиб борилиши шарт.

Радиоактив заарчалар билан заарланған уйлар ва жиҳозларни заарсизлантиришдан олдин қуруқ ҳолда тозаланиб, кейин ҳўл латталар билан артилади. Биноларнинг ташқи тарафларини дезактивация қилишда сув босими билан ювилади. Уйларнинг ичидегерметик идишларда сақланған озиқ-овқатларни дезактивация қилиш фақат идиш усти сув билан ювиб тозаланади қофоз ва бошқа нарсаларда сақланадиган маҳсулотлар тозаланганда, олдин идиш латта билан артилади, сув билан ювиб, кейин қуритилади. Устидаги қофоз қуригандан кейин ичидаги маҳсулот тоза идишга солинади ва дозиметрик күрікдан ўтказилади.

Герметик бўлмаган идишларда сақланған маҳсулотлар (гўшт, пишлоқ, маргарин, сарёғ)ни дезактивация қилишда ўша маҳсулотларнинг сиртқи қаватини (3 мм.гача) кесиб ташланади. Ҳўл меваларни тозалашда эса кўп марта сув билан ювиш орқали тозалаб, сүнгра қайнатилади. Суюқ маҳсулотларни (ёғ ва шунга ўхшаганларни) чўқтириш орқали тозаланади. Сутлар қатиқ маҳсулотларига айлантирилади.

Сувни эса фільтрлаш орқали тозалаш мумкин. Кудукдаги сувларни тозалашда, ичидаги сув бир неча марта олиб ташланади ҳамда қудук атрофидаги тупроқлар (5-10 см қалинликда) олиб ташланади.

Дезактивация қилинган ҳамма озиқ-овқат маҳсулотлари ва сув дозиметрик кўрикдан ўтказилиши шарт. Агар баъзи маҳсулотларни дезактивация қилиб бўлмаса, уларни бир жойга йифиб, табиий заарсизлантиришга қўйилади.

Агар юқорида айтилган маҳсулотлар заҳарли моддалар билан ёки биологик воситалар билан заарланган бўлса, у ҳолда дегазация ва дезинфекция қилувчи моддалар (хлорли оқак, хлорамин, формалин ва бошқа моддалар) ишлатилади.

Заарланган жойларни заарсизлантириш ишлари тамом бўлгандан сўнг ҳар бир фуқаро тўлиқ санитар қайта ишловдан ўтиши керак. Бу муолажа ҳаммомларда, душхоналарда ёки маҳсус юваниш жойларида амалга оширилади. Бу жойларда заарланган кийим-кечаклар, ҳимоя воситалари, бир жойга ечилиб, кейин юваниладиган хонага кирилади ва совун, мочалка билан ҳамма тери устилари заарсизлантирилади. Ювениб бўлингандан сўнг дозиметрик кўрикдан ўтилади ва янги заарсизлантирилган кийим-кечак кийилади, ҳамда иккинчи дозиметрик кўрикдан ўтилади. Мана шундай муолажалардан ўтган фуқаро заарли таъсирлар талафотларига учрамайди ва унинг олди олинган бўлади.

## **Табиий офат, авария ва фожиаларда талафот кўрганларга тиббий ёрдам ташкил этиш**

Бизнинг мамлакатимизда табиий офат, йирик авария ва фожиалар оқибатларини бартараф этиш мақсадида давлат комиссиялари (республика, вилоят, шаҳар, туман миёсида) тузилади. Ушбу комиссиялар фаолияти талафот кўрган аҳолини ҳар тарафлама қўллаб-куватлаш мақсадида умумдавлат омилларини ташкил этишга, жумладан, турар-жой муаммоси, табиий офат ҳудудида жамоат ва санитар тартибини таъминлаш, коммунал-хўжалик, савдо, тиббий хизмат ва бошқа муассасаларни мунтазам ишлаши учун зарур шарт-шароитлар яратишга қаратилган.

Табиий офатнинг биринчи кунидан бошлаб фуқаролар муҳофазасининг тиббий хизмат штабларида куну-тун навбатчилик белгиланади, поликлиника шаҳобчаларининг ишчи-хизматчилари узлуксиз иш тартибига ўтказилади.

Давлат комиссияси мавжуд барча давлат захираларини ҳамда аҳолини табиий офатга қарши курашга сафарбар этади. Шу билан бирга табиий офатдан зарар кўрганлар соғлигини сақлаш муам-

моси билан боғлиқ масалаларга биринчи даражали давлат аҳамиятига молик вазифа сифатида қаралади. Одатда, давлат комиссияси таркибиға соғлиқни саклаш органи раҳбарлари, ФВВ бошқарма бошлиқлари кирадилар. Бундай шароитда касалхоналар, амбулатория-поликлиника муассасаларининг ходимлари доимий иш тартибиға ўтказилади, тиббий хизматнинг барча куч ва воситалари ҳаракатга келтирилади.

Табиий оғат рўй берган худудда биринчи ёрдам аҳолининг ўзи томонидан, шунингдек, бу худудда мавжуд СД кучлари томонидан амалга оширилади. Бундан ташқари зарар кўрганларга биринчи тиббий ёрдам шу худуддаги тез ёрдам ва биринчи тиббий ёрдам кучлари ҳамда воситаларини жалб этиш орқали амалга оширилади, чунки бу ёрдамларнинг салоҳияти, зарар кўрган жойга тезроқ етиб келиш имкониятини беради.

Табиий оғатдан ҳалқ ҳўжалиги объектларида зарар кўрганларга шу корхоналар бошлиқлари раҳбарлигига биринчи ёрдам кўрсатилади. Тез ва биринчи тиббий ёрдам станцияларининг ходимлари кутқарувчилар гуруҳлари билан биргаликда бузилган иморатлар ва вайроналар остида қолганларни қидириш ва биринчи тиббий ёрдам ишларини аввалдан белгиланган худудларда тезкорлик билан бошлаб юборишлари керак. Одамларни вайроналар ичидан кутқариб олиш, топиш жараёнида тез тиббий ёрдам ходимлари уларга ҳам биринчи тиббий ёрдам кўрсатишлари керак. Ярадор ва ўлганлар кўп бўлган тақдирда, уларни транспорт воситаларига ортиш жойларини белгилаш зарур бўлади. Бу жойлар талафот кўрганларни ортиш учун транспорт воситаси келишига кулагай бўлиши лозим. Енгил талафот кўрганлар транспортларга чиқиш жойларига ўз кучи билан боришлари учун уларга йўналиш белгилаб берилади.

Талафот кўрганлар транспорт воситаларида энг яқин касалхоналар ёки амбулатория ва поликлиника муассасаларига эвакуация қилинади ҳамда биринчи врач ёрдами кўрсатилади. Баъзи бир ҳолларда биринчи врач ёрдамини кўрсатиш учун даволаш-профилактика муассасалари негизида шакллантирилган — биринчи тиббий ёрдам отрядлари (БТЁО) жалб этилиши мумкин.

Талафот кўрган аҳолини даволаш-эвакуация таъминоти тизимидағи биринчи босқичли амбулатория-поликлиника муассасаларида талафот кўрганлар узоқ қолмасликларини кўзда тутиш керак. Шу сабабли фавқулодда ҳолат штаблари табиий оғатдан зарар кўрганларни стационар даволаш муассасаларига эвакуация

қилиш учун етарли бүлгаптранспорт воситаларини ажратиш чораларини күриши керак.

Тошкент зилзиласи оқибатларини тутатыш тажрибаси шуны күрсатдикі, талафот күрганларнинг асосий қисмiga бириңчи ёрдам айнан амбулатория-поликлиника муассасаларида бериліши мүмкін. Ушбу зилзила пайтида қайд этилган 1623 жароҳатлардан 496 ҳолатда бириңчи врач ёрдами тиббий тез ёрдам ходимлари, 781 ҳолатда амбулатория-поликлиника муассасалари томонидан амалға оширилган.

Даволаш-эвакуация таъминоти тизимидағи иккінчі ҳал құлувчи босқыч сифатыда, табиий оғатдан зарар күрган ахолига тиббий ёрдам күрсатылышда шу ҳудудға яқын жойлашған даволаш муассасалари ҳисобланади. Фақат кейинроқ айрим ҳолларда талафот күрганлар бошқа тор іхтисосдаги даволаш муассасаларига жойлаштирилиши мүмкін.

Талофат күрганларни эвакуация қилишни түғри ташкил этиш ва уларға маҳсус тиббий ёрдам күрсатылыштың учун фавқулодда ҳолат штаблари даволаш-профилактика муассасасининг ҳолати, улардаги бүш ўринилар түғрисида, қайси даволаш муассасига қанча одамни юбориш мүмкінлеги ҳақида аниқ маълумотта эга бўлишлари талаб қилинади.

Фавқулодда ҳолат штаблари юз берган фалокатни түғри баҳолай олиш асосида даволаш муассасалари ҳодимлари, тез тиббий ёрдам станциялари, бириңчи тиббий ёрдам отрядлари (БТЁО), поликлиника муассасаларига тегишли күрсатмалар берилешпесе лозим. Шу мақсадларда штаблар тегишли муассасалар билан доимий алоқада бўлишлари талаб қилинади. Талафот күрганларни эвакуация қилиш пайтида уларни тоифаларга ажратиб ёрдам күрсатыш мақсадга мувофиқ. Касалхоналарга эса фақат стационар даволанишга мухтоҷ бўлганлар ётказилиши лозим. Енгил ва ўртача жароҳат олганлар ҳамда стационар шароитда даволаниши зарур бўлмагандар амбулатория шароитида даволанишлари керак.

Турли тан жароҳати олганлар билан бир қаторда табиий оғат натижасида руҳий шикаст олганларга, соматик ва эндокренологик касалликлари зўриқиб кетганларга, боласи тушиб қолганларга алоҳида тиббий ёрдам күрсатыш зарур. Касалларнинг юқорида күрсатилган тоифаларига тиббий ёрдам берилешпесе тез ёрдам ва бириңчи тиббий ёрдам күрсатыш станциялари ҳодимлари етакчи ўринида туришлари, уларни ҳар қандай тасодифларда түғри қарор-

га келишгә тайёргарларларини ошириш талаб этилади. Тез ёрдам ходимлари аввалдан юрак-томир ва бошқа касалларларни даволаш воситалари, зарур асбоб ва жиҳозлар билан таъминланган бўлишлари, бундай касалларларни даволаш усуслари билан таниш бўлишлари лозим. Бу тоифа касалларга тиббий ёрдам бериш учун ихтисослашган тиббий ёрдам бригадаларини аввалдан белгилаш, табиий офат вақтида улар хизматидан (жумладан, акушер-гинекологик, психоневрологик, кардиологик ва ҳ.к.) самарали фойдаланиш лозим.

Шуни назарда тутиш лозимки, табиий офат пайтида (айниқса, зилзила) тиббиёт муассасалари бузилиши мумкин. Шу туфайли касаллар, тиббиёт ходимлари ва жиҳозларни кўчиришни, даволаш муассасаларини мослашмаган биноларга ўтказишни тақозо қиласди. Бундай мақсадлар учун муайян бинолар (мактаб, болалар боғчаси ва ҳ.к.) тайёрлаб кўйилиши керак. Табиий офат пайтида касалхоналар ва бошқа тиббиёт муассасаларини кўчириш юқори савиядаги ташкилотчилик ҳамда тиббиёт ходимларининг юксак даражада маънавий тайёргарларигини талаб қиласидан қийин ва машақцатли иш.

Тошкент зилзиласи пайтида тиббиёт ходимлари томонидан касалларни ҳимоя қилиш борасида жуда катта иш амалга оширилди. Кечаю-кундуз давомида зарар кўрган касалхоналардан 2000 дан зиёд касаллар амбулатория шароитида даволанишга чиқарилди. 1000 дан ортиқ касал бошқа даволаш муассасаларига ўтказилди. Кўчириш мумкин бўлмаган касалларнинг бир қисми касалхоналарнинг ёзги чодирларига ўтказилди.

Табиий офат натижасида аҳоли ва тиббиёт муассасаларининг жойланиш ҳолатида ўзгаришлар рўй берганлиги туфайли, тиббиёт хизмати бошлиқлари тиббиёт кадрларини қайта тақсимлаш, янги тиббиёт муассасаларини асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш, ўринларни касаллар сонига мувофиқлаштириш, поликлиникалар ўртасида врач-худудларининг чегарасини қайта ўрганиш ва янги дорихоналар очиш каби масалаларни кўриб чиқишилари лозим. Баъзи ҳолларда кўчма дорихоналар ва врачлик пунктларини ташкил этиш талаб этилади.

Касалларга тиббий хизмат кўрсатиш жараёнида тиббиёт институтлари талабаларини врачлик ва фелдшерлик лавозимларига жалб этиш керак. Бу ишга тиббий илмий-тадқиқот институтлари муассасаларининг ходимларини ҳам жалб этиш мумкин. Тиббий ёрдамни ташкил қилишда аҳоли ўртасида тушунтириш ва санитария-профилактика ишларини олиб бориш катта аҳамиятта эга.

Үтган зилзилалар пайтида олингандар жароқатлар таҳлили шуны күрсатдике, 10 фоиз жароқат — бинолар девори ва томи қулашидан, 35 фоизи — бино ва иншоотлар қурилмалари ва бўлаклари синиб тушишидан, 55 фоизи — фуқароларнинг зилзила пайтида қандай йиқилиш кераклигини билмаганликларидан юзага келган. Табиий оғатлар тез-тез рўй берадиган ҳудудларда санитар ва маърифий тадбирлар доимий равишда олиб борилиши керак. Табиий оғат ҳудудида санитар-гигиена ва эпидемияга қарши тадбирларни ўтказишнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Баъзида табиий оғат натижасида минглаб оиласлар бошпанасиз қоладилар ва ноқулай, жуда қийин шароитга тушадилар. Одамларни чодирларга кўчириш, бинолар бузилиши оқибатида оқава каналлари издан чиқиши, кир ювиш, ҳаммом хизматининг ёмонлашуви натижасида юқумли касалликлар пайдо бўлиши учун қулай вазият туғилади. Бу шароитда тиббий хизмат олдида юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш вазифаси пайдо бўлади. Санитария-эпидемиология станциялари издан чиқсан шароитда эпидемияга қарши кўчма отрядлар СЭС вазифасини ўз зиммаларига олишлари керак.

Аҳолини яхши, сифатли ичимлик суви билан узлуксиз таъминлаш, уй-жой ахлатларини марказлаштирилган тарзда олиб чиқиб кетиши, сифатли ва тўлақонли озиқ-овқат билан таъминлаш, ҳаммомларнинг доимий равишда ишлаши, юқумли касалликларнинг олдини олишга ёрдам беради. Эсда сақлаш лозимки, болаларга юқумли касалликлар жуда тез юқади.

Оммавий ёнгин ва сув тошқинлари пайтида тиббий ёрдамни ташкил этиш ўзига хос хусусиятларга эга. Масалан, ёнгин пайтида шуни эсдан чиқармаслик лозимки, зарар кўрганлар ичидаги аҳоли вакилларидан ташқари шахсий бўлинмалар аъзолари ҳам бўлиши мумкин. Шунингдек, фавқулодда ҳолат бўлинмалари куйганлардан ташқари газ ва тутундан заҳарланганларга ҳам ёрдам кўрсатишлари талаб қилинади. Бундай вазиятларда биринчи тиббий ёрдамни тутун тарқалган ҳудудда қолиб, жароқатланганларни қидирудан бошлаш керак. Бу тақдирда санитария бўлинмаси албатта, икки кишилашиб ҳаракат қилиши ва бир-бираининг ҳолидан хабардор бўлиб туриши лозим. Санитар-дружиначилари куйган касалга ёрдам кўрсатиш усусларидан яхши хабардор бўлиши, уларни тутунли ҳудуддан олиб чиқиб кетишига мўлжалланган транспорт воситалари эса ҳалокат ўчогига иложи борича яқинроқ ке-

лиши керак. Биринчи врачлик ва махсус тиббий ёрдам ҳам талафот ўчигига энг яқин жойга келтирилиши лозим. Бу тиббий ёрдамлар мавжуд даволаш-профилактика муассасалари ва биринчи тиббий ёрдам отрядлари ходимлари кучи билан амалга оширилади. Даволаш муассасаларининг кўпчилиги талафот кўрган тақдирда махсус тиббий ёрдам бригадалари ҳаракатга келтирилади. Бундай ҳолатда даволаш муассасалари куйганларни даволовчи муассасаларга айлантирилади ва тиббий эвакуация қилишнинг биринчи ҳамда ягона босқичи ҳисобланади. Тиббий ёрдам отрядлари кўпайтирилган тақдирда даволаш муассасаларида фақат биринчи ёрдам амалга оширилади.

Сув тошқини пайтида талафот кўрганларга тиббий ёрдам кўрсатиш ҳам ўзига хос алоҳида хусусиятларга эга. Бу пайтда биринчи тиббий ёрдам, асосан, ўпкаларга сунъий ҳаво юбориш, юракни массаж қилиш ва танани қиздириш каби юмушлардан иборат. Врачлик ёрдами организмнинг ҳаёт фаолиятини ушлаб туришга қаратилган оддий даволаш усусларидан ташкил топади. Бу пайтда асосий оғирлик даволаш муассасалари зиммасига тушади ва улар кўп ҳолларда махсус тиббий ёрдам кўрсатишади. Бу ёрдам касалларни эвакуация қилиш жараёнида биринчи ва охирги босқичи ҳисобланади.

Йирик фожиа ва авариялар пайтида тиббий ёрдамни ташкил этиш хусусиятларига ҳам тўхталиб ўтиш керак. Буларга куйидагиларни киритиш зарур:

- Талафот кўрганларга санитар-дружиналари кучи билан биринчи тиббий ёрамни бериш, бунда бир ишчи сменада ўз-ўзига ёрдам кўрсатиш кўзда тутилади. Зарур пайтларда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун яқин жойлашган корхоналарнинг санитар дружиналари ҳам жалб этилиши мумкин;
- Тез ёрдам ва биринчи тиббий ёрдам кучларини тез ва оммавий равищда жалб этиш имконияти мавжудлиги;
- Ҳамма жароҳат олганларга тез ва малакали биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш имконияти мавжудлиги.

Бу вазиятда шаҳар (туман)нинг барча тиббий муассасалари жалб этилиши мумкин. Санитар дружиналар талафот кўрганларга нисбатан кам сонли бўлган ҳолда уларни кичик гуруҳларга ажратиб, барча мавжуд тиббиёт муассасаларига бўлиб юбориш мумкин.

Кимё саноати обьектларида йирик авариялар рўй берган ҳолда талафот кўрганларга тиббий ёрдам кўрсатилиши ҳам ўз хусуси-

ятларига эга. Бундай авариялар пайтида фақат авария рўй берган цех ва бўлинма ишчилари, раҳбарлар, аҳоли орасида ҳам зарар кўрганлар бўлиши мумкин. Бу нарса енгил учувчан газлар бўлган обьектларда рўй берган авариялар оқибатида юзага келади. Бундай авариялар пайтида тиббий ёрдам кўрсатилиши учун куч ва воситаларни аввалдан, пухта тайёрлаш керак. Кучли таъсир қиласидиган заарарли моддаларнинг ҳаво орқали таъсир ўтказишини ҳисобга олиб, шамолнинг йўналиши, хоналарнинг жойлашиши, заарлаши мумкин бўлган майдон катталигини аниқлаб, бу ҳудудда ишловчи ва яшовчи инсонлар сони тўғрисида маълумотга эга бўлиш талаб қилинади. Санитар-талафотлар кўпайишининг олдини олиш учун қўшни корхоналар хизматчи-ишчиларини огоҳлантириш тартиби белгиланиши зарур. Улар шахсий восита ва қурилмалардан фойдалана олишлари керак. Мазкур корхонада мавжуд кимёвий модданинг хусусиятларига қараб, улардан заҳарланганлик пайтида қандай эҳтиёт чоралари кўрилиши мумкинлиги тўғрисида хабардор бўлишлари, зарур воситалар ва транспорт билан таъминланишлари лозим. Тез тиббий ёрдам ва биринчи тиббий ёрдам ходимлари кимёвий моддалардан заҳарланиш патологиясини яхши билишлари, тиббий ёрдам кўрсатиш тартибига риоя қилишлари талаб қилинади. Бу пайтда асосий вазифа зарар кўрганларни заҳарланиш ҳудудидан тезроқ олиб чиқиб кетиш ҳисобланади. Тиббий ёрдам кўрсатаётган тиббиёт ходимлари якка тартибдаги муҳофаза воситаларидан фойдаланишлари шарт.

Радиоактив моддаларни сақлаш, ташиш ва қайта ишлаш технологияси бузилган пайтдаги атроф мұхитни заарлантывчи аварияларда тиббий ёрдам кўрсатиши ҳам вазиятни тўғри баҳолаш пайтида ўз хусусиятларига эга. Атроф мұхитни ифлослантирувчи манбаларга ҳозирги даврда кимёвий саноатни, турли радиоизотоп лабораторияларини, радиоактив чиқиндиларни ишлаб чиқиш ва кўмиб ташлаш жойларини, турли ядервий реакторларни киритиш мумкин.

Радиоактив моддалар билан атроф мұхит заарланишининг энг катта хавфи атом реакторлари аварияга учраган пайтда содир бўлади. Атом электростанцияларида рўй берган авариялар пайтида узоқ яшовчи атом радиоактив изоляторлари атроф мұхитни зарарланиради. Бу пайтда нурланиш жараёни ядро портлаши давридагидан анча секин кечади. Вақт жиҳатидан секин парчаланиш ядро портлаши оқибатларидан кам зарар етказмайди.

Тупроқ, сув, бинолар, ишшоотларнинг заарланиш эҳтимоли инсонлар учун катта хавф туғлиради. Авария ҳудудида ишлаш мумкин бўлган энг катта доза 25 Р га тенгdir.

Атом электростанцияларидаги авария оқибатида тан жароҳатдан ташқари радиация талафоти ҳам рўй беради. Фавқулодда ҳолат тиббиёт тизимларидағи фаолиятнинг бош йўналиши сув таъминоти, озиқ-овқат устидан радиацияга оид назоратни ўрнатиш, аҳолини эпидемияга қарши ва даволаш профилактика таъминотини ташкил этиш, барчага мунтазам йод препаратини етказиб бериш лозим бўлади. Радиация нурланиши олган шахсларни аниқлашга алоҳида эътибор берилади. Бу жиҳатдан барча аҳолини уч гуруҳга ажратиш мумкин: ҳеч қандай радиация жароҳати олмаганлар; оз миқдорда нурланиш олган ва радиация жароҳати белгилари бўлмаган шахслар; нур касаллиги ёки нурланишдан куйишга олиб келувчи нурланишга учраган шахслар.

Биринчи гуруҳга киравчи шахслар қандай бўлмасин назоратга муҳтоҷ эмаслар, аммо, радиация ҳудудида ишлаш пайтида улар радиация назоратига олинадилар. Иккандинчи гуруҳга киравчилар устидан доимий тиббий назорат ўрнатилади, бу нарса қонтаркибини доимий равища таҳлил қилиб боришидан иборат. Бу шахслар заарланган ҳудудда ишлашга қўйилмайдилар. Нурланиш асорати бор шахслар касалхонага ётказилиши ва маҳсус тиббиёт муассасаларида даволанишлари керак.

Шундай қилиб, фавқулодда вазиятларда тиббиёт хизматлари йирик авариялар пайтида талафот кўрганиларга пухта ўйланган ва обдиндан режа ўзаштирилган тадбирлар асосида ёрдам берилшлари зарур.

Фавқулодда вазиятларда тиббиёт хизмати шахсий таркиби, эҳтимоли бор бўлган ишлаб чиқариш авариялари хусусиятини билишлари ва тегишли равища талафотларга қарши курашиб куролларига эга бўлишлари керак. Бу вазиятларда ҳаракат қилиш малакасини тез тиббий ёрдам ва биринчи тиббий ёрдам ҳамда даволаш муассасалари ходимлари яхши эгаллаган бўлишлари талаб этилади.

### **Мавзуни ўзлаштириш учун зарур бўлган таянч сўз ва иборалар:**

1. Кутқарув ишлари;
2. Тиклаш ишлари;
3. Кутқарув ишларида ҳаракатланувчи кучлар;
4. Маҳсус ишлов бериш усуллари;
5. Қисман санитар қайта ишлаш;
6. Тўлик санитар қайта ишлаш;
7. Ядрорий ўчоқда ҚБТИ ишлари;
8. Кимёвий ўчоқда ҚБТИ ишлари;

## **9. Биологик ўчоқда ҚБТИ ишлари.**

### **Мавзунни мустақамлаш учун саволлар:**

- 1. Күтқарув ишлари нималардан иборат?**
- 2. Тиклаш ишларига нималар киради?**
- 3. Ядровий шикастланган ўчоқда күтқарув ва тиклов ишлари нималардан иборат бўлади?**
- 4. Кимёвий шикастланган ўчоқда, күтқарув ва тиклов ишлари нималардан иборат?**
- 5. Биологик шикастланган ўчоқда қандай кечикириб бўлмайдиган ишлар бажарилади?**
- 6. Зараисизлантириш омилига қандай жараёнлар киради?**
- 7. Махсус ишлов бериш омилининг моҳияти ва унинг турларини тушунтириб беринг.**
- 8. Табиий оғатлар тавсифи**
- 9. Табиий оғатлар рўй берган тақдирда Ф. М. хизматларини асосий вазифаси нималардан иборат?**
- 10. Зилзила рўй берган ҳудуддаги талафот кўрганларга тиббий ёрдамни ташкил этиш**
- 11. Талафот кўрганларни стационар усулда даволашни ташкил этиш.**
- 12. Аҳоли вақтинча яшайдиган ҳудудларда тиббий хизматни ташкил этиш.**
- 13. Табиий оғат рўй берган ҳудудларда санитар-гигиена ва эпидемияга қарши тадбирларни ташкил этиш.**
- 14. Оммавий (кенг кўламда) ёнгин ва сув тошқинларидан талафот кўрганларга тиббий ёрдам кўрсатиш хусусиятлари.**
- 16. Йирик авария ва фожиа даврида талафот кўрганларга тиббий ёрдам кўрсатиш хусусиятлари.**

## VIII БОБ

### ХАЛҚ ХҮЖАЛИГИ ТАРМОҚЛАРИ БАРҚАРОР ИШЛАШИННИНГ АСОСЛАРИ

#### Фавқулодда вазиятларда халқ хўжалиги тармоқлари- нинг барқарорлиги

Маълумки, халқ хўжалиги тармоқларининг барқарор ишла-  
шини таъминлаш, ҳар қандай фавқулодда вазиятларда (ҳарбий  
ёки тинчлик даврларида) фуқаро муҳофазасининг асосий вази-  
фаларидан ҳисобланади.

Фавқулодда вазиятларда халқ хўжалиги тармоқлари барқарор-  
лиги дейилганда, уларнинг режалаштирилган миқдорда сифатли  
маҳсулотларни ишлаб чиқариши ёки бирор авария натижасида  
шикастланган ишлаб чиқариш корхоналарида жуда қисқа вақт  
ичида тиклаш ишлари тушунилади. Халқ хўжалиги тармоқларини  
барқарор ишлашига қўйидаги омиллар таъсири этади:

- Табиий оғатлар, ишлаб чиқариш авариялари, фожиалар-  
дан ҳамда умумий қирғин қуролларининг бирламчи ва иккилам-  
чи таъсири омилларидан ишличи-хизматчиларни муҳофаза қилиш;
- Юқоридаги таъсири омилларига иншоотлар муҳандис-тех-  
ник комплексларининг чидамлилиги;
- Ишлаб чиқариш корхоналарини керакли материаллар би-  
лан (хом ашё, ёқилғи, газ, сув, электр қуввати) барқарор таъминлаш;
- Ишлаб чиқариш ва фуқаро муҳофазасини барқарор ҳамда  
сурункали бошқариш;
- Объектнинг ишлаб чиқариш тармоғи бузилган жойида  
ҚБТИнинг тиклаш ишларини бошқариш даражаси.

Юқоридаги омиллар нафақат иншоотларнинг барқарорлиги-  
ни таъминлади, балки уларнинг даражасини ҳам оширади. Шу  
сабабдан ҳам ҳозирги даврда тинчлик даврдаги фавқулоддаги вази-  
ятларда саноат ишлаб чиқариш тармоқларининг барқарор иш-  
лашини таъминлаш катта аҳамият қасб этади.

Умуман олганда халқ хўжалиги тармоқларининг барқарорлигига 5 та асосий омилларни қўллаш орқали эришиш мумкин:

- а) Ўз вақтида огоҳлантириш;
- б) Ҳимоя иншоотларидан фойдаланиш;
- в) Якка тартибда сақловчи ва тибиий воситалардан фойдаланиш;
- г) Эвакуацияни қўллаш;
- д) Ҳом ашё, материаллар, электр куввати, газ, сув билан таъминлаш.

## **Фавқулодда вазиятларда халқ хўжалиги тармоқларининг барқарорлигини таъминлаш услублари**

Фавқулодда вазиятларда (тинчлик ва ҳарбий даврларда) халқ хўжалиги тармоқларининг барқарор ишлашини таъминлаш йўллари ва усуллари турли хилда бўлиб, ҳар бир корхона бажарадиган ишларининг хусусиятларига қараб олиб борилади. Ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида, иқтисодий жиҳатидан энг қулай йўлни танлаш, барча корхона ўз иншоотини, фуқароларни муҳофаза қиливчи обьект сифатида, вазиятни ҳар томонлама муҳокама этиб, кейин унинг барқарор ишлашини таъминлаш йўли ва усулидан фойдаланиши керак.

Иншоотлар барқарорлигини баҳолашда маҳсус услубий кўрсатмаларга амал қилинади. Халқ хўжалиги тармоқларини, иншоотлар барқарорлигини баҳолашда, ҳисоблашда, куйидаги кўрсатгичлардан фойдаланилади:

- а) Шикастлантирувчи кўрсатгичларнинг энг юқори қиймати;
- б) Иншоотлар ва уларнинг элементлари тавсифномаси (қанақа материал, қандай тартибда қурилган, унинг зилзилабардошлиги).

Одатда фавқулодда вазиятларда иншоотларга таъсир этувчи омилар ва уларнинг қиймати фуқаро муҳофазаси штаби томонидан берилади, агар ундаи маълумот келмаса, у ҳолда ҳисоблаш йўли билан шу ернинг ўзида аниқланади. Агар бу маълумотларни шу ернинг ўзида ҳам аниқлаш имкони бўлмаса, у ҳолда бу таъсир этувчи омиларнинг тахминий қийматлари асосида кучсиз, ўртача ва кучли шикастлантириш ҳудудларини аниқлаш мумкин.

Масалан, ер силкинишидан (баллга қараб), ядро қуроли ишлатилганда таъсир этувчи тўлқинни ҳосил қиласиган ортиқча босим ( $\Delta P$ ) қийматига қараб иншоотлар турли хил даражада шикастланади (20-жадвал).


Жумладан, ер силкинишининг 5, 6, 7, 8, 9 балларида ёки ядро куролини  $\Delta P_f = 10, 20, 30, 40$  КПА факторларида кимё, нефтни қайта ишлаш, радиоэлектротехника, медицина ва шунга ушаш саноат корхоналарида шикастланиш рүй бериши мумкин.

Машинасозлик, озиқ-овқат, металлургия ва шунга ушаш корхоналарида эса ер силкинишининг 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11 балларыда ҳамда 10, 20, 30, 40, 50, 60 КПА ортиқча босим ҳосил қылғанда иншоотлар талафотланиши мумкин (20-жадвал).

### 20-жадвал

#### Иқтисодиёт тармоқларидаги цех элементларининг барқарорлик чегарасига түлкүн зарбаси омилиниң таъсири


Цех элементлари ва уларнинг хусусиятлари	Д Рф, КПА да бузилиш даражалари								Элементларни мустаҳкамлик чегараси, КПА	Цехнинг мустаҳкамлик чегараси, КПА
	0	1	2	3	4	5	6	7		
Иншоот: бир қаватли, гиштли, түсінсіз, темирбетонлы қыслардан									20	
Технологик жиһозлар: күтартгичлар ва күтартурувчи жиһозлар, оғир жиһозлар									30 40	20
КЭС: металл эстакададаги ҳаво ўтказувчилар, электр таъминоти, ер устидаги, ер остидаги									30 30	



Кучсиз бузилиш



Кучли бузилиш



Үртача бузилиш



Тұлиқ бузилиш

Албатта, бу маълумотлар юқоридаги саноат корхоналар хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қурилган иншоотлар сифатида қараб, хulosса чиқарилади.

Саноат иншоотларининг сейсмик тўлқинлар таъсирига чидамлилик даражасини баҳолашда, унинг элементларида (цех, участка, тизим) чиқарилаётган маҳсулот, иншоотлар ҳар қайси элементларнинг омиллари таъсирида (босим, тўлқинлар) ўртача бузилишга чидамлилигига қараб иншоотни бутун ўзини чидамлиги ҳақида хulosса чиқарилади.

Одатда сейсмик тўлқинлар таъсирида бузилган иншоот ва унинг элементларини қисқа вақт ичидаги ҳамда иқтисодий жиҳатидан қулай даражада тиклаш, ўша иншоот чидамлилигини оширишнинг энг қулай йўли ҳисобланади.

Юқорида айтилган услублар асосида ёруғлик нурланиш, ўтувчи радиация ва бошқа таъсир факторлари таъсирида ҳам иншоот ва унинг элементларининг барқарорлигини (чидамлилигини) ҳам аниқлаш мумкин ва барқарор ишлашини таъминлаш имконияти яратилади. Жумладан, ( $\gamma$ ) нури таъсирида иншоотларни чидамлилиги, шу объектга келадиган максимал ( $\gamma$ ) нур дозаси, объектдаги одамларнинг шикастланиш даражаси, асбоб-ускуна, жиҳозларнинг бузилиши ва бошқа таъсирлар орқали ўша иншоотларнинг чидамлилиги баҳоланади.

Агар тўлқин зарбасида ҳосил бўладиган ортиқча босим қиймати, ўша иншоотни чидамлилик (30-50 КПА атрофида) даражасида бўлса, у ҳолда 0,5-1 МТ қурол портлатилганда ҳам ўтувчи нур қиймати кичик бўлади (5-20 рад. дан ошмайди). Бундай ҳолатда ўша ишлаб чиқариш иншооти ва унинг фаолиятига у деярли таъсир этмайди.

## **Халқ хўжалиги тармоқларининг барқарор ишлашини ошириш омиллари**

Тинчлик даврида ишлаб чиқарувчи ва ишлаб чиқармайдиган иншоотларнинг барқарорлигини ошириш қўйидаги омиллардан иборат:

- Ядро қуролларининг бирламчи ва иккиласмачи таъсирларидан, ҳамда табиий оғат, ишлаб чиқариш авариялари ва фожиаларидан ишчи-хизматчилар, муҳандис-техник ходимларни мухофаза қилиш;
- Моддий техниканинг ишончли таъминотини бошқариш;
- Иншоотларни ёруғликдан беркитиш;

• Фавқулодда вазиятда шикастланган ишлаб чиқаришни тиклаш ва уни алоҳида иш режимига ўтказиш.

Шуларнинг ичидаги ишчи ва хизматчиларни муҳофаза қилишнинг энг ишончли омили, бу ҳалқ ҳўжалиги тармоқларидаги иншоотлар чидамлилигини ошириш ҳисобланади. Шу мақсадда ҳимоя иншоотлари тайёрланади. Бунда ишлаб чиқаришларда кўп вақт бўладиган фуқаролар — бошпаналарда, хавфсиз ҳудудда бўладиганлар эса РСБда ҳимояланадилар.

Ўзлуксиз ишлайдиган ишлаб чиқариш жойларида шахсий ҳимояловчи — бошпаналар қурилиб, бунда технологик жараёнлар шу иншоотлардан туриб бошқарилади. Булардан ташқари муҳофазага тайёрланишнинг энг муҳим элементларидан бири, бу ишчи ва хизматчиларни муҳофазаланиш қоида ва усувларини қўллаши, ҳар қандай фавқулодда вазиятларда тузилмалар таркибида кутқарув ҳамда тиклаш ишларida ҳаракат қилиш ҳисобланади. Муҳандис-техник комплексларни муҳофаза қилиш деганда ишлаб чиқаришнинг моддий асосларини сақлаш, унинг иншоотларини, технологик жиҳозларини, асбоб-ускуналарини ҳамда коммунал-энергетик тармоқларини сақлаш тушунилади.



Объектдаги иншоотлар, қурилмалар бир-биридан узокроқ масофада, яъни энг баланд иншоотнинг бўйига нисбатан иккни баравар масофада қурилиши керак. Бу эса ёнгинга қарши масофа ҳисобланади. Мана шундай қурилмаларнинг энг асосий ишлаб чиқариш иншоотлари пастроқ баландликда қурилиб, улар металли ёки темир-бетон каркаслардан тайёрланиши лозим.

Гишти иншоотларда бўлмалар армирланган бетон плиталари орқали беркитилиши лозим. Енгил ёнувчан моддаларни (бензин, керосин, мазут) сақловчи захира хоналари, ишлаб чиқариш корпусларидан узокроқда, ерга яқинроқ қилиб (чуқурроқ жойларда) қурилиши керак.

Бирор объекtnинг чидамлилиги, у ердаги иншоотлар ва қурилмаларнинг чидамлилик даражасига боғлиқ. Одатда, иншоотларнинг чидамлилиги: каркас, ром, тиргович, хавон ва бошқа йўллар орқали оширилади (11-расм).

Баланд бўлмаган қурилмаларнинг мустаҳкамлигини оширишда, ўша иморатнинг атрофини тупроқ билан тўлдириш муҳим ҳисобланади (12-расм).

Жуда баланд иншоотларнинг (қувурлар, миноралар ва бошқаларни) мустаҳкамлигини оширишда, уларни ҳар тарафдан тортиб кўйиш усули қўлланилади (13-расм).




**11-расм. Ерости иншоотларининг барқарорлигини ошириш:**


1 — ертўла; 2 — устун; 3 — тўсин; 4 — иншоотнинг биринчи қавати.

**12-расм. Ярим ерости иншоотларини тупроқ билан тўлдириш:**

1—девор; 2—бўлма; 3—тўлдирилган тупроқ.




**13-расм. Баланд иншоотларни тортичлар билан маҳкамлаш:**  
а — труба; б — металли иншоот.



**14-расм. КТЗМ солинган идишларни ўраш:**  
1 — КТЗМ солинган идиш; 2 — тупроқли ўрам.

Енгил ёнувчан, зағарлы моддалар сақланадиган омборларни (идишларни) сақлашда, шу идиш ичидағи суюқлик сифадиган даражада идиш атрофида түпроқ билан тұсиқ ҳосил қилинади (14-расм).

Технологик жиқозлар, асбоб-ускуналар ва бошқаларнинг барқарорлигини, мустаҳкамлигини оширишда, шу асбоб-ускуналар жойлаштирилген курилмалар, мосламалар қуриш орқали мұхомафаза қилинади. Бундай мосламалар сифатида ниқоблар, камералар, зонтлар ва бошқалар құлланилиб уларнинг ичига үрнатылғанда жиқозлар иншоот бўлакларидан сақланади (15-расм).



15-расм. Ноёб техникаларни ҳимояловчи жиқозлар:  
а — камера; б — шатр; в — йиғилувчан қопламалар; г — зонтлар.

Технологик жиқозларни мустаҳкамлигини ошириш учун уларни аввало бу мосламалардан ташқари бирор мустаҳкам асосга (фундаментга) маҳкамлаб қўйиш зарур ҳамда уларни иложи борича иншоотларнинг пастки қаватига ёки ертўлаларга жойлаштириш қулай ҳисобланади.

Тармоқларни (объектларни) электр таъминоти билан таъминлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бунда электр таъминоти иккى йўналишида ташкиллаштирилади, ҳар қандай вазиятда ҳам объектнинг барқарор ишлшини таъминлаш имконияти яратилади. Албатта, электр таъминоти жиқозлари, асбоблари ядрорий қуролларнинг электромагнит импулсларидан ҳимояланган бўлиши лозим.

- Объектларни газ, сув билан таъминлаш ҳам алоҳида эътиборда бўлиши лозим. Бирорта авария ҳолати юз берадиган бўлса, тўхтатиш имкониятлари ҳисобга олинган бўлиши зарур.

Сув таъминотида иккита манба орқали: асосий ва қўшимча таъминлагичлардан фойдаланилади. Булардан бирида ер ости сувлари ишлатилади. Худди шунга ўхшаш буғ ва иссиқлик таъминоти ҳам обьектларни барқарор ишлашини таъминлашга таъсир этади. Саноат обьектлари икки хил манбадан иссиқлик олади: 1 — ташқи — ИЭСлар; 2 — ички — ўз қозонхоналаридан. Юқорида айтилган омиллардан ташқари обьектлар барқарорлигини оширишда қўшимча омиллар ҳам қўлланилади. Жумладан: 1) Айнан обьект худудида портловчи, ёнувчан ва тез таъсир этувчи моддаларнинг микдорини камайтириш;

2) Меъёридан кўп бўлган юқоридаги моддаларни хавфсиз жойларга тарқатиш.

Кимёвий корхоналарда КТЗМга қарши ишлатиладиган дегазация моддалари: ишқор, аммиакли сув, натрий сулфид ва бошқалар сақланиши зарур. Яна цехларга бирор фавқулодда вазиятларда (авария, портлаш, газ чиқиб кетиши ва бошқа ҳолатларда) ишлатиладиган автоматик сигналлар ўрнатилиши зарур. Булардан ташқари узлуксиз бошқаришни ташкил этиш ва уни ҳимоялаш ишлари ташкиллаштирилиши лозим. Бунда АТС, радиоузел, диспетчер пункти, аккумулятор зарядлайдиган электростанция ва бошқалар кўзда тутилади.

**Объектларда моддий техника ҳолатини ишончли таъминлашда қўйидаги омиллар муҳим ўрин тутади:**

- тайёр маҳсулотларни сақлайдиган омборларни тайёрлаш;
- обьектда ҳом ашё, ёқилги, жиҳозлар, керакли материалларни етарли таъминлаш;
- таъминловчи корхоналар билан узвий алоқани боғлаш;
- корхона филиалларини бошқа жойларда қуриш ва бошқа омиллар.

Халқ хўжалиги тармоқларининг ёруғлигини маскировка қилиш омилида қўйидаги ишлар амалга оширилади. Масалан, обьектнинг ҳамма иншоотлари, аҳоли яшайдиган пунктлар ёруғлигини ўчириш, ишлаб чиқариш ва транспорт воситаларининг сигналларини камайтириш, маскировка қилувчи (ёлғондакам воситаларни қўллаш) усуллари қўлланилади

Шикастланган обьектларни тиклаш омилларида биринчи навбатда қилинадиган ишлар ўша корхонанинг ўз моддий ресурслари орқали, ўз кучи билан амалга ошириш, имконият даражасида иш хоналарини ва жиҳозларни қайтадан таъмирлаб, ишга тушириш ва бошқа вазифалар бажарилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳалқ хўжалиги тармоқларининг барқарор ишлашини таъминлаш ва уларнинг чидамлилигини, мустаҳкамлигини ошириш омилларини ташкилий равишда ўз вақтида амалга оширишда олдиндан тузилган режага амал қилинади. Шундагина ҳар қандай фавқулодда вазиятларда ҳалқ хўжалиги тармоқларининг барқарор ишлашини таъминлаган бўламиз.

**Мавзуни ўзлаштириш учун зарур бўлган таянч сўз ва иборалар:**

1. Ҳалқ хўжалиги тармоқларининг барқарорлиги;
2. Иншоотларнинг барқарорлигини ошириш;
3. Технологик жиҳозлар барқарорлигини ошириш;
4. Тармоқларнинг барқарорлигини ошириш.

**Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Ҳалқ хўжалиги тармоқларининг барқарорлиги нималардан иборат?
2. Ҳалқ хўжалиги тармоқларининг узуксиз ишлашига таъсир этадиган омилларни айтинг.
3. Фавқулодда вазиятларда ҳалқ хўжалиги тармоқларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш услубларини айтинг.
4. Фавқулодда вазиятларда ҳалқ хўжалиги тармоқларининг барқарорлигини ошириш усусларини тушунтириинг.

## **IX БОБ**

### **АҲОЛИНИ, ФВДТ КУЧ ВА ВОСИТАЛАРИНИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРГА ТАЙЁРЛАШ**

Маълумки, фуқаро муҳофазасининг энг муҳим вазифаларидан бири, аҳолини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамасининг 1998 йил 7 ноябрдаги 427-сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш тартиби тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Қарорда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлашни ҳамма корхоналарда, муассасаларда (шу жумладан, таълим муассасаларида ҳам) ва ташкилотларда, шунингдек, яшаш жойларида ўтказилиши кўрсатиб ўтилган (иловага қаранг).

#### **Аҳолини, ФВДТ куч ва воситаларини ФВ руҳида муҳофазага тайёрлаш**

Фуқароларнинг ФМ бўйича ўқитиш — аҳолини душманнинг замонавий қуроллари таъсиридан, табиий оғатлар, авария ва фожиа оқибатларидан ҳимояланишга тайёрлашнинг асосий тадбирларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ўқитиш ФМнинг бошлиғи ва унинг штаблари кўрсатмаси, шунингдек, фуқаро муҳофазаси масалалари билан шугулланувчи ҳудудий ҳамда ишлаб чиқариш йўналиши бўйича тузилган юқори ташкилоти ФМнинг маъсулиятли бошлиқлари қарори, буйруғи асосида ташкил этилади ва олиб борилади. Ишчи-хизматчиларни ФМга ўқитиш ҳар бир хўжалик объектининг бошлиғига юкланди.

ФМ штаби ўқитиш тадбирларини ташкил этади, таъминлайди ва раҳбарлик қилади, ўз вақтида ўқишларни, амалий машгулотларни олиб борилишини назоратга олади.

Объектда бажариладиган вазифаларга қараб ФМ йўналишида фуқаролар қўйидаги тоифалар бўйича ўқитилади:

- ФМнинг раҳбар таркиблари;
- ФМ тузилмаларига киравчи фуқаролар;
- ФМ тузилмаларига кирмайдиган фуқаролар.

Ишлаб чиқариш ва объект ФМ режасида юрсатилган тадбирларни ҳисобга олган ҳолда ҳар бир тоифа шахсларини маълум дастур асосида ўқитиш мақсадга мувофиқдир.

## 2 ФМга ўқитишнинг тамойиллари ва услублари:

Табиий оғатлар, авария ва фожия оқибатларини тутатиш бўйича тўплланган тажрибалар, фуқаро муҳофазасидан олинган назарий билимлар, юқорида таъкидланган ФВларда, фуқароларни онгли равишда тез, қатъян ҳаракат қилишга, халқ хўжалиги тармоқларини тезда қайта тиклаб, уни ишга тушириб юборишга ва талафот кўрганларга ўз вақтида керакли ёрдамларни юрсата олишга ўргатади. Албатта, бу вазифалар, табиий оғатлар, авария ва талафотларнинг табиити, тавсифи, келиб чиқиш сабаблари ва уларни келтирадиган оқибатларини чукур ўрганиш натижасидагина амалга оширилади. Шу сабабдан фуқаро муҳофазаси ходимлари олдига жуда катта маъсулият (ҳарбий даврда ҳам, тинчлик даврида ҳам) — фуқароларни ФВлар руҳида ўқитиш вазифаси қўйилади.

Ҳамма катта ёшдаги одамлар, жумладан, ишлаб чиқаришда иштирок этмайдиганлар ҳам фуқаролар муҳофазасини ўрганиши керак. Албатта, бунда, халқни ФМсига тайёрлашда, тинчлик даврида бўладиган ФВ оқибатларини тутатиш йўл-йўриқномаларига йўналтирилиши лозим.

Айниқса, ҳозирги даврда республикамида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар шароитида халқни ФМга тайёрлаш янгича тартибда ўқитишни тақозо этмоқда. Чунки бугунги кунга келиб, халқимизни ФМга ўқитишнинг вазифалари ҳам, услублари ҳам ўзгарди.

Янги тизимда ўқитишнинг асосий тамойиллари куйидагилардан иборат:

1. Ўқитишни ташкил этишининг дифференция услуби;
2. Корхона ФМ бошлиғи ўз қўл остидаги ходимларини ўқитишда ФМ бўйича мустақил равишда ўтиладиган дарс мавзуларини ва дарс ўтиш тартибларини ўзи белгилаши;
3. Ўз корхонасининг хусусиятларини кўзлаган ҳолда, ишлаб чиқаришга мумкин қадар зарар бермайдиган, қисқа вақтда дарс ўтишнинг шакл ва услубларини танлаши;
4. Ўзи яшаётган жойнинг табиий, иқлим шароитини ҳисобга олиб, табиий оғат, авария ва фожиалар йўналишида ўқитишни ташкил этиши;

5. ФМ вазифаларини ишлаб чиқариш режалари билан биргаликда ҳал этиш ва бошқалар.

3) Халқни ФМга ўқитиш — ўқув юртларида, иш жойларида ва яшаш масқанларида ташкил этилади. Аҳолини ФМга ўқитиш сиғати түғри қўлланган ўқитиш шакли ва услубларига боғлиқдир. Уқитиш шакллари ўқиш жараёнининг ташкилий томонини ифодалайди. Масалан, машғулотларининг тузилишини ва уни олиб бориш жойини, вақтини, муддатини, машғулот раҳбарлари ҳамда ўқиётганларнинг иш фаолиятини, унинг малакасини, мутахассислигини назарга олиш керак. Ўқитиш шакллари қўйидаги асосий гуруҳларга: синф машғулотлари, дала машғулотлари, машқлар, маҳсус-тактик ўқиш, командир ва штаб бошлиқларини ўқитиш ҳамда ҳар тарафлама (комплекс) ўқишиларга бўлинади.

Ўргатиш усулида машғулот раҳбари ўрганувчиларнинг билим, малака ва маҳоратига суюниб, ФМ вазифаларини бажариш учун ақлий ва жисмоний шакллантиради. Аҳолини ФМси бўйича ўқитишда ҳар хил ўқув услублари қўлланилади. Чунончи:

- ◆ ўқув материалини баён этиш (маъруза, ҳикоя, тушунтириш);
- ◆ кўрсатиш, намойиш этиш, ўрганувчиларга шахсан ФМ бўлинмаларининг ҳаракатларини диафильм ва кинофильмлар орқали кўрсатиш;
- ◆ машқлар (аҳолини қирғин қуроллар ҳамда радиоактив, кимёвий моддалар таъсирларидан ҳимоя қилиш меъёрларини амалий ўқитиш);
- ◆ амалий машғулот (маҳсус жиҳозланган хоналарда, марказларда, шаҳарчаларда, техникада, асбобларда).

Шуни назарда тутиш керакки, ўқитишнинг шакл ва услублари бир-биридан ажралмаган ҳолда ўзаро диалектик узилмас алоқада бўлиши талаб этилади.

Аҳолини ФМ бўйича ўқитишда энг самара берадиган услублардан бири — бу амалий машғулотdir. У аҳоли томонидан, у ёки бу усулларни бажаришда кўникмалар ҳосил қилиш ва малакасини ошириш учун мўлжалланган ҳимоя иншоотлари ва якка тартибда сақловчи воситалардан амалий фойдаланиш, радиациявий ва кимёвий разведка асбоблари билан ишлаш, нурланиш ва радиоактив заарланишни назорат қилиш ҳамда табиий оғатлар, ишлаб чиқариш авариялари, фожиа оқибатларини тугатиш, аҳолини замонавий қирғин қуролларидан ҳимоя қилишда уларни амалий ишлашга ўргатадиган меъёрларни ишлаб чиқишидир. Машғулотлар пайтида асосий диққат-эътибор маънавий-ижтимоий ва

психологик тайёрлашга, аҳолида ФМ чора тадбирлари самарасини ва унга ишонч ҳосил қилиш кераклигини, таълим-тарбия, интизом, матонат ва ўз бурчини энг муракқаб ҳамда даҳшатли шароитда ҳам бажаришга сафарбар этишга қаратилган бўлиши керак.

Республикамиз аҳолисини ФВлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш 4 гуруҳга бўлинган ҳолда амалга оширилади:

а) ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида банд бўлган аҳоли, идоравий бўйсунишидан, ташкилий-хукуқий шаклларидан қатъи назар олий ва ўрта маҳсус касб-хунар таълими муассасаларининг талаба ва ўқувчилари;

б) ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида банд бўлмаган аҳоли (ногиронлар, уй бекалари, нафақаҳўрлар);

в) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, вазирликлар, идоралар, мулкчилик шаклларидан қатъи назар бирлашмалар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар мутасаддилари ҳамда ФВдан муҳофаза қилиш мутахассислари;

г) ФВлардан муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этиш ваколатига эга бўлган давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ҳазматчилари, вазирликлар, идоралар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарлари.

Фуқароларни ФВлардан муҳофаза қилиш соҳаси бўйича тайёрлашнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Аҳолининг барча қатламларини ФВдан муҳофаза қилиш қоидаларининг асосий усусларини, жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш усусларини ҳамда ҳимоя иншоотларидан ва якка тартибда шахсий сақловчи воситаларидан фойдаланиш қоидаларини ўрганиш;

2. Бошқарувнинг барча поғонадаги раҳбарларини, аҳолини ФВлардан муҳофаза этиш бўйича ҳаракат қилишга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

3. Давлат ҳокимияти, бошқарув органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарлари ва мутахассислар қутқарув ва бирламчи тиклов ишларини ўтказиши. ҚБТИ учун ФМ куч ва воситаларини тайёрлаш, уларнинг боянқариш кўнникмаларини ҳосил қилиш.

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида банд бўлган аҳолини тайёрлаш, иш жойларида машғулотлар ўтказиш ва тавсия қилинадиган дастурларга мувофиқ ФВда ҳаракат қилишни

мустақил равишда ўрганиш кейинчалик мустақамлаш йўли билан амалга оширилади.

Умумий ўрта, ўрта маҳсус касб-хунар ва олий таълим ўқув юртларининг талаба ва ўқувчиларини тайёрлаш, ФВларда муҳофиза фаза қилиш соҳасидаги умумтаълим дастурига мувофиқ ўқиш вақтида амалга оширилади. Дастурлар Ўзбекистон Республикаси ФВВ билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамкорлигига тайёрланади ва тасдиқланади.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, вазирликлар, идоралар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари ва мутахассислари Ўзбекистон Республикаси ФВВ Фуқаро муҳофазаси институтида 40 ва 80 соатли машғулотларни ўтадилар. Шунингдек, ўқувлар ҳарбийлаштирилмаган қўшилмаларнинг раҳбар бошликлари таркиби ҳарбийлаштирилган авария-қутқарув ва доимий тайёр маҳсус қўшилмалар таркибидаги корхона, муассаса ва ташкилотлар ходимлари ФВлар бўйича раҳбарлар таркибини тайёрлаш марказларида, шу билан бирга ўқув машқлари, машғулотлар ўтказиладиган масканларда олиб борилади.

Ҳарбийлаштирилмаган қўшилмалар таркибидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ходимлари бевосита иш жойларида тайёргарлиқдан ўтадилар.

## **Фуқаролар муҳофазасининг амалий машғулотларини тайёрлаш ва ўтказиш**

Раҳбарлар таркибини, тузилмалар ва аҳолини ўқитишда уларни амалий машғулотларга жалб қилиш катта аҳамиятга эга. Амалий машғулотлар раҳбарлар таркибини, ФМ кучларини ва аҳолини ФМ вазифаларини бажаришга тайёрлашнинг юқори ва фаол шакли ҳисобланади. Амалий машғулотларда тузилмаларга кирган фуқароларнинг аниқ ва тартибли ҳаракатлари, турли хил жиҳозлар, асбоб-ускуналар, техникалардан фойдаланиш услублари ўрганилади, алоқа ва тузилмаларни бошқариш масалалари ишлаб чиқилади.

ФМнинг амалий машғулотларини замон талбларига мос ҳолда ўтказиш, фуқароларни душман томонидан кўлланиладиган замонавий қурол воситаларидан, шунингдек, ҳудудимизда кузатиладиган табиий оғатлар, ишлаб чиқариш авариялари ва фожиалар оқибатларидан муҳофаза қилиш, одамларда маънавий-ижтимоий

ва психологик сифатларни тарбиялаш, объектларни узлуксиз фолият кўрсатишини таъминлаш, қутқарув ва тиклов ишларини амалга ошириш бўйича билимларини, қобилиятларини ошириш имконини беради.

ФВДТда ФМнинг қуидаги амалий машғулотлари ташкил этилади ва ўтказилади:

1. Шахсий таркиб учун махсус-тактик машғулотлар;
2. Раҳбар таркиб учун штаб-команда машғулотлари;
3. Ўқитилаётган ҳамма тоифадагилар учун комплекс машғулотлар.

Махсус тактик амалий машғулоти тузилмаларнинг олдига кўйилган вазифаларни бажаришга ўргатишдан иборат. Бундай машғулотларда ҳар қандай ФВнинг (ҳарбий даврда ҳам, тинчлик даврда ҳам) оқибатларини тугатиш, аҳолини ва ишлаб чиқариш тармоқларини муҳофаза қилиш чоралари кўрилади ва ўтказилади ҳамда командир-бошлиқ таркибининг амалий маҳорати такомиллаштирилади.

Тузилмалар махсус-тактик машғулотларда ўз объектларининг моддий-ўқув базаларидан: ҳар хил қурилмаларидан, жамоавий ҳимоя воситаларидан фойдаланадилар.

**Махсус тактик амалий машғулотларга тайёрлаш.** Машғулотни режалашибтириш, машғулотларга ўз вақтида ва ҳар томонлама режага мувофиқ ҳолда тайёрланиш лозим.

Машғулот раҳбарининг кўрсатмалари асосида машғулот ўтказиш режаси, ташкилий кўрсатмалар, ўринбосарларнинг хусусий режалари ва бошқа зарурий ҳужжатлар ишлаб чиқиласди. Махсус-тактик амалий машғулотнинг асосий ўқув-услубий ҳужжати амалий машғулот режаси ҳисобланади, унда машғулотнинг бориши, ўқув саволларининг изчилиги, машғулотлар босқичлар бўйича акс эттирилади.

Махсус тактик машғулотнинг режаси матн бўйича ишлаб чиқиласди ва қуидагиларни: мавзууни, ҳар бир тоифа ўқувчилари учун ўқув мақсадлари, машғулот ўтказиш вақти, ўқув машғулотига жалб қилинадиган бўлинмаларнинг таркиби, техникалар сони ва сарф бўлиш меъёrlари, машғулотнинг босқичлари, уларнинг давомийлиги ва ўқув саволлари, тактик шароит, кучларни гурӯҳлаш, бошқариш масканларининг жойлашган ери, замонавий куроллар қўлланилгандан кейин объектдаги ҳолат, ФМ бошлиқларининг қарорлари ва ходимларнинг вазифаларини ўз ичига олади. Махсус-тактик машғулотнинг яхши ишлаб чиқилган режаси ва бошқа ҳужжатлари, унинг муваффақиятли ўтишига имкон беради.

**Машғулотни ўтказиш.** Машғулот тузилмалар доимий жойлашган жоида бевосита ёки тўсатдан «Огоҳлантириш» ишораси бўйича бошланиши мумкин. Бунинг учун шахсий таркибга хабар бериш ва йигиши, техникаларни олиб чиқиш ва уларни ишга тайёргарлигини текшириш керак.

Тузилмаларнинг бошлиқларига тактик вазифани текшириш тавсия этилади: бунда вазифани англаб олиш, шароитни баҳолаш, қарор қабул қилиш, қўл остидагиларга вазифалар қўйиш ва уларнинг ҳаракатларини ташкил этиш учун зарурий вақт берилади. Машғулот раҳбари тузилмалар бошлиқларининг қарорларини тинглайди ва тасдиқлайди, керак бўлган пайитда шароитни чукурроқ мушоҳада этиб, улар ёрдамида энг мақсадга мувофиқ қарор қабул қиласди.

Машғулот раҳбари шахсан ва ўз ёрдамчилари орқали обьектдаги радиациявий, кимёвий, биологик ҳолатнинг ўзгаришини, одамлар, техникани ишдан чиқишини кўзда тутган ҳолда машғулотларни кучайтириб борадилар. Машғулот раҳбари шароитга қараб тузилма бошлиқларидан янги қарорлар, буйруқлар қабул қилишга, қўл остидагиларга янги вазифалар қўйишга ва улардан ўзига хос ҳаракатлар қилишга эришади. Тузилмалардаги фуқаролар асбоб-ускунада, техникада ва механизмларда ўз мутахассислиги бўйича амалий вазифаларни бажарадилар. Машғулотлар тузилмаларни шикастланиш ўчоридан олиб чиқиш, фуқароларни тиббий, техникани эса маҳсус ишловдан ўтказиш билан тугалланади. Сўнгра маҳсус тактик машғулотлар таҳлил қилинади.

**Команда-штаб машғулотлари** — ФВДТнинг штаб бошлиқларини, ФМ хизмат бошлиқларини, обьектларнинг команда-бошлиқлар таркибини ўз функционал бурчларини бажаришга, биргаликда тайёрлашнинг асосий шаклларидан бириди.

Команда-штаб машғулотининг мақсадлари ҳар хил бўлиши мумкин. Булардан асосийлари: раҳбарларни ва команда бошлиқларининг обьект ФМ тадбирларини бажаришда назарий билимини ва амалий маҳоратини ошириш, ходимлар, тузилмалар ва қўшинилар билан ўзаро ҳаракат қилишини таъминлашдан иборат.

**Команда-штаб** машғулотлари аниқ тактик шароитга яқинлаштирилиб олиб борилади. Машғулот мавзуси ва ўқув саволлари одатда олдинда турган ҳар тарафлама машғулотнинг мавзуси билан боғланган бўлади.

Команда-штаб машғулотларидан олдин штаб машқларни ўтказиш тавсия этилади. Уларнинг сонини ва олиб бориш вақтини

**Объект ФМ бошлиғи команда-штаб машғулотлари олдида турған мақсадға ҳамда раҳбар таркиби ва бошқариш органларининг тайёрланиш даражасига қараб аниқлады.**

Машғулотларга разведка, алоқа бўлинмалари, жамоат тартибини сақлаш, санитар-дружиналар, шунингдек, умумий вазифаларни бажарувчи тузилмалар ҳам жалб этилиши мумкин.

Объект ФМ бошлиғи команда-штаб машғулотининг раҳбари ҳисобланади. Команда-штаб ўкув машқлари вилоятлар, Тошкент шаҳар давлат хокимияти ва бошқарув органларида (3 сутка давом этади) 5 йилда бир марта, шаҳар ва туманларда 3 йилда бир марта ўтказилади. Команда-штаб машқлари ёки машғулотлар вазирликлар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда 1 йилда бир марта (1 сутка) ўтказилади.

**Комплекс(ҳар тарафлама) машғулот** — объективни тайёрлашнинг муҳим шакларидан бўлиб, у ФМ бўйича ўрнатилган айланмани амалга ошириш билан тугайди.

Комплекс машғулотнинг моҳияти шундан иборатки, унинг ҳамма қатнашчилари бир вақтда ягона тактик шароитда, моддий ишлаб чиқариш базасида ҳаракат қилиб, объектив режасида қўзда тутилган ишлаб чиқариш фаолиятини тўхтатмасдан амалга оширади.

Одатда машғулотда: объектив ФМ режасининг реаллиги; ФМ тадбирларини амалга оширишга объективнинг тайёргарлик даражаси ва душман томонидан қўлланилган замонавий қуроллар асоратларини, шунингдек, табиий оғатлар, ишлаб чиқариш авария ва ҳалокатларининг оқибатларини тутатиш бўйича тадбирлар ўтказилишига эътибор берилади; объективнинг фавқулоддаги вазиятлар пайтида узлуксиз ишлаш йўли ва усуслари текшириб кўрилади.

Комплекс машғулотнинг мақсадлари қўйидагича бўлиши мумкин: объективни ҳар қандай ФВларда ҳар томонлама тўхтовсиз ишлашга тайёрлаш, тузилмалар тузиш, бошқариш, ҳамма соҳа фуқароларини тайёрлаш, раҳбар ва команда-бошлиқ таркибда ФМ тадбирларини ўтказишда аниқ ва мустақил кўнгилмаларни ишлаб чиқиш, фуқароларни турли хил таъсиrlардан ҳимоя қилиш усуларига ўргатиш, ФВлар оқибатларини тутатиш бўйича ишларни олиб боришга тайёрлаш, объектив ФМ режаси реаллигини текшириш ва ҳозирги талабга мос ҳолга келтириш, ФМ масалаларини бажаришга объективнинг тайёргарлик даражасини аниқлаш, объектив шахсий таркибда маънавий-ижтимоий ва психологик ҳислатни тарбиялаш талаб этилади.

**ФМнинг ҳамма комплекс машғулот тадбирлари, хўжалик фолиятларини ҳисобга олган ҳолда ўтказиш учун имконият беради.** Машғулот раҳбари одатда, объект ФМнинг бошлиғи ҳисобланади, айрим ҳолларда унинг ёрдамчилари ҳам бўлиши мумкин. Машғулотларга ҳамма раҳбар ва команда бошлиқлари, тузилмалар, тузилмаларга кирмайдиган фуқаролар ҳам жалб этилиши мумкин.

Тузилмалар мъалум босқичларда ўз вазифаларини бажарадилар, раҳбар ходимлар ва команда-бошлиқ таркиблари эса ҳар бир машғулотларда иштирок этадилар. Ҳар тарафлама машғулотларда шундай мураккаб динамик ҳолатни яратиш керакки, улар заарланиш ўчоқларини ва заҳарланган ҳудудларни ифода этиб, қатнашчилар эпчиллик, моҳирлик, далиллик ва эҳтиёткорликни намоён этсин.

Машғулотлар давомида раҳбар, команда-бошлиқ таркиблари, ва ФМ кучларини ташкил этишни, тузилмалар эса кучли радиоактив, кимёвий, биологик заарланишда ва кучли ёнгинларда ҳаракат қилишни ўрганадилар. Машғулотларда шаблонга йўл қўймаслик, такомиллаштирилган ўқув усулларини татбиқ этиш, ўқиётганларнинг ҳаракатларидағи сусткашликни, хотиржамликни кескин тутатиш ва соддаликка йўл қўймаслик керак.

Комплекс машғулотлар З йилда бир марта, 3 кун давомида ўтказилади. Цехлар, бўлимлар, участкалар ва бошқа қисмлар машғулотларда бир вақтда иштирок этмайдилар, ўқув режасига мувофиқ улар маҳсус вазифаларни бажаришга кетма-кет киришадилар.

Комплекс машғулотларни ташкил этишда ва уни ўтказиша штаб раҳбарлари, машғулотга жалб қилинган ҳамма фуқароларнинг тайёргарликларини ташкиллаштириши; уларнинг тайёргарлигини текшириши, шу билан бирга хавфсизлигини таъминлаши керак бўладиган ўқув-услубий ҳужжатларни ишлаб чиқиши лозим. Шунингдек, ўқув ва ишлаб чиқариш базасини тайёрлаши, ҚБТИ ўтказиш учун янги усулларни қидириб топиши, қўллаши; ҳар хил шароитларда техникалардан фойдаланиш ҳамда уларнинг самарали ишлашини назорат қилиши ҳамда шахсий ва жамоат ресурсларини яроқсиз ҳолатга келишига йўл қўймаслик ҳамда юқори савияда бажарилган машғулот бўйича ҳисобот тайёрлаши лозим.

Комплекс машғулотлар З та асосий кўрсаткичга эга бўлиши керак:

1. ФМ масалаларини түлиқ, ҳар томонлама ўрганиш, яньни огохлантириш белгисидан (ишорасидан) тортиб, то амалий машгулотни тутатишгача бўлган масалалар;

2. Комплекс машгулотда, обьектда фаолият кўрсатувчи жами фуқаролар тайёрланади;

3. Комплекс машгулотда, муҳофазага тайёрлашнинг жами шакл ва услублари кўлланилади.

300 кишидан ортиқ фуқаролари бўлган корхона, ташкилотларда ҳамда 600 дан ортиқ касаллар жойи бўлган тиббий ташкилотларда 3 йилда бир марта (2 суткагача), бошқа ташкилотларда 3 йилда бир марта обьект тренировкалари (6 соаттагача) ўтказилади.

Умумий ўрта, ўрта маҳсус касб-хунар ва олий таълим мұассасалари талаба ва ўқувчилари билан ҳар тарафлама машгулотлар ҳар йили ўтказилади.

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида банд бўлмаган аҳолини тайёрлаш ФВлардан муҳофазалаш масалалари бўйича сұхбатлар, маъruzalар ўтказиш, ўқув фильмларни кўрсатиш, яшаш жойларида ўқув машқлари ва машгулотларга жалб этиш, шунингдек, кўлланма ва эслатмаларни мустақил ўрганиш, радио эшитиришларини тинглаш, теледастурларни, кўргазмали куролларни кўрсатиш ва бошқа омиллар кўлланилади.

**Машгулотга тайёрланиш.** Комплекс машгулотни муваффақиятли ўтказиш, кўп жиҳатдан унга қанчалик тайёргарлик кўрилганлигига боғлиқ. Машгулотларга тайёргарлик кўриш обьект ФМ режасини ҳисобга олган ҳолда уни ташкилий штатлар тузилиши, материал ишлаб чиқариш хусусияти, ҳудудий жойлашганлиги, ФМ ҳолати ва бошқа фактларга амал қилган ҳолда олиб борилади. Машгулотни тайёрлаш, ташкил этиш ва уни ўтказишга машгулот раҳбари шахсан жавоб беради.

Машгулотга олдиндан ва ҳар тарафлама тайёрланиш лозим. Машгулот раҳбари машгулотнинг мавзусини, ўқув мақсадини, ўқув саволлари ва босқынчларини, команда-бошлиқ таркибларининг сонларини, тузилмалар, жами машгулотга жалб этилганларнинг сони, машгулот режасини асосий ҳолатларини ишлаб чиқиш, материал, техник жиҳозлар билан таъминланганликларини аниқлашлари лозим. Машгулотга жалб этилган шахсий таркиблар ФМга ўқитиш давомида тайёрланади. Раҳбарлар, команда-бошлиқ таркиблари, штаблар, тузилмаларнинг олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажариши учун маҳсус-тактик, бошқа қолган қатнашчилар билан эса амалий машгулотлар олиб борилади.

**Комплекс машгулотларни ўтказиш учун қуйидаги ҳужжаттар: машгулот ўтказиш режаси; машгулот раҳбарларининг ўринбосарлари ва ёрдамчиларининг хусусий режалари; машгулотда хавфсизлик чоралари кўриш тартиблари ишлаб чиқилади.**

**Машгулот ўтказиш режаси — асосий ҳужжатдир.** Унда машгулотнинг бориши, машгулотлар босқичлари бўйича ўкув саволлари тузилади, харита, жадвал, мундарижалардан фойдаланилган ҳолда матн режаси ишлаб чиқилади. Мавзулар, ўкув мақсади ва машгулотни ўтказиш вақти, машгулотга жалб этилган қатнашувчилярнинг таркиби, машгулотнинг босқичлари, давомийлиги, ўкув саволлари ва уларни ишлаб чиқиш вақти; дастлабки бошланғич ҳолат, кучларни гуруҳлаш, бошқаришнинг жойи, машгулотнинг бориши, тамом бўлиш муддати ва таҳлил қилиш муддати ҳамда жойи кўрсатилади.

Машгулот режаси штаб бошлиқлари томонидан ишлаб чиқи-либ, унинг бошланишига икки хафта қолгунча машгулот раҳбарлари томонидан тасдиқланиши керак. Машгулот раҳбарлари, ўринбосарлари ва ёрдамчиларнинг шахсий режалари матн ёки график бўйича тузилиши мумкин ва унда: машгулотнинг мавзуси, тузилмаларга мувофиқ ўкув мақсади, ўқиётганлар тоифаси, тузилмалар таркиби, бошқа тоифадаги ўқиётган фуқаролар сони, умумий ҳолат, алоқани ташкил этиш ҳамда машгулотнинг бориши кўрсатилиши керак.

**Имитация режаси** ўкув машгулоти раҳбарининг ёрдамчиси томонидан матн бўйича чизма асосида ишлаб чиқилади. Унда одатда: имитация жойи, вақти ва турлари кўрсатилади, имитация ишларига ажратилган кучлар ва воситалар, маъсул кишилар, имитацияни бошқариш сигналлари (белгилари) ва алоқа воситалари, имитация ўтказиладиган жойни қўриқлаш чоралари ва унинг хавфсизлигини таъминлаш кўрсатилади. Чизмада имитация ўтказадиган жой шартли белгилар билан ифодаланади. Имитация режаси ўкув раҳбари томонидан тасдиқланади.

Амалий машгулотнинг асосий мақсади обьектдаги ФВ оқибатларни тезроқ тутатишидир. У обьектда разведкани ташкил қилиш ва олиб боришдан бошланади. Олинган разведка маълумоти ва унинг таҳлилига асосан обьектдаги ҳолат аниқланади, барча тузилмаларга ФВ оқибатларини тутатиш бўйича қўшимча вазифалар юклатилади. Ҳамма кўзда тутилган ўкув саволлари ўрганувчилар томонидан амалий машгулотлар давомида бажарилгандан сўнг машгулот раҳбари кўрсатмасига асосан тўхтатилади.

**Машқларнинг таҳлилига ҳар томонлама тайёрланиш керак. Таҳлил амалий машғулотнинг якуний босқиҷидир. Таҳлилда ўқитилганлар ҳар томонлама муҳокама қилинади, қўйилган мақсадни қай тарзда амалга оширилганлиги, ўқув саволларини қандай қилиб ишлаб чиқилганлиги, раҳбар ва команда-бошлиқ таркибининг, штаб ходимлари, тузилмалар, ҳар хил тоифадаги ўқиганларнинг қандай тайёрланганлиги таҳлил қилинади.**

Таҳлил аввал раҳбарлар билан, сўнгра машғулотнинг ҳамма қатнашчилари билан ўтказилади. Таҳлил охирида машғулот раҳбари машғулотларда қатнашганларнинг ўқув мақсадларига қай даражада эришганлигини аниқлайди, ўқиганларнинг ҳаракатларини баҳолайди ва йўл қўйилган камчиликларни тугатиш тадбирларини белгилайди.

Ҳар тарафлама ўтказилган машғулотларнинг натижалари тўғрисида туман ФМ штабига керакли маълумотлар тақдим этилади.

### **Мавзуни ўзлаштириш учун зарур бўлган таянч сўз ва иборалар:**

1. ФМга ўқитиш шакллари;
2. ФМга ўқитиш тамойиллари;
3. Фуқароларни тоифа бўйича ўқитиш;
4. Махсус-тактик машғулот;
5. Команда-штаб машғулоти;
6. Ҳар тарафлама машғулот;
7. Имитация режаси.

### **Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:**

1. Фуқароларни ФМга ўқитишнинг тамойиллари нималардан иборат?
2. Фуқароларни ФМга ўқитишда қандай услублар қўлланилади?
3. Фуқароларни ФМга тайёрлаш қандай тартибда амалга оширилади ва уларнинг хусусиятлари қандай?
4. Фуқаро муҳофазасининг амалий машғулот турларини тушинтиринг.

## **Шартли белгилар**

**ФМ** — Фуқаролар муҳофазаси

**ФВ** — Фавқулодда вазият

**ФВВ** — Фавқулодда вазиятлар вазирлиги

**ФВДТ** — Фавқулодда вазиятлар давлат тузилмаси

**РКҚМ** — Республика қидирув-қутқарув Маркази

**ТЖФБ** — Тураг жойдан фойдаланиш бошқармаси

**МН-1** — Матоли ниқоб

**ПВХ** — Поливинил хлорид

**ЭП** — Эвакуация пункти

**РСБ** — Радиациядан сақловчи бошпана

**ШД-2** — Шахсий дорихона

**РҚ** — Радиацияга қарши

**КТҚ** — Кимёвий таъсирларга қарши

**ШКП-8** — Шахсий\* кимёвий пакет

**КТЗМ** — Кучли таъсир этувчи заҳарли моддалар

**ҚБТИ** — Қутқарув ва бирламчи тиклов ишлари

**ИЭС** — Иссиклик электр станцияси

**РС** — Радиациядан сақловчи

**ХПА** — Ҳажмий портлаш аслахаси

**КРҚА** — Кимёвий разведканинг қўшин асбоби

**МВХ-КРА** — Медицина ва ветеринария хизматлари-кимёвий разведка асбоби

**БҲК** — Болалар ҳимоя камераси

**ШБ-1** — Респератор (Петрянов матоси ишлатилган)

**Р-2** — Респератор

**ЗМ** — Заҳарли моддалар

**РМ** — Радиоактив моддалар

**БТЁО** — Бирламчи тиббий ёрдам отрядлари

\* Якка тартибдиги

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. *И. А. Каримов* «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари». «Ўзбекистон» 1997.
2. И. А. Каримов «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда», «Ўзбекистон», 1999.
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., 1998.
4. «Аҳолини ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларда муҳофаза қилиш тўғрисида» 20.08.1999 йил қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонуни.
5. «Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазирлигини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4. 03. 1996 йилдаги Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятларда уларни олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тузилмаси тўғрисида». 23. 12. 1997 йилдаги қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси аҳолини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш тартиби тўғрисида». 7. 10. 1998 йилдаги 427-сонли қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Техноген, табиий ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг таснифи тўғрисида» 27. 10. 1998 йилдаги, 455-сонли қарори.
9. Гражданская оборона (под редакции Е. П. Шубина) М., «Просвещение», 1991.
10. Г. П. Демиденко и др. Защита объектов народного хозяйства от оружия массового уничтожения, К., 1989.
11. Н. И. Акимов «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш объектларида фуқаролар мудофааси», «Меҳнат», 1983.
12. Действия населения при стихийных бедствиях и авариях (катастрофах), М., Высшая школа, 1989.
13. Меҳнат муҳофазаси тўғрисидаги 6. 05. 1993 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

14. „Фуқаро муҳофазаси тўғрисида” 26.05.2000 йил қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонуни.
15. „Радиациявий ҳавфсизлик тўғрисида” 31.08.2000 йил қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонуни.
16. *Ў. Йўлдошев, У. Усмонов, М. Мирабзалов.* «Ёнгин ҳавфсизлиги асослари», ўкув кўлланма. Т., 1995.
17. «Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил заарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 06.06.1997 йилдаги 286-сонли қарори.
18. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг «Фуқаро муҳофазаси» ижтимоий-оммавий ва илмий-амалий журнали, 2001.

## **ИЛОВАЛАР**

# **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ**

**23 декабр 1998 й.**

**№558**

**Тошкент ш.**

**«Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларнинг  
олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тузилмаси тўғрисида»**

Ўзбекистон Республикаси Президентиниг «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигини ташкил этиш тўғрисида» 1996 йил 4 мартағи ПФ-1378-сон Фармонини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тузилмаси (ФВДТ) тўғрисидаги Низом ва унинг тузилмаси (1-2 иловалар) тасдиқлансин.

2. Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича функциялар 3-иловага мувофиқ Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идораларига юклансин.

3. Вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 3 ой муддатда ФВДТнинг функционал ва ҳудудий қўйи тузилмалари тўғрисидаги Низомларни ишлаб чиқсингилар ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқласинлар.

4. Махфий.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринbosари И. Ҳ. Жўрабеков зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг  
Раиси**

**И.А. Каримов**

**Вазирлар Маҳкамасининг  
1997 йил 23 декабрдаги  
558-сон қарорига  
1-ИЛОВА**

**Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда  
уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат  
тузилмаси тўғрисида**

**Н И З О М**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тузилмаси (ФВДТ)нинг асосий вазифаларини, уни ташкил этиш, унинг таркиби ҳамда фаолият кўрсатиш тартибини белгилайди.

2. ФВДТ бошқарув органлари, республика ва маҳаллий ҳокимият органларини, аҳолини ва худудларни фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш масалаларини ҳал этиш ваколатига киради.

Фавқулодда вазият — муайян ҳудудда ўзидан сўнг одамларнинг қурбон бўлиши, одамлар соғлиғи ёки атроф-табиий муҳитга зиён етказиши, кишиларнинг ҳаёт фаолиятига каттагина моддий зарар ҳамда унинг бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган авария, ҳалокат, стихияли ёки экологик оғат, эпидемиялар, эпизоотиялар, эпифитотиялар натижасида юзага келган ҳолат.

Ҳудуд — бу ер, сув, ҳаво макони ёки унинг бир қисми, ишлаб чиқариш ва ижтимоий мақсадлардаги объекtlар, шунингдек, атроф-табиий муҳит.

Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш — бу фавқулодда вазиятлар юзага келганда амалга ошириладиган ҳамда одамларни қутқариш ва кишилар соғлиғини сақлаш, атроф-табиий муҳитга зарарнинг ҳамда моддий зарарларнинг миқдорларини камайтириш, шунингдек, фавқулодда вазиятлар зоналарининг кенгайишига йўл қўймаслик, улар учун хос бўлган ҳавфли омиллар таъсирини бартараф этишга йўналтирилган авария бўлган ва бошқа кечикириб бўлмайдиган ишлар мажмуюи.

Ижтимоий-сиёсий можаролар ва оммавий тартибсизликларни бартараф этиш, шунингдек, фавқулодда вазиятлар оқибатида зарарланган объекtlар ва худудларни тиклаш ҳаракатлари ФВДТ ваколатига кирмайди.

Корхоналар ва муассасаларнинг куч ва воситаларини бирлаштиради ҳамда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш соҳасидаги тадбирларни ташкил этиш ва амалга ошириш, улар юзага келганда аҳоли хавфсизлигини, атроф-табиий мухитни муҳофаза қилиш ҳамда тинчлик ва ҳарбий даврда давлат иқтисодиётига зарарни камайтиришни таъминлашга мўлжалланган.

3. ФВДТ органлари ўз фаолиятларида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Қонунларига, Олий Мажлиснинг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Фавқулодда вазиятлар вазирининг буйруқлари ва кўрсатмаларига, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига ва мазкур Низомга амал қиласилар.

4. Куйидагилар ФВДТнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

тинчлик ва ҳарбий даврда аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида ҳукуқий ва иқтисодий-меъёрий хужжатларнинг ягона концепциясини белгилаш, ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

республика ҳудудидаги мумкин бўлган техноген ва табиий фавқулодда вазиятларни прогнозлаш, уларнинг ижтимоий-иктисодий оқибатларини баҳолаш;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олишга, одамлар хавфсизлигини таъминлашга, хавфли технологиялар ва ишлаб чиқаришларнинг таваккалчилигини пасайтириш, мулкчилик шаклларидан ва идоравий бўйсунишидан қатъи назар, иқтисодиёт тармоқлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар\* фаолият кўрсатишининг барқарорлигини оширишга қаратилган мақсадли ва комплекс илмий-техник дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

бошқарув органлари ва тузилмаларнинг фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш учун мўлжалланган куч ва воситаларининг доимий тайёрлигини таъминлаш;

аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги аҳборотларни йиғиш, ишлаб чиқиш, алмашиб ва бериш;

аҳолини, бошқарув органларининг мансабдор шахсларини, ФВДТ кучлари ва воситаларини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш;

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун молиявий ва моддий ресурслар захираларини яратиш;

\* Кейинги ўринларда обьектлар деб аталади.

аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида давлат экспертизаси, назорати ва текширувини амалга ошириш;

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш;

фавқулодда вазиятлардан зарар кўрган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга оид тадбирларни амалга ошириш;

- фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида аҳолининг, шу жумладан, уларни тутатишда бевосита қатнашган шахсларнинг ҳукуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш;

аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида халқаро ҳамкорлик қилиш;

5. ФВДТ ҳудудий ва функционал қуи тузилемалардан иборат бўлади ҳамда республика, маҳаллий ва обьектлар миқёсидаги уч даражага эга бўлади.

6. ФВДТнинг ҳудудий қуи тузилемалари ўз маъмурий ҳудудлари доирасида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида тузилемади ҳамда тегишли равищда туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар миқёсидаги бўгинлардан иборат бўлади.

ФВДТ ҳудудий қуи тузилемаларининг вазифалари, уларни ташкил этиш, куч ва воситалари таркиби, фаолият кўрсатиш тартиби мазкур Низом, ушбу қуи тузилемалар тўғрисида маҳаллий геофизик ва табиий, иқлим шароитларини, кучли хавфли обьектларнинг мавжудлигини ҳисобга олиб, ишлаб чиқиладиган низомлар билан белгиланади ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан келишилган ҳолда тегишли равищда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан тасдиқланади.

7. ФВДТнинг функционал қуи тузилемалари вазирликлар, давлат қўмиталари, корпорациялар, концернлар, уюшмалар ва компанияларда\* атроф-табиий муҳит ва кучли хавфли обьектлар ҳолатини кузатиш ва назорат қилишни амалга ошириш, шунингдек, идорага қарашли обьектларда уларнинг ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш учун ташкил этилади ҳамда қуи тузилемаларнинг давлат назорати (назорат-инспекция хизматлари) органдари, куч ва воситаларидан иборат бўлади.

\* Кейинги ўринларда вазирликлар ва идоралар деб аталади.

ФВДТ функционал қуи тузилмаларининг вазифалари, уларни ташкил этиш ҳамда давлат назорати (назорат-инспекция хизматлари) органларининг таркиби, кузатиш, ва назорат ташкилотлари ва бошқа бўлинмалари, фавқулодда вазиятларни тутгатиш кучлари ва воситалари мазкур Низом, ушбу қуи тузилмалар тўғрисидаги вазирликлар ва идораларнинг атроф-табиий муҳит аҳволини кузатиш ва назорат қилиш соҳасидаги функциялари, идорага қарашли кучли хавфли обьектлардаги ишлаб чиқариш технологияларининг хусусияти ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқиладиган низомлар билан белгиланади ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан келишилган ҳолда тегишли вазирлар ва идоралар раҳбарлари томонидан тасдиқланади.

8. ФВДТнинг ҳар бир даражаси қуидагиларга эга бўлади:

ФВДТ раҳбар органлари;

ФВДТ кундалик бошқарув органлари;

Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш кучлари ва воситалари;

Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун молиявий ва моддий ресурслар захиралари;

Хабар бериш, алоқа тузилмалари, бошқарув ва ахборот билан таъминлашнинг автоматлаштирилган тузилмалари (БАТ).

9. ФВДТ раҳбар органлари — бу аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этиш ваколатига кирадиган давлат бошқаруви, маҳаллий ҳокимият органлари ва обьектлар маъмуриятидир;

республика даражасида — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги;

атроф-табиий муҳит ва кучли хавфли обьектларнинг ҳолатини кузатиш ва назорат қилиш учун масъул бўлган, шунингдек, таркибида кимёвий, портловчи, ёнгин чиқиши мумкин бўлган ва бошқа хавфли обьектлар мавжуд бўлган вазирликлар ва идоралар;

маҳаллий даражада — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари;

объектлар даражасида — корхоналар (муассасалар, ташкилотлар) маъмурияти.

ФВДТ, унинг қуи тузилмалари ва бўғинларининг фаолият кўрсатишини ташкил этиш, аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича уларга юклangan вазифаларни бажаришга тайёрлиги учун тўлиқ жавобгарлик тегишли раҳбар органларга юкланди.

10. ФВДТнинг кундалик бошқарув органлари — бу ФВДТнинг тегишли ҳудудий ва функционал қуий тузилмаларига ҳамда унинг бўғинларига бевосита кундалик бошқарувни амалга оширувчи бошқарув органларидир, улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармалари;

шаҳарлар ва туманлар фавқулодда вазиятлар бўлимлари; объектларнинг фавқулодда вазиятлар бўлимлари (шўъбалар ёки маҳсус тайинланган мансабдор шахслар);

вазирликлар ва идораларнинг давлат назорати органлари (назорат-инспекция хизматлари);

вазирликлар ва идораларнинг фавқулодда вазиятлар бўлимлари (шўъбалар ёки маҳсус тайинланган мансабдор шахслар);

Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг танг вазиятларни бошқариш марқази;

ФВДТ раҳбар органлариниг захирадаги бошқарув пунктлари (ЗБП);

Фавқулодда вазиятлар бошқармалари (бўлимлари)нинг тезкор-навбатчилик хизматлари;

вазирликлар, идоралар ва объектларнинг навбатчи — диспетчерлик хизматлари.

ФВДТ кундалик бошқарув органларини жойлаштириш доимий дислокация пунктларида, шаҳар ва шаҳардан ташқаридаги ЗБПларда ташкил этилади, улар тегишли ҳабар бериш, алоқа, ахборотни ишлаб чиқиш ва узатишнинг рўйхатли воситалари билан жиҳозланади ҳамда уларга юкланган вазифаларни бажаришга доимий тайёр ҳолда сақланади.

11. Қуйидагилар республика даражасидаги ФВДТ бошқарув органларининг асосий вазифалари ҳисобланади:

табиий фавқулодда вазиятлар оқибатларини имкони борича пасайтирувчи чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга раҳбарлик қилиш, фавқулодда вазиятлар шароитларида иқтисодиёт тармоқлари ҳамда алоҳида муҳим кучли хавфли объектларнинг барқарор фаолият кўрсатишларини таъминлаш;

кучли хавфли объектлар учун техник ҳужжатларнинг суғурта жамғармасини тузиш ишларини ташкил этиш;

аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида республика мақсадли ва илмий-техник дастурларини ишлаб чиқишида қатнашиш;

республика марказлаштирилган ҳабар бериш тузилмасини, шунингдек, ахборот билан таъминлаш ва бошқаришини автомат-

**лаштирилган тузилмаси (БАТ)ни яратиш ва уни доимий тайёр ҳолда саклаш;**

**алоқа, радио, телевидение ва бошқа техника воситаларининг давлат ва идоравий қаналларидан бошқариш ва ахборотни узатиш учун марказлаштирилган ҳолда фойдаланишни таъминлаш;**

**кимёвий ва бошқа кучли хавфли объектларда ҳамда уларга ёндаш ҳудудларда хабар бериш ва ахборотларнинг маҳаллий тизимини, шунингдек, сув омборларининг гидротехник иншоотларида сигнализация ва хабар беришнинг маҳаллий автоматлаштирилган тузилмаларини лойиҳалаштириш ва яратишни назорат қилиш;**

**атроф-табиий муҳит ҳамда кучли хавфли объектларнинг ҳолатини қузатиш ва назорат қилиш тузилмасини ташкил этиш, фавқулодда вазиятларни прогнозлаш;**

**бошқарув органлари, бошқарув пунктлари, ФВДТ кучлари ва воситаларининг фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлигини таъминлаш;**

**юзага келан фавқулодда вазиятлар, уларнинг ривожланиш кўламлари ва кечиши мумкин бўлган оқибатлари ҳамда фавқулодда вазиятларни бартараф этишга оид қабул қилинаётган чоратадбирлар тўғрисидаги ахборотларнинг тўпланишини ва алмасилишини ҳамда хабар қилинишини таъминлаш ва назорат қилиш;**

**авария бўлган ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни, шу жумладан, эвакуация ишларини ўтказишга оид тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш, зарар кўрган аҳоли учун ҳаёт шароитини яратиш;**

**фавқулодда вазиятларни бартараф этишга жалб қилинган вазирликлар ва идоралар, куч ва воситаларнинг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;**

**фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун республика (идора) молиявий ва моддий ресурслар захирасини, шунингдек, ФВДТнинг маҳсус суғурта жамғармасини тузишга ва ундан фойдаланишга раҳбарлик қилиш;**

**фавқулодда вазиятлардан зарар кўрган аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга оид тадбирларни амалга оширишда қатнашиш;**

**фавқулодда вазиятларда идорага қарашли объектларнинг раҳбарлари таркиби, куч ва воситаларини, шунингдек, ходимларини тайёрлашни мувофиқлаштириш;**

**ишлаб чиқариш ва технологиялар хавфсизлиги, шунингдек, ходимларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг тармоқ нормалари ва қоидаларини ишлаб чиқишида қатнашиш;**

авария-қутқарув тузилмалари ва қутқарувчиларни аттестациядан ўтказишни ташкил этиш.

12. Куйидагилар маҳаллий даражадаги ФВДТ бошқарув орғанларининг асосий вазифалари ҳисобланади:

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш, фавқулодда вазиятлар шароитларида кучли хавфли объектлар ишининг ишонччилигини таъминлашга оид ташкилий ва муҳандислик-техника тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни тугатиш бўйича ҳудудий (вилоят) мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашиш;

вилоят ичидаги алоқа ва хабар бериш тузилмалари, шунингдек, бошқарувнинг ва ахборот билан таъминлашнинг автоматлаштирилган тузилмаси (ВАТ)ни ташкил этиш ва доимий тайёр ҳолда сақлаш;

бошқариш ва ахборотни узатиш учун алоқа, радио, телевидение ҳамда бошқа техника воситаларининг давлат вилоят ва идоравий шаклларидан марказлаштирилган ҳолда фойдаланишни таъминлаш;

манбаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда кимёвий ва бошқа кучли хавфли объектлар ва уларга ёндаш ҳудудларда хабар бериш ва ахборотнинг маҳаллий тузилмаларини, шунингдек, сув омборларининг гидротехник иншоотларида сигнализация ва хабар беришнинг маҳаллий автоматик тузилмаларини яратиш;

атроф-табиий муҳитнинг ҳолатини, кучли хавфли объектлардаги вазиятни доимий кузатиш ва назорат қилишни таъминлаш, фавқулодда вазиятларни прогнозлаш;

бошқарув органлари, бошқарув пунктлари, куч ва воситаларнинг фавқулодда вазиятлар чоғидаги ҳаракатларга тайёrlигини таъминлаш;

юзага келган фавқулодда вазиятлар, уларнинг ривожланиш кўламлари ва кечиши, етказиши мумкин бўлган оқибатлар, уларни бартараф этишга оид қабул қилинётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ахборотларни хабар қилишини таъминлаш ва назорат қилиш;

ҳудудий (вилоят) қуи тузилмаларнинг, шунингдек, фавқулодда вазиятлар чоғида авария-қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни амалга ошириш бўйича кўнгилли тузилмаларнинг куч ва воситаларига раҳбарлик қилиш ва ҳаракатини таъминлаш, ушбу ишларга меҳнатга лаёқатли аҳолини жалб қилишни ташкил этиш;

аҳолини эвакуация қилиш (вақтингча олиб чиқиш), жойлаштириш, эвакуация қилингандык аҳолини ҳаёттүй таъминлаш ҳамда уларнинг фавқулодда вазиятлар бартараф этилгач доимий яшаш жойларига қайтишини режалаштириш ва амалга ошириш;

ўта танг хавфли зоналардаги аҳоли пунктларида ва хўжаликларда яшовчиларни хавфсиз жойларга доимий яшаш учун кўчириш ҳамда уларнинг ҳаёттүй фаолиятини ҳар томонлама таъминлаш;

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун молиявий ва моддий ресурслар захираларини яратиш;

фавқулодда вазиятлардан зарар кўрган аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга оид тадбирларни амалга ошириш; фуқаролар, уларнинг уй-жойлари ва мулкларини мақсадли суғуртга қилишни ташкил этиш;

аҳолини, бошқарув органларининг мансабдор шахсларини, куч ва воситаларини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлашга раҳбарлик қилиш.

13. Куйидагилар обьектлар даражасидаги ФВДТ бошқарув органларининг асосий вазифалари ҳисобланади:

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш, обьектлар ишининг фавқулодда вазиятлар чоғида ишончлилиги ва барқорлигини оширишга доир тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга раҳбарлик қилиш;

кимёвий ва бошқа кучли хавфли обьектларда хабар қилиш ва ахборотнинг маҳаллий тузилмаларини, шунингдек, гидротехник иншоотларда сигнализация ва хабар қилишнинг маҳаллий автоматик тузилмаларини яратиш ишларини ташкил этиш;

бошқарув органларининг, обьектлар куч ва воситаларининг фавқулодда вазиятлар чоғидаги ҳаракатларга тайёрлигини таъминлаш;

хабар қилиш, ахборот тўтилашни таъминлаш ва назорат қилиш, юзага келган фавқулодда вазият, унинг ривожланиш кўламлари ва кечиши, етказиши мумкин бўлган оқибатлари, фавқулодда вазиятни бартараф этиш учун кўрилаётган чора-тадбирлар ва зарур ёрдам тўғрисида юқори органларга маълумот бериш;

авария-кутқарув ҳамда бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларга, шу жумладан, обьектлар ходимларини эвакуация қилишга раҳбарлик қилиш;

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун молиявий ва моддий ресурслар захираларини яратиш;

объектларнинг раҳбарлар таркиби, куч ва воситалари, шунингдек ҳодимларини фавқулодда вазиятлардаги ҳаракатларга тайёрлашни ташкил этиш.

**14. ФВДТнинг фавқулодда вазиятларни бартараф этиш бўйича куч ва воситалари кўйидагилардан иборат бўлади:**

фуқаро муҳофазаси кўшинлари;

фавқулодда вазиятлар вазирлигига тўғридан-тўғри ҳамда тезкор бўйсунувчи республика ихтисослаштирилган тузилмалари;

вазирликлар ва идораларнинг ҳарбийлаштирилган ҳамда профессионал ихтисослаштирилган авария-қутқарув ва авария-тиклиш бўлинмалари;

маҷаллий ҳокимият органларининг (Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар), Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қутқарувчи командаларининг тузилмалари;

объектларнинг ихтисослаштирилган тузилмалари;

худудий ва объектларнинг ҳарбийлашмаган умумий ва маҳсус мақсадлардаги тузилмалари;

**Кизил Ярим ой Жамиятининг кўнгиллилар отрядлари (командалари гуруҳлари);**

«Ватанпарвар» мудофаага кўмаклашувчи ташкилоти.

**15. Фуқаро муҳофазаси кўшинлари фавқулодда вазиятлар вазирлигига бўйсунади ҳамда ўз тезкор йўналишларига мувофиқ ҳарбий даврда республиканинг муҳим мудофаа ва саноат объектларида фавқулодда вазиятларни тутатишга оид ишларни олиб борадилар.**

Тинчлик даврида фуқаро муҳофазаси кўшинлари йирик кўлмадаги ишлаб чиқариш авариялари, ҳалокатлар, стихияли оғатлар чоғида авария-қутқарув ҳамда бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни амалга ошириш ва маҳсус приборлар, техникалар, асбоб-ускуналар ва тайёрланган мутахассисларни талаб этувчи фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун жалб этилади.

**16. Фавқулодда вазиятлар вазирлигига тўғридан-тўғри бўйсунувчи республика ихтисослаштирилган тузилмалари профессионал мутахассислар билан тўлдирилган ва жаҳон стандартларига жавоб берувчи маҳсус қидирав приборлари ҳамда қутқариш ускуналари билан жиҳозланган, шунингдек, энергия таъминоти, маҳсус кийим-бошларнинг мустақил манбалари етарлича сув, озиқ-овқат ҳамда қидирав-қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни автоном режимда камида 72 соат ичida таъминлашни ҳисобкитоб қилиниб чиқарилган харажат материалларига эга бўлган доимий тайёргарликдаги авария-қутқарув ва авария-тиклиш кўп тармоқли тузилмаларини ўз ичига олади.**

**17. Фавқулодда вазиятлар вазирлигига тезкор бўйсунувчи республика ихтисослаштирилган тузилмалари ИИВ республика ёнинга қарши ҳарбийлашган маҳсус отряди, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг республика тезкор тиббий ёрдам республика маркази, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиаомпанияси авиаотряди, «Ўзватотранс» давлат корпорацияси, «Тошшаҳар йўловчи транс» уюшмасининг автосанитария отрядлари ҳамда вазирликлар ва идораларнинг фавқулодда вазиятларни тутатиш ҳамда ФВДТ кучлари ҳаракатларини ва тадбирларини таъминлаш учун мўлжалланган бошқа таркибий бўлинмаларини ўз ичига олади.**

Тезкор бўйсунадиган тузилмаларнинг вазифалари, тайёргарлик муддатлари, уларни жалб этиш тартиби ушбу тузилмаларнинг фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан келишилган ҳаракат режалари ҳамда тегишли вазирликлар ва идоралар билан шартномалар орқали белгиланади.

**18. Вазирликлар ва идораларнинг ҳарбийлаштирилган ва профессионал авария-күтқарув, авария-тиклаш ва бошқа ихтисослаштирилган бўлинмалари идорага қарашли обьектларда ишлаб чиқариш — технология авариялари ва ҳалокатлар билан боғлиқ фавқулодда вазиятларни бартараф этиш, шунингдек, эпидемијалар, эпизоотиялар ва эпифитотиялар юзага келганда маҳсус вазифаларни ҳал этиш учун мўлжалланган.**

Вазирликлар ва идораларнинг ёнгин, кон, газ-күтқарув, қурилиш, қурилиш-монтаж, тиббиёт ва бошқа ихтисослаштирилган бўлинмалари ва ташкилотлари негизида фавқулодда вазиятларни маҳаллийлаштириш ҳамда уларнинг оқибатларини тутатиш бўйича биринчи навбатдаги ишлар учун доимий тайёр ҳолдаги идоравий тузилмалар тузилиши мумкин.

Доимий тайёр ҳолдаги идоравий тузилмалар идорадан ташқари авария обьектларидаги фавқулодда вазиятларни тутатиш ишларига амалдаги харажатларни қоплаган ҳолда контракт асосида жалб этилади.

**19. Ҳудудий қуи тузилмаларда — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманларда — фуқаро муҳофазаси бошликлари — Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгашининг Раиси ҳамда тегишли ҳокимлар қарорлари билан геофизик, табиий-иклим ва бошқа маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда қурилиш, монтаж-қурилиш, автокорхоналар ва бошқа ташкилотлар негизида маҳаллий бошқарув органларининг ҳудудий авария-күтқарув ва авария-тиклаш тузилмалари, шунингдек, Фавқулодда**

вазиятлар вазирлигининг вилоят (шаҳар, туман) автоотрядлари, тезкор тиббий ёрдам марказлари, кутқарув командалари ташкил этилади.

20. Корхоналар раҳбарларининг қарорлари билан кучли хавфли обьектларда мавжуд ихтисослаштирилган хизматлар ва бўлинмалар (курилиш, кимё, тиббий ва бошқалар) негизида бевосита обьектларда авария-күтқариш ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни амалга ошириш учун мўлжалланган штатсиз ихтисослаштирилган авария-күтқариш ва авария-тиклаш тузилмалари тузилади.

21. Ҳарбий даврда аҳолини ва ҳудудларни муайян душманни мағлубиятга учратишнинг замонавий воситаларини қўллаш оқибатларидан ҳимоя қилиш, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ва обьектлардаги авариялар, ҳалокатлар ва стихияли оғатлар оқибатида келиб чиқиши мумкин бўлган фавқулодда ҳодисаларни бартараф этиш бўйича вазифаларни бажариш учун фуқаро муҳофазаси бошлиқлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси ва тегишли ҳокимларнинг қарорлари билан умумий ва маҳсус мақсадлардаги ҳудудий ҳамда обьектларнинг ноҳарбий тузилмалари тузилади.

Кўрсатиб ўтилган ноҳарбий тузилмалар алоҳида вазиятларда тегишли фуқаро муҳофазаси бошлиқларининг қарорига биноан, шу каби фавқулодда вазиятлар оқибатларини тутатишга тинчлик даврида ҳам жалб этилиши мумкин.

22. ФВДТ қурилмаси принципи, тузилмаси, куч ва воситалари таркиби, унинг маҳсус техника, асбоб-ускуналар, приборлар ҳамда транспорт воситалари билан рўйхатли жиҳозланиши, молиявий таъминланиши, фавқулодда вазиятларни тутатиш чоғидаги тайёргарлик муддати ва вазифаларни бажариш тартиби Давлат ягона тезкор кутқарув хизмати тўғрисида Низом билан тартибга солинади.

23. Йирик қўламли табиий ва төхноген фавқулодда вазиятлар юзага келганда тезкор кутқарув ишларини бажариш ҳамда зарар кўрган аҳолига биринчи навбатда ёрдам кўрсатиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан Мудофаа вазирлигининг муҳандислик, кимё, сапёр ва бошқа ҳарбий бўлинмалари, ҳарбий-транспорт авиацияси ҳамда тиббий хизмат муасасалари жалб этилиши мумкин.

24. ФВДТнинг ахборот-бошқаруви тузилмаси қўйидагиларни ўз ичига олади:

**Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг танг вазиятларни бош-қариш маркази;**

**ФВДТ** ҳудудий ва функционал қуи тузилмаларининг ахборот-таҳлил марказлари;

атроф-табиий муҳитнинг ва кучли хавфли зоналари ҳолатини кузатиш ва назорат қилиш органларининг ахборот марказлари;

захирадаги, шаҳардан ташқари ва шаҳар бошқарув пунктлари; фавқулодда вазиятларни бартараф этиш кучлари ва воситаларини бошқаришнинг ҳаракатланувчи пунктлари;

алоқа ва ахборот узатиш воситалари, шу жумладан, бошқариш ва ахборот билан таъминлашнинг автоматлаштирилган тузилемаси.

Ахборот-бошқарув тузилемаси қўйидагиларни таъминлаши лозим:

ФВДТнинг ҳудудий ва функционал қуи тузилмаларидан олинган сейсмологик, гидрометеорологик хавфли кўринишлар, саноат ва транспортдаги авариялар ва ҳалокатлар, эпидемиялар эпизоотиялар, эпифитотиялар, радиоактив, кимё ва биологик (бактериологик) аҳвол тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш (таҳлил қилиш, сақлаш);

раҳбар органлар, ФВДТнинг кундалик бошқарув органлари, фавқулодда вазиятларни бартараф этиш кучлари ва воситалари ҳамда аҳолини фавқулодда вазиятларнинг юзага келиш фактлари, хусусиятлари, ривожланиш кўламлари ва кечиши, кўрилиши мумкин бўлган оқибатлари, фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш тартиби тўғрисида хабар қилиш ва ахборот бериш;

ФВДТ қуи тузилмалари ва бўғинлари, ФВДТнинг раҳбарлик қилувчи бошқарув органлари, бошқарув пунктлари, фавқулодда вазиятларни тутатиш кучлари ва воситалари ўртасида ўзаро ахборотлар алмашиш.

Фавқулодда вазиятлар тўғрисидаги ахборотларнинг мезонлари, мазмуни ва кўринишлари, ФВДТга, қуи тизимлари ва бўғинларига, шунингдек, аҳолига етказиш муддатлари ва тартиби фавқулодда вазиятлар хавфи бўлганда ва улар юзага келганда вазирликлар, идоралар, ҳокимликлар ва обьектлар томонидан ФВДТга кундалик фолиятда етказиладиган ахборотлар рўйхати билан белгиланади.

25. Прогнозлаштирилаётган ёки юзага келган фавқулодда вазиятларнинг аҳволи, кўламларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Фуқаро муҳофазаси бошлиқлари – Фавқулодда вазиятлар вазири, тегишли фуқаро муҳофазаси бошлиқлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг,

вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарори билан муайян худуддар доирасида ФВДТ фаолият кўрсатишининг қўйидаги режимларидан бири ўрнатилади:

кундалик фаолият режими — меъёрдаги ишлаб чиқариш саноат, радиацион, кимёвий, биологик (бактериологик), сейсмик ва гидрометеорологик вазиятда, эпидемиялар, эпизоотиялар ва эпифитотиялар бўлмаганда:

юқори тайёргарлик режими — ишлаб чиқариш саноат, радиацион, кимёвий, биологик (бактериологик), сейсмик ва гидрометеорологик вазият ёмонлашганда, фавқулодда вазиятлар юзага келиши мумкинлиги тўғрисида прогноз олинганда;

фавқулодда режим — фавқулодда вазиятлар юзага келганда ва фавқулодда вазиятлар даврида.

26. ФВДТ фаолият кўрсатиши чоғида амалга ошириладиган асосий тадбирлар:

а) кундалик фаолият режимида:

атроф-табиий муҳит аҳволини, кучли хавфли обьектлар ва уларга ёндаш худудлардаги вазиятни кузатиш ва назорат қилиши амалга ошириш;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, аҳоли хавфсизлиги ва муҳофазасини таъминлаш, етказилиши мумкин бўлган зарар ва зиённи қисқартириш бўйича, шунингдек, фавқулодда вазиятларда саноат обьектлари ва саноат тармоқларининг фаолият кўрсатишининг барқарорлигини ошириш бўйича мақсадли ва илмий-техник дастурлар ҳамда чора-тадбирларни режалаштириш ва бажариш;

фавқулодда вазиятлар бўйича бошқарув органларини, қучлар ва воситаларни фавқулодда вазиятлар чоғидаги ҳаракатларга тайёрлашни такомиллаштириш, аҳолини фавқулодда вазиятлар чоғида муҳофаза қилиш усуслари ва ҳаракат қилишга ўргатишни ташкил этиш;

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун молиявий ва моддий ресурслар захираларини яратиш ва тўлдириш;

суғуртанинг мақсадли турларини амалга ошириш;

б) юқори тайёргарлик режимида:

фавқулодда вазиятлар юзага келиши хавфи тўғрисида бошқарув органларига ҳабар бериш ва аҳолини ҳабардор қилиш;

фавқулодда вазиятлар бўйича тегишли бошқарув органларининг ФВДТ қуи тузилмалари ва бўғинлари фаолиятига раҳбарликни ўзларига олиши, зарур ҳолларда вазиятнинг ёмонлашиши

сабабларини аниқлаш учун офат юз бериши мумкин бўлган туманларда тезкор гуруҳларни ташкил этиш;

ФВДТ раҳбарлари таркибининг доимий дислокация пунктларида кеча-кундуз навбатчиликни жорий этиш;

вилоятлар, шаҳарлар, туманлар фавқулодда вазиятлар буйича бошқармалари (бўлимлар)нинг тезкор — навбатчи хизматларини ҳамда вазирликлар, идоралар ва объектларнинг навбатчи — диспетчерлик хизматларини кучайтириш;

атроф-табиий муҳитнинг аҳволи, кучли ҳавфли объектлар ва уларга ёндаш бўлган ҳудудлардаги вазиятни кузатиш ва назорат қилишни кучайтириш, фавқулодда вазиятларнинг юзага келиши эҳтимолларини, уларнинг кўламлари ва оқибатларини прогнозлаш;

фавқулодда вазиятларда аҳоли ва атроф-табиий муҳитни муҳофаза қилиш, шунингдек, объектлар ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш чора-тадбирларини кўриш;

кучлар ва воситаларни тайёр ҳолга келтириш, уларнинг ҳаракат режаларини аниқлаштириш ҳамда зарур бўлганда мўлжаланаётган фавқулодда вазиятлар туманига сильжитиш;

в) фавқулодда режимда:

фавқулодда вазиятлар юзага келганлиги тўғрисида бошқарув органларига хабар бериш ва аҳолини хабардор қилиш;

тезкор гуруҳларни фавқулодда вазиятлар туманига сильжитиш; аҳолини муҳофаза қилишни ташкил этиш;

фавқулодда вазиятларни бартараф этишни ташкил қилиш;

фавқулодда вазиятлар зоналари чегараларини белгилаш;

саноат тармоғлари ва объектларнинг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш, зарар кўрган аҳолининг ҳаётини таъминлаш ишларини биринчи навбатда ташкил этиш;

фавқулодда вазиятлар туманларидағи атроф-табиий муҳитнинг аҳволи, авария объектлари ва уларга ёндаш ҳудудлардаги вазиятни узлуксиз назорат қилишни амалга ошириш.

27. Фавқулодда вазиятларни тугатиш учун қуйидаги маблағлардан фойдаланилади:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фавқулодда вазиятларни бартараф этишга захирарадаги молиявий жамғармаси ва фавқулодда вазиятларни тугатиш чоғида биринчи навбатдаги ишларни амалга ошириш учун давлат захираси таркиби

ҳисобидан йигиладиган моддий ресурслар захиралари — республика бюджети маблағлари ҳисобидан;

идоравий молиявий ва моддий ресурслар захираси — вазирликлар ва идоралар маблағлари ҳисобидан;

маҳаллий ҳокимият органларининг молиявий ва моддий ресурслари захираси — маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан;

объектларнинг молиявий ва моддий ресурслари захираси — корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан;

Кизил Ярим ой Жамиятининг стихияли оғатлардан зарар кўрган аҳолига ёрдам кўрсатиш учун биринчи навбатда зарур бўлган товарлар омборлари ва захиралари тузилмалари.

Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун молиявий ва моддий ресурслар захиралари номенклатуроси ва ҳажмлари уларни ташкил этган орган томонидан белгиланади.

28. Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш улар балансида турдаган авария объектлари, вазирликлар ва идораларнинг, худудида фавқулодда вазиятлар юзага келган ҳокимликларнинг кучлари ва воситалари билан амалга оширилади.

29. Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш объектларнинг, вазирликлар (идоралар) ва ҳокимликларнинг тезкор гуруҳлари (мутахассислари) раҳбарларининг бевосита раҳбарлигида амалга оширилади.

30. Фавқулодда вазиятлар оқибатларини тугатища, агар бу бирлашмаларнинг кутқарувчиларида аттестация тартибида тасдиқланган тегишли тайёргарлик мавжуд бўлса, жамоат бирлашмалиари иштирок этишлари мумкин.

31. Агар фавқулодда вазиятларниг кўламлари мавжуд кучлар ва воситалар билан уни маҳаллийлаштириш ва бартараф этиш мумкин бўлмаган ҳолда зарур ёрдам кўрсатиши ёки ушбу фавқулодда вазиятни бартараф этишга раҳбарликни ўзига олиши мумкин бўлган ФВДТнинг юқори раҳбар органига ёрдам сўраб мурожаат қилинади.

Тегишли вазирликлар (идоралар) ва ҳокимликларнинг қуч ва воситалари етарли бўлмаган тақдирда Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг кучлари ва воситалари жалб этилади.

Алоҳида вазиятларда фавқулодда вазиятларни ва унинг оқибатларини бартараф этиш учун Ҳукумат комиссияси ташкил қилиниши мумкин.

32. Юзага келган фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун ресурслар етарли бўлмаган тақдирда улар объект маъмурияти, вазирлик (идора) ёки ҳокимлик раҳбариятининг талабномасига биноан ФВДТнинг бошқа захираларидан ажратилиши мумкин.

33. Аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича, тармоқлар ва обьектлар фаолият кўрсатишининг барқарорлигини таъминлаш бўйича мақсадли дастурларни маблағ билан таъминлаш ҳар бир даражада тегишли бюджетлар, вазирликлар (идоралар) ва обьектлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш бўйича тадбирларни маблағ билан таъминлаш фавқулодда вазиятлар зоналарида жойлашган обьектларнинг маблағлари, вазирликлар ва идораларнинг маблағлари, тегишли бюджетлар, сугурта жамғармалари ва бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Кўрсатилган маблағлар мавжуд бўлмаган ёки етарли бўлмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси захира жамғармасидан маблағлар ажратилиади.

34. Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, улар юзага келгандан зиён ва зарарлар миқдорини камайтириш бўйича олдиндан чоралар кўрсатиш мақсадида ҳаракат қилишнинг республика, идора режалари, ҳокимликлар ва обьектларнинг ҳаракат қилиш режалари, шунингдек, ФВДТнинг барча даражаларида ўзаро биргаликда ҳаракат қилиш режалари ишлаб чиқилади.

ФВДТ ҳаракатларини режалаштиришга ташкилий-услубий раҳбарликни Фавқулодда вазиятлар вазирлиги амалга оширади.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

7 октябр 1998 йил

№427

Тошкент ш.

## «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш тартиби тўғрисида»

Мамлакат аҳолиси ва ҳудудини табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлардан (кейинги ўринларда — фавқулодда вазиятлар деб аталади) муҳофаза қилиш тузилмасини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси аҳолисини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш тартиби тўғрисида Низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси фуқароларини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёрлаш мулкчилик шаклларидан қатъи назар корхоналарда, муассасаларда (шу жумладан, таълим муассасаларида) ва ташкилотларда, шунингдек, яшаш жойида уларнинг ёшлари ва ижтимоий групҳари бўйича ўтказилади.

3. Ўзбекистон Республикаси ҳалқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги иштирокида давлат таълим стандартлари ва умумтаълим дастурларини ишлаб чиқишида уларга фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш минимуми киритилишини назарда тутсинлар.

1. Давлат матбуот қўмитаси, «Ўзтелерадио» компанияси, Фавси, республика давлат ҳокимияти ва маҷаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа вазирликлар, идоралар, корпорациялар, бирлашмалар, Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар аҳолини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги билимлар,

шу жумладан, оммавий ахборот воситалардан фойдаланган ҳолда;  
кенг ташвиқот қилинишини таъминласинлар.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Баш вазирнинг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Баш вазири**

**Ў. Султонов**

**Вазирлар Маҳкамаси-  
нинг 1998 йил 7 октябр-  
даги 427-сон қарорига**

## **ИЛОВА**

### **Аҳолининг фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида тайёрлаш тартиби тўғрисида**

#### **Н И З О М**

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси аҳолисини табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлардан (кейинги ўринларда — фавқулодда вазиятлар деб аталади) муҳофаза қилиш соҳасида, шунингдек, фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишга тайёргарликдан ўтётган аҳоли гурухларини тайёрлашнинг асосий вазифаларини, шакллари ва усулларини белгилайди.

#### **2. Қўйидагилар:**

ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсаташ соҳаларида банд бўлган аҳоли, умумтаълим мактаблари ва идоравий бўйсуниши ва ташкилий-ҳукуқий шаклларидан қатъи назар бошлангич, ўрта ва олий, касб-хунар таълими муассасаларининг ўқувчилари;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, республика ва вилоят бўйсунишида бўлган шаҳарлар ва туманлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, вазирликлар, идоралар, мулкчилик шаклларидан қатъи назар бирлашмалар, Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳаси мутахассислари (кейинги ўринларда — мутахассислар деб аталади);

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида банд бўлмаган аҳоли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида тайёргарликдан ўтишлари лозим.

3. Қўйидагилар фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида тайёрлашнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

аҳолининг барча гурухларига фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш қоидаларини ва асосий усулларини, жабрланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш усулларини, жамоа ва якка тартиба ҳимоя воситаларидан фойдаланиш қоидаларини ўргатиш;

бошқарувнинг барча дараражадаги раҳбарларини фавқулодда вазиятлардан аҳолини муҳофаза қилиш бўйича ҳаракат қилишга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарлари ва мутахассисларида кутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни ўтказиш учун кучлар ва воситаларни тайёрлаш ва уларни бошқариш кўнгилмаларини ҳосил қилиш, фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишда ходимларнинг ўз вазифаларини амалий эгаллаши.

4. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида банд бўлган аҳолини тайёрлаш, иш жойларда машғулотлар ўтказиш ва тавсия қилинадиган дастурларга мувофиқ фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишни мустақил равишда ўрганиш, кейинчалик ўқув машқларида ва машғулотларда олинган билимлар ва малакаларни мустаҳкамлаш йўли билан амалга оширилади.

5. Умумтаълим мактаблари, лицейлар, гимназиялар, касб-хунар таълими ўқув юртларининг талабаларини тайёрлаш фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги умумтаълим дастурларига мувофиқ ўқиш вақтида амалга оширилади.

Дастурлар Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Софликни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

6. Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида:

Қорақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари раҳбарлари — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари — Республика фуқаро муҳофазаси бошлиғи томонидан ўтказиладиган ҳар йилги йиғинлар, ўқув машқлари ва машғулотларда;

давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, вазирликлар, идоралар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари ва мутахассислари — Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг Фуқаро муҳофазаси институтида;

ҳарбийлаштирилмаган қўшилмаларнинг раҳбарлари, бошлиқлар таркиби, авария-кутқарув, ҳарбийлаштирилган ва доимий тайёр маҳсус қўшилмалар таркибидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ходимлари — Фавқулодда вазиятлар бўйича раҳбарлар таркибини тайёрлаш марказларида, шунингдек, ўқув машқлари ва машғулотларида;

ҳарбийлаштирилмаган қўшилмалар таркибидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ходимлари — бевосита иш жойларида тайёрланади.

7. Аҳолининг фавқулодда вазиятлардан муҳофазаланиш соҳасидаги тайёргарлигини текшириш мақсадида команда-штаб, тактика-маҳсус ва комплекс ўқув машқлари ва машғулотлар мунтазам ўтказилади.

Уч кеча-кундузгача давом этадиган команда-штаб ўқув машқлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимиюти ва бошқаруви органларида 5 йилда бир марта, шаҳарлар ва туманларда 3 йилда бир марта ўтказилади.

Команда-штаб ўқув машқлари ёки машғулотлар вазирликлар ва идораларда, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда бир йилда бир марта ўтказилади ва бир кеча-кундуз давом этади.

Команда-штаб ўқув машқларини ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тўғридан-тўғри ва оператив бўйсунадиган ҳарбий қисмлар ва авария-кўтқариш кучларининг оператив гуруҳлари белгиланган тартибда жалб этилиши мумкин.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар қўшилмаларининг олти соатгача давом этадиган тактика-маҳсус ўқув машқлари 3 йилда бир марта, тайёргарлиги оширилган қўшилмалари билан ҳар йили ўтказилади.

Икки кеча-кундузгача давом этадиган комплекс ўқув машқлари ходимлар сони 300 дан ортиқ бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ҳамда 600 дан ортиқ ўринга эга бўлган даволаш-профилактика муассасаларида 3 йилда бир марта ўтказилади.

Бошқа ташкилотларда 6 соатгача давом этадиган машғулотлар 3 йилда бир марта ўтказилади.

Умумий ўрта таълим мактаблари ҳамда бошланғич, ўрта ва олий касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари билан машғулотлар ҳар йили ўтказилади.

8. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлмаган аҳолини тайёрлаш фавқулодда вазиятлардан муҳофазаланиш масалалари бўйича сұҳбатлар ўтказиш, лекциялар ўқиш, ўқув фильмлари кўриш, яшаш жойида ўқув машқлари ва машғулотларга жалб этиш, шунингдек, қўлланмалар ва эслатмаларни мустақил ўрганиш, радио эшииттиришларни тинглаш, теледастурларни кўриш орқали амалга оширилади.

**9. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фавқулодда вазиятлар соҳасида аҳолининг тайёргарлигига ташкилий-услубий раҳбарликни, ишларни мувофиқлаштириш ва назоратни амалга оширади, шунингдек, Фуқаро муҳофазаси институтида ва Фавқулодда вазиятлар бўйича раҳбарлар таркибини тайёрлаш ҳудудий марказларида ўқитиш дастурлари ҳажми ва даврийлигини белгилайди.**

**10. Фавқулодда вазиятлардан ҳимояланиш соҳасида ўқув машқларига ва машғулотларга жалб қилинадиган фуқаролар:**

ўқув машқлари ва машғулотлар давомида ўзлари дуч келиши мумкин бўлган вазиятлар тўғрисида хабардор қилиш;

ўқув машқлари ва машғулотларда соғлиғига етказилган зарар учун компенсация олиш;

ўқув машқлари ва машғулотларга қатнашиш даврида ўқув машқлари ва машғулотларни режалаштирувчи ва ўтказувчи ташкилотлар ҳисобига иш жойида ўртача иш ҳақи сақлаб қолиниши ҳукуқига эга бўладилар.

**11. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари раҳбарлари ва мутахассисларини тайёрлашни, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ўтказиладиган фавқулодда вазиятлардан муҳофазаланиш соҳасидаги ўқув машқлари ва машғулотлар ташкил этилишини маблағ билан таъминлаш давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилади.**

Ҳудудий ҳарбийлаштирилмаган қўшилмалар таркибида раҳбарларни тайёрлаш ва ходимларни ўқитиш, маҳаллий ўзини бошқариш, органлари томонидан ўтказилаётган ўқув машқлари ва машғулотлар, шунингдек, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлмаган аҳолини ўқитиш маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг**

**Қ А Р О Р И**

**«Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирун, вазирликликлар ва идоралар ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишилари ва бекор қилишларини таъминлансан.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлисининг Раиси**

**Э. ҲАЛИЛОВ**

**Тошкент шаҳри,  
2000 йил 26 май**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ

## Қ О Н У Н И

### «ФУҚОРО МУҲОФАЗАСИ ТЎҒРИСИДА»

Ушбу қонун фуқоро муҳофазаси соҳасидаги асосий вазифаларни, уларни амалга оширишнинг ҳукуқий сосларини, давлат органларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг (бундан бўён матнда ташкилотлар деб юритилади) ваколатларини, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳукуқлари ва мажбуриятларини, шунингдек, фуқаро муҳофазаси кучлари ва воситаларини белгилайди.

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

### 1-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу қонунда куйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**Фуқаро муҳофазаси** — ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш пайтида ёки шу ҳаракатлар оқибатида юзага келадиган хавфлардан Ўзбекистон Республикаси аҳолисини, ҳудудларини, моддий ва маданий бойликларини муҳофаза қилиш мақсадида ўтказиладиган тадбирларнинг давлат тизими;

**Фуқаро муҳофазаси хизмати** — фуқаро муҳофазаси маҳсус тадбирларини бажариш, фуқаро муҳофазаси тузилмаларининг ҳаракатларини таъминлаш учун кучлар ва воситаларни тайёрлаш мақсадида тузилган функционал бўлинмалар мажмуи;

**Ҳимоя иншоотлари** — аҳолини ва ишлаб чиқариш ходимларини замонавий қирғин воситаларидан муҳофаза қилишга маҳсус мўлжалланган муҳандислик иншоотлари мажмуи;

**Фуқаро муҳофазаси кучлари** — қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни амалга ошириш учун тузиладиган фуқаро муҳофазаси ҳарбий қисмлари, умумий ва маҳсус ҳудудий, функционал ва объект тузилмалари.

### 2-модда. Фуқаро муҳофазаси вазифалари

Фуқаро муҳофазаси вазифалари куйидагилардан иборат:

аҳолини ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш пайтида ёки шу ҳаракатлар оқибатида юзага келадиган хавфлардан ҳимояланиш усулларига ўргатиш;

объектларни ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш пайтида ёки шу ҳаракатлар оқибатида юзага келадиган хавфлардан ҳимоялаш ҳаракатлари ва усулларига тайёрлаш;

бошқарув, хабар бериш ва алоқа тизимларини ташкил қилиш, ривожлантириш ва доимий шай ҳолатда сақлаб туриш;

Халқ ҳўжалиги объектларининг барқарор ишлашини таъминлаш юзасидан тадбирлар комплексини ўтказиш;

аҳолини, моддий ва маданий бойликларни хавфсиз жойларга эвакуация қилиш;

фуқаро муҳофазаси ҳарбий тузилмаларининг шайлигини таъминлаш;

аҳолини умумий ва якка муҳофазаланиш воситалари билан таъминлаш тадбирларини ўтказиш:

аҳолининг ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш пайтидаги ёки шу ҳаракатлар оқибатидаги ҳаёт фаолиятини таъминлаш;

радиацион, кимёвий ва биологик вазият устидан кузатиш ва лаборатория назорати олиб бориш:

кутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни ўтказиш;

ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш пайтида ёки шу ҳаракатлар оқибатида зарар кўрган ҳудудларда жамоат тартибини йўлга қўйиш ва сақлаб туриш;

аҳолини ва ҳудудларни муҳофaza қилиш юзасидан бошқа тадбирларни амалга ошириш.

### **3-модда. Фуқаро муҳофазаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Фуқаро муҳофазаси тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг фуқаро муҳофазаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

### **4-модда. Фуқаро муҳофазаси соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Фуқаро муҳофазаси соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

### **5-модда. Фуқаро муҳофазаси соҳасидаги халқаро ҳамкорлик**

Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан фуқаро муҳофазаси соҳасидаги ҳамкорлигига давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан халқаро шартномалар ва қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

## **II. ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИГА РАҲБАРЛИК ҚИЛИШ, ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ СОҲАСИДАГИ ВАКОЛАТЛАРИ**

### **6-модда. Фуқаро муҳофазасига раҳбарлик қилиш**

Ўзбекистон Республикаси фуқаро муҳофазасига умумий раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири мамлакат фуқаро муҳофазасининг бошлиғидир.

Ўзбекистон Республикаси фуқаро муҳофазасини бошқариш Ўзбекистон Республикасининг Фавқулодда вазиятлар вазирлиги зиммасига юкланди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳудудларида фуқаро муҳофазасига раҳбарлик қилишни тегишли лавозимга кўра фуқаро муҳофазасининг бошлиғи бўлган Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари амалга оширадилар.

Вазирликлар, идоралар ва ташкилотларда фуқаро муҳофазасига раҳбарлик қилишни уларнинг лавозимига кўра мазкур органлар ва ташкилотлар фуқаро муҳофазасининг бошлиғи бўлган раҳбарлари амалга оширадилар.

Фуқаро муҳофазаси бошлиғи ўз ваколатлари доирасида қуидаги ҳукуқларга эга

фуқаро муҳофазасининг тегишли режаларини жорий этиш; аҳолини, моддий ва маданий бойликларни хавфсиз жойларга эвакуация қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

фуқаро муҳофазаси бўйича директивалар, буйруқлар, қарорлар ва фармойишлар чиқариш;

ўз тасаррӯфидаги ҳудудлар ҳамда ташкилотларнинг кучлари ва воситаларини фуқаро муҳофазаси соҳасидаги тадбирларни ўтказишига жалб этиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Фуқаро муҳофазаси бошлиқларининг аҳолини ва ҳудудларни муҳофаза қилиш масалалари бўйича директивалари, буйруқлари, қарорлари ва фармойишлари барча ташкилотлар, шунингдек, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун бажарилиши мажбурийдир.

Аҳолини ва ҳудудларни замонавий қирғин воситалари қўлланилиши оқибатларидан муҳофаза қилиш ва фуқаро муҳофазаси соҳасидаги тадбирларни амалга оширишга оид ҳаракатларни мувофиқлаштириш тегишли ҳудудлар, тармоқлар ва ташкилотларнинг фуқаро муҳофазаси бошлиқлари зиммасига юкланди.

### **7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фуқаро муҳофазаси соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

фуқаро муҳофазаси соҳасида ягона давлат сиёсатини ўтказилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси фуқаро муҳофазаси режасини тасдиқлайди;

фуқаро муҳофазасини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини, уларнинг молиявий ва моддий-техника таъминоти тартибини тасдиқлайди;

тинчлик даврида ва уруш даврида давлат иқтисодий фаолият кўрсатиш барқарорлигини таъминлаш тадбирларини ишлаб чиқилишига ва ўтказилишига раҳбарлик қиласди;

ҳудудларни уларда яшайтган аҳоли сонига ва давлат иқтисодиётida муҳим рол йўновчи ёки аҳоли хавфсизлигига таъсир кўрсатувчи ташкилотлар мавжудлигига кўра фуқаро муҳофазаси бўйича гурухларга, шунингдек, ташкилотларни давлат иқтисодиётидаги роли ва аҳоли хавфсизлиги таъсирига кўра фуқаро муҳофазаси бўйича тоифаларга киритиш тартибини белгилайди;

фуқаро муҳофазаси тизимини уруш даври шароитига ўтказиш, эвакуация тадбирларини амалга ошириш тартибини белгилайди;

ҳимоя иншоотларини ва фуқаро муҳофазаси бошқа объектларини барпо этиш тартибини, шунингдек, якка муҳофазаланиш воситалари, моддий-техника, озиқ-овқат, тиббий ва бошқа хил воситалар захираларини саклаш ва улардан фойдаланиш шартларини белгилайди;

давлат органлари ва ташкилотларини фуқаро муҳофазаси соҳасидаги фаолияти устидан назоратни амалга оширади;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

### **8-модда. Фуқаро муҳофазаси соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат бошқарув органи**

Фуқаро муҳофазаси соҳасидаги маҳсус ваколатли давлат бошқарув органи Ўзбекистон Республикаси **Фавқулодда вазиятлар вазирлигидир**.

**Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фуқаро муҳофазасини ривожлантириш ва тақомиллаштиришнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқади;**

**ўз ваколати доирасида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қиласди;**

**Ўзбекистон Республикаси фуқаро муҳофазаси режаси лойиҳасини ишлаб чиқади;**

**ҳарбий қисмлар ва фуқаро муҳофазаси тузилмалари бошқарилишини ташкил этади;**

**фуқаро муҳофазаси эҳтиёжларини кўзлаб зарур курол-аслахалар, техника, муҳофазаланиш воситалари ва бошқа моддий-техника воситалари етказиб берилиши учун давлат буортмаси лойиҳасини шакллантиради;**

**хабар беришни ташкил этиш ва фуқаро муҳофазаси тизимини шай ҳолатга келтириш бўйича директив ҳужжатлар ишлаб чиқади;**

**фуқаро муҳофазаси кучлари ва воситаларининг жанговарлик ҳамда сафарбарлик тайёргарлигини таъминлайди;**

**шахсий таркиб ва аҳоли фуқаро муҳофазаси соҳасида ўргатилишини ташкил этади;**

**фуқаро муҳофазаси тадбирлари бажарилиши устидан давлат назоратини амалга оширади;**

**қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.**

## **9-модда. Вазирликлар ва идораларнинг фуқаро муҳофазаси соҳасидги ваколатлари**

### **Вазирликлар ва идоралар:**

**фуқаро муҳофазасининг тегишли режаларини ишлаб чиқадилар ва уларнинг амалга оширилишига раҳбарлик қиласдилар;**

**ходимлар замонавий қирғин воситаларидан ҳимояланиш усулларига ва уруш даври шароитидаги ҳаракатларга тайёрланиши ва ўргатилишини ташкил этадилар;**

**замонавий қирғин воситалари таҳдид солгандан ва қўлланилганда тармоқ ходимларини муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширадилар;**

**уруш даврида тармоқ ва ҳалқ ҳўжалиги обьектлари барқарор ишлashingни таъминлаш тадбирларини ишлаб чиқадилар ва амалга оширадилар;**

ташкилотларни хавфсиз зоналарга эвакуация қилиш режалари ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини ташкил этадилар;

фуқаро муҳофазаси моддий-техника, тиббий ва бошқа хил воситалар захираларини яратадилар ҳамда уларнинг тўпланиши, сақланиши, янгилаб борилиши ва қўлланишга шай ҳолатда сақлаб турилиши устидан назоратни амалга оширадилар;

тармоқ фуқаро муҳофазаси аҳволи тўғрисида белгиланган тартибда ахборот тақдим этадилар;

фуқаро муҳофазаси соҳасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорлик қиласидилар;

хабар бериш тизимини, умумий ва якка муҳофазаланиш воситаларини вужудга келтирадилар ҳамда уларни доимий шай ҳолатда сақладайдилар;

фуқаро муҳофазасининг ҳолатини назорат қилиб борадилар;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширадилар.

#### **10-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фуқаро муҳофазаси соҳасидаги ваколатлари**

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

фуқаро муҳофазаси режаларини ишлаб чиқадилар ва уларнинг тегишли ҳудудда амалга оширилишига раҳбарлик қиласидилар;

тегишли ҳудуддаги ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан фуқаро муҳофазаси тадбирларининг бажарилишини ташкил этадилар ва назорат қилиб борадилар;

фуқаро муҳофазаси қучлари ва воситалари тайёрланишини ҳамда шай ҳолатда сақлаб турилишини таъминлайдилар;

ташкилотлар раҳбарлари ва аҳолининг замонавий қирғин воситалари қўлланилган пайтдаги ҳимояланиш усулларига ўргатилишини ташкил этадилар;

замонавий қирғин воситалари қўлланилган шароитда аҳоли ҳаёт фаолиятининг таъминланишини кафолатловчи фуқаро муҳофазасига оид мол-мулқ, моддий-техника, озиқ-овқат, тиббий ва бошқа хил захиралар ҳажмларини белгилайдилар ҳамда уларнинг тўпланиши, сақланиши, янгилаб борилиши ва шай ҳолатда сақлаб турилиши учун жавоб берадилар;

уруш даврида, идоравий бўйсунувидан қатъи назар, ташкилотларнинг барқарор ишлашини таъминлаш тадбирларини ташкил этадилар ва амалга оширадилар;

фуқаро муҳофазаси соҳасида ахборотлар йигиш ва алманишни, шунингдек, замонавий қирғин воситаларининг қўлла-

нилиш таҳдиди ёки қўлланилганлиги тўғрисида аҳолини ўз вақтида хабардор қилинишини таъминлайдилар;

аҳолини эвакуация қилиш ва бўлиб-бўлиб жойлаштиришга, унинг хавфсиз зоналарга ўрнашиб олишига тайёргарлик кўриш ҳамда шу ишларни ташкил этиш, даволаш муассасалари ва бошқа ташкилотлар ишини йўлга қўйиш тадбирларини амалга оширадилар;

кутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни ташкил этадилар ва амалга оширадилар, ўз тасарруфларидағи ҳудудда жамоат тартиби сақланишини таъминлайдилар;

қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширадилар.

### **11-модда. Ташкилотларнинг фуқаро муҳофазаси соҳасидаги ваколатлари**

Ташкилотлар ўз ваколатлари доирасида:

фуқаро муҳофазаси тадбирларини режалаштирадилар ва амалга оширадилар;

уруш даврида барқарор ишлашни таъминлаш тадбирларини амалга оширадилар;

ўз ходимларини ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш пайтида ёки шу ҳаракатлар оқибатида вужудга келадиган хавфлардан ҳимояланиш усулларига ўргатишни амалга оширадилар;

хабар бериш маҳаллӣ тизимларини яратадилар ва уларни фойдаланишга доимо шай ҳолатда сақлаб турадилар:

ходимларга фуқаро муҳофазаси соҳасидаги ўз мажбуриятларини бажаришлари учун зарур шароит яратадилар;

моддий-техника, тиббий ва бошқа хил воситаларнинг захираларини яратадилар.

Потенциал хавфли ишлаб чиқариш обьектларига эга бўлган, шунингдек, муҳим мудофаа ва иқтисодий аҳамиятга молик ташкилотлар фуқаро муҳофазаси тузилмаларини яратадилар ва уларни доимо шай ҳолатда сақлаб турадилар. Бундай ташкилотларни белгилаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан жорий этилади.

### **12-модда. Фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг фуқаро муҳофазаси соҳасидаги иштироки**

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари:

фуқароларнинг замонавий Қирғин воситалари қўлланилган пайтдаги ҳимояланиш усулларига ўргатилишига кўмаклашадилар;

ҳарбий ҳаракатлар олиб борилиши билан боғлиқ ёки шу ҳаракатлар оқибатида хавфларнинг юзага келиши таҳдид этган тақдирда тегишли ҳудуддаги фуқаролар хабардор қилинишини ташкил этадалар;

аҳолининг ҳаёт фаолияти таъминланиши соҳасида тадбирлар тайёрланиши ва бажарилишини амалга оширадилар;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тадбирларни амалга оширадилар.

## **Ш. ФУҚАРОЛАРНИНГ ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

### **13-модда. Фуқароларнинг фуқаро муҳофазаси соҳасидаги ҳуқуқлари**

**Фуқаролар қўйидаги ҳуқуқларга эга:**

ўз ҳаёти, соғлиги ва мол-мулки ҳарбий ҳаракатлардан муҳофазаланиши;

умумий ва якка муҳофазаланиш воситаларидан текин фойдаланиш;

ҳарбий ҳаракатлар кечәётган жойларда ўзлари йўлиқишлари мумкин бўлган хавф даражаси ва зарур хавфсизлик чоралари тўғрисида аҳборот олиш.

Фуқаролар фуқаро муҳофазаси соҳасида қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин. Ҳарбий ҳаракатлардан жабрланганларга уларнинг ҳаёт фаолиятини таъминлаш учун шароитлар яратилади, тиббий, моддий-мoliaвий ва бошқа хил ёрдам кўрсатилади.

### **14-модда. Фуқароларнинг фуқаро муҳофазаси соҳасидаги мажбуриятлари**

**Фуқаролар:**

ушбу қонунга ва фуқаро муҳофазаси соҳасидаги бошқа қонун ҳужжатларига риоя қилишлари;

фуқаро муҳофазаси тадбирларини бажаришда иштирок этишлари ва тегишли тайёргарликдан ўтишлари;

фуқаро муҳофазаси сигналларини, умумий ва якка муҳофазаланиш воситаларидан фойдаланиш қоидаларини билишлари;

жабрланганларга дастлабки тиббий ва бошқа хил ёрдам кўрсатишни билишлари;

давлат органларига, шунингдек, ташкилотларга фуқаро муҳофазаси соҳасидаги вазифаларни ҳал этишда қўмаклашишлари; фуқаро муҳофазаси обьектлари ва мол-мулкини асраб-авайлашлари шарт.

Фуқаро муҳофазаси соҳасида фуқароларнинг зиммасида қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

**15-модда. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг фуқаро муҳофазаси соҳасидаги хукуқ ва мажбуриятлари**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар фуқаро муҳофазаси соҳасида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг хукуқларга эга бўладилар ва мажбуриятларни бажарадилар.

**16-модда. Аҳоли ва мутахассисларни фуқаро муҳофазаси соҳасида тайёрлаш**

Умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртлари, ишлаб чиқариш ва яшаш жойларда аҳолини фуқаро муҳофазаси соҳасида ўргатиш умумий ва мажбурийдир.

Фуқаро муҳофазаси соҳасида раҳбарлар ва мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш малака ошириш муассасалари, маҳсус ўқув-услубиёт марказларида, курсларда, шунингдек, иш жойида амалга оширилади.

Фуқаро муҳофазаси соҳасидаги билимларни тарғиб этиш давлат органлари, шунингдек, одамларни муҳофаза қилиш ва қутқариш борасидаги тегишли жамоат бирлашмалари томонидан таъминланади. Билимларни тарғиб этиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш мумкин.

#### **IV. ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ ХИЗМАТЛАРИ ВА КУЧЛАРИ**

**17-модда. Фуқаро муҳофазаси хизматлари**

Фуқаро муҳофазаси маҳсус тадбирлари бажарилишини таъминлаш ҳамда ушбу мақсадларда куч ва воситаларни тайёрлаш учун республика, вилоят, туман, шаҳар, шунингдек, обьект фуқаро муҳофазаси хизматлари ташкил этилади.

**Фуқаро мұхофазаси хизматларининг рўйхати, шунингдек, улар тўғрисидаги низомлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.**

### **18-модда. Фуқаро мұхофазаси кучларининг таркиби**

Фуқаро мұхофазаси кучлари фуқаро мұхофазаси қўшинлари, тузилмаларидан таркиб топади.

Фуқаро мұхофазаси кучлари ва воситалари таркиби, унинг таркибий тузилиши, шунингдек, фуқаро мұхофазаси тузилмали фаолиятининг бошқа масалалари Ўзбекистон Республикаси фуқаро мұхофазаси бошлиги томонидан белгилаб қўйилади.

Фуқаро мұхофазаси вазифаларини ҳал этиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг қутқарув тузилмалари, қисмлари, бўлинмалари ҳам жалб этилиши мумкин.

### **19-модда. Фуқаро мұхофазаси қўшинлари**

Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг фуқаро мұхофазаси қўшинлари Ўзбекистон Республикаси фуқаро мұхофазаси кучларининг асосини ташкил этади.

Фуқаро мұхофазаси қўшинларининг уруш давридаги асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

зараrlаниш ўчоқларида ва заҳарланиш зоналарида муҳандислик, радиацион, кимёвий ва бошқа қидирув турларини олиб бориш;

кутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни амалга ошириш;

аҳолини ва ҳалқ ҳўжалиги обьектларини эвакуация қилишда иштирок этиш;

аҳоли ҳаёт фаолиятини таъминлаш, обьектларни тиклаш ишларини амалга оширишда иштирок этиш ҳамда фуқаро мұхофазасининг бошқа вазифаларини бажариш.

Фуқаро мұхофазаси қўшинларининг фаолияти, уларни бутлаш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

### **20-модда. Фуқаро мұхофазаси тузилмалари**

Фуқаро мұхофазаси тузилмалари қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни амалга ошириш учун ҳудудий-ишлаб чиқариш принципига кўра ташкил этилади.

### **Фуқаро муҳофазаси тузилмалари:**

бўйсунувига кўра — ҳудудий (вилоятлар, туманлар ва шаҳарлардаги) ҳамда обьект (халқ ҳўжалиги обьектларидағи) тузилмаларига;

белгиланган вазифасига кўра — умумий мақсаддаги (зараrlаниш ўчоқларида қутқарув ишларини олиб бориш учун) тузилмаларга ва маҳсус тадбирларни бажарувчи хизматлар (қидирав ишларини олиб бориш, тиббий ёрдам кўрсатиш, ёнғинларнинг тарқалишига йўл қўймаслик ва уларни ўчириш, жамоат тартибини сақлаш ва ҳоказо) тузилмаларига бўлинади.

Фуқаро муҳофазаси тузилмаларига Ўзбекистон Республикаси фуқаролари: 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркаклар, 18 ёшдан 55 ёшгача бўлган аёллар қабул қилинади, сафарбарлик кўрсатмасига эга бўлган ҳарбий хизматта мажбурлар, I, II, III гурӯҳ ногиронлари, ҳомиладор аёллар, саккиз ёшга тўлмаган болалари бор аёллар, шунингдек, уч ёшга тўлмаган болалари бор, ўрта ёки олий тиббий маълумотли аёллар бундан мустасно.

## **V. ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИНИ МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНЛАШ. ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ ОБЪЕКТЛАРИ ВА МОЛ-МУЛКИ**

### **21-модда. Фуқаро муҳофазасини молиялаш**

Фуқаро муҳофазасини молиялаш вазирликлар, идоралар ва улар тасарруфидаги бюджетдаги ташкилотларда, вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда тегишлича республика ёки маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан, ташкилотларда эса ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Фуқаро муҳофазасини молиялаш ижтимоий фонdlарнинг маблағлари, фуқароларнинг ихтиёрий бадаллари ва бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

### **22-модда. Фуқаро муҳофазаси қўшинларининг асосий фондлари**

Ҳарбий шаҳарчаларнинг турар жойлари ва иморатлари, фуқаро муҳофазаси ҳарбий қисмларининг ўқув-моддий базаси обьектлари, моддий ва техник воситалари давлат мулки бўлиб, фуқаро муҳофазаси қўшинларининг асосий фондларини ташкил этади. Фуқаро муҳофазаси қўшинлари қўрсатиб ўтилган ва ўзларига ажратилган бошқа мол-мулкка нисбатан тезкор бошқарув ҳукуқидан фойдаланадилар.

Фуқаро муҳофазаси қўшиларини жойлаштириш ва уларнинг доимий фаолияти учун ер участкалари, жойлар, омборлар ва бошқа обьектлар тегишли давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан уларга доимий ёки вақтингчалик фойдаланиш учун берилади.

### **23-модда. Фуқаро муҳофазаси обьектлари ва мол-мулки**

Фуқаро муҳофазаси обьектлари ва мол-мулки жумласига қуйидагилар киради:

давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ҳимоя иншотлари ҳамда ер усти бинолари комплексига эга бўлган бошқарув пунктлари;

фуқаро муҳофазасининг алоҳида ва туташ қурилган ҳимояланиш, радиациядан сақланиш жойлари;

мол-мулк ва техника сақланадиган омборхона бинолари;

якка муҳофазаланиш воситалари, радиацион, кимёвий қидирав ва дозиметрик назорат приборлари;

алоқа ва хабар бериш воситалари;

давлат мулки бўлган, шунингдек, фуқаро муҳофазаси мақсадида фойдаланиш учун ташкилотларнинг маблағлари ҳисобига яратилган ёки сотиб олинган бошқа моддий-техника воситалари.

Фуқаро муҳофазаси тадбирларини таъминлаш учун давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, ташкилотлар томонидан фуқаро муҳофазаси мол-мулки захиралари яратилади.

Ташкилотларнинг бошқарув таркибий тузилмалари ва хўжалик юритиш фаолияти шакллари ўзгарган тақдирда, улар зиммасида фуқаро муҳофазаси обьектлари ва мол-мулкидан белгиланган мақсадда фойдаланиш, шунингдек, бундай обьектлар ҳамда мол-мулкларни ҳосил этиш ва тўплаш топшириқлари қолаверади.

Фуқаро муҳофазаси обьектларини барпо этиш ва мол-мулкидан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

# МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ .....</b>	<b>3</b>
<b>I БОБ</b>	
<b>ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДА ФУҚАРО</b>	
<b>МУҲОФАЗАСИ .....</b>	<b>5</b>
Фуқаро муҳофазаси ҳақида умумий тушунча .....	5
Фавқулодда вазиятлар, унинг сабабчи омиллари ва хусусиятлари .....	8
Фавқулодда вазиятнинг тавсифи .....	14
Фуқаро муҳофазасининг вазифалари .....	17
— Фуқароларнинг фуқаро муҳофазаси соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари .....	18
Фуқаро муҳофазасининг ҳалқ ҳўжалиги тармоқларида ташкил этилиши .....	19
<b>II БОБ</b>	
<b>ЗАМОНАВИЙ ҚИРГИН ҚУРОЛЛАРИ, УЛАРНИНГ ТАҶСИР ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ТАЛАФОТЛАРИ .....</b>	<b>28</b>
Қиргин қуроллари ҳақида тушунча .....	28
Ядрорий қуроллар ва уларнинг хусусиятлари .....	29
Ядро портлатишнинг турлари .....	30
Ядрорий портлашнинг иккиламчи таҷсир факторлари .....	39
Кимёвий қуролларнинг турлари ва хусусиятлари .....	40
Биологик қуроллар ва уларнинг хусусиятлари .....	44
Оддий ҳужум воситалари .....	49
<b>III БОБ</b>	
<b>ЎЗБЕКИСТОНДА КУЗАТИЛАДИГАН ТАБИИЙ ОФАТЛАР ВА УЛАРНИНГ ОҚИБАТЛАРИ .....</b>	<b>52</b>
Табиий оғатлар ҳақида маълумот .....	52
— Ер силкениши ва унинг оқибатлари .....	54
Зилзиланинг кучини баҳолаш .....	57
Иморатларга, иншоотларга ер силкенишининг таъсири ва хусусиятлари .....	61
Ер силкениш оқибатларини тутатиш чора-тадбирлари ....	63
— Сув тошқини ва унинг талофатлари .....	67
Ер сурилиши, унинг сабаблари ва талафотлари .....	71
Ер сурилишларининг олдини олиш усуслари .....	74

Кучли шамол, қурғоқчилик ва унинг оқибатлари .....	75	
<u>Сел, унинг хусусиятлари ва талафотлари .....</u>	<u>77</u>	
<b>IV БОБ</b>		
<b>ИШЛАБ ЧИҚАРИШ АВАРИЯЛАРИ, ФОЖИАЛИ ҲОДИСАЛАР (КАТАСТРОФАЛАР) ВА УЛАРНИНГ ОҚИБАТЛАРИДАН ҚУТИЛИШ ЧОРАЛАРИ .....</b>		<b>81</b>
Ишлаб чиқарыш жараёнларидаги авариялар .....	81	
Тез таъсир этувчи заҳарли моддалар билан шикастланганда халқнинг хатти-ҳаракатлари .....	87	
Фожиали ҳодиса (катастрофа) ва унинг оқибатлари .....	89	
Авария ва фожиали ҳодисаларни келтириб чиқарадиган омиллар .....	91	
<b>V БОБ</b>		
<b>РАДИАЦИЯВИЙ ВА КИМЁВИЙ ҲОЛАТЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА БАҲОЛАШ .....</b>		<b>95</b>
Радиациявий ҳолат тушунчаси ва уни аниқлаш .....	95	
Кимёвий ҳолатни аниқлаш ва баҳолаш .....	102	
КТЗМ қўлланиладиган обьектлардаги аварияда кимёвий ҳолатни баҳолаш .....	103	
Шахсий дозиметрлар жамламаларининг асосий техник маълумотлари ва вазифалари .....	110	
Кимёвий разведка асбоблари .....	113	
Ҳаводаги заҳарли моддаларни аниқлаш .....	115	
Заҳарли моддаларни тупроқ ва сочишувчи материалларда аниқлаш .....	117	
Жойларда, кийимларда ва ҳар хил предметларда 3Мларни аниқлаш .....	117	
Медицина-ветеренария хизматлари кимёвий .....	118	
разведка асбоби (ПХР-МВ) .....	118	
<b>VI БОБ</b>		
<b>ФУҚАРОЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ АСОСЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ .....</b>		<b>120</b>
Фуқароларни фавқулодда вазият ҳақида огоҳлантириш	121	
Радиация ва кимёвий таъсирларга қарши омиллар .....	122	
Фуқароларни ҳимоя иншоотларида сақлаш .....	124	
Хавфли зонадан хавфсиз зонага эвакуация қилиш .....	130	

<b>ШАХСИЙ САҚЛОВЧИ ВОСИТАЛАР ЁРДАМИДА ФУҚАРОЛАРНИ САҚЛАШ .....</b>	131
<b>ОЗИҚ-ОВҚАТ, СУВ, ДОН ВА УЙ ҲАЙВОНЛАРИНИ ЗААРЛАНИШДАН САҚЛАШ .....</b>	138
 <b>VII БОБ</b>	
<b>ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТЛАРДА ҲАЛҚ ХҮЖАЛИГИ ТАРМОҚЛАРИДА ҚУТҚАРУВ ВА БИРЛАМЧИ ТИКЛАШ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ .....</b>	141
Кутқарув ва бирламчи тиклов ишларининг ташкилий асослари .....	141
ҚБТИ ишларини шикастланган ўчоқда олиб бориш усуллари .....	144
Заараланган материалларга маҳсус қайта ишлов бериш .	148
Иш жойларини, уйларни, озиқ-овқатларни заарисизлантириш .....	151
Табиий оғат, авария ва фожиаларда талафот кўрганларга <u>тиббий ёрдам ташкил этиши</u> .....	152
 <b>VIII БОБ</b>	
<b>ҲАЛҚ ХҮЖАЛИГИ ТАРМОҚЛАРИ БАРҚАРОР ИШЛАШИННИНГ АСОСЛАРИ .....</b>	161
Фавқулодда вазиятларда ҳалқ хўжалиги тармоқларининг барқарорлиги .....	161
Фавқулодда вазиятларда ҳалқ хўжалиги тармоқларининг барқарорлигини таъминлаш услублари .....	162
Ҳалқ хўжалиги тармоқларининг барқарор ишларини ошириш омиллари .....	164
 <b>IX БОБ</b>	
<b>АҲОЛИНИ, ФВДТ КУЧ ВА ВОСИТАЛАРИНИ ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРГА ТАЙЁРЛАШ .....</b>	170
Аҳолини, ФВДТ куч ва воситаларини ФВ руҳида муҳофазага тайёрлаш .....	170
Фуқаролар муҳофазасининг амалий машгулотларини тайёрлаш ва ўтказиш .....	174
Шартли белгилар .....	182
Фойдаланган адабиётлар .....	183
Иловалар .....	185
Мундарижа .....	221

Миразим Тожиев, Исломжон Неъматов, Маҳмуд Илҳомов

# **ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВА ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ**

Тошкент – 2002

Нашр учун масъул *Н. Ҳалилов*  
Таҳририят мудири *М. Миркомилов*  
Муҳаррир *Ж. Тўрахонов*  
Баддий муҳаррир *О. Эсанова*  
Тех.муҳаррир *Ж. Бекиева*  
Мусаҳҳиха *А. Мединова*

Босишига рухсат этилди: 25.03.2002 й.  
Бичими 84x108 1/, Нормал. Офсет қоғози. Шартли  
босма табоби 14,5. Нашр табоби 14,0  
Адади 1000. Буюртма 64.

Андози нусхаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрга  
максус таълим вазирлигининг «ЎАЖБНТ» Маркази  
компьютер бўлимида тайёрланди.

М.Ч „Таълим манбай“ жамияти, 700078,  
Тошкент, Мустақиллик майдони, 5  
«Атпаринт» МЧЖ босмахонасида босилди.  
Тошкент, Ҳ. Байқаро, 51.

